



Ў. А. СУЛТОНОВ

МУҲАММАД СОЛИҲҲУЖА  
ВА УНИНГ «ТАРИХИ  
ЖАДИДАИ ТОШКАНД»  
АСАРИ



МУҲАММАД СОЛИҲҲУЖА ВА УНИНГ  
«ТАРИХИ ЖАДИДАИ ТОШКАНД» АСАРИ

Ў. А. СУЛТОНОВ

“O‘ZBEKISTON”

ISBN 978-9943-01-077-2



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



Ў. А. СУЛТОНОВ

МУҲАММАД СОЛИҲҲЎЖА  
ВА УНИНГ «ТАРИХИ  
ЖАДИДАИ ТОШКАНД»  
АСАРИ

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2009

Масъул муҳаррир  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, т.ф.д.

**А. ҲРИНБОУ**

Тақризчилар  
т.ф.д., проф. **Ш. ВОҲИДОВ**,  
т.ф.н., доц. **О. БҲРИЕВ**

Муҳаррирлар  
**К. БҲРОНОВ, Б. ХУДОЁРОВА**

Тўлдирилган иккинчи нашр

Ёш олим, тарих фанлари номзоди Ҳқтамбек Султонов қаламига мансуб мазкур рисолада Тошкент шаҳрининг XIX асрдаги маданий-маънавий ҳаёти ўша даврда Тошкентда яшаб ўтган муаррих Муҳаммад Солиххўжа Тошқандийнинг «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Тошкентнинг XIX асрдаги маданий-маънавий тарихи ўша даврларда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли монографияда ўз даврининг маърифатпарвар кишиларидан бўлган Муҳаммад Солиххўжа ҳаёти, унинг «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари ҳамда Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётига доир маълумотлар умумийликда ёритилган.

ISBN 978-9943-01-077-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2009.

## КИРИШ

Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этник тарихи Фарб ва Шарқнинг кўплаб олимлари эътиборини тортиб келгани билан бирга миллий қадриятлар ва анъаналарни ўзида мужассам қилган ушбу тарих баркамол авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқ зарур.

Ўзбекистон тарихининг маълум бир қисми ўтмишда яратилган тарихий асарларда ўз аксини топган бўлиб, айни пайтда мазкур манбаларнинг бир қисми ҳали илмий муомалага киритилмаган ва уларни ўрганиш кун тартибидаги долзарб мавзулар қаторида турибди. Чунончи, Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари ҳам ҳозиргача тўлиқ ўрганилмай келаётган Қўқон тарихнавислигига мансуб йирик тарихий асардир. Мазкур асарнинг илмий қадр-қиммати шундаки, у бугунги кунда Тошкент тарихига доир ноёб тарихий асарлардан биридир.

Тошкент қадимдан Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган шаҳарлардан бири бўлиб, унинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи археологик топилмалар ҳамда ёзма манбалар асосида анча яхши ўрганилган. Умуман олганда, Тошкент тарихи акс этган ёзма манбалар икки минг йиллик тарихга эга. Жумладан, мил. ав. II асрга оид Хитой манбаларида «Лоюни»,

«Юни», «Чже-ши», «Ши» каби номлар билан тилга олинган бўлса, милодий III асрга оид Хитой солномасида Ши ҳукмдорининг Яоша (дарёси) бўйидаги қароргоҳи айланаси 10 ли (5 км) эканлиги қайд этилади. Тошкент Сосонийлар (216–651) шаҳаншоҳи Шопур I (243–273) фармони билан 262 йилда ёзилган «Зардушт каъбаси»даги битикларда ҳамда III–VII асрлар сўғдий манбаларида ва Турк хоқонлигида зарб қилинган тангалардаги туркий ёзувларда «Чоч» шаклида тилга олинади.

IX–XII асрларга мансуб араб-форс манбаларида ҳозирги Тошкент воҳасида маданияти ва хўжалиги бир-бирига яқин бўлган иккита тарихий вилоят – «Чоч» («Жож», кейинроқ «Шош») ва «Илоқ» тилга олинади. Илоқнинг марказий шаҳри Тўнкат, Чочнинг марказий шаҳри Бинкет эди. Бинкет шаҳри тўғрисида батафсилроқ маълумотлар эса араб муаллифларидан Истахрийнинг (850–934) «Китоб масолик ул-мамолик» асарида учрайди.

Тошканд деган ном биринчи бўлиб Абу Райҳон Бериунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида, кейинроқ Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Шош вилоятининг пойтахти сифатида келтирилган. Тошкентнинг кейинги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир айрим маълумотлар ўша даврларда араб, форс ва туркий тилларда яратилган маҳаллий манбаларда ҳамда Ўрта Осиё хонликларида ва Тошкентда бўлган саёҳатчилар ва ўлка тадқиқотчилари асарларида ҳам мавжуд. Бироқ, Тошкент тарихига бағишланган яхлит маҳаллий манбанинг бор-йўқлиги тўғрисида ҳали-ҳануз бир тўхтамга келинмаган. Шу сабабли бўлса керак, айрим хорижий тадқиқотчилар ҳозирги кунда ҳам Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олинганга қадар бўлган даврини ёритувчи маҳаллий ёзма манбалар йўқ деган хулоса чиқар-

моқдалар ва фақат рус манбаларига таяниб иш кўрмоқдалар<sup>1</sup>. Гарчи Ҳофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган Султон Муҳаммад Тошкандийнинг (1490–1584) «Тарихи Тошканд» номи асар ёзганлиги таъкидланса-да, бироқ асарнинг ўзи сақланмаган.

Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий тарихига доир маълумотлар акс этган XIX асрда ёзилган Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» асарининг қамрови муаллиф ҳаётида юз берган воқеалардан ташқарига чиқмайди. Шу сабабли Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини, гарчи унда Қўқон хонлигига катта ўрин ажратилган бўлса ҳам, бугунгача маълум бўлган Тошкент тарихига бағишланган ягона яхлит тарихий асар деб айтишга асос бор. Чунки, Қўқон хонлиги тарихи баёнида асосий воқеаларни Тошкент шаҳри ва вилоятида юз берган сиёсий жараёнлар ташкил этиши ҳамда асар сўнгида шаҳарнинг юзага келиш тарихи ва тўрт даҳанинг алоҳида географик-топографик тавсифи асарнинг чиндан ҳам Тошкент тарихига бағишланганлигини кўрсатиб туради. Буни асарнинг ёзилиш сабаби ҳамда «Тарихи жадидаи Тошканд», «Тарихи вилояти Тошканд» каби номлар билан номланишида ҳам кўришимиз мумкин.

Муҳаммад Солиххўжа ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари алоҳида тарихий манба сифатида тадқиқ этилмаган. Асар XIX асрнинг 40-йилларигача фанга маълум бўлмаганлиги сабабли Ўрта Осиё тарихини ёзма манбалар асосида ўрганиш қизғин паллага кирган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги рус ва Европа шарқшунослари назаридан четда қолган. Қўлёзма

<sup>1</sup> Қаранг: *Jeff Shaden*. Russian colonial society in Tashkent 1865–1923. Indiana University Press. 2007. – P.12.

нусхаларининг фақат Тошкентда мавжудлиги ҳам унинг кенг доирада илмий муомалага киритилишини қийинлаштирган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари тўғрисида дастлабки илмий маълумот Я. Фуломов томонидан берилган бўлиб, тадқиқотчи асарга Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиншига доир муҳим манба сифатида қараган эди<sup>1</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари мазмуни билан танишиб чиққан Муродхўжа Солиххўжа ўғли (Муродхўжа Солихий, ваф. 1953 й.) унга тақриз ва илова ёзиб, ўзининг ижобий фикрлари билан бирга танқидий мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтган<sup>2</sup>. Кейинчалик, Шарқ қўлёзмалари тавсифларида, Ч. Сторининг «Форс адабиёти» асарида, А. Ўринбоев, Б. Аҳмедов тадқиқотларида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига XIX асрда яратилган Тошкент ва Қўқон хонлиги тарихи ҳамда Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юришларини ўрганишга доир асосий манбалардан бири сифатида баҳо берилган<sup>3</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини илмий муомалага тортишда

<sup>1</sup> Гулямов Я. Новый источник по истории завоевания Туркестана русским царизмом // Изв. Узб. Фил. АН СССР. 1941, № 4. — С. 81—82.

<sup>2</sup> Муродхўжа Солиххўжа ўғли. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига тақриз ва илова. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси (Бундан кейин «ЎЗР ФА ШИ») қўлёзмаси, № 13414. — Тошкент, 1966.

<sup>3</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под ред. А.А. Семенова, Д.Г. Вороновского. — Т.: Изд. АН УзССР. — 1963. — Т. VI. — С. 34—36 (Бундан кейин «СВР»); Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История // Сост. Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. — Т.: Фан, 1998 (Бундан кейин «СВР. История»). — С. 212—214; Стори Ч.А. Персидская литература / Пер. с англ. перераб. и дополн. Ю.Э. Брегель (Бундан кейин «Стори Ч.А.»). — М.: Наука,

А. Ўринбоев ва О. Бўриевнинг тадқиқотини нисбатан салмоқли деб айтиш мумкин. Тошкент тарихига бағишлаб нашр этилган «Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида» номли рисолада муаллиф ҳаёти ва асарнинг қисқача мазмуни, ундаги Тошкент тарихий географияси билан боғлиқ айрим маълумотлар биринчи бўлиб ёритиб берилди<sup>1</sup>. Мазкур рисола асардаги маълумотларнинг қисқача мазмунини ўзида мужассам этган махсус қўлланма деб айтиш мумкин. Қўқон хонлигида яратилган тарихий асарларни алоҳида тарихнавислик мактабига мансуб ёзма манбалар сифатида ўрганган Ш. Воҳидов ўзининг номзодлик ва докторлик диссертацияларида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганди ва асарнинг иккинчи жилди мундарижасини келтириб, Қўқон хонлиги тарихининг дастлабки даврига доир баъзи маълумотларни муомалага киритди<sup>2</sup>. Муҳаммад Солиххўжа тўғрисида маълумотлар камлиги боис унинг ҳаёти ва фаолиятини кенгроқ ёритиш имкони бўлмаган. Шу сабабли ҳам Муҳаммад Со-

1972, Ч.2. — С. 1199—2000; Ўринбоев А. Тошкандий Тошкент зилзиласи ҳақида // Фан ва турмуш. 1966, № 6, — 5-бет; Ўша муаллиф. Тошкент солномаси // Гулистон. 1982, № 3. — 26-бет; Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. — Т.: Ўқитувчи, 2001.

<sup>1</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. — Т.: Фан, 1983. — 56б.

<sup>2</sup> Вахидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттар и его сочинение «Тарихи джаханнумаи» (Тухфат ут таварихи хани). Дисс. ... канд. ист. наук. — Т., 1990 (Бундан кейин «номзодлик дисс.») — 20-бет; Ўша муаллиф. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. док. ... дисс. — Т., 1998. — 219-бет. (Бундан кейин «докторлик дисс.»). Қаранг: Воҳидов Ш. Введение / Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таворих ал-хавакин. Пер., прим. и указатели. С. Юлдашев. — Т., 2007. — С. 45—47.

лиҳхўжа шахси тўғрисида деярли бир хил маълумотлар учрайди<sup>1</sup>.

Ўтган давр мобайнида бир қатор тарихчилар ҳам ўз ишларида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига асосий манбалардан бири сифатида мурожаат қилган бўлсалар-да, асарни ўрганиш тарқоқ ва асосан бир ёқлама бўлганлиги сабаб уларда такрорланиш ҳоллари юзага келган. Хусусан, асардан асосан:

– Тошкентнинг «чор ҳокимлик» даври ҳамда шаҳар даҳалари ва дарвозалари тарихини ўрганишда<sup>2</sup>;

<sup>1</sup> Ўзбек Совет Энциклопедияси. Т. VII. – 49-бет; *Муницров Қ., Ирисов А., Носиров А.* Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: Фан, 1983. – 45-бет; Ўша муаллифлар. Некоторые сведения об ученых и поэтах Ташкента X–XIX веков // *Общественные науки в Узбекистане.* 1983, № 9. – С. 25; *История Ташкента.* – Т.: Фан, 1988. – С. 42; *Муҳаммад Солиҳ* // *Ташкент. Энциклопедия.* – Т., 1984. – С. 212; *Муҳаммад Солиҳ* // *Тошкент. Энциклопедия.* – Т., 1992. – 393-бет; *Воҳидов Ш.* XIX аср Тошкент тарихчилари. – Т., 1996. – 12–22-бетлар; *Муҳаммад Солиҳ* // *Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.* 6-жилд. Мирий–Пархиш. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, – 193–194-бетлар; *Аҳмедов Б.* Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – 49–50-бетлар; *Бўриев О.* Зиё таратган хонадон // *Имом ал-Бухорий сабоқлари.* 2004. № 2. – 101–103-бетлар.

<sup>2</sup> *Соколов Ю.А.* Посольские связи Ташкентского владения с Россией в конце XVIII века. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1961. – С. 15–16; Ўша муаллиф. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Т.: Узбекистан, 1965. – С. 37; *Ҳожиев Э.* Ўрта Осиё – Россия иқтисодий-сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири – XIX аср боши). Тарих фан. ном. ... дисс. – Т., 1962. – Б. XI–XII; Ўша муаллиф. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. – Т.: Фан, 1973. – 10–11-бетлар; *Чехович О.Д.* Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. // *История и культура народов Средней Азии.* – М.: Наука, 1976. – С. 151–157; *Ўринбоев А., Бўриев О.* Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т.: Фан, 1983; *Булатова В., Маньковская Л.* Памятники зодчества Ташкента XIV–XIX веков. – Т.: Г. Гулям, 1983. – С. 32–33; *Буриев А.* «Тарих-и джадидаи Ташканд» как источник по исторической топонимии Ташкента // *Ономастика Узбекис-*

– Қўқон хонлиги ва хонлик таркибида бўлган Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини тадқиқ этишда<sup>1</sup>;

– Қўқон хонлигининг шимолий ҳудудлари (Туркистон, Авлиёота, Чимкент, Оқмасжид) ва Тош-

тана. Тезисы II республиканской научно-практической конференции (г. Карши, 14–16 сентября 1989 г.). – Т., 1989. – С. 23–24; *Қораев С.* Тошкент топонимлари. – Т.: Фан, 1991. – 24-бет; *Хуршут Э.* Ши-Чач-Ташкент. – Т.: Узбекистан, 1992. – С. 56; *История Узбекистана.* Т. III (XVI – пер. пол. XIX вв.). – Т.: Фан, 1993. – С. 237; *Нурмухаммедов Н., Ҳабибуллаев Н.* Тошкентнинг қадимий дарвозалари. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 8-бет; *Мукминова Р., Филанович М.* Ташкент на перекрестке истории. – Т.: Фан, 2001. – С. 85, 87–90; *Муҳаммаджонов А.* Қадимий Тошкент. – Т.: Шарқ, 2002. – 60-бет; *Бўриева Х.* Тошкент шахрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. ном. ... дисс. – Т., 2007. – 52–55-бетлар (Бундан кейин «номзодлик дисс.»).

<sup>1</sup> *Азагаев Ф.* Очерки по истории Ташкента второй половины XIX в. Дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1956. – С. 70–73; Ўша муаллиф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи). – Т.: Фан, 1960. – 61-бет; *Набиев Р.* Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Т.: Фан, 1966. – С. 79; *Набиев Р.* Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). – Т.: Фан, 1973. – С. 31–32, 43; *Бейсембиев Т.* Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по истории идеологии в Средней Азии (на материалах Кокандской историографии) // *Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI–XVIII вв.* – Алма-Ата: Наука, 1983. – С. 96–97; Ўша муаллиф. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII–XIX вв. // *Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма (по некоторым сочинениям кокандской историографии).* – М.: Наука, 1985. – С. 37; *Воҳидов Ш.* Номзодлик дисс. – 20-бет; Ўша муаллиф. Докторлик дисс. – 219-бет; *Сангирова Д.* Тарихи Азийий – чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба. Тарих фан. ном. ... дисс. – Т., 2000. – 79-бет; *Илҳомов З.* Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. ном. ... дисс. – Т., 2004. – 41–62-бетлар.

кентнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши тарихини ёритишда<sup>1</sup> фойдаланилган.

Бундан ташқари, А. Носиров асардаги Тошкент шахри тарихи ва тарихий географиясига доир маълумотларни, Е.А. Давидович ҳамкорлигидаги тадқиқотчилар эса Тошкентнинг XVIII—XIX асрлар метрологиясига оид маълумотларни илмий муомалага тортишга уринганлар<sup>2</sup>. Тадқиқотчилар нафақат асарни, балки ундаги айрим тарихий воқеалар таржимасини амалга оширишга ҳам кам эътибор қаратганлар. Хусусан, Ф. Озадаев З. Ражабов томонидан асардаги Тошкентнинг Россия империяси томонидан истило қилиниши воқеаларининг баёни таржима қилингани ва таржима қўлёмаси ЎзРФА Тарих институти архивида мавжуд бўлганини таъкидласада, унинг тақдири номаълум<sup>3</sup>. О.Д. Чехович эса асардаги Тошкентнинг Юнусхўжа бошқарувига бағишланган қисмини таржима қилиб, форсий матни ва факсимилесини нашр қилган<sup>4</sup>.

Умуман олганда, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг ўрганилиши жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич XX асрнинг 80-

<sup>1</sup> Зияев Х. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. — Т.: Фан, 1966. — 46—47-бетлар; Ўша муаллиф. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. — Т.: Шарқ, 1998. — 101—185-бетлар; История Ташкента. — С. 138; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи жилд. Туркистон Чор Россияси мустамлақчилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000. — 64—90-бетлар.

<sup>2</sup> Носиров А. Тошкент тарихи ва жуғрофиясига оид материалларнинг манбалари рўйхати. ЎзРФА ШИ қўлёмаси, № 13415. — Тошкент, 1975. — 5-варақ; Ўша муаллиф. Жуғрофияга оид китоблар. ЎзРФА ШИ қўлёмаси, №13435. — Тошкент, 1962. — 17-варақ; Давидович Е.А., Егани А.А., Чехович О.Д. Новые материалы по метрологии Средней Азии // История и культура народов Средней Азии. — М.: Наука, 1976. — С. 162—164.

<sup>3</sup> Азадаев Ф. Қўрсатилган дисс. — Б. ХХ.

<sup>4</sup> Чехович О.Д. Сказание о Ташкенте // Письменные памятники Востока. — М.: Наука, 1970. — С. 172—177.

йилларигача бўлган даврни ўз ичига олган бўлиб, унда асосий эътибор Тошкент шахрининг XVIII—XIX аср бошларидаги қисқача сиёсий тарихи ҳамда 1847 йилда, Қўқон хонлигининг Тошкентдаги ноиб Азиз парвоначи сиёсатига қарши рўй берган халқ норозилик ҳаракатларини ёритишга асосан Ўзбекистон тарихи хрестоматияларида<sup>1</sup>, иккинчи босқичда XX асрнинг 80-йилларидан ҳозиргача, унда Қўқон хонлиги, айниқса, Тошкент шахрининг Россия империяси томонидан босиб олинишига ҳамда Тошкент топографиясини ёритишга катта эътибор берилди. Бундай тадқиқотлар мустақилликка эришилгандан кейинги даврда ҳам давом этди.

Лекин асардаги Ўрта Осиё тарихига доир, айниқса, Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихини ўрганишга доир муҳим маълумотларнинг анчагина қисми ҳалихануз илмий муомалага киритилмаган. Шу сабабли ҳам асардаги маълумотлар айрим эътиборга молик изланишларга жалб этилган бўлса-да, асар тўлатўкис чуқур ўрганилган деб айта олмаймиз. Хусусан, юқорида номлари зикр қилинган тадқиқотларда «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифининг ҳаёти ва фаолияти, асарнинг ёзилиш сабаблари, умумий мазмуни, манбаларининг манбашунослик ва тарихшунослик жиҳатдан тадқиқи, ундаги Қўқон хонлиги тарихига доир маълумотлар, Россия империясининг Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигини босиб олишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлари, айниқса Тошкент шахрида жойлашган зиёратгоҳ мазорлар, мадраса ва масжидлар, кўчалар ва бошқа бинолар билан боғлиқ маълумотлар тадқиқ этилмаган ёки тўлиқ очиб берилмаганлигини кўрса-

<sup>1</sup> История Узбекской ССР. — Т.: Фан, 1956. Т. I. Кн. 2. — С. 71; Ўзбекистон ССР тарихи. — Т.: Фан, 1957. I жилд, 2-китоб. — 74-бет; История Узбекской ССР. — Т.: Фан, 1974. — С. 133.

тишимиз мумкин. Мазкур монографияда масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, у Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари ва бошқа манбалардаги маълумотлар асосида Тошкентнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётини ҳамда ўша даврлардаги манзарасини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

## МУҲАММАД СОЛИХХЎЖА ВА УНИНГ «ТАРИХИ ЖАДИДАИ ТОШКАНД» АСАРИ

### МУҲАММАД СОЛИХХЎЖАНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

XIX аср бошларига келиб Ўрта Осиё ҳудудида деярли бир хил тараққиёт даражасидаги уч давлат — Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги мавжуд бўлиб, улар ўртасида чегара-ҳудудлар масаласида тинимсиз урушлар бўлиб турарди. Қўқон хонлиги ташкил топганидан бир аср ўтиб, айниқса Олимхон (1798—1810), Умархон (1810—1822) ва Муҳаммад Алихон (1822—1841) даврида минтақадаги ҳудудий жиҳатдан энг йирик давлатга айланди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб хонлик ҳудуди 15 та бекликдан иборат бўлиб, уларнинг кўпи хоннинг ўғиллари ва қариндошлари томонидан бошқарилган<sup>1</sup>. Тошкент ҳам шундай маъмурий вилоятлардан бири бўлиб, ҳудудининг катталиги ва муҳим стратегик ва савдо йўлида жойлашганлиги билан ажралиб турар, Тошкент шаҳри эса хонликнинг савдо, ҳунармандчилик ва маданий марказларидан бири эди.

XIX асрнинг таниқли муаррихи ва ўз даврининг кенг билимли маърифатпарвар шахсларидан бири Муҳаммад Солиххўжа домла Раҳматхўжа ўғли<sup>2</sup> ана шу йилларда Тошкентда яшаб, юз берган воқеа-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. 1-жилд. — 49-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Солиххўжа отасининг исмини «домулла эшон Қора Раҳимхўжа», «домулла эшон Раҳимхўжа», насабномасида эса «Қора Раҳматхўжа» деб, бобосини эса «Муҳаммад Раҳимхўжа ва Абдурахимхўжа» деб ҳам тилга олади.

ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган. У тахминан 1246/1830—1831 йилда Тошкентнинг Қорёғди (ёки Қорабоғди)<sup>1</sup> маҳалласида машхур шайх Умар Боғистоний (ваф. 691/1291—1292) авлодига мансуб оилада туғилган. Бобоси мулла Муҳаммад Раҳимхўжа ўқишчи кишилардан бўлиб, Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида<sup>2</sup> имомлик қилган ҳамда масжид қошида талабаларга дарс берган. Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, бобоси ўзининг Шайх Хованд Тахур (баъзи манбаларда Шайх Хованд Тоҳур) (ваф. 760/1358—1359) авлодидан эканлигини тасдиқловчи ҳижрий 871/1466—1867 йилга мансуб насабномасини Қўқон хони Олимхон қозихонасида тасдиқлатиб олган экан. Ушбу насабномада муаллиф аждодлари халифа Умар ибн ал-Хаттобдан (642—644) бошланиб, XIX асргача давом эттирилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, насабномадаги Шайх Хованд Тахургача бўлган маълумотлар Шайх Хованд Тахурнинг манокибидан олинган. Кейинги сатрларда эса насабнома

<sup>1</sup> Қорёғди — Шайхонтахур даҳасидаги маҳалла. Қудуқбоши, Занжирлик ва Қиёт маҳаллалари билан туташ бўлиб, 1868 йил август ойидаги архив маълумотларига қараганда, Қорёғди маҳалласида 60 та хонадан истиқомат қилган. Бу маҳалла тахминан ҳозирги Пахтакор стадиони ва Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ўрнида бўлган (Қ а р а н г : ЎзР Марказий Давлат Архиви (бундан кейин ЎзРМДА). И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 21-варақ; Тошкент. Энциклопедия. — Т., 1992. — 450-бет).

<sup>2</sup> Бекмуҳаммадбий — Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий баҳодир ўғли, Тошкентнинг эътиборли хонадонидан. Салимсоқхоннинг Тошкентдаги мустақил ҳокимлиги даврида (1846—1847) унинг номидан Худоёрхон (тўғрироғи Мусулмонкул мингбоши) ҳукумати билан сулҳ тузишда қатнашган. 1847 йили Тошкентга ҳоким этиб тайинланган Азизбек парвоначи Салимсоқхон тарафдорлари қаторида Бекмуҳаммадбийни ҳам Қўқонга сургун қилган. Лекин улар йўлда ўлдирилган. Қаранг: *Муҳаммад Солиххўжа*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 7791. — 474а-475б варақлар (Бундан кейин асарнинг номи қисқача «Тарихи жадида» тарзида ва асардаги маълумотлар шу қўлёзма бўйича берилди).

Шайх Хованд Тахур томонидан тузилганлиги ва муаллиф давригача авлоддан-авлодга ўтиб етиб келгани таъкидланган<sup>1</sup>. Унда Муҳаммад Солиххўжанинг насаби 26 авлод ўтиб Шайх Хованд Тахур бўғинида Хожа Аҳрор (1404—1490) насаби билан, 29 авлод ўтиб Ҳазрат Исҳоқ Боб бўғинида Хожа Аҳмад Яссавий (1041-?) насаби билан туташади. Лекин барча насабномаларни ҳам тарихийлиги ва ундаги маълумотларнинг тўғрилиги жиҳатдан нуқсонсиз деб бўлмаганидек, Муҳаммад Солиххўжа насабномаси ҳам бундан холи эмас. «Мунтахаб ут-таворих» асари муаллифи Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг ёзишича, Олимхон ҳукмронлиги даврида ўзини шайхлар, саййид ва хўжалар деб даъво қилувчи сохтакорларга қарши қаттиқ чора-тадбирлар кўрган ва ёлғончилиги фош бўлганларни аёвсиз жазолаган<sup>2</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг ўз насаби Олимхон даврида, қозихонада тасдиқланганлигини таъкидлаши ҳам насабноманинг ҳақиқийлигини кўрсатишга бўлган ишорадир. Бироқ насабномани Хожа Аҳмад Яссавий ёки Хожа Аҳрор насабномалари билан солиштирилганда, сезиларли даражада фарқлар кўзга ташланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шайх Хованд Тахур ҳақида қаранг: Семёнов А.А. Ташкентский шайх Хаванд Тахур (Шайх Антаур) и приписываемый ему кулях // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии (бундан кейин — ПТКЛА). 20-й год. — Т., 1916. — С. 25; *Али ас-Сафий*. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Таржимон Домла Худойберган Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний., Б. Умурзоқ. Тўлдирилган иккинчи нашр. — Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2004. — 273-бет; *Ҳасаний М., Қиличева К.* Шайх Хованд Тахур. — Т.: 2004.

<sup>2</sup> *Муҳаммад Ҳакимхонтўра*. Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №592. — 378б-варақ.

<sup>3</sup> Қ а р а н г : *Кадырова М.* Жития Ходжа Ахрара. Опыт системного анализа по реконструкции биографии Ходжа Ахрара и истории Ахраридов. Отв. ред. Б.Бабаджанов. Рабочие документы ИФЕАК (переизд. № 27). — Т., 2007. — 103 с.

Шундай бўлсада, насабноманинг XIV—XIX асрларга оид қисмлари муҳим бўлиб, Шайх Хованд Таҳур авлодларининг кейинги даврлардаги мавқеини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Ушбу насабномадаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, хонадон вакиллари асрлар давомида жамиятда алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлар. Чунончи, XIV асрдан бошлаб хонадоннинг шайх Умар Боғистоний авлодлари ҳисобланган вакиллари «Шайх Хованд Таҳур авлодлари» номида «шайх», «қози», «раис», «аълам», «судур», «нақиб», «охунд» амалларида Тошкентдаги ижтимоий ва маънавий ҳаётда муҳим роль ўйнаб келганлар<sup>2</sup>. Жумладан, муаллифнинг бобоси Муҳаммад Раҳимхўжанинг отаси Мулла Муҳаммад Юсуфхон — раис, акаси Муҳаммад Аъзам — судур, жиянлари Сулаймон баҳодир — судур, Муҳаммадхон Бобо — нақиб мансабида бўлганлигига қараганда, ушбу хонадон вакиллари XIX аср бошларида ҳам Тошкентда каттагина нуфузга эга бўлганлар. Афтидан, Муҳаммад Раҳим-

<sup>1</sup> Шайх Хованд Таҳурнинг XVII—XIX асрлардаги айрим авлодлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Тошкентнинг мустақил ҳокими Юнусхўжа ибн Ҳидоятхўжа насаби ҳам 15 (ёки 16) восита билан Шайх Хованд Таҳурга уланган. «Хулосат ул-аҳвол» асари муаллифининг ёзишича, Юнусхўжа даврида Кашмирдан Тошкентга келган Шайх Хованд Таҳур авлоди Эшони Кашмирий Юнусхўжа томонидан яхши кутиб олинган. Бундан ташқари, Муҳаммад Шариф оталиқнинг Тошкентдаги қисқагина ҳокимлиги даврида унинг одамлари орасида Хўжазода номли Шайх Хованд Таҳур авлодидан бўлган шахс хизмат қилган. Шайх Хованд Таҳур авлоди Лутфуллохон эса, бобурий Баҳодиршоҳ I (1707—1712) нинг вазири бўлиб, унинг бобоси Тошкентдан Ҳиндистонга келиб қолган эди.

<sup>2</sup> Насабномада шайх Умар Боғистонийнинг XIX асргача бўлган авлодларидан жами 29 та шайх, 7 та судур, 5 та нақиб, 2 та қози, 3 та раис, 1 та охунд, 6 та мударрис тилга олинган.

хўжа оиласи аъзоларига аждодлари каби мансаблар насиб қилмаган. Шунинг учун ҳам улар мадрасаларда мударрислик ва масжидларда имомлик билан чекланиб қолганлар. Муҳаммад Солиххўжанинг бобоси даврига келиб Шайх Хованд Таҳур авлодларининг шаҳардаги юқори мансаблардан маҳрум бўлиши XIX асрнинг бошларига, яъни Тошкентнинг Қўқон хонлиги таркибига қўшиб олинishi пайтига тўғри келади. Чунки Тошкентнинг мустақил ҳокими Юнусхўжа ибн Ҳидоятхўжа (1784—1803) ва унинг Олимхон ҳукуматига қаршилик кўрсатган ўғиллари Султонхўжа, Ҳомидхўжалар Шайх Хованд Таҳур авлодлари эди. Ана шу пайтлардан бошлаб шаҳардаги шайх ул-ислом, қозикалон, қози каби юқори мансабларга Қўқон хонлари ва уларнинг ноиблари билан илиқ муносабатда бўлган, диний муҳитнинг асосан тошкентлик бўлган бошқа вакиллари тайинланган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиххўжа ўз отаси домла Раҳматхўжани маърифатпарвар киши деб тилга олади ва «уламолар нодири», «давр муаллими» деб таърифлайди. Лекин, негадир ёшлик йилларидаги воқеаларда отасини эсламайди. Фақатгина, Тошкентда мадрасада ўқиб юрган пайтлари (1255—1265/1839—1849) баъзан шаҳарда истиқомат қилувчи онасини зиёрат қилиб турганини ёзади. Муҳаммад Солиххўжанинг яқинларига тўхталадиган бўлсак, акаси мулла Муҳаммад Алихўжа (лақаби Эшонхўжа домудла), амакиси Азаматхўжа, амакиваччалари Неъматхўжа ва Насруллохўжалар ҳам Тош-

<sup>1</sup> Бироқ, 1868—1923 йилларга оид Тошкент қозихонасига тегишли ҳужжатлардаги муҳрларга қараганда, 1865 йилдан сўнг Шайх Хованд Таҳур авлодидан ҳам бир неча шахслар қозилик лавозимига эришганлар.

кент мадрасаларида мударрислик қилганлар<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжа Ўрта жуз хони Аблай султон (1771—1781)<sup>2</sup> авлодидан бўлган Хонбобо тўра баҳодирбоши Тошкандий, Одилтўра судур, Салимсоқтўра судур Хонбоботўра ўғли, Рустамтўра судур баҳодирбоши Исфандиёртўра ўғли, Кўккўзтўра судур каби Тошкент сиёсий тарихида машҳур бўлган шахсларни ўзининг она томонидан тоғалари деб тилга олади.

Муҳаммад Солиххўжанинг оиласи ва шахсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам. Унинг 1865 йилги Тошкент мудофааси пайтида ўзининг доимий яшаш жойи деб Бекмуҳаммадбий масжидини тилга олиши ва эрталаблари масжидда Эшонқули додхоқ мадрасасидаги дўстлари билан нонушта қилишини таъкидлашига қараганда, муаллиф бу пайтда Қорёғди маҳалласидаги ҳовлисида деярли яшамаган дейиш мумкин. 1868 йилги архив ҳужжатларида Муҳаммад Солиххўжа имомлик қилган Бекмуҳаммадбий масжиди тўғрисида қисқача маълумотлар мавжуд. Ушбу ҳужжатларга қараганда, бу даврда Қиёт маҳалласида бешта масжид бўлиб, шулардан

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 943а, б-варақ. Яна қаранг: ЎзРМДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, — 115-орқа варақ, ЎзРМДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2482-иш, — 26-варақ.

<sup>2</sup> Аблай султон — Муҳаммад Солиххўжа уни Авлайкулихон деб тилга олади. Аблай султон (1711—1781), қозоқ маърифат-парварларидан Чўқон Валихоновнинг қатта бобоси (Чўқон → Чингис → Вали → Аблай), у 1771 йилда Туркистон шаҳрида, Хожа Аҳмад Яссавий мазоридида хон этиб кўтарилган. 1778 йил 24 майда Россия императрицаси Екатерина II (1762—1796) унинг Ўрта жуз хони эканлигини тасдиқловчи буйруқ чиқарган. Аблай султон вазиятга қараб 1740 йилда Россия, 1756 йилда Хитой тобелигига ўтган, узоқ йиллар Тошкент, Хўжаңд учун, шунингдек, қалмоқларга қарши кураш олиб борган. Ч. Валихонов маълумотига кўра қабри Туркистон шаҳрида (Қ а р а н г: Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. Т. I. — Алма-Ата, 1984. — С. 9; Ўша муаллиф. Собр. соч. Т. IV. — Алма-Ата, 1985. — С. 111.

бири Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли томонидан қурилган. Ҳужжатда бу масжиднинг имоми Муҳаммад Солих Қорахўжа ўғли, сўфиси эса Фарфибой Муҳаммадназар ўғли эканлиги тилга олинди<sup>1</sup>. Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли масжидга туташ ўз ҳовлисини ушбу масжидга вақф қилиб берганлигига қарамай, ундан даромад бўлмаган.

Асардаги кейинги давр воқеалари баёнида Муҳаммад Солиххўжанинг умрининг охириги йилларида Қорёғди маҳалласидаги меросий ҳовлисида яшаганлиги маълум бўлади<sup>2</sup>. Унда келтирилишича, ўша пайтларда Муҳаммад Солиххўжа оиласининг Қўқон дарвозасига яқин жойда чорбоғи ҳам бўлган. Ушбу чорбоғ тўғрисида ҳам юқорида тилга олинган 1868 йилги архив ҳужжатларида маълумотлар сақланган. Ҳужжатда Қўқон дарвозаси ортидаги қўрғонлар рўйхатида Муҳаммад Солиххўжа қўрғони (қўрғончаи Муҳаммад Солиххўжа) тилга олинади<sup>3</sup>. Бу эса XIX асрнинг 60-йиллари ўрталаридаёқ чорбоққа Муҳаммад Солиххўжа эгалик қилганини кўрсатади. XIX асрнинг 80-йилларидаги воқеалар баёнида, юқорида номи тилга олинган насабномада Кароматхўжа исмли ёш ўғли борлигини таъкидлаб ўтган. Афсуски, муаллифнинг шахсий ҳаёти тўғрисида ҳозирча бошқа маълумотлар учрамади.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган баъзи бир маълумотлар, айниқса, асарнинг хулоса қисми сифатида ёзилган таржимаи ҳоли муаррихнинг ҳаёти ва фаолияти илм ўрганиш ва мактабдорлик билан ўтганлигини кўрсатади. Унда кел-

<sup>1</sup> ЎзРМДА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 109, 117-варақлар.

<sup>2</sup> Жумладан, муаллиф 1875 йилги воқеаларда, Қўқон хони Худоёрхон Пўлатхон кўзғолони натижасида Тошкентга қочиб келиб жойлашган хонадон соҳиби Ўтаббой қушбегини ўзининг қўшнисини деб тилга олади.

<sup>3</sup> ЎзРМДА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 47-варақ.

тирилишича, Муҳаммад Солиххўжа оиладаги муҳит туфайли бошланғич таълимни 1249–1255/1833–1840 йилларда бобоси қўлида олган. Муаллифнинг ўзи тасдиқлашича, бу пайтда у бобоси кўмагида Муҳаммад Фаззолийнинг (1058–1111) «Кимёи саодат», Саъдий Шерозий (1210–1292) нинг девони, Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг (1441–1501) хат таълимига бағишланган рисолаи («Рисолаи таълими хат»<sup>1</sup>) ва тасаввуфга оид бошқа асарларни чуқур мутолаа қилган<sup>2</sup>. 1840 йилда бобоси Тошкентда тарқалган вабодан вафот этгач, Муҳаммад Солиххўжа 1255–1265/1840–1849 йилларда Тошкентнинг Эшонқули додхоҳ, Лашкар бегларбеги ва Хожа Аҳрор мадрасаларида таҳсил олган. 1266/1849–1850 йилда Қўқонга бориб Азимбой мадрасасида қози Раҳимжон Тошкандий ва домла Файзий охунд Шаҳрисабзийдан 6 ой давомида диний илмлардан таълим олган. Бу пайтда Муҳаммад Солиххўжа нақшбандия тариқатининг Қўқондаги раҳнамоси Миён Бузрук (тахм. 1790–1870) суҳбатларида иштирок этиб, у билан яқиндан танишган<sup>3</sup>. Унинг ўзи эса нақшбандия сулукида, тошкентлик Абдулмажидхон эшон Юнусхон эшон ўғли мухлисларидан бўлган.

Муҳаммад Солиххўжа Қўқондан Тошкентга қайтгач, таҳсилни Шайхонтаҳур даҳасининг Қатортерак маҳалласидан бўлган Мир Иноятуллоҳ мударрис қў-

<sup>1</sup> Алишер Навоийнинг қайд этилган асарлари орасида хат таълимига бағишланган рисола учрамайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу рисола кейинги даврда ёзилиб, Навоийга нисбат берилган бўлиши мумкин (Қаранг: Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. – 9-бет).

<sup>2</sup> Тарихи жадида. – 1036а–1037а-варақлар.

<sup>3</sup> Муҳаммад Солиххўжа 1285 йил рамазон ойида (1869 йил, январь) Абдулмажидхон эшон ва бошқа тошкентликлар билан бирга Миён Бузрук зиёрати учун Қўқонга сафар қилган. 1286/1869–1870 йилда Миён Бузрук вафот этганда эса, Қўқонга бориб дафн маросимида ҳам фаол иштирок этган.

лида давом эттирган. XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Муҳаммад Солиххўжа ўз билимларини оширишга астойдил киришади. Хусусан, у 1270/1853–1854 йилда Наманганга сафар қилиб, Эшон Бақоҳўжа исмли олимдан таълим олган. Айни шу вақтда Ўш шаҳрига бориб, Тахти Сулаймон қадамжосини зиёрат қилган. Сўнгра Намангандан Марғилонга келиб, домла Ҳасанхўжа қозикалон мадрасасига жойлашиб, бирмунча вақт эътиборли кишилар суҳбатида бўлади. 1272 йил ражаб ойида (1856 йил, март) Муҳаммад Солиххўжанинг орзулари ушалиб, Бухорога, Кўкалош мадрасасига ўқишга боради. У ерда Муллахўжа аълам, Султонхўжа аълам, Яҳёхўжа муфтий каби олимлар ҳузурда диний билимларини мустаҳкамлайди. Муҳаммад Солиххўжа 1278/1862 йилгача Бухорода бўлади ва бу вақт мобайнида амирликнинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларига саёҳат қилиб, уламолар ва таниқли шахслар билан танишади. Бухорода таҳсилни якунлаган Муҳаммад Солиххўжа Самарқандга келиб, Маҳдуми Аъзам (1463–1542) қабрини зиёрат қилиб, 1278 йил зулҳижжа ойида (1862 йил, май) Тошкентга қайтиб келган. Муҳаммад Солиххўжа ўзининг Тошкентга етиб келишини 1278 йил зулқаъда (1862 йил, апрель-май), бошқа бир ерда эса 1280/1863–1864 йил деб ҳам ёзади. Лекин, унинг қайтиши Тошкентнинг Мулла Алимқули ва Шоҳмуродхон қўшини томонидан қамал қилинган пайтга, яъни 1278 йил шаввол ойига (1262 йил, апрель) тўғри келади. У Тошкентга келгач, бобосининг васиятига амал қилиб, Бекмуҳаммадбий масжидида имомлик қила бошлайди. Шу билан бирга масжид қошидаги мактабда (дабиристон) болаларга таълим бериш билан машғул бўлган.

Таъкидлаш керакки, Муҳаммад Солиххўжа ўша даврнинг сиёсий доиралари ва маърифатпарвар шахслари орасида ҳам танишлар орттирган. У мадрасада ўқиб юрган пайтдан бошлаб Қўқон хонлиги

ва Бухоро амирлигидаги юқори табақа вакиллари ва таниқли шахслари билан дўстлашган. Жумладан, Қўқон хони Худоёрхон хонадони ва бошқа шахзодалар билан яқиндан таниш бўлган. Шунингдек, Бухорода ўқиб юрган пайтларидаёқ Шералихоннинг (1842–1844) Бухорода яшаётган набиралари Назирбек ибн Сўфибек ва унинг укаси Ғофурбеклар билан ўз ҳужрасида суҳбатлашган. Бухорода яна Муҳаммад Алихоннинг (1822–1841) амир Насрулло (1826–1860) томонидан олиб кетилган ўғиллари билан ҳам учрашганлигини тилга олади. Асарнинг бошқа бир жойида эса улардан бирининг исми Музаффарбек бўлиб, унинг ҳаж зиёратидан Тошкент шаҳрига яшаш учун келиши, генерал-губернатор рухсат бермагач Шарқий Туркистонга кетиб қолиб, ўша ерда яшаётганлиги тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган.

Муҳаммад Солиххўжа 1865 йилда Тошкент мудофаасида ўз дўстлари ва ҳужрасидаги талабалари билан фаол иштирок этиб, мудофаа ташкилотчилари Солихбек додхоҳ ва Ҳакимхўжа қозикалон билан доимий алоқада бўлиб турган. Айни пайтда мудофаа пайтида кўрсатган жасоратлари туфайли Қўқон хони Султон Саъидхоннинг (1863–1865) эътиборини қозонган ва бир неча бор муҳим давлат кенгашларида ўзининг қатъий фикрлари билан иштирок этган.

Худоёрхон билан эса Муҳаммад Солиххўжа дастлаб 1870 йил январида Қўқонда Миён Бузрукнинг дафн маросимида учрашган. Кейинроқ, 1875 йили Пўлатхон қўзғолони натижасида Тошкентга қочиб келган Худоёрхон дастлаб Султон юзбоши уйига, сўнгра Муҳаммад Солиххўжанинг қўшниси бўлган Ўтаббой қушбеги уйига жойлашган. Шу пайтдан бошлаб Муҳаммад Солиххўжа ва Худоёрхон фарзандлари ўртасида илиқ муносабатлар юзага келади. Айниқса, Муҳаммад Солиххўжа Насриддинбекнинг яқин дўсти ва ишончли кишисига айланган. Аслида,

улар ўртасида муносабат бундан олдинроқ, яъни 1288 йил зулҳижжа ойида (1872 йил, февраль-март) Насриддинбек Тошкентга, генерал-губернатор ҳузурига келганда бошланган эди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг кўп жойларида, айниқса, Пўлатхон қўзғолони ва ундан кейинги воқеалар юзасидан билдирган фикрларида ҳам Муҳаммад Солиххўжанинг Насриддинбекка бўлган хайрихоҳлиги сезилиб туради. Улар ўртасидаги муносабатлар Насриддинбек 1297 шаввол ойида (1880 йил, сентябрь) Россиянинг Владимир ўлкасидан сургундан Тошкентга қайтгандан кейин ҳам давом этган. Бу даврда улар янада яқинлашиб қоладилар ва икки дўст ўртасидаги суҳбатлар, асосан, шеърий ва адабиёт мавзуида бўлган. Жумладан, Муҳаммад Солиххўжа 1298 йил шавволида (1881 йил, август-сентябрь) Насриддинбек билан бўлган суҳбатларнинг бирида биргаликда Фазлийнинг «Мажмуат уш-шуаро» асарини ўқиганлигини тилга олади. Ушбу суҳбат чоғида Муҳаммад Солиххўжа суҳбатдоши илтимоси билан шоирлардан Ҳозиқнинг (1843 й. ўлдирилган) рубоийсига жавобан ўқиган рубоий Насриддинбекка жуда ҳам ёққанлиги сабабли ўзига атаб кўчирилган «Мажмуат уш-шуаро» асари қўлёзмасини ҳамда Ҳожи Муҳйининг қасидалар девонини<sup>1</sup> унга совға қилган экан<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳожи Муҳйи — Муҳаммад Ризо охунд ўғли (1835–1911) туркий ва форсий тилда ижод қилган. Муҳйи асли Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятидан бўлиб, кейинчалик Қўқон хонлигининг турли шаҳарларида яшаган. Насриддинбекнинг Андижонда ҳокимлиги вақтида унинг хизматида бўлган Муҳйи 1869 йилда «Тож уш-шуаро» унвонини олган. 1876 йилдан сўнг Қўқондаги Соҳибзода ҳазрат мадрасасида яшаб ижод қилган. Ҳожи Муҳйи 1911 йилда Андижонда вафот этган. Вафотидан сўнг 1912 йилда унинг форс ва туркий тилдаги девони бир муқовада тошбосмада нашр этилган.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 847а-варақ.

XIX асрнинг 70-йилларидан Муҳаммад Солиххўжани Тошкентдаги таниқли мударрислардан бўлган дейиш мумкин. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, у 1294/1877 йилдан бошлаб Худоёрхоннинг Тошкентда яшаётган ўғиллари ҳамда унинг укаси Султон Муродбекнинг ўғиллари Сайид Али Акбарбек, Сайид Мавлонбек, Султон Муродбекнинг қизи томондан набиралари Сайид Акромхонтўра ва Сайид Аъзамхонтўраларга, Насриддинбекнинг ўғиллари Амир Сайидбек ва Сайид Бурҳонбекларга, қизлари Акромхонбегим ва Ҳидоятбегимларга ҳамда шаҳардаги бошқа таниқли кишилар фарзандларига устозлик қилиб, ислом асослари, қироатдан, шунингдек, Ҳофиз Шерозий (1325 – 1389) девонидан сабоқ берган.

Албатта, Муҳаммад Солиххўжа ўз даври учун етарли даражада билим олган. Жумладан, тафсир, қироат, сарф-наҳв, мантиқ, илми адаб, тарих каби фанларни чуқур ўрганган. Бундан ташқари, ўз асарида географик маълумотларни ёритиши ҳамда доривор гиёҳлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларга қараганда география ва табобат илмидан ҳам яхшигина хабардор бўлган. А. Носиров «Тошкент олимлари ва шоирлари» мавзусида тўплаган маълумотларида «Муҳаммад Солиххўжа форс тили ва адабиётидан бахраманд, математика ва астрономиядан хабардор киши эди. Тарих бобида кўп маълумотларга эга эди. Хусусан, Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларга бой»<sup>1</sup>, деб қайд этгани бежиз эмас.

Муҳаммад Солиххўжанинг мумтоз форс шеъриятига бўлган қизиқиши, айниқса, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирган байтлари ва тўртликлари муаллиф ижодининг бизга номаълум бўлган

<sup>1</sup> Носиров А. Тошкент олимлари ва шоирлари. – 158-бет.

яна бир қиррасини очиб беради. Бундан ташқари, Худоёрхон фарзандлари ва жиянларига Ҳофиз Шерозий девонидан сабоқ берганлигига қараганда Муҳаммад Солиххўжа ўзидан олдин ўтган ва замондош шоирлар ижоди билан яқиндан таниш бўлган. Айниқса, у Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил каби шоирларнинг рубоий ва газалларини ёддан билган ва уларнинг ижоди намуналаридан суҳбатдошларига бемалол айтиб берган. Бу машҳур шоирлардан илҳомланган Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи ҳам шеърлар машқ қилган. Жумладан, Алимқули амирлашкарнинг<sup>1</sup> вафоти тарихини қуйидагича баён қилган:

Ҳайф аз Амирлашкар ки он марди босалобат,  
Рафт аз жаҳони фоний бо хасрату надомат,  
Тарихи соли фавташ аз ҳар кас бежустам,  
Дар маърази дуо гўфт гафрони бениҳоят.

Мазмуни:

Эссиз, Амирлашкар марди босалобат,  
Кетди жаҳондан бо хасрату надомат.  
Вафот тарихин изласам ҳар кишидан,  
Узрида дедилар гафрони бениҳоят.

Бу ерда «гафрон» сўзидан «нун» ҳарфи олинса, Алимқули амирлашкар вафоти санаси – 1281/1865 йил ҳосил бўлади. Алимқули амирлашкарнинг дафн маросимида эса туғилиб ўсган еридан узоқда дафн этилаётган амирлашкар тилидан қуйидаги тўртликни айтади:

<sup>1</sup> Кейинги тадқиқотларда мазкур шахс исмининг тўғри шакли унинг муҳри асосида «Алиқули» эканлиги таъкидланмоқда. Бироқ, биз «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган «Алимқули» шаклини қўлладик.

Дар гурбат агар марг расад дар бадани ман,  
Оё ки кунад гӯр, ки дӯзад кафани ман.  
Тобути маро жойи баланде бигузоре,  
Шоядки насиме бирасад дар бадани ман.

Мазмуни:

Гар гурбатда менга ўлим етса,  
Ким гӯр қазиб, ким бичгай кафан.  
Тобутимни баландроқ жойга қўйинг,  
Зора баданимга (ватанимдан) бир насим етса.

Алимқули амирлашкардек юрт ҳимоячисидан айрилганидан қаттиқ таъсирланган Муҳаммад Солиххўжа ўша пайтдаги шоирларнинг Алимқулига бағишлаб айтган тарихидан қониқмаган ва уларга ўз эътирозини билдириб, Алимқули амирлашкар ўлимига бағишлаб 18 байтлик марсия ёзган. Бундан ташқари, асарда Муҳаммад Солиххўжанинг бухоролик Сайид Абдулаҳадхўжа – Хонтўра Бухорийга (Амир Музаффарнинг холаваччаси) мушоира тариқасида ёзган рубоийсини ҳамда бошқа тўртликларини ҳам учратиш мумкин<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиххўжанинг алоҳида шеърлар тўплами маълум эмас ва биз ҳам унинг ўз даври шоирларидан бири эди деган фикрни айтишдан йироқмиз. Бироқ унинг шеъриятга бўлган қизиқиши мушоиралар ва ўз уйида бўлиб турадиган шеърхонлик кечаларидаги иштирокида кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам Муҳаммад Солиххўжа мумтоз форс шеъриятининг мухлиси ва ҳаваскор шоир сифатида қалам тебратган деб айтиш мумкин.

<sup>1</sup> Тарихи жадида. – 595б, 625б, 847б, 861а-варақлар ва бошқ.

## «ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИ ВА УНИНГ УМУМИЙ МАЗМУНИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг ёзилиши сабабларини асар устида ишлаш жараёнида келиб чиққан хулосалар асосида қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Муҳаммад Солиххўжа ҳали ёшлик йилларида, бобоси қўлида ўқиб юрган кезларидаёқ тарих илмига кўпроқ қизиққанлигини таъкидлайди. Шу сабабли унинг қўлида Ўрта Осиё тарихини ёритувчи кўплаб манбалар қаторида Туркияда яратилган умумий тарихга доир «Қайсарномаи Усманий», «Тарихи хулафои Истанбулий» каби тарихий асарлар ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари, у Ўрта Осиё тарихига доир асарларни йиғишга ҳам киришган. Жумладан, 1295/1877 – 1878 йилда Бухоро амирлигининг йиллик тўловини Тошкентга олиб келган дўсти Муҳаммад Саид тўқсабодан ўзи буюртма берган «Тарихи Саид Роқим» ва «Тухфат ул-хоний» асарларини олиб келганлиги ҳақида сўрайди<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг қўлида Ўрта Осиё тарихига доир кўплаб тарихий асарларнинг бўлганлигини А. Носировнинг юқоридаги фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Иккинчидан, Муҳаммад Солиххўжанинг тарих илмини яхши билиши унинг дўстлари орасида ҳам маълум бўлган. Шунинг учун муаллифнинг дўстлари ва танишлари ундан Тошкент тарихи ҳақида махсус асар ёзишни бошлашни кўп бор сўраганлар. Фикримизча, Муҳаммад Солиххўжанинг тарихни яхши билиши Тошкентда бўлган европаликлар орасида ҳам маълум бўлган. Асарда муаллифнинг бир неча бор рус зиёлилари билан Тошкент ва Қўқон хонлиги тарихи мавзусида суҳбатлашгани келтирилган. Шундай суҳбатларнинг бири Н. Пантусов (муаллиф уни

<sup>1</sup> Тарихи жадида. – 771б-варақ.

таржимон, ўзбек ва форс тили билимдони «Фатну-суфтўра» (فتنوسوف توره) деб тилга олади) билан бўлган. Муаллифнинг ёзишича, бу шахс «Тарихи Шоҳрухий» асарининг тадқиқотчиси бўлиб, у Муҳаммад Солиххўжадан ушбу асарнинг икки нусхасини (биринчи ва иккинчи тахририни) кўриб, бўш жойларини тўлдириб беришини сўраган<sup>1</sup>.

Учинчидан, Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи асарнинг ёзилиш сабаби дўстларининг илтимоси билан бирга Тошкент тарихига бағишланган махсус асарнинг йўқлиги деб кўрсатади. Ўзининг сўзлари билан айтганда, муаллиф Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тарихига бағишланган «Тарихи Наршахий», «Қандия», «Самария» асарларига ўхшаш бир китоб ёзишни орзу қилиб юрган<sup>2</sup>.

Муҳаммад Солиххўжа «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини Бухорода таҳсилни тамомлаб Тошкентга қайтгандан сўнг, тахминан 1 йил ўтгач, ҳижрий 1279 йил зулқаъда ойида (1863 йил, апрель – май) ёза бошлаган ва унга 25 йилдан ортиқ давр ичида, айрим қисмларини орадан кўп йиллар ўтказиб, қайта-қайта қўлга олиб, то ҳижрий 1307/1889 – 1890 йилгача қўшимчалар киритиб борган. Таъкидлаш жоизки, «Тарихи жадидаи Тошканд» XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигида яратилган энг йирик асардир. Унгача бўлган, яъни XIX асрнинг 50-йилларида ҳамда муаллиф яшаб ижод қилган 60–80-йилларда ёзилган бошқа асарлар ҳажм жиҳатдан анча кичик.

Бугунги кунда «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг учта қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, учала нусха ҳам ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақ-

<sup>1</sup> «Тарихи Шоҳрухий» асарининг биринчи ва иккинчи тахрири ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб, Н. Пантусов томонидан 1885 йилда асарнинг литографик нашри амалга оширилган.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. – 368 а, б-варақ.

ланади. Улардан биринчиси 7791 рақамли нусха бўлиб, муаллиф қўли билан кўчирилган<sup>1</sup>. А. Носиров берган маълумотларга кўра, у 1947 йилда тошкентлик Ҳабибуллохўжадан Шарқшунослик институти учун 3000 сўмга сотиб олинган. Қўлёзма Қўқон қоғозига настаълиқ хатида, қора сиёҳда ёзилган бўлиб, муқоваси жигарранг чармда, хати ва сиёҳ ранги бошидан охиригача бир хил эмас. Қўлёзма ўлчами 13×20 см, матн ўлчами 7×14 см ҳажмда бўлиб, ҳар бир саҳифа 13 қатордан, жами 1040 варақдан иборат (2080 бет). Шундан 870а–873а варақлар бўш қолдирилган, пойгирлари йўқ. Асарнинг мундарижасига киритилган мавзуларнинг айримлари қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Мазкур нусханинг 1а ва 1040б варақларига китоб эгасининг исми ёзилган доирасимон муҳр босилган.

Қўлёзмада айрим саҳифаларга қора сиёҳ билан чизик тортилиб, бутунлай ёки ярми ўчирилган (масалан, 303б–303а, 308б–310б, 359б–360б, 365а–369а, 370а–374б, 375б–378а варақлар). Айрим ўчирилган саҳифалар эса янгидан қўлёзма ҳошиясига ёзиб қўйилган (3а, 302б–303а, 313а–319б, 353а–359а, 369б, 375а варақлар). Ўчирилган ёки ҳошияга янгидан ёзилган саҳифалар, асосан, асарнинг компилятив қисми, яъни пайғамбарлар ва қадимги сулолалар тарихига бағишланган қисмига тўғри келади. Кейинги саҳифалардаги ўзгартиришлар эса, асосан, ҳошияга ёзиб қўшимчалар киритиш ҳисобига бўлган. Саҳифалар ўчирилиб, ҳошияга ёзилган матнларни, бир-бирига солиштириш натижасида, биринчидан, муаллиф ёзилган воқеа юзасидан кейинроқ қўлига тушган манбадаги ўзи муҳим деб билган маълумотларни ўша саҳифадан ўчириб, янгисини ҳошияга ёзиб қўйган; иккинчидан, муаллиф саҳифа-

<sup>1</sup> СВР. Т. VI. – С. 34; СВР. История. – С. 212; *Стори Ч.А.* Персидская литература. Ч. 2. – С. 1199–2000.

даги маълумотни ўчириб, ҳошиясига қайта ёзиш билан унга ҳеч қандай ўзгартириш киритмаган, балки уни мазмунан қайта кўриб чиқиб, аниқроқ тарзда баён қилишга уринган деган хулосага келдик.

Асарнинг автограф нусхасидан яна шундай фикрга келиш мумкинки, ушбу нусхадан олдин ҳам муаллифда яна бир қоралама ёки оддий кундалик бўлган бўлиши мумкин. Чунки асарнинг дастлабки саҳифаларида, яъни XIX асрнинг 60-йилларига оид қисмларида ҳам 1871 йилда ёзиб тугатилган «Тарихи жаҳоннамои» ва 1871–1872 йилларда ёзилган «Тарихи Шоҳрухий» асарлари фойдаланилган манбалар рўйхатида келтирилади. Асарнинг муқаддима қисмида эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистондаги авлодлари ҳақида тўхталиб, «Улар бугунги кунларда, яъни 1303/1885–1886 йилда ҳам Кобулда барқарордирлар»<sup>1</sup>, – деб ёзади. Агар асарнинг муқаддима қисми, яъни биринчи жилди асарнинг иккинчи жилдидан кейин ёзилган, деб айтадиган бўлсак ҳам юқоридаги фикр мантиқан тўғри бўлиб чиқади. Бундан ташқари, муаллиф асарда кўрсатилган охирги санадаги ҳисобларга кўра тахминан эллик ёшларда бўлиб, асарни қайта таҳрир қилиш ёки ҳеч бўлмаганда янги қорозга кўчириш ниятида бўлган<sup>2</sup>. Бунинг ўзига хос тахминий сабаби ҳам бор бўлиши керак. Чунки муаллиф асарни

<sup>1</sup> Тарихи жадида. – 3316-варақ. Бу ерда Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи эмас, Афғонистонда 1819 йилдан тахтни эгаллаган Баракзайлар сулоласи назарда тутилган (С.Ў).

<sup>2</sup> Жумладан, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий ҳам ўз асарининг биринчи вариантини «Тарихи жаҳоннамои» деб атади ва бу вариант Ш. Воҳидовнинг фикрича, кенг омма учун мўлжалланган. «Тарихи жаҳоннамои»нинг иккинчи қисмини «Тухфат ут-таворихи хоний» номи остида Қўқон хонлигининг расмий тарихи сифатида қайта ишлаган (Қаранг: *Воҳидов Ш.* Номзодлик дисс. – 20-бет; *Ўша муаллиф.* О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммад Атгара Хуканди // *Адабий мерос.* 1989. № 1. – С. 31).

ёзишни бошлаган пайтда хон хонадонининг бирор вакилига ёки бирор яқин танишига тақдим қилиш нияти йўқ эди. XIX асрнинг 70-йиллари бошида юзага келган Насриддинбек билан дўстона алоқалари ёки 1875 йилдан сўнг Қўқон хонлари хонадони вакиллари билан яқинлашуви Муҳаммад Солиххўжада асарни шаҳзодалардан кимгадир тақдим қилиш фикри туғилган. Асарда бунга айрим ишоралар ҳам мавжуд.

Хусусан, Муҳаммад Солиххўжа асарнинг ёзилишида Худоёрхоннинг ўғли Сайид Муҳаммадаминбек ҳомийлик қилганини тилга олади. Сайид Муҳаммадаминбек муаллифнинг яқин танишларидан бўлиб<sup>1</sup>, Муродхўжа Солиххўжа ўғли тўғридан-тўғри муаллиф ўз асарини Сайид Муҳаммадаминбекка бағишлаб ёзганлигини таъкидлайди. Фикри-мизча, асарни Муҳаммадаминбекка бағишлаш фикри муаллифда анча кеч, яъни ўзининг Қўқон шаҳзодалари орасида энг яқин кишиси Насриддинбек вафотидан кейин (1299/1882) туғилган бўлиши керак. Бундан ташқари, муаллиф ўз ҳомийсини «хоқон ибн хоқон» деб тилга олганда отасидан сўнг қисқа вақт хонлик қилган Насриддинбекни назарда тутган эди.

Асарнинг номи «Тарихи жадидаи Тошканд» деб аталиши бир неча жойда таъкидланади. Яна бир жойда эса, «Таворихи мунтахаб», бошқа бир жойда эса «Тарихи вилояти Тошканд» деб тилга олинади. Гарчи мазмунан учинчи ном асарга тўғрироқ келсада, «Тарихи жадидаи Тошканд» номини муаллиф кўп тилга олади. Кейинчалик бу илмий адабиётларда асарнинг шу ном билан машҳур бўлишига олиб келди.

<sup>1</sup> Сайид Муҳаммадаминбек кейинчалик «Туркистон вилояти газети»нинг 1894 йил 22 март сониде ўзи тўплаган маълумотлар асосида «Фарғона музофотининг хонлари хусусидаги воқеалар» номида Қўқон хонлари тарихини мақола сифатида чоп қилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари Қўқон хонлигида кенг тарқалган тарихнавислик анъаналари асосида, форс-тожик тилида ёзилган. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган барча асарларда бўлганидек, рус маъмурлари ва бошқа шахслар номлари: Ширинуф — Черняев, Фун Кофмон (баъзида, Ковуфмон) — Фон Кауфман, Искоблүф — Скобелов, Румановски — Романовский, Колжанувски — Крижановский, Вимбурх — Вейнберг, Фатнусуф — Пантусов; шаҳар номлари: Мукуб — Москва, Ўрунбуруния ёки Ўрунбурх — Оренбург; терминлар: жондорол — генерал, одйутонт — адъютант, кунсул — консул ва бошқа сўзларнинг маҳаллий талаффуздаги шакллари учрайди. Бундан ташқари, асарда айрим воқеа иштирокчиларининг ўз тилида айтган сўзлари ва баъзи бир иборалар ўзбек тилида келтирилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд»нинг муаллиф дастхатидан кўчирилган биринчи нусхаси икки китобдан иборат бўлиб, асарнинг иккинчи жилдини ташкил этган<sup>1</sup>. Бу нусха 1935 йил сентябрдан 1936 йил 17 мартгача Набирахўжа Сайидхўжа ўғли томонидан муаллиф дастхати нусхасидан айнан кўчирилган. Уларнинг қўлёзмалари ўлчами 15×21 см, матн ўлчами 10,5×16,5 см ҳажмда, ҳар бир саҳифа ёзуви 11 қатордан, пойгирлар қўйилиб, рус фабрика қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган<sup>2</sup>. Биринчи китоб 302 варақдан иборат ва асл нусханинг бошланишидан 297 варақ тушириб қолдирилган. Мазкур нусха асар иккинчи жилдининг биринчи боби бўлиб, у «Жаннатмакон Фарғона мамлакатининг олийнасаб султонлари» бобидан бошланган.

<sup>1</sup> СВР. Т. VI. — С.36; СВР. История. — С. 213.

<sup>2</sup> Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 11072, 11073.

Биринчи китоб асар иккинчи жилдининг ярмини ўз ичига олган ва муаллиф дастхатининг 2976-варақдан 6666 варақнинг 9-қаторигача бўлган қисмини ташкил этади. Воқеалар баёни эса Тошкентга М.Г. Черняевнинг иккинчи ҳужуми бошланиши билан якунланган. Ушбу нусха биринчи китобининг бошланиш қисми ҳам автограф нусха сингари кўп бор ўчирилиб, ҳошияга ёзилган. Сабаби, кўчирувчи асарнинг аслиятини сақламоқчи бўлган. Чунончи, кўчирувчи асл нусхадаги чизик тортилган саҳифани ва унинг ҳошиясидаги матнни кўчириб, сўнгра устидан чизик тортиб ўчирган ва «асл нусхада ўчирилган» деб огоҳлантириш берган (№ 11072, 6б, 7а, 8а-варақлар ва бошқ.). Кейинги чизик тортиб ўчирилган саҳифалар эса оддий жадвалга олинган (№11071, 11а, 12а — 19а, б, 312б — 314б-варақлар). Асл нусхада ўчирилган айрим саҳифалар эса алоҳида кичик варақларга ёзиб қўйилган. Автограф нусхада ўчирилмасдан матнга муаллиф томонидан киритилган қўшимчалар эса кўчирувчи томонидан мазкур нусхада асосий матнга кўчирилган (№№ 7791, 11072: 334б, 335а — 33а, б; 335аб — 33аб; 339а — 37а; 348а — 45а ва бошқ.).

Иккинчи китоб 294 варақ, иккинчи жилд иккинчи бобининг ярми ва учинчи бобини ўз ичига олган. Бу асл нусхада 6666 — 1040б варақларга тўғри келади.

«Тарихи жадидаи Тошканд»нинг вақт жиҳатдан энг кейинги нусхаси Набирахўжа нусхасидан кўчирилган бўлиб, бу ҳам асарнинг иккинчи жилдини ўз ичига олади. Бошланиши ва охири Набирахўжа нусхаси билан бир хил. Колофонда А.Носировнинг қуйидаги эслатмаси бор: «... Ушбу «Тарихи жадидаи Тошканд»нинг дафтари сонийси «Ибтидои салотини мамолики Фарғона»дан бошланиб, шул жойда охирига етиб тамом бўлди. Фақир у ҳақир Абдуллоҳ маҳдум Тошкандий (Носиров). Муаллиф-

нинг ўзи ёзган оригиналидан 1935/36 йилда Набирахўжа Сайидхўжа ўғли томонидан кўчирилган нусхадан айнан ёзилди. 1940 йил ноябрь, шаҳри Тошканд»<sup>1</sup>. Настаълиқ хатида ўқув дафтарига ёзилган ушбу нусханинг қўлёзма ўлчами 19×28 см, матн ўлчами 14×24 см ҳажмда. Ҳар бир саҳифаси 19 қатордан, пойгирлари йўқ.

Бу нусхани кўчириш 1940 йил июнда Тошкент шаҳар Марказий кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) мудир кўрсатмаси билан Муҳаммад Ҳасан Бухорий томонидан бошланган. Қолган қисми, яъни 294а–376а варақлари эса Абдулла Носиров томонидан 1940 йил ноябрь ойида кўчириб тугатилган. Ушбу нусханинг охириги уч варағига (377а–380б) 1950 йили Шарқшунослик институти илмий ходими Муродхўжа Солиххўжа ўғли томонидан кўк қаламда «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига тақриз ва илова ёзилган<sup>2</sup>. Иловада Муҳаммад Солиххўжага замондош бўлган тошкентлик 16 нафар шоир ҳақида маълумот берилган бўлиб, бу тўғрида 381а-варақда А. Носировнинг 1984 йил 5 июнда ёзган эслатмаси бор.

Асарнинг мазкур нусхаси айрим камчиликлардан холи эмас. Шу сабабли уни муаллиф дастхати билан солиштириб чиқдик. Кўчирувчилар асарнинг №№ 11072, 11073 нусхаларидан айнан кўчирганликларини таъкидлашган. Бироқ қиёсланимизда, унда автограф нусхадаги тарихий воқеаларга аниқлик

<sup>1</sup> Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 5732, – 294а-варақ.

<sup>2</sup> Ушбу тақриз ва илова 1966 йилда А. Носиров кўрсатмаси билан Усмон Каримов томонидан кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган. Қаранг: Муродхўжа Солиххўжа ўғли. Тарихи жадидаи Тошканд асарига тақриз ва илова. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 13414. – Тошкент, 1966.

киритувчи айрим жумлалар ва кўчирувчи томонидан «аҳамиятсиз» деб топилган ортиқча жимжимдор сўзлар тушириб қолдирилгани аниқланди. Сайидхўжа Набирахўжа ўғли кўчирган нусхада эса, ушбу жумлалар тушиб қолмаган<sup>1</sup>. Албатта, ушбу нусхадаги бундай ноқисликлар унинг илмий аҳамиятига жиддий таъсир кўрсатмаседа, лекин тарихий манбашунослик талабига кўра буни билиш муҳим.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари умумий тарих услубида ёзилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи бир неча жойда асар муқаддима, 4 рукн ва хотимадан иборатлигини ва шартли равишда икки жилда бўлинганлигини таъкидлайди. Лекин, аслида, асарнинг тузилиши муаллиф айтганидан анча мураккаброқ ва муқаддиманинг ўзи яна бир қанча тарихий даврларга ва қисмларга бўлинган. Муаллиф китобнинг 378б-варақ ҳошиясида таъкидлашича, у ўз асарини Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий сингари Олтин Бешиқдан эмас, балки «Равзат ус-сафо» муаллифи Мирхонд сингари қадимги шоҳлар ва сулолалар тарихидан бошлайди. Муқаддимада тарих Одам Ато давридан бошлаб то XVIII асргача (Ўрта Осиё ва унга қўшни мамлакатлар тарихи) баён қилинган.

Албатта, асарнинг умумий тарих услубида ёзилиши ҳажмининг ортиб кетишига сабаб бўлган. Лекин, унинг олдинги қисмларида Ўрта Осиё тарихига доир умумий маълумотлар ўз аксини топганлиги ва компилятив характерда бўлишига қарамай, улар Шарқ тарихнавислик анъанаси услубларининг ўзига хос хусусиятлари ва XIX асрда сақланиб қол-

<sup>1</sup> Қаранг: Қўлёзма № 7791 ва № 11073. – 699б ва 32а-варақлар; Қўлёзма № 5732. – 282а-варақ; Қўлёзма № 7791 ва № 11073. – 748б ва 76а-варақлар; Қўлёзма № 5732. – 36б-варақ.

ган жиҳатларини ҳамда Марказий Осиё ва Шарқнинг бошқа мусулмон мамлакатларида ҳукмронлик қилган сулолалар генеалогиясини ўрганишда қўл келади.

«Тарихи жадидаи Тошканд» ҳам Аллоҳга ҳамду сано, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яратилиши билан бошланади, сўнгра ўтган пайғамбарлар тарихи, Муҳаммад (с.а.в.) ҳамда дастлабки тўрт халифа билан боғлиқ воқеалар келтирилган. Пайғамбарлар тарихи 206–21а-саҳифаларда, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ва чаҳорёрлар мадҳи иккинчи жиднинг 361б–364б-саҳифаларида ҳам назмда такрор келтирилган. Сўнгра оддий унвон ва Бисмиллоҳдан кейин сулолалар тарихи ёритилган. Бунда Муҳаммад Солиххўжа Истанбулда Султон Абдулмажидхон ибн Султон Маҳмудхон II (1839–1861) даврида ёзилган «Тарихи хулафо-и Истанбули» номли асарда келтирилган пайғамбарлар ва шоҳлар насабно-масидан фойдаланганлигини таъкидлаб ўтади. Шу асосда асардаги сулолалар тарихи иккига —исломгача бўлган қадимги Эрон шоҳлари ва исломдан кейинги Умавийлар, Аббосийлар ҳамда уларга замондош маҳаллий сулолаларга ажратилган. Исломдан кейинги сулолалар Хулафои рошидин<sup>1</sup> давридан бошланиб, мусулмон Шарқ мамлакатларининг ўрта асрлар тарихи билан уланиб кетади.

Марказий Осиё тарихи Аббосий халифалар даврида Эрон ва Мовароуннаҳрда ҳокимиятнинг маҳаллий сулолалар қўлига ўтиши давридан бошланади. Бунда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари асосида исломдан кейинги 17 та сулола (табақа) тўғрисида кенгроқ маълумот берилган. Ўн еттинчи

<sup>1</sup> Хулафои рошидин — ҳақ йўлидан борган дастлабки тўрт халифа (чаҳорёрлар) — Абу Бакр (632–634), Умар (634–644), Усмон (644–654) ва Али (654–661).

табақа, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Туркистонзамин ва Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган тоифа бўлган ва бу ҳудуд таркибига Мовароуннаҳр ва Фарғонадан то Эрон, Сарахс, Ҳирот ва Кобулгача; Хоразм, Хуросон, Марв, Балх, Бадахшон ва Кўлобдан то Кашмир, Тибат ва Чингача; шимолда Туркистонзаминдан шарқда Чину Мочингача; Кўҳна Тулуфон (Турфон), Ёрканд, Хўтан, Кошғар, Оқсу, Хулжа (Фулжа), Ашфарадан то Авлиёота, Туркистон, Оқмасжиддан то Русия ерларигача; ғарбда Раҳим ва Кумуш қалъасигача бўлган ерлар кирган. Муаллиф ушбу ҳудудда ҳукмронлик қилган учта катта сулолани ажратиб кўрсатади: Ёфас ибн Нуҳ ва унинг авлодлари (49а–56а-варақлар); Ўғузхон ва унинг авлодлари (56а–60а-варақлар); Чингизхон ва унинг авлодлари (60б–95б-варақлар). Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридагидек, қадимги Эрон ва Туроннинг афсонавий шоҳлари (Жамшид, Тур, Афросиёб, Ираж, Фаридун, Ҳушанг) ва Сосонийлар (216–651) шоҳлари (Анушервон, Баҳром I, Парвиз, Ҳўрмуз, Шопур I, Шопур II, Ардашер, Баҳром II) ҳам баён этилган.

Учинчи сулола тарихида бевосита Чингизхон ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган тўрт улус — Улуғ юртда<sup>1</sup> Ўқтойхон, Дашти Қипчоқда Жўжихон, Мовароуннаҳрда Чигатойхон, Эронда Ҳулагухон даври ихчамгина қилиб ёритилган. Навбатдаги қисм эса даврий тартиб асосида Амир Темур ва унинг авлодлари даврига бағишланган бўлиб, маълум бир режа асосида ёзилмаганлиги сезилиб туради. Жумладан, асосан Амир Темур фаолиятининг дастлабки йиллари қисқача ёритилган ва ҳошияда бу воқеалар

<sup>1</sup> Чингизхон асос солган салтанатнинг марказий қисми, пойтахти Қорақурум бўлган Улуғ юртда салтанатнинг олий ҳукмдори — «қоон» ўтирган.

«Равзат ус-сафо» асарида батафсил келтирилгани айтилган. Фикримизча, бу ҳолат Муҳаммад Солиҳ-хўжа асарининг иккинчи жилдида (Қўқон хонлари насабини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва у орқали Амир Темурга боғлаш учун) Қўқон хонлари тарихини ёритишдан олдин Амир Темур ва темурийлар тарихига мурожаат қилгани билан боғлиқ. Унда Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, Фарғона ҳукмдори Умаршайх мирзо (1462–1493) ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1493–1530) даврида Мовароуннаҳрдаги сиёсий воқеалар, Бобурнинг Шайбоний-хонга (1499–1510) қарши курашлари бирмунча кенг ёритилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Марказий Осиёнинг Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлигининг дастлабки даври муаллиф томонидан ўзига хос кетма-кетлик асосида ёзилган. Муҳаммад Солиҳхўжа Нодиршоҳнинг (1736–1747) 1150/1737–1738 йилда Мовароуннаҳрга уюштирган ҳарбий ҳаракатларини аниқроқ ёритиш мақсадида унинг Эрон ва Ироқда ҳокимиятни қўлга киритишидан то ўғли Ризоқулининг ушбу ҳудудда олиб борган урушларигача кенгроқ баён қилинган. Ундан сўнг Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга юриши ҳақида сўз кетади.

XVIII аср ўрталари сиёсий воқеаларида муаллиф Бухоро ва Қўқон хонлиги муносабатларига ҳам тўхталиб, «Тарихи Шоҳрухий», «Тарихи жаҳоннамои» сингари бошқа манбаларни ҳам муомалага тортган ва сиёсий воқеалар баёнида: Нодиршоҳ юришидан сўнг Муҳаммад Раҳимбийнинг (1753–1757) марказий ҳокимиятни ўз қўлига олиш йўлидаги ҳаракатлари ва Абулфайзхон (1711–1747) билан муносабатлари; Қўқон хони Абдураҳимбийнинг (1721–1734) йилда Самарқандни забт этиши ва Шаҳрисабз ҳокимлари билан қариндошлик алоқаларини боғлаши натижасида ўзаро иттифоқнинг юзага келиши;

Муҳаммад Раҳимбийнинг Қўқон хонлари билан муносабатлари, хусусан, 1159/1746 йилда Абдукаримбий (1734–1750) ҳамда 1168/1754–1855 йилда Эрдонабий (1751, 1753–1762) билан бўлган сулҳ сабаблари ва оқибатлари; Муҳаммад Раҳимбийнинг XVIII асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларида Аштархонийлар қўл остида бўлган собиқ мулкларни бирлаштириш йўлида Самарқанд, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Қарши, Фузорга қарши юришлари акс этган<sup>1</sup>. Муҳаммад Раҳимбийдан кейин ҳокимият тепасига келган Дониёлбий (1757–1785), Шоҳмуродбий (1785–1800) ва Амир Ҳайдар (1800–1825) даври тарихида эса Бухоро амирлигининг Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд масаласида Қўқон хонлиги билан бўлган урушлари қисқа ёритилган. Асардаги маълумотларга қараганда, жиддий тўқнашувлар Қўқон хонлиги тахтига Олимхон чиққандан сўнг юз берган. Муҳаммад Солиҳхўжа Амир Ҳайдар ва Норбўтабий (1763–1798) даврида Бухоро ва Қўқон муносабатлари ўзаро келишув ва тинчликка асосланганлигини таъкидлайди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг биринчи жилди Бухоро тахтига Амир Насруллонинг (1826–1860) чиқиши билан якунига етади<sup>2</sup>.

Асарнинг иккинчи жилдида эса Қўқон хонлиги ва унга қўшни ҳудудлар тарихи, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Қўқон хонлигининг тугатилиши ёритилган бўлиб, 1282–1307/1865–1889 йилларда Тошкент шаҳри ва Туркистон ўлкасида юз берган айрим воқеа-ҳодисалар йилма-йил баён қилинган.

Таъкидлаш жоизки, асарда Ўрта Осиё тарихининг бошқа соҳаларига оид маълумотлар ҳам талайгина. Жумладан, асардаги минтақа тарихига доир топо-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 269аб, 278а–288б-варақлар.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 297б-варақ.

нимлар — тоғлар, даралар, довлар, дарё ва кўл, суғо-риш тармоқлари номлари минтақа топонимияси ҳамда тарихий географиясини ўрганишга доир муҳим маълумотлар беради. Шунингдек, тарихий воқеалар баёнида тилга олинган Ўрта Осиё табиий ландшафтнинг ўша даврдаги ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар учрайди. Хусусан, чўл ва даштлар — Чўли Мирзо (Мирзачўл), Нурота дашти, Кўҳна Шероз чўли; сув ҳавзалари — Амуя (Амударё), Сайхун, Сир (Сирдарё), Кўҳак (Зарафшон), Фарак (Чирчиқ), Хитой сойи (Қирғизистондаги Олабуқа дарёси), Кўқон дарёси (Найманча сойи), Хитой сойи (Наманган ҳудудидаги сой), Бирқозон кўли (?), Олашан кўли (?); тоғ тизмалари, дара ва довлар — Олой, Жата ва Мўғул (Талас Олатови, баъзан Чотқол тизмаси), Заргалош (Пском), Бобони уф (Чотқол), Қурама, Оқсоқота, Жиззах тоғлари, Косон тоғлари, Панжкент тоғлари, Салимсоқ довлари, Кандир (Қамчиқ), Қумбел (Қамчиқ довларидаги ўтиш йўли), Илон ўтти дараси ҳамда Тошкент топонимиясини ўрганишга оид кўплаб жой номлари тилга олинади.

Бундан ташқари, Қўқон хонлигидаги мансаблар ва унволларни ўрганишга доир ҳарбий мансаблар ва унволлар (*амирлашкар, мингбоши, қушбеги, баҳодирбоши ёки ботирбоши, баҳодир, тўпчибоши, понсадбоши, юзбоши, эликбоши, даҳбоши, ясовул, маҳрам, сардор, сарҳанг*), сарой мансаблари (*оталиқ, бегларбеги, бий, девонбеги, иноқ, парвоначи, шифовул, шарбатдор, худаичи, эшикоғабоши, дастурхончи, мирзобоши, муний, рисолачи, офтобачи, доғхоҳ, тўқсабо, фармончи*), маъмурий мансаблар (*волий, ҳоким, кўрғонбеги, оқсоқол, закотчи, меҳтар, хазиначи, саркор*) ва диний мансаблар (*шайх ул-ислом, қозикалон, қози, қози аскар, аълам, судур, нақиб, муфтий, охунг, мухтасиб, раис, мударрис, мутавалли, имом, муаззин*) ҳамда улар эгаларининг имтиёзлари ҳамда вазифаларига оид маълумотлар мавжуд.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да айрим жузъий камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Чунончи, муаллиф Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она томондан насабини Юнусхон ибн Эсонхон ибн Буғохон деб кўрсатиб янглишган, тўғриси қуйидагича: Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шералихон. Шунингдек, Ҳакимбий оталиқнинг 1156/1743—1744 йили вафот этганлигини тилга олса-да, кейинги саҳифада Нодиршоҳ томонидан 1159/1746—1747 йили оталиқ этиб тайинлангани ҳақида сўз кетади. Азиз парвоначининг Қўқонга юборилган йилини 1266 йил шаввол (1850 йил, август-сентябрь) ойларида деб кўрсатиб, 1270/1853-54 йиллар воқеаларида уни иккинчи бор Тошкент ҳокими сифатида тилга олиб янглишган. Аслида эса Азиз парвоначининг Қўқонга юборилиши ва ўлдирилиши 1264/1847 йилда юз берган<sup>1</sup>. Мусулмонқул мингбоши ҳам, Муҳаммад Солиххўжа ёзганидек, 1273/1856—1857 йили эмас, 1852 йилда ўлдирилган<sup>2</sup>. Бундай камчиликларнинг сабаби Муҳаммад Солиххўжа айрим маълумотларни юз берганидан анча кейин эслаб ёзган ва табиийки, саналарда адашган. Умуман олганда, бундай тасодифий ёки майда камчиликлар тарихий асарларда учраб туради ва уларни аниқлаштириш тарихий манбашуносликка оид тадқиқотлар орқали амалга оширилади.

#### «ТАРИХИ ЖАДИДАИ ТОШКАНД» АСАРИ МАНБАЛАРИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида қадимдан бошлаб умумий тарихга оид жуда катта давр қамраб олинган ва шундан келиб чиқиб, муаллиф

<sup>1</sup> Имомали қори Қундузий — Комий. Таворихи манзума. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 597. — 57а-варақ.

<sup>2</sup> Ўша манба. 54б-варақ. Яна қаранг: Набиев Р. История Кокандского ханства. — С. 43—44.

барча тарихчилар сингари ўзигача бўлган Марказий Осиё ва Шарқнинг мусулмон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ва маънавий тарихига доир асарлардан кенг фойдаланган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи ҳам Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги бўйлаб қилган саёхатлари мобайнида асар учун керакли маълумотларни тўплаб юрган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи Муҳаммад Алихондан Султон Саъидхонгача бўлган воқеаларни кўрган ишончли кишилардан эшитганлари асосида, кейинги давр воқеаларини ўз кўзи билан кўриб ҳамда бевосита воқеа иштирокчилари бўлган суҳбатдошларининг ҳикоялари асосида ёзганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Умуман олганда, «Тарихи жадидаи Тошканд» Шарқ тарихнависилиги услуби ва Қўқон тарихнависилиги мактаби доирасида ёзилган тарихий асарларга яқин туради. Хусусан, «Мунтахаб ут-таворих» асари (муаллифи Муҳаммад Ҳакимхонтўра) ва «Тарихи жаҳоннамои» асарининг (муаллифи Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий) асосий манбаларини халқ оғзаки ижоди (нақл, қисса, ривоят), диний элементлар ва мотивлар (оятлар ва ҳадислар), ўтмишда яратилган асарлар, замондош муаллифларнинг асарлари, Шарқнинг машҳур шоирлари шеърларидан намуналар ва тарих-хронограммалар ташкил этган<sup>3</sup>. Бундай ўхшашлик «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ҳам яққол кўзга ташланади. Муҳаммад Солиххўжа асарда ўзи фойдаланган манбаларни айрим ўринларда барчасини, айрим ҳолларда

<sup>1</sup> «Тарихи жадидаи Тошканд» асари манбалари ҳақида биловага қаранг.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 868а-варақ.

<sup>3</sup> Хуршут Э. Мунтахаб ут-таварих и его источники // ОНУ. 1986. № 12. — С. 39; Воҳидов Ш. Номзодлик дисс. — 40-бет; Ўша муаллиф. Источники использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении «Тухфат ат-таварих-и хани (Тарихи джаханнумай)» // Адабий мерос. 1989. № 4. — С. 31.

эса тарқоқ ҳолда тилга олади. Шулар асосида «Тарихи жадидаи Тошканд» асари манбаларини мазмунига кўра қуйидагича туркумлаш мумкин:

— тарихий, географик ва геокосмографик асарлар;

— биографик асарлар;

— маънавий-маърифий ва адабий асарлар;

— диний асарлар (тасаввуф, ақида);

— оғзаки хабарлар (ривоятлар ва муаллифнинг суҳбатдошларидан эшитганлари);

— муаллифнинг ўз кўзи билан кўрганлари.

Бундан ташқари, айрим ўринларда муаллиф Қуръон оятлари ва ҳадислардан, шунингдек, Мавлоно Бурҳониддиннинг «Иршод ал-муслимин», шайх ул-ислом Солихнинг «Чаманистон», асарлари ва «Тарихи мавлоно Ушшоқ Косоний» (муаллифи номаълум) каби асарлардан ҳам фойдаланган.

«Тарихи жадидаи Тошканд»нинг манбалари орасида тарихий ва тарихий-географик асарлар алоҳида ажралиб туради. Уларга турли даврларда яратилган «Тарихи Табарий»<sup>1</sup>, «Жоме ут-таворих»<sup>2</sup>, «Тарихи жаҳонкушой»<sup>3</sup>, «Тарихи вилояти Байзобий»<sup>4</sup>, «Зафар-

<sup>1</sup> «Тарихи Табарий» — бошқа номи «Тарих ар-расул ва-л-мулк». Абу Жаъфар Муҳаммад б. Жарир ат-Табарий (839—923) томонидан 961—964 йилларда араб тилида ёзилган. СВР. История. — С. 17.

<sup>2</sup> «Жоме ут-таворих» — 1304—1307 йилларда форс тилида ёзилган, муаллифи Рашидиддин Фазлуллоҳ б. Имом ад-Давла Абулхайр ал-Ҳамадоний (тахм. 1247—1318). СВР. История. — С. 32.

<sup>3</sup> «Тарихи жаҳонкушой» — муаллифи Алоуддин Отамалик Жувайний б. Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайний (1226—1281), асар 1260 йилда форс тилида ёзиб тугатилган. СВР. История. — С. 256; *Стори* Ч.А. Ч. II. — С. 760.

<sup>4</sup> «Тарихи Байзобий» — бошқа номи «Низом ат-таворих», 1275 йилда форс тилида ёзилган. Муаллифи Носириддин Абу Саид Абдуллоҳ б. Имомиддин Абулқосим Умар б. Фахриддин Абулҳасан Али ал-Байзовий (XIII аср). СВР. История. — С. 30—32.

нома» (Шомий), «Зафарнома» (Яздий), «Равзат ус-сафо»<sup>1</sup>, «Тарихи Фариштаи Акбаршоҳий»<sup>2</sup>, «Тарихи Акбаршоҳий»<sup>3</sup>, «Тарихи Аврангзибшоҳий»<sup>4</sup>, «Тарихи Муқимхоний»<sup>5</sup>, «Тухфат ул-хоний»<sup>6</sup>, «Тарихи Нодирхоний», «Тухфат ут-таворихи хоний»<sup>7</sup> «Тарихи Шоҳрухий»<sup>8</sup> асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур

<sup>1</sup> «Равзат ус-сафо» — муаллифи Муҳаммад б. Ховандшоҳ — «Мирхонд» (1433 — 1498). Асарнинг I — VI жилдлари 1498 йилгача Мирхонд томонидан, VII жилди 1523 йилда Хондамир томонидан ёзиб тугатилган. СВР. История. — С. 44; *Стори Ч.А. Ч. I.* — С. 361.

<sup>2</sup> «Тарихи Фариштаи Акбаршоҳий» — бошқа номлари «Тарихи Фаришта», «Гулшани Иброҳимий», «Тарихи Навраснома», 1606 — 1610 йилларда Муҳаммад Қосим б. Фулом Али Ҳиндушоҳ Астрабодий — «Фаришта» (1552 — ?) томонидан форс тилида ёзилган. XIX асрда Хоразмда ўзбек тилига таржима қилинган. СВР. История. — С. 282 — 283.

<sup>3</sup> «Тарихи Акбаршоҳий» — бошқа номлари «Табақоти Акбаршоҳий», «Тарихи Низомий», 1593 — 1594 йилларда Хожа Низомуддин Аҳмад Деҳлавий б. Хожа Муҳаммад Муқим ал-Ҳеравий (ваф. 1594 — 95 й.) томонидан форс тилида ёзилган. СВР. История. — С. 274.

<sup>4</sup> «Тарихи Аврангзибшоҳий» — асл номи «Оламгирнома», 1670 йилда Бобурийлар саройи мулозими Муҳаммад Козим б. Муҳаммад Амин Мунший (ваф. 1681 й.) томонидан ёзилган. СВР. История. — С. 290.

<sup>5</sup> «Тарихи Муқимхоний» — бошқа номлари «Муқимнома», «Тарихчаи Абулмузаффар Сайид Муҳаммад Баҳодирхон», «Тазкираи Муқимхоний», 1697 — 1704 йиллар орасида форс-тожик тилида ёзилган. Муаллифи Муҳаммад Юсуф ал-Мунший б. Хожа Бақо Балхий (XVII — XVIII аср боши). СВР. История. — С. 156; *Стори Ч.А. Ч. II.* — С. 1146.

<sup>6</sup> «Тухфат ул-хоний» — форс-тожик тилида ёзилган, муаллифи қози Муҳаммад Вафо б. Зоҳир Карминагий (1685 — 1769). Асар Бухоро амири Дониёлбий даврида (1758 — 1785) ёзиб тугалланган. СВР. История. — С. 176; *Стори Ч.А. Ч. II.* — С. 1150.

<sup>7</sup> «Тухфат ут-таворихи хоний» — асарнинг биринчи таҳрири «Тарихи жаҳоннамои» бўлиб, Мулла Аваз Муҳаммад б. Домулла Рўзи Муҳаммад Сўфи — «Аттор» томонидан 1874 йилда ёзилган. СВР. История. — С. 207; *Стори Ч.А. Ч. I.* — С. 487.

<sup>8</sup> «Тарихи Шоҳрухий» — 1871 — 1872 йилларда форс-тожик тилида ёзилган, муаллифи Мулла Ниёз Муҳаммад б. Ашур Хўқандий. СВР. История. — С. 208.

манбаларни «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари билан солиштириб чиққанимизда, Муҳаммад Солиххўжа қадимдан Темурийларгача бўлган давр тарихини ёритишда «Тарихи Табарий», «Равзат ус-сафо» ва «Тарихи жаҳоннамои» асарларига таянгани маълум бўлди. Шунинг учун ҳам «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари шу қисмининг таркибий тузилиши мазкур асарлар мазмунига жуда яқин<sup>1</sup>. Амир Темур тарихини ёритишда эса, «Зафарнома», «Равзат ус-сафо» ва «Бобурнома» асарларига таянган. Бу ерда Муҳаммад Солиххўжа «Зафарнома» асарлари ва унинг муаллифларини ажратиб кўрсатиш учун Низомиддин Шомийни «Соҳибии Зафарномаи муншийи Амир Темур» деб, Шарафуддин Али Яздийни эса, «Муаллифи девони тарихи Зафарномаи Амир Темур» деб тилга олади<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошқанд» асарида Марказий Осиёнинг Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлигининг дастлабки даври Муҳаммад Юсуф муншийнинг «Тарихи Муқимхоний» ва Мир Муҳаммад Вафо Карминагийнинг «Тухфат ул-хоний» асари асосида баён қилинган. Чунончи, Шайбонийлар ва Аштархонийлар тарихида муаллиф «Тарихи Муқимхоний» асарининг таркибий қисмлари ҳисобланган учта мақолани (айрим ўзгартиришлар билан) шундайлигича киритади. Улар қуйидагича:

Биринчи мақола «Абулмузаффар Сайид Муҳаммад Муқим Баҳодир Султоннинг<sup>3</sup> насаби ва буюк або-аждолари зикри муқаддимаси» деб аталиб, у «Тарихи Муқимхоний» асарининг муқаддима қисми

<sup>1</sup> Қаранг: СВР. История. — С. 44; *Воҳидов Ш.* Докторлик дисс. — 184-бет.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 96б-варақ.

<sup>3</sup> Муқимхон — аштархоний, Абулмузаффар Сайид Муҳаммад Муқим Баҳодурхон ибн Искандархон ибн Субҳонқулихон, 1702 — 1707 йилларда Балх ҳокими. 1707 йилда Маҳмудбий оталиқ қатагон томонидан қатл этилган.

ва биринчи мақоласини ўз ичига олган<sup>1</sup>. Бу мақола Муҳаммад Муқимхоннинг аждодларига бағишланганлиги сабабли унда Чингизхон ўғилларидан Жўжи авлодларининг Абулхайрхон тармоғидаги хонлар ва султонлар ҳамда Шайбонийлар даври баён этилган. Иккинчи мақола «Аштархоний султонларнинг Шайбонийлардан сўнг Мовароуннаҳрдаги жулуси баёни» деб номланиб, бу «Тарихи Муқимхоний» асарининг айнан иккинчи мақоласидир<sup>2</sup>. Унда Аштархонийларнинг аждоди Жони Муҳаммад Султоннинг Бухорога келиб, Искандархоннинг (1560–1583) қизи Зухрабегимга уйланишидан то Субҳонқулихоннинг (1702–1711) Бухорода 77 ёшда вафот этгунигача бўлган воқеалар ёритилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган бу икки мақоладаги воқеалар матни ва «Тарихи Муқимхоний» асаридаги матни солиштирганимизда, уларнинг деярли бир хиллиги маълум бўлди, фақат «Тарихи Муқимхоний»да келтирилган айрим шеърый парчалар ва яна айрим кичик хабарлар «Тарихи жадидаи Тошканд»да тушириб қолдирилган, холос. Шунингдек, Муҳаммад Солиххўжа асаридаги бир байт ва Абдулмўминхоннинг отаси ўлимини эшитиб, Машҳаддан Бухорога келишига доир маълумот «Тарихи Муқимхоний»да йўқ<sup>3</sup>.

Учинчи мақола «Абулмузаффар Сайид Муҳаммад Муқим Баҳодурхон жулуси зикри»<sup>4</sup> деб номланиб, унда асардаги тарихий воқеалар тартиби «Тарихи Муқимхоний» матнига қараганда анча фарқ қилади.

<sup>1</sup> *Муҳаммад Юсуф мунший*. Тарихи Муқимхоний. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3784. — 46–296-варақлар; Тарихи жадида. — 201а–219а-варақлар.

<sup>2</sup> Тарихи Муқимхоний. — 296–115а-варақлар; Тарихи жадида. — 219б–444а-варақлар.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 214б–218а, б-варақлар.

<sup>4</sup> *Ўша манба*. — 444а-варақ; Тарихи Муқимхоний. — 115б-варақ.

Муҳаммад Солиххўжа Сайид Муҳаммад Муқимхоннинг Балҳда 23 йил ҳукмронлик қилганини таъкидлагач, Мир Муҳаммад Вафо Карминагийннинг «Тухфат ул-хоний», Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг «Тарихи Нодирхоний» асарларига мурожаат қилади ва уларга таяниб, Абулфайзхоннинг (1711–1747) тахтга чиқишидан бошлаб, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳр ҳудудига истилочилик юришлари, Манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ҳамда Муҳаммад Раҳимбий, Дониёлбий, Шохмуродбий ва Амир Ҳайдар даври тарихини ёритади. Тилга олинган XVIII аср ўрталаридаги сиёсий воқеалар баёнида муаллиф Бухоро ва Қўқон хонлиги муносабатларига ҳам тўхталиб, «Тарихи Шохрухий», «Тарихи жаҳоннамои» сингари бошқа гуруҳдаги манбаларни ҳам муомалага тортган. «Тарихи Акбаршоҳий», «Мифтоҳ ут-таворих» ва «Тарихи Аврангзибошхоний» асарларидан эса, Ҳиндистонда ҳукмронлик қилаётган Бобур авлодлари тўғрисида сўз юритганда фойдаланган.

Муаллиф фойдаланган географик, гео-космографик асарларни «Ажойиб ал-булдон»<sup>1</sup>, «Сувар ал-ақолим»<sup>2</sup>, «Қандия»<sup>3</sup>, «Ажойиб ут-табоқот»<sup>4</sup>, «Тарихи

<sup>1</sup> «Ажойиб ал-булдон» — бошқа номлари «Ажойиб ал-ақолим», «Зикри ақолим ва билод». Муаллифи Низомиддин Абд ал-Али б. Муҳаммад б. Ҳусайн ал Биржандий (ваф. 1524 й.). СВР. Т. VIII. — С. 69–70.

<sup>2</sup> «Сувар ал-ақолим» — муаллифи Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий (850–934).

<sup>3</sup> «Қандия» — бошқа номлари «Қандия-и хурд», «ал-Қанд», «Тарихи Қанд», «Китоб ал-Қанд фи тарихи Самарқанд», «Мунтахаб ал-Қанд». Муаллиф имом Абул Фазл Муҳаммад б. Абдужалил Самарқандий (XII аср) томонидан Абу Хафс Нажмиддин Умар б. Муҳаммад ан-Насафийнинг (ваф. 1142 й.) араб тилидаги асарига таяниб ёзилган. СВР. История. — С. 109; *Стори Ч.А. Ч. II*. — С. 1112.

<sup>4</sup> «Ажойиб ут-табоқот» — 1648 йилда Муҳаммад Тохир томонидан аштархоний Надр Муҳаммадхон (1606–1642) топшириғи билан ёзилган.

ақолими сабъа»<sup>1</sup>, «Тарихи Муллазода»<sup>2</sup>, «Тарихи Сайид Роқим»<sup>3</sup> каби асарлар ташкил этади. Муҳаммад Солиххўжа мазкур асарларга мамлакатлар ва ўлкаларни географик иқлимларга ажратишда, минтақа географияси — дарё, кўл, тоғлар ва турли мавзеларга изоҳ беришда мурожаат қилган. Айниқса, Тошкент атрофи табиати, Тошкент вилоятидаги тоғлар ва улардаги конлар, маъданлар тўғрисида ёзишда «Ажойиб ут-табақот» ва «Ҳафт иқлим» асарларидан маълумотлар келтириб, сўнгра ўзи яшаган даврга оид маълумотларни ҳавола қилади. Шунингдек, Муҳаммад Солиххўжа учун Қўқон тарихнавислигида муҳим ўрин тутган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳам тарихий, ҳам географик манба вазифасини ўтаганлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

Муҳаммад Солиххўжанинг иккинчи ва учинчи гуруҳ манбаларини Фирдавсийнинг (934 — 1030) «Шоҳнома», Жалолиддин Румийнинг (1207 — 1273) «Маснавий-маънавий», Зайниддин Восифийнинг (1485 — 1551 ёки 1566 й.) «Тазкират уш-шуарои Восифий» («Бадоеъ ул-вақоеъ»), Мавлоно Абдурахмон Мушфиқийнинг (ваф. 1588 й.) «Соқийнома», Абдукарим Намангонийнинг (Фазлий, XVIII асрнинг 2-ярми — XIX асрнинг 1-ярми) «Тазкират уш-шуарои Умархоний», Гулханийнинг (XVIII аср охири — XIX асрнинг 20-йиллари) «Зарбулмасал» каби биографик ва адабий, маънавий-ахлоқий асарлар ташкил

<sup>1</sup> «Тарихи ақолим сабъа», яъни «Ҳафт иқлим» 1594 йилда форс тилида ёзилган, муаллифи Амин Аҳмад ар-Розий.

<sup>2</sup> «Тарихи Муллазода» — бошқа номлари «Рисолаи Муллазода», «Китоби Муллазода». Аҳмад б. Маҳмуд — «Муин ал-фуқаро» (XV аср) томонидан ёзилган. СВР. История. — С. 354; *Стори Ч.А.* Ч. II. — С. 1115.

<sup>3</sup> «Тарихи Роқим» — бошқа номлари «Тарихчайи Мир Сайид Роқим», «Тарихи Касира», «Тарихнома-и Касира» ва бошқ. 1680 йилда Мулла Шарафиддин аълам б. Нуриддин охунд (XVII аср) томонидан ёзилган. СВР. История. — С. 164; *Стори Ч.А.* Ч. II. — С. 1139.

этади. Муаллиф тарихий воқеалар ва жанг тафсилотлари баёнида Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Бедил ва Мавлоно Мушфиқий каби шоирлар қаламига мансуб байтлардан ҳамда «Калила ва Димна», «Зарбулмасал» асарларидаги ҳикоятлардан ҳам келтирган.

«Меърожнома», «Қасидаи Бурда», Фаридиддин Атторминг «Насихатнома», Жомийнинг «Тухфат ул-аҳрор», Али Сафийнинг «Рашаҳот айнил-ҳаёт», шунингдек, «Маноқиб Хожа Аҳрор», Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизийн» каби асарларидан муаллиф тасаввуфий ва диний фикр-мулоҳазаларида фойдаланган.

Манба бўлиб хизмат қилган оғзаки хабарлар орасида турли ривоятлар ва муаллифнинг замондошларидан эшитганлари ҳам бор. Олтин Бешиқ, Искандар Мақдуний, Ҳазрат Уккоша, Жанодил, Бобои Мардак тўғрисидаги ривоятлар шулар жумласидандир. Муҳаммад Солиххўжа фойдаланган манбалардан яна бири — бу тарихий воқеаларнинг иштирокчилари ва уларни ўз кўзи билан кўрган муаллифнинг яқинлари, таниш-билишлари берган маълумотлардир. Айрим тарихий воқеаларни ёритишда олдинги асарларга эмас, кўпроқ суҳбатдошларидан эшитганларига таянишини Муҳаммад Солиххўжанинг ўзига хос услуби дейиш мумкин. Хусусан, Олимхоннинг Тошкентга юриши баёнида Муҳаммад Солиххўжанинг тутган бундай йўли худди шу воқеани ёритган бошқа муаллифлар услубидан алоҳида ажралиб турадики, бу ҳол айрим тадқиқотчилар эътиборини ҳам ўзига тортган<sup>1</sup>. Шунингдек, Юнусхўжа авлодлари тақдири тўғрисида унинг ўғли Султонхўжанинг мирохури Тошбободан; Олимхон даври тўғрисида бобоси ва бошқа та-

<sup>1</sup> Соколов Ю. Установление Кокандского владычества в Ташкенте // Материалы по истории Средней Азии. — Т., 1966. — С. 27; Чехович О.Д. Сказание о Ташкенте. — С. 172.

нишларидан; Бухоро ва Шаҳрисабз ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Шаҳрисабз ҳокими Жўрабекдан; Абдумаликтўранинг отаси амир Музаффар ва истилочилар қўшинига қарши кураши ҳамда унинг бошидан кечирганлари ҳақида Абдумаликтўранинг ўша пайтлардаги муншийси ва сафдоши Мулло Юнусжон Шаҳрисабзийдан эшитган ҳикоялари асосида ёритганини кўрамиз.

Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжанинг Худоёрхон, Султон Саъидхон, Насриддинбек ва бошқа шаҳзодалар, Алимқули амирлашкар, Мулло Юнусжон мунший, ўша даврнинг таниқли кишилари, Тошкент мудофааси ташкилотчиларидан Солихбек додхоҳ, Ҳакимхўжа қозикалон, эътиборли уламолардан Миён Бузрук, Абдулмажидхон эшон ва бошқалар билан яқиндан таниш бўлганлиги унга Қўқон хонлиги тарихи ва Россия империясининг Ўрта Осиёга истилочилик юришларини бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли маълумотлар асосида баён қилиш имконини берган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа ўз ахборотчиларидан олган маълумотларга танқидий ёндашади, қиёслайди, хатоларини кўрсатади. Биргина мисол, Муҳаммад Солиххўжа ўзининг Қўқон дарвозаси ташқарисидаги чорбоғдаги қўшниси Юнусхўжанинг ўғли Султонхўжанинг мирохури бўлган Тошбободан олган маълумотга таяниб, «Тарихи Шоҳрухий» асаридаги «Юнусхўжа Олимхондан енгиллиб, Бухорога қочиб кетди» деган хабарни нотўғри деб топади. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида XIX асрнинг 40–80-йилларида Тошкентда юз берган воқеалар эса, Муҳаммад Солиххўжанинг ўз кўрганлари асосида ёритилган бўлиб, шунга кўра мазкур алоҳида илмий аҳамиятга эга ва бу борада бирламчи манба ҳисобланади.

<sup>1</sup> Муҳаммад Солиххўжанинг асосий ахборотчилари ҳақида 8-иловага қаранг.

## ТОШКЕНТНИНГ XIX АСРДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛИ

### ТОШКЕНТ ҲУДУДИ ВА ТОПОГРАФИЯСИ

Тошкент қадимдан Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган шаҳарлардан бири бўлиб, унинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи археологик топилмалар ҳамда ёзма манбалар асосида анча яхши ўрганилган ва бу соҳада изланишлар давом этмоқда<sup>1</sup>. XIX асрдаги Тошкент тарихига доир айрим маълумотлар Ўрта Осиё хонликларида ва Тошкентда бўлган рус саёҳатчилари ва ўлка тадқиқотчилари асарларида ҳам учрайди<sup>2</sup>. Жумладан, Тошкент ҳудуди тўғрисида

<sup>1</sup> Бу ҳақида қаранг: *Лунин Б.* История изучения прошлого и настоящего Ташкента. 1. Дореволюционный период // ОНУ. 1981. № 12. — С. 51–63; *Ўша муаллиф.* История изучения прошлого и настоящего Ташкента. 2. Советский период // ОНУ. 1982. № 1. — С. 47–59.

<sup>2</sup> *Лунин Б.* История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI—первой половины XIX в. — Т.: Фан, 1988; *Назаров Ф.* Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. — М.: Наука, 1968. — С. 31–36; *Хорошхин А.П.* Очерки Ташкента // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. — СПб., 1876. — С. 78–1842; *Ўша муаллиф.* Вакуфы Ташкента // Туркестанские ведомости. 1884. № 34; *Маев Н.А.* Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. — СПб., 1876; *Гейнс А.К.* Управления Ташкента при Кокандском владычестве. Собрание литературных трудов. В III томах. — СПб., 1897–1899. Т. II. — С. 413–535; *Маллицкий Н.Г.* Несколько слов из истории Ташкента за последнее столетие // Туркестанские ведомости. 1898. №№ 88, 90, 91; *Ўша муаллиф.* Из истории Ташкента под Кокандским владычеством // ПТКЛА. Год 5-й, 1900. — С. 126–137; *Добросмыслов А.Н.* Ташкент. Исторический очерк // Туркестанские ведомости. 1909. № 214 ва бошқ.

1738—1839 йилларда Тошкентда бўлган К. Миллер Тошкентнинг узунасига ва энига 4 верст<sup>1</sup> (4,2672 км) келадиган, баландлиги тахминан 2 сажен<sup>2</sup> (304—352 ёки 426,72 см) бўлган тупроқ девор билан, 1813—1814 йилларда Тошкентга келган Ф. Назаров эса 15 верст (16,4 км) узунликдаги пахса девор билан ўралганини таъкидлайди. А. Добросмысловнинг ёзишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар деворининг айлана узунлиги 24 верста (25,6032 км) тенг бўлган<sup>3</sup>. 1800 йилда Тошкентда бўлган М. Поспелов берган маълумотларда эса, XVIII аср охирида, яъни Юнусхўжа олиб борган таъмирлаш ишларидан сўнг Тошкент баландлиги 26 фут<sup>4</sup> (7,9248 м), қалинлиги 6 фут (1,8288 м), юқори қисми 3 фут (0,9144 м) бўлган деворга эга бўлиб, шаҳарнинг майдони 26,4 кв км ни ташкил этгани тилга олинади<sup>5</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида эса, Тошкент шаҳар номи билан бирга маъмурий бирлик сифатида ҳам қўлланилиб, у вилоят сифатида анчагина катта ҳудудни қамраб олганлиги, таркибига бир қанча шаҳар, қишлоқ ва мавзелар кирганлиги таъкидланган. Муҳаммад Солиххўжа унинг ҳудудини тахминан Сайхун дарёси бошланишидан охиригача деб кўрсатади. Бошқа бир жойда эса муаллиф Тошкентнинг шарқий сарҳадини Қурама тоғ-

<sup>1</sup> Верст — рус ўлчов бирликларидан, XVIII аср охириларида бошлаб 1 верст 1,0668 км га тенг бўлган.

<sup>2</sup> Сажен — узунлик ўлчов бирлиги, 1835 йилгача 1 сажен 152 ёки 176 см га, ундан кейинги даврларда 213,36 см га тенг бўлган.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. — С. 60; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. — С. 51.

<sup>4</sup> Фут — а) рус узунлик ўлчов тизимида 1 фут = 1/7 саржин = 12 дюйм = 0,3048 м; б) инглиз узунлик ўлчов тизимида 1 фут = 1/3 ярд = 12 дюйм = 0,3048 м.

<sup>5</sup> История Ташкента. — С. 90; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. — С. 20; Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. — С. 37.

лари билан белгилаб, Тошкент мулкига Сирдарёдан (шимолга) насронийлар еригача, то Хитой ва Чинга қарашли Ғулжагача бўлган ерлар кирганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг замондоши ва ҳамшаҳри Абу Убайдуллоҳ эса, Тошкент чегараларини шарқда Кўксув, Қоратол ва Қафолгача, ғарбда Қоратепа, Чимкентдан то Раҳим қалъасигача 4 ойлик йўл, жанубдан икки ойлик йўл билан белгилайди<sup>2</sup>. Лекин, Қурама, Овлиқ, Керовчи, Бўка каби катта-кичик бекликлар Қўқон хонлигининг алоҳида маъмурий бирликлари бўлиб, махсус тайинланган ҳоким ва беклар томонидан бошқарилган<sup>3</sup>. Жумладан, маълум бир вақтларда Ўтаббой қушбеги Керовчи, Азизбек парвоначи, Нормуҳаммад қушбеги Қурама ҳокими лавозимида бўлган. Улар ҳарбий юришлар давридагина Тошкент ҳокими ихтиёридаги «Тошкент қўшини»ни ташкил этган.

Муҳаммад Солиххўжа ўз асарида Тошкентдан бошқа шаҳарларгача бўлган масофаларни ҳам келтириб ўтган. Хусусан, Тошкентдан Андижон ва Намангангача 40—50 фарсах<sup>4</sup>, Ахсигача 25—30 фарсах, Хўжандгача 18 фарсах, Шохрухиягача 15 фарсах, Чимкентгача 12 фарсах, Боғистон қишлоғигача 12 фарсах, Керовчи қалъасигача 7 фарсах, Тилавга қалъасигача 8 фарсах бўлганлиги қайд этилган. Умуман олганда, бундай услуб ўрта асрлар араб-форс географик асарларидан кейинги давр муаррихлари орасида ҳам кенг оммалашган.

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 466б—467а-варақлар.

<sup>2</sup> Абу Убайдуллоҳ Тошкандий Хулосат ул-аҳвол. ЎЗР ФАШИ қўлёзмаси, № 2084. — 76б-варақ.

<sup>3</sup> Holdsworth M. Turkestan in the Nineteenth Century. A Brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. — London, 1959. — P. 9.

<sup>4</sup> Фарсах — яна фарсанг, порасанг, санг, тош, йиғоч деб ҳам юритилган. XIX аср манбаларида тилга олинган фарсах Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва Тошкентда 8 верст, яъни 8,5 км га тенг бўлган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкентнинг тарихий-топографик ҳолатига доир маълумотлар, яъни шаҳарнинг мудофаа деворлари, дарвозалари, сувориш тизими, кўчалари ва маҳалла, мавзе ҳамда турар жойлар, маъмурий-маиший иншоотларнинг жойлашиши бирмунча аниқ ёритилган бўлиб, улар қуйидаги тартибда акс эттирилган.

*Мудофаа девори.* Шаҳар майдони ва девори Муҳаммад Солиххўжа томонидан деярли аниқ тасвирланган, унга кўра шаҳарнинг тўрт чекка нуқтаси қуйидагича кўрсатилган: шарқда — шайх Шиблариғи ёнидаги Хитой дарвозаси, ғарбда — Кўкча дарвозаси, шимолда — Чигатой дарвозаси, жанубда — Қанғли дарвозаси. Кўрсатилган дарвозалар орасидаги масофани Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи қадамлаб ўлчаб чиқиб, шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ғарбий дарвозасигача 8500 қадам, шимолдан жанубга эса 8100 қадам эканлигини ҳисоблаган. Шаҳар мудофаа деворининг ташқарисида эса тошкентликларнинг чорбоғлари ва деҳқончилик ерлари бўлган. Муаллиф шаҳар девори ҳақида: «... шаҳарнинг ҳисори хокрезининг кенглиги 20 газ<sup>1</sup> шаръий, унинг масофаси ва кенглиги 50 газ, кунгиралари 4 газдан ва ҳар 1000 қадамда битта бору (шинак), 4000 қадамда биттадан бурж бино қилинган»<sup>2</sup>, деб ёзади.

Асар тадқиқотчиларидан А. Ўринбоев ва О. Бўриевнинг доира юзасини ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб чиқарган ҳулосаларида Муҳаммад Солиххўжа маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри мудофаа деворининг айланаси узунлиги 18,2 км га тенг, шаҳар майдони эса, К. Миллер давридагидан 2,2 марта катта бўлган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Газ — XIX асрда энг кўп тарқалган узунлик ўлчов бирлиги. Тошкент ва Самарқандда 1 газ 88,9 см га, 1 хон гази эса 106,68 см га тенг бўлган.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 8776-варақ.

<sup>3</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 17 — 18-бетлар.

Муҳаммад Солиххўжа келтирган маълумотларга қараганда, шаҳар деворларидаги катта таъмирлаш ишлари Амир Темурдан сўнг, XVII аср охири — XIX аср бошларига келиб амалга оширилган. Хусусан, Муҳаммад Солиххўжа Юнусхўжа давридаги таъмирлаш ишлари халқ кучи ва қаттиқ меҳнати эвазига олиб борилгани тўғрисида ёзади. Лекин, Тошкент мудофаа девори Юнусхўжагача бўлган даврда ҳам таъмирланган. Хусусан, XV аср муаррихи Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг «Мусаххир ал-билод» асарида келтирилишича, Тошкент ҳокими Бобо Султоннинг ўғиллари Абдулғаффор султон ва Тоҳир султон Абдуллахон II Тошкентни қамал қилишидан олдин шаҳар мудофаа девори ва буржларида таъмирлаш ишлари олиб борганлар<sup>1</sup>.

Тошкентнинг Қўқон хонлигига қўшиб олинishi йилларидаги тинимсиз урушлар даврида зарар кўрган шаҳар девори шаҳар ҳокими Лашкар бегларбеги даврида таъмирланган. Лашкар бегларбеги даврида шаҳар деворининг таъмирланган шарқий қисми — Қатаған (Қўймас) дарвозасидан Тахтапул дарвозасигача бўлган ерлар шаҳарга қўшиб олинган ва бу жойлар Янги шаҳар номини олган<sup>2</sup>. Мазкур Янги шаҳарни Тошкент Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг ўзлаштирилиб, европаликлар жойлашган қисм билан чалкаштирмаслик керак. Кейинги даврда Салимсоқхон (1846 — 1847) ва Азизбек парвоначи (1847 й.) даврларида эса, деворнинг урушлар пайтида кўп зарар кўрган қисмларигина мустаҳкамланган.

*Дарвозалар.* Асрлар давомида мудофаа девори ҳолатининг ўзгариши ундаги дарвозалар ўрнига ҳам

<sup>1</sup> Muhammad Yar ibn Arab Qataghan. Musakhir al-Bilad (The History of Shaybanid). Edited by N.Jalali. — Tehran: Miras-i maktub, 2006. — P. 167.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 878а, б-варақ.

ўзгартириш киритиш эҳтиёжини туғдирган. Тошкент дарвозалари тўғрисида айрим тадқиқотчиларнинг илмий-оммабоп мақола ва рисоалари чоп этилган<sup>1</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлардан эса, бу борада айрим янги фикр-мулоҳазалар келиб чиқади. Аввало, шаҳар дарвозалари ҳақида тўхталсак. X аср араб муаррихи Истахрий Тошкент шаҳристонининг 3 дарвозаси (Абул Аббос, Қаср, Гунбаз), ички работнинг 10 дарвозаси (Хамдон, Оҳанин, Мир, Фарқон, Кад, Карманж, Куйи Саҳл, Рашидиджак, Куйи Хоқон, Кашки Дехқон) ва ташқи работнинг 7 дарвозаси (Фаргад, Хашкат, Сандиджак, Оҳанин, Бакридиджак, Сакрак, Бафаряд) борлигини қайд этади<sup>2</sup>. Лекин, XI–XVII аср манбаларида Тошкент дарвозалари тўғрисида аниқроқ маълумотлар учрамайди. Тошкент дарвозалари тўғрисидаги XVI асрга оид айрим маълумотлар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида мавжуд. Хусусан, В.В. Бартольд мазкур асар асосида олиб борган тадқиқотида XVI асрдаги Тошкент шаҳрининг тўрт дарвозасини (Кўкча, Самарқанд, Регистон ва Паркент) қайд этган эди<sup>3</sup>. Бироқ, мазкур асардаги маъ-

<sup>1</sup> Қаранг: *Массон М.Е.* Прошлое Ташкента // Известия АН УзССР. 1954. № 3. – С. 112; *Соколов Ю.* Ташкент, ташкентцы и Россия. – С. 34; *Юлғашев М.* Ключи Ташкента // Звезда Востока. 1959. № 5. – С. 157–158; *Шораҳимов Ш., Рўзиева М.* Тошкент дарвозалари // Фан ва турмуш. 1982. № 9. – 4-бет; *Ўринбоев А., Бўриев О.* Кўрсатилган асар. – 18-бет; *Нурмуҳаммедов Н., Ҳабибуллаев Н.* Тошкентнинг қадимий дарвозалари. – Т.: Фан, 1996. – 8-бет; *Муҳаммаджонов А.* Қадимий Тошкент. – Т.: Шарк, 2002. – 61-бет; *Мукминова Р., Филанович М.* Ташкент на перекрестке истории. – С. 111, 61.

<sup>2</sup> *Истахри.* Масалик ал-мамалик // Перевод с персидского З.И. Ворожейкиной // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Отв.ред. В.А. Ромодин. – М., 1973. Вып. 1. – С. 15; *Ўринбоев А., Бўриев О.* Кўрсатилган асар. – 19-бет.

<sup>3</sup> *Бартольд В.В.* К истории орошения Туркестана. Собр. соч. Т. III. – М.: Наука, 1965. – С. 220.

лумотларни ўрганганимизда, Ҳофиз Таниш Бухорий 1580 йилда Тошкентнинг Абдуллохон (1583–1598) томонидан қамал қилинишини тавсифлар экан, шаҳарнинг олти дарвозасини, Регистон, Самарқанд, Шибли, Кўкча, Фаркат дарвозалари билан бир қаторда янги қурилган Туркистон дарвозасини ҳам тилга олганлиги маълум бўлди<sup>1</sup>.

Тошкент дарвозаларининг XVIII асрдаги аҳволи тўғрисида маҳаллий ёзма манбаларга нисбатан тошкентлик савдогар Нурмуҳаммад Мулла Алимов ва бир қатор рус саёҳатчиларининг ахборотларида бирмунча аниқ маълумотлар учрайди. Жумладан, 1735 йилда Уфада бўлган Нурмуҳаммад Мулла Алимов маълумотида Тошкентнинг 32 та (?), К. Миллерда (1738–1739) 8 та ва Ш. Арслоновда 12 та (1741) дарвозаси тилга олинган<sup>2</sup>. Лекин, ушбу маълумотларни ҳозирча бу даврга оид маҳаллий тарихий асарларда учратмадик.

Муҳаммад Солиххўжа эса, Тошкентнинг XIV асрдаёқ 12 дарвозаси бўлганлигини қайд этиб, уларни Амир Темур номи билан боғлайди ва дарвоза номлари этимологиясини изоҳлашга ҳаракат қилади. Дарвозалар тўғрисидаги маълумотлар асарнинг икки жойида келтирилган. Биринчи бор, муаллифнинг бир рус зиёлиси билан Тошкент шаҳри тарихи ва аҳолиси тўғрисида суҳбати чоғида – Қиёт, Турк, Найман, Тахтапули, Қорасарой, Чигатой, Суғбониён, Кўкча, Камолон, Дуғлот, Бешоғоч ва Арғин номидаги дарвозаларни тилга олади<sup>3</sup>. Иккинчи бор эса асар-

<sup>1</sup> *Султонов Ў.* «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент дарвозалари ҳақида маълумотлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2006. № 3. – 28-бет.

<sup>2</sup> *Зияев Х.* Ценные материалы по истории Ташкента // ОНУ. 1973. №4. – С. 53; *Добросмыслов А.Н.* Ташкент. Исторический очерк // Туркестанские ведомости. 1909. № 214; *Лунин Б.* История Узбекистана в источниках. – С. 108.

<sup>3</sup> «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг учала қўлёзма нусхаси бўйича: Қўлёзма № 7791. – 7716-варақ; Қўлёзма № 11073. – 96а-варақ; Қўлёзма № 5732. – 250б-варақ.

нинг Тошкент шаҳри топографиясига бағишланган қисмида келтирилган<sup>1</sup>. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур Тошкентни иккинчи бор қўлга киритганда унинг 12 дарвозасини қабила ва уруғ сардорлари назоратига топширган. Муаллиф уларни қуйидагича изоҳлайди:

1. Қиёт (قیات) дарвозаси — шарқда, қиёт қабиласи номидан;
2. Турк (ترک) дарвозаси — турк қабиласи номидан;
3. Ўзбек (اوزبک) дарвозаси — ўзбек қабиласи номидан;
4. Тахтапули (تخته پلی) дарвозаси — шаҳарлар онаси — Макка шаҳридан;
5. Қаросарой (قراسرای) дарвозаси — қаросарой қабиласи номидан (Қорасарой);
6. Чигатой (چغتای) дарвозаси — чигатой қабиласи номидан;
7. Суғбониён (سغبانیان) дарвозаси<sup>2</sup>;
8. Кўкча (کوکچه) дарвозаси — кўкча тоифаси номидан;
9. Камондарон (کماندران) дарвозаси — бузук қабиласи номидан;
10. Қанғли (قنغلی) дарвозаси — қанғли қабиласи номидан;
11. Бешөгоч (بیش آغاچ) дарвозаси — бешөгоч қабиласи номидан (Бешөгоч);
12. Қатаған (قتغن) дарвозаси — қатагон қабиласи номидан.

Иккала ҳолатда келтирилган дарвозаларнинг номларида фарқлар мавжуд бўлиб, биринчи бор тилга олинган Найман, Дуғлот, Арғин ва Камолон номлари

<sup>1</sup> Қўлёзма №7791. — 876б — 877а-варақ; Қўлёзма № 11073. — 177б — 178а-варақ; Қўлёзма № 5732. — 295б — 296а-варақ.

<sup>2</sup> Асарда изоҳланмаган, баъзи ўринларда «Сағбониён» ва «Сағбон» деб берилган.

ўрнида кейинги рўйхатда Ўзбек, Қанғли, Қатаған ва Камондарон номлари учрайди.

Бу ўринда, Муҳаммад Солиххўжа дарвозалар ҳақидаги маълумотларни қайси манбадан олган, деган савол туғилади. Умуман олганда, Тошкент дарвозаларига оид маълумотлар сақланган асарлар жуда кам. Фақат «Абдулланом» асарида шаҳар дарвозалари хусусида «Тарихи жадидаи Тошканд»га мазмунан яқинроқ маълумотлар мавжуд. Унда келтирилишича, Абдуллахон даврида ҳар бир дарвоза ва бурж мудофаасига шаҳар, маҳалла ва жамоа (қабила) тайин қилингани қайд этилган<sup>1</sup>. Кейинроқ, Қўқон хонлиги даврида, шаҳар мудофааси пайтида дарвозаларга уруғ-қабила вакиллари эмас, балки шаҳар ҳокимининг энг ишончли кишилари масъул этиб тайинланган. Жумладан, 1262/1846 йилда Тошкентни Худоёрхон ва Мусулмонқул мингбоши қамал қилган пайтда, Салимсоқхон шаҳар дарвозалари мудофаасини ўзининг энг ишончли кишиларига топширган<sup>2</sup>. Лекин, душман ҳужуми пайтида дарвозалар мудофаасида ҳамиша аввало ўша атрофда яшовчи аҳоли фаол қатнашган. Бу ҳол, айниқса, Россия империяси истилоси пайтида яққол кўзга ташланади.

Дарвозаларнинг кўпроқ уруғ-қабила номлари билан аталиши фақат Тошкент дарвозалари учун хос бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда бундай ҳолат деярли кузатилмайди. Эҳтимол бунинг сабаби Амир Темур ва Абдуллахон II даврида дарвозалар муҳофазасига тайин этилган уруғ-қабилалар билан ёки XVIII асрдаги мураккаб сиёсий жараёнлар билан боғлиқдир. Айрим ёзма манбалар XVIII аср давомида Тошкент шаҳри атрофига Тошкент

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 2-жилд. — Т.: Шарқ, 2000. — 33-бет.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 471а-варақ.

воҳасидаги кўчманчи уруғларнинг келиб жойлашиши давом этганини кўрсатади. «Анжум ат-таворих» асаридаги маълумотларга қараганда, қозоқларнинг Ўрта жуз хони Аблай султон Тошкентдаги қалмоқ ноибини мағлубиятга учратгач, шаҳарнинг тўрт даҳасини, аниқроғи, даҳаларга қарашли шаҳар ташқарисидаги ерларни ўзининг иттифоқчилари бўлган уруғларга топширган экан. Жумладан, Бешёғоч шайхим тоифасига, Кўкча кўнғирот ва ўрта юз жамоасига, Себзор чиниш фирқасига, Шайхонтаҳур сергили, эли ва учоқли тоифасига берилган. XVIII аср охирида Тошкентни ўз қўли остида бирлаштирган Юнусхўжа ҳам дастлаб рақибларига қарши курашда санчикли (ёки санжиқли), қирқ, қиёт, турк, қанғли уруғлари билан битим тузиб, уларнинг ёрдамидан фойдаланган ва Тошкентни бирлаштиргач, уларга шаҳар теварагидан ерлар берган. Юнусхўжа билан битим тузган уруғларнинг аксарияти унинг муридига айланиб, тўп-тўп бўлиб шаҳар ичига кўчиб ўта бошлаган.

Кейинги даврга келиб дарвоза номларининг қисман ўзгариши, юқорида тилга олинганидек, XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаҳар мудофаа деворининг таъмирланиши билан боғлиқ. Таъмирланган ва унга ўрнатилган дарвозалар шаҳар йўналиши ва томони, географик ўрни ва бошқа сабабларга кўра номлана бошлаган. Шу сабабли, дарвозалар номи унчалик фарқ қилмаса-да, уларнинг сони XIX аср рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари томонидан ҳар хил келтирилади. Жумладан, Т. Бурнашев ва М. Поспеловда 6 та (1800), Ф. Назаровда 12 та (1813–1814), А.П. Хорошхинда 12 та (1868), Ю. Скайларда 12 та (1873), Н. Маевда 12 та (1876), А.К. Гейнсда 12 та (1898) турли номдаги дарвозалар тилга олинади. М.А. Терентьев эса, Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб оли-

нишига доир харитасида (1906) шаҳарнинг 13 та дарвозаси номини кўрсатган. Ҳатто Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи ҳам асарнинг турли жойларида Бешёғоч, Қанғли, Хиёбон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон (Сугбониён), Қорасарой, Тешик қофқа, Дарвишак қофқа, Тахтапул, Ўзбек, Лабзак, Оққўрғон, Хитой, Турк, Қатағон, Найман, Дуғлот, Арғин, Қўқон (Хўқанд), Паркент (Фаркат), Қиёт, Қўймас кенагас, Қирилмос, Эски Шердор, Масдуд каби йигирмадан ортиқ дарвоза номларини тилга олади<sup>1</sup>.

Лекин асарда келтирилган дарвоза номлари 12 та асосий ва 2 та қўшимча дарвозаларнинг турли даврлардаги номлари бўлиб, алоҳида таҳлил талаб қилади. Хусусан, Лабзак дарвозаси асарда энг кам тилга олинган. 1809 йилда Сандуқли мавзеида, Юнусхўжанинг ўғли Султонхўжанинг Олимхон қўшинлари билан жанг қилиш учун Лабзак дарвозасидан ўтганлиги айтилган. Эски Шердор дарвозаси эса «Масдуд» ёки «Дарвозаи масдуди Шердор» («масдуд» сўзи «беркитилган», «ёпиб ташланган» деган маънони билдиради) деб ҳам аталган. Дарвозаларнинг айримлари шаҳарга кириш учун очилган кичик кириш йўллари бўлиб, улар вақти-вақти билан ёпилиб турган (масалан, Дарвишак қофқа, Тешик қофқа)<sup>2</sup>. Эски Шердор дарвозаси ҳам беркитилган шундай кичик кириш йўлларида бири бўлиб, бу дарвоза Қирилмос дарвозасига яқин ерда бўлган. Шунингдек, архив ҳужжатларининг бирида, Қўйчимозор ота дарвозаси ташқарисида, Надржон қулоғи ариғи суғорадиган ерлар ҳақида сўз кетади. Қўйчи мозор ота Чигатой маҳалласидаги мозорлардан бири бўлиб, ушбу номдаги дарвоза ҳам вақ-

<sup>1</sup> Султонов Ў. «Тарихи жадидаи Тошқанд» асарида Тошкент дарвозалари ҳақида маълумотлар. – 75-бет.

<sup>2</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. – 23-бет.

тинчалик очиладиган шаҳарга кириб чиқиш дарвозаси бўлиши мумкин.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да Россия империяси истилоси воқеалари баёни чоғида Қўқон, Хиёбон, Қирилмос, Бешоғоч ва Кўкча дарвозалари энг кўп тилга олинган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Хиёбон ва Қирилмос дарвозасидан истилочиларнинг пиёда аскарлари, Кўкча дарвозасидан эса отлик аскарлари бостириб кирган. Қўқон (Хўқанд) дарвозаси «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Амир Темур даврига мансуб деб кўрсатилган Қиёт дарвозасининг кейинги даврдаги номи бўлиб, у қадимда Паркент (Фаркат) дарвозаси деб ҳам аталган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ном Истахрий келтирган рўйхатда «Фаргад» кўринишида қайд этилган<sup>1</sup>.

Хиёбон дарвозаси номи эса, рус саёхатчилари ва архив ҳужжатларида Камолон шаклида учрайди. Ушбу дарвоза Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» ҳамда Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннамои» асарларида ҳам Россия империяси истилосидан олдинги воқеалар баёнида Камолон номи билан юритилган<sup>2</sup>. Қирилмос дарвозаси эса Амир Темур даври учун Қатағон дарвозаси деб тилга олинган. XIX асрнинг 60-йиллари воқеаларида эса Қўймас кенас ва Қирилмос шаклида эслатилган. Бу дарвоза рус манбаларида тилга олинган «Коймас» дарвозаси билан айнан бир. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, бу дарвоза яқинида Қўймас ёки Қирилмос номли тепалик бўлган. Кейинчалик, Тошкент руслар томонидан босиб олингач, М.Г. Черняев буйруғи билан тепалик девор билан ўраб қўрғон қилиб олинган ва «Тупроққўрғон» номи олинган.

<sup>1</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. 22-бет.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 36-варақ; Тарихи жаҳоннамои. — 274а, б-варақ.

Асарда XIV асрга мансуб дарвозалардан Турк дарвозаси ҳам тилга олинган бўлиб, у кейинги даврларда Оққўрғон мавзеига яқин ерда жойлашгани учун «Оққўрғон дарвозаси» ёки Хитойга олиб борувчи савдо йўлида жойлашгани боис «Хитой дарвозаси» деб ҳам аталган. Лекин ушбу дарвоза яқинидаги Турк маҳалласи ўз номини кейинчалик ҳам сақлаб қолган. Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг Кошғар юришидан қайтишида, Анҳорнинг чап соҳилига у билан бирга келган кошғарликларнинг жойлашиши натижасида бу ерда Кошғариён (Кошғарликлар) маҳалласи юзага келган. Турк, Оққўрғон, Хитой номи билан юритилган дарвоза эса Кошғар ёки Қашқар номлари билан атала бошлаган.

*Даҳалар, маҳаллалар ва мавзелар.* Мудофаа деворининг ички қисми, яъни шаҳар ҳудуди бир неча маҳаллаларни ўз ичига олган тўрт даҳадан иборат бўлган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, тўрт «даҳа» ёки «рукн» дастлаб Тошкентда яшаб ўтган Абу Бакр Қаффо Шоший (903—976), шайх Зайниддин (1214-?), Шайх Хованд Таҳур (ваф.1359), Зангиота (ваф.1258) номлари билан аталган<sup>1</sup>. Кейинчалик даҳалар Себзор, Кўкча, Шайхонтаҳур ва Бешоғоч деб юритила бошланган. Даҳалар улар бўйлаб кетган кичик кўчалар орқали ажралиб турган. Ҳар бир даҳа бир неча маҳалла ва мавзеларни ўз ичига олган бўлиб, улар XIX аср иккинчи ярмидан кенг илмий тадқиқ қилина бошлаган.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да турли воқеалар баёни билан бевосита боғлиқ ҳолда Баланмасжид, Орқакўча, Қоратош, Мерганча, Қатортерак, Қиёт, Қорёғди (Қорбоғди), Занжирлик, Хожа Рушноий, Хўжакўча, Парчабоф, Санчиқмон, Ҳофиз Кўҳакий, Каллахона, Чиватой, Камолон, Сузукота, Яланқари,

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 2976-варақ.

Оқмасжид, Кошғариён, Янги шаҳар, Ганжтепа, Охунгузар, Ҳастимом, Тахтапул, Сарфарос, Чуқуркўприк, Девонбеги, Муродали, Аштак, Шоҳнишин, Ҳавзбоғ, Қоратут, Чехлбулоғ маҳаллари ҳамда шаҳар ташқарисидаги Парвизшоҳи, Дарвишак қофқа, Шўртепа, Олтинтепа, Оққўрғон, Куваидтепа, Миробод, Минор, Жарбоши, Қорақамиш, Мингўрик, Чилдухтарон, Чинобод, Сандуклик кўрғон ва бошқа мавзелар, айрим маҳалларнинг гузарлари ҳамда улардаги иншоотлар эслаб ўтилган<sup>1</sup>.

Умуман Тошкент шаҳридаги маҳаллар сони ва номланиши борасида тадқиқотлар ва архив маълумотларида бирмунча фарқлар мавжуд. Жумладан, архив ҳужжатларида (1868) 187 та; Н.А. Маевада 149 та (1876), В.А. Шишкинда 183 та (1925), Н.Г. Маллицкийда 281 та (1927) маҳалла номи келтирилган<sup>2</sup>.

Маҳалларнинг қайси даврдан бошлаб пайдо бўлгани ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Лекин, уларнинг қадимдан, Тошкентнинг турли даврлардаги ривожланиш босқичларида юзага келгани ва кўпайиб боргани ҳақиқатдир. Жумладан, Чорсу маҳалласи XI асрдан, шаҳардаги Обиназир маҳалласи эса 600 йилдан буён мавжуд бўлган. Ёки Дарвозакент маҳалласи Муҳаммад Олим Сиддикийнинг 1624 йилда ёзилган «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» асарида тилга олинади. Кейинги асрларда шаҳар-

<sup>1</sup> Тошкент шаҳри жой номи қатор тадқиқотчиларнинг ишларида кенг ёритилган. Қаранг: *Қораев С.* Тошкент топонимлари. — Т.: Фан, 1991. — 62-бет; *Ўша муаллиф.* Топонимия Узбекистана (Социолингвистический аспект). — Т.: Фан, 1991. — С.100—109; *Бўриева Х.* Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири — XX аср бошлари). Тарих фан. ном. ... дисс. — Т., 2007. — 154-бет.

<sup>2</sup> ЎзРМДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 478-иш. 27-варақ; *Маев Н.А.* Азиатский Ташкент. — С. 262—265; *Шишкин В.А.* О названиях Ташкентских махалля // Бюлетень Ташкентского новгородского исполкома. 1925. № 4. С. 12—30; *Маллицкий Н.Г.* Тошкент маҳалла ва мавзелари. — Т., 1996.

нинг кенгайиши билан янги маҳаллар пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам тадқиқотларда уларнинг номлари тил жиҳатидан сўғдий, арабий, туркий, форсий ва аралаш топонимлар билан номланиши таъкидланади<sup>1</sup>.

Ҳар бир даҳанинг ўз оқсоқоллари, қозилари ва маъмурий бошқарувдаги бошқа алоҳида мансаблари бўлган. Даҳалар Кўқон хонлиги даврида шаҳарнинг обрўли хонадон вакилларида тайинланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган бўлса, Россия империяси истилосидан сўнг мингбошилар томонидан идора қилинган. Айрим ҳолларда эса бир неча маҳалларга тавочилар<sup>2</sup> бириктирилган. Даҳалар таркибидаги маҳаллар бошқаруви эса эликбошилар қўлида бўлган. Катта маҳалларда 200 тагача, кичикларида эса 15—20 тагача ҳовли бўлган. Жумладан, Себзор даҳасига қарашли маҳаллар — Коҳотада 203 та, Тахтапулда 137 та, Хўжакўчада 135 та ҳовли бўлса, Иброҳимота 15 та, Тарновбоши 24 та ҳовлидан иборат бўлган<sup>3</sup>.

*Кўчалар.* Шаҳарнинг топографик тузилишида кўчалар муҳим аҳамият касб этган. Даҳалар ва маҳалларнинг чегаралари ҳам, одатда, катта-кичик кўчалардан ўтган. Айрим кўчалар жойлашишига кўра, этнонимлар ёки маҳаллар номи билан аталган. Масалан: Орқакўча, Жаркўча, Мўғулкўча, Хўжакўча, Ўркўча, Қиётторкўча, Тиккўча, Чархкўча, Қозикўча, Учкўча, Қанғликўча, Торкўча, Чуқуркўча ва бошқ. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида тилга олинган кўчалар, аввало, катта-кичиклиги билан ажралиб туради ва уларнинг номи қуйидаги сабаб-

<sup>1</sup> *Бўриева Х.* Кўрсатилган дисс. — 66-бет.

<sup>2</sup> Архив ҳужжатларида рус тилида «тавгач», араб алифбосида эса, «*تواجی*» шаклида учрайди.

<sup>3</sup> ЎзРМДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 478-иш, 34—36-орқа варақлар.

ларга кўра аталганлигини кўриш мумкин: маҳалла номи ва аҳолининг касб-корига кўра: Кошғариён, Турк, Ҳастимом (Ҳазрати имом), Ҳавзбоғ, Мўғулкўча; Дегрез — қозон қуювчилар, Қандолатфурушон — ширинлик сотувчилар, Парчабоф — тўқувчилар ва ҳ. к.; кўчанинг жойлашишига кўра: Каттакўча, Тангкўча, Пасткўча, Баландкўча, Боккўча, Жаркўча, Орқакўча, Пайраҳа; йўналишига кўра: Катта Қўқон йўли, Хўжанд йўли, Паркент йўли, Самарқанд йўли, Зангиота йўли, Чимкент йўли, Ниёзбек катта кўчаси; дарвоза номлари билан: Самарқанд дарвоза, Кўкча, Хиёбон, Чиватой, Сағбон, Бешёғоч, Қорасарой, бу кўчалар, асосан, шу дарвозаларга олиб борган; кўчага яшовчи таниқли шахс ёки жойлашган йирик иншоот номи билан: Қосим мингбоши, Даврон баҳодирбоши, Юсуфхон, Кўҳна Намозгоҳ кўчаси, Ўрда кўчаси ва ҳ.к.

XVIII асрнинг 30-йилларида Тошкентда бўлган К. Миллер ўзи келтирган дарвозалар сонидан келиб чиқиб, шаҳарда 8 та катта кўча бўлгани ва уларнинг барчаси шаҳар дарвозаларига олиб чиқишини қайд қилган. Т. Бурнашев ва М. Поспелов эса XIX аср бошида Тошкент кўчаларининг тор ва нотекислигини ёзади. Аслида, Тошкент кўчалари улар айтганидек бўлмаган. Буни «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлар тасдиқлайди. Хусусан, Муҳаммад Солиххўжа тилга олган «кўча» (کوچه) ва «роҳ» (راه) истилоҳларини икки маънода, кўча ва шаҳардан ташқарига олиб чиқувчи йўл маъносида тушунмоқ керак. «Роҳ» (йўл) шаҳар дарвозаси орқали шаҳарга кириш ва чиқиш кўчаси бўлгани учун ҳам оддий кўчага қараганда анча кенг ва серқатнов бўлиб, одатда, хонлар, амалдорлар, элчилар ҳамда савдо карвонлари шу кўчалардан юрган. Шаҳар ичи бўйлаб кетган одатий кўчалар асосий ва уларнинг тармоқларига бўлинган. Маҳаллаларнинг чегаралари ҳам шу кўчалар орқали ўтган.

Шаҳардаги асосий кўча — бу Чорсу бозорида туташувчи тўрт кўча бўлиб, улар тўрт даҳа бўйлаб тарқалган. Муҳаммад Солиххўжа энг кўп тилга олган кўча эса Катта кўча (کوچه کلان) бўлиб, у таҳминан ҳозирги Навоий кўчасига тўғри келган. Катта кўча шаҳарнинг асосий кўчаси сифатида «Хулосат ул-аҳвол» асарида ҳам тилга олинган<sup>1</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, ушбу кўчанинг Анҳор ариғи ва Шайх Хованд Таҳур мозори атрофлари Шайхонтаҳур кўчаси деб ҳам аталган. Юнусхон, Хожа Рушноий, Бобои Обрез мозорлари, Эшонқули додхоҳ мадрасаси ана шу Катта кўча бўйида жойлашган эди.

1884 йилдан Тошкент кўчаларига катта эътибор қаратила бошланган ва биринчи бўлиб, Катта кўчага тош-шағал тўкилган ва аҳоли орасида Тошкўча номи оingan<sup>2</sup>. Лекин ўзининг Шайхонтаҳур (кўчаси) номи кейинчалик ҳам сақлаб қолди. 1893 йилга келиб Эски шаҳар ҳудудида айрим катта кўчаларга аҳоли тарафидан берилган номлар Тошкент шаҳар думаси томонидан тасдиқланган. Булар Шайхонтаҳур, Жаркўча, Ўқчи, Оқмасжид, Қуйи Оқмасжид, Чархчилик, Себзор, Қорасарой, Ҳазрати Имом, Сағбон, Чиватой, Кўкча, Самарқанд, Бешёғоч, Чақар, Арпапоя, Камолон, Анҳор кўчалари эди<sup>3</sup>.

Сувориш тизими ва кўприклар<sup>4</sup>. Муҳаммад Солиххўжа шаҳарнинг асосий сувориш тармоқлари

<sup>1</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 112а-варақ.

<sup>2</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 18-бет.

<sup>3</sup> Бўриева Х. Кўрсатилган дисс. — 68-бет.

<sup>4</sup> Тошкентнинг XIX асрдаги сувориш тизими рус ўлкашунослари томонидан анча яхши ўрганилган. Қ а р а н г: Маев Н.А. Азиатский Ташкент. — С. 261; Хорошхин А.П. Очерки Ташкента. — С. 78; Ульянов Н. Материалы по ирригации города Ташкента и Кураминского уезда // Туркестанские ведомости. 1883. № 44; Кашкин К.Н. Очерки ирригации Ташкента // «Туркестанское хозяйство», Ташкент, 1907, № 1. — С. 6 — 14, № 2. — С. 101 — 108.

ҳақида тўхталаркан, уларнинг шаҳар ободончилигидаги ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг маълумотларига қараганда, шаҳарни сув билан таъминлайдиган асосий сув манбаси Чирчиқ дарёсидан қазилган Бўзсув канали бўлган<sup>1</sup>. Асарда Бўзсув канали қазилишини шаҳарнинг бунёд бўлиши билан боғлаб қуйидаги ривоят келтирилади: «... Подшоҳ Кайкобус ва подшоҳ Салор замонида Кайкобус буйруғи билан шаҳардан уч тош<sup>2</sup> бўлган Банди Подшоҳ деган ерда Фарак (Чирчиқ) дарёсидан катта анҳор қазилди ва икки тошга етказилгач, у икки тармоққа бўлинди. Бири шарқдан жанубга йўналтирилдики, у ердан шаҳаргача чорак фарсанг (1,5 км) дир. Вилоят (шаҳар)нинг охири бўлган фарб тарафга оқадиган бу ариқ Салор номига мавсумдир. Яна бирини ўша мавзедан шаҳар ташқарисигача етказиб Кайкобус номини қўйдилар»<sup>3</sup>. Суғориш тизимининг йўналиши борасидаги Муҳаммад Солиххўжа маълумотлари Т. Бурнашев ва М. Поспелов ахборотида ҳам ўз тасдиғини топади. Муҳаммад Солиххўжанинг «... ҳозир Кайкобус ариғини одамлар Бўзсув деб атайдилар», деб ёзишига қараганда, Кайкобус — каналнинг қадимги номи, Бўзсув эса XIX асрлардаги номидир<sup>4</sup>.

Чирчиқдан сув оладиган каналлардан яна бири Зол ариғи бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, у Тошкентдан олти фарсах масофадаги, ўша вақтда Парвизшоҳи Жаҳон деган ердан бошланиб, шаҳардан 4—5 фарсах, баъзан 1 фарсах наридан оқиб ўтган ва Саригочдан фарбга оқиб Сирдарёгача давом этган. Жўйбор хожаларидан Хожа Саъд буй-

<sup>1</sup> Бўзсув канали ҳозирда ҳам Тошкентнинг асосий сув манбаи бўлиб, умумий узунлиги 159 км га тенг.

<sup>2</sup> Тош — форс тилидаги «санг», «фарсанг» сўзининг қисқарган шакли.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 875а-варақ.

<sup>4</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 44-бет.

руғига кўра, 1583 йилда Тошкентнинг шимоли-шарқидан халқ кучи билан қазилган Зах ариғи «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида шаҳар ичидан ўтувчи ариқлардан бири сифатида тилга олинган ва у Кўкча дарвозаси яқинидаги Хожабекхўжа мозори ёнидан оқиб ўтган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Зол ва Зах ариқлари бошқа-бошқа ариқлардир<sup>1</sup>. Бешоғоч даҳасида Зах мавзеси ҳам бўлган<sup>2</sup>. Мазкур анҳорлардан ташқари Фадир (рус адабиётларида Годраган), Қорақамиш, Назархон, Жангтоҳ шаҳар деворидан ташқарида оқувчи Тархон-сайёд ариқлари ҳам эслатилган.

Шаҳар ичидан ўтувчи учта асосий ариқ тўғрисида Муҳаммад Солиххўжа Шайхонтаҳур даҳаси тавсифида тўхталиб ўтган. Улардан бири Шайхонтаҳур ариғи бўлиб, Кайкобус каналининг Анҳор ариғидан сув олган. У Ганжтепа мавзеидан бошланиб, Хожа Аҳрор жоме масжиди томон оқиб келган ва Чорсу бозоридан сўнг Дарвишхон Намозгоҳи шимолдан ўтиб, Кўкча дарвозаси ёнидан шаҳар ташқарисига чиқиб кетган. Иккинчи ариқ Ўзбек дарвозаси яқинидаги булоқдан сув олиб, ён атрофдан қўшилган қўшимча сувлар эвазига кенгайган. Учинчи ариқ шайх Шибли ёки Шибли деб номланиб, рус адабиётларида «Човли» номи билан тилга олинган. Бу ариқ Ўзбек дарвозаси яқинида, шаҳар девори ташқарисигаги Мирзо Юсуф еридаги булоқдан сув олган ва шаҳар ичига кириб, Қиёт дарвозаси ёнидан кўрғон ташқарисига чиқиб кетган. Шибли ариғи шаҳар ташқарисига Миробод мавзеини сув билан таъминлаб, суғоришдан ортган сув охири Салор ариғига бориб қуйилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 47-бет.

<sup>2</sup> Юнусхўжаева М., Мирисмоилова У. Тошкент тарихига доир ҳужжатлар. — Т.: Фан, 1983. — 8-бет.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 885б-варақ.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида шаҳар ичида булоқлар борлиги ҳам айtilган ва қамаллар пайтида шаҳарда булоқ ва қудуқ сувлари асқотган. XIX аср охири — XX аср бошларига келиб, Тошкент ҳудудидаги мавжуд суғориш тармоқлари йирик, ўртача ва майда ариқларга бўлинган. Жумладан, 17 та катта ариқ, 76 та ўртача узунлиқдаги ариқлар, 83 та уларнинг кичик тармоқлари, 600 га яқин қудуқ ва булоқлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз номига эга эди<sup>1</sup>. Маълумотларга қараганда, шаҳардаги сув тақсимоти тўртта бош ариқ оқсоқоли қўлида бўлиб, уларнинг ҳар бирига шаҳарнинг уч дарвозаси ҳамда шаҳар ерларининг  $\frac{1}{4}$  қисми қараган. Ҳар бир бош ариқ оқсоқоли ҳоким томонидан тайинланган ва унинг халқ тарафидан сайланган бештадан ёрдамчиси — ариқ оқсоқоли бўлган. Суғориш тизимига доир бўлган барча ишлар уларнинг назорати остида тартибга солинган<sup>2</sup>.

Муҳаммад Солиҳхўжа ўз асарида дарё ва ариқлар устига қурилган кўприкларни ҳам тилга олган. Жумладан, у Жангтоҳ, Шибли, Салор, Анҳор ариқларидаги ёғоч кўприкларни эслатиб ўтган. Муаллиф, айниқса, Чирчиқ дарёсига қурилган кўприк ҳақида батафсил тўхталган. Унинг сўзларига қараганда, кўприк етти йил ичида қурилиб, унда рус ва ўзбек усталар, ишчилар ишлаган ва 1872 йилда битказилган<sup>3</sup>. Муҳаммад Солиҳхўжа кўприкнинг узунлигини ўзи қадамлаб ўлчаб чиқиб, Қўйлиқдан то Тўйтепа йўли бошигача 1800 қадам, эни икки арава ўтадиган кенгликда бўлганини ёзади.

<sup>1</sup> Тошкент шаҳри сув тармоқлари номларининг келиб чиқиши ҳақида қаранг: Бўриева Х. Кўрсатилган дисс. — 30—50-бет.

<sup>2</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владстве. — С. 446.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 770а, 779б-варақлар.

Бошқа турдаги иншоотлар. Ўрда. «Тарихи жадидаи Тошканд»да қайд этилган иншоотлардан бири шаҳарнинг маъмурий маркази бўлган ҳоким қароргоҳи — ўрда бўлиб, Муҳаммад Солиҳхўжа Эски ўрда (اورده، كهنه) ва Ўрдани (اورده) ажратиб кўрсатади. Эски ўрда Тошкентнинг Эски Жўвадаги қадимий арки вайрон бўлгач, XVI—XVII асрларда шаҳарнинг жанубида, Бешёғоч даҳасининг Қоратош маҳалласида юзага келган ўрда бўлиб, XVII аср бошларида Бухоро хони Имомқулихон (1611—1642) қўшинлари томонидан вайрон қилинган, XIX асрга келиб Кўҳна (ёки Эски) ўрда деб юритилган. Ўрда дейилганда Тошкент шаҳри Қўқон хонлигига қўшиб олинган, Анҳорнинг соҳилига қурилган янги ўрда тушунилан.

1813 йилда Тошкентда бўлган Ф. Назаров мазкур ўрда ҳақида шундай ёзади: «Ўн минг аскар сифадиган бу кўрғон шаҳардан  $\frac{1}{4}$  верст масофада, Қўқонга бориладиган томондан икки қават баланд тош девор ва иккита чуқур хандақ билан ўралган, шаҳар томондан фақат бир қават девор ва эни 50 сажен келадиган чуқур канал ажратиб туради. Ўрдага фақат торгина сўқмоқдан ўтиш мумкин. Кўрғоннинг ўртасидаги баландликда сарой қурилган, атрофини чуқурлиги 7 сажен келадиган уч қатор хандақ ўраб туради». Муҳаммад Солиҳхўжанинг сўзларига қараганда, Лашкар бегларбеги даврида ўрда атрофида қазилган ва Ф. Назаров тилга олган мазкур хандақ Анҳорнинг юқори қисмигача борган ва унинг суви муаллиф даврига келиб қуриб қолган. Шунингдек, Муҳаммад Солиҳхўжа мазкур ўрда яқинида зиндон ҳам бўлганини тилга олган.

Умуман олганда, Тошкент шаҳрининг турли даврлардаги бешта ўрдаси, яъни арки мавжудлиги таъкидланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: Муҳаммадқаримов А. Тошкентнома. — Т.: Мовараунаҳр, 2004. — 100-бет.

1. Тошкент шаҳрининг ҳозирги Мовароуннаҳр, Саид Барака, Моштабиб ва Фарғона йўли кўчалари оралиғида жойлашган қадимги Шош пойтахти харобалари. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Мингўрик ва Шоҳнишинтепа қадимий подшоҳларнинг қароргоҳи бўлганлиги ва халқ орасида машҳурлиги кўп бор қайд этилган. М.Е. Массоннинг фикрича, IX–XI аср манбаларида тилга олинган Шош вилоятининг пойтахти – Тарбанд шаҳри ўрни Мингўрик харобасига тўғри келади<sup>1</sup>. Мингўриқда археологик қазув ишлари олиб борилганда, истеҳкомли арк (0,5 га) ва шахристон (20 га) очилган<sup>2</sup>.

2. Тошкентнинг иккинчи ўрдаси — ҳозирги Эски Жўва, Хадра, Чорсу ва шаҳар бозори оралиғида бўлган IX–XIII асрлардаги Бинкет шаҳри арки<sup>3</sup>. Араб муаррихлари Ибн Хавқал ва Истахрий Бинкет шаҳри арки, шахристони ва работининг дарвозалари ва деворлари ҳақида маълумот берган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида мазкур арк ҳудуди шаҳар Регистони сифатида тилга олиниб, ундаги Шоҳбекхон<sup>4</sup> саройи, Хожа Аҳрор жоме масжиди ва мадрасаси каби бинолар ҳамда бозорга туташ расталар қайд этилган.

3. XVI–XVII асрларда шаҳарнинг жанубида, Бешёғоч даҳасининг Қоратош маҳалласида юзага келган ўрда. Юқорида айтилганидек, Муҳаммад Солиҳхўжа уни Эски ўрда деб тилга олади ва Катта кўчанинг шарқида жойлашганлигини таъкидлайди.

4. Юнусхўжа томонидан барча даҳалар бирлаштирилгач, Шайхонтаҳур даҳасида бунёд этилган

<sup>1</sup> Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. — Т.: Изд. АН УзССР, 1953. — С. 41.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. — Т.: Фан, 1975. — 45-бет.

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Кўрсатилган асар. — 47-бет.

<sup>4</sup> Шебек бўлса керак. Шебек Тошкентда чорҳоқимлик даврида даҳа ҳокимларидан бири бўлган.

кичик ўрда. Бу ўрда Тошкент Қўқон хонлигига кўшиб олинган йиллари қаровсиз қолган.

Бу ҳақда «Олдинги ҳокимнинг (Юнусхўжа) саройи тамомила вайрон бўлган, биз у ерда бир уюм тошлар ётганини кўрдик»<sup>1</sup>, деб ёзган эди Ф. Назаров.

5. Анҳорнинг соҳилида қурилган Қўқон хонлари ноиблари — шаҳар ҳокими ўрдаси. Ўзи яшаган даврдаги мазкур ўрда ҳақида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида анча батафсил маълумотлар келтирилган.

Юқорида келтирилганлардан Муҳаммад Солиҳхўжа ўз асарида Тошкентнинг қадимдан мавжуд бўлган турли қисмларидаги барча арк — ўрдалари ҳақида маълумот бериб, ўз давридаги ҳолатини тасвирлаб берган деган хулосага келиш мумкин.

*Бозорлар ва карвонсаройлар*<sup>2</sup>. Г.А. Михалеванинг 1829 йилда Қўқон хонлигида, хусусан, Тошкентда бўлган рус сайёҳи Потанин маълумотларига таяниб ёзишича, Тошкентда ҳафтада уч кун — якшанба, чоршанба, пайшанба кунлари бозор бўлган<sup>3</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида тилга олинган энг катта бозор — бу Жўйбор мавзеидаги бозор бўлиб, «... аҳоли уни Жўбо деб нотўғри атайди», деб ёзади муаллиф. М. Поспелов, Т. Бурнашев ва А.И. Добросмысловлар ҳам ушбу бозорни Тошкентнинг асосий бозори сифатида таърифлаганлар<sup>4</sup>. Кейинчалик бозорнинг асосий ҳудуди Эски Жўва

<sup>1</sup> Назаров Ф. Кўрсатилган асар. — 60-бет.

<sup>2</sup> Тошкент бозорлари ҳақида қаранг: Зияев А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. — Т.: Санъат, 2008.

<sup>3</sup> Михалева Г.А. История Узбекистана XVIII–XIX в. Ремесло, торговля и пошлина. — Т.: Фан, 1991. — С. 42–43.

<sup>4</sup> Поездка Т. Бурнашева и М. Поспелова в Ташкент. — С. 150; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. — С. 21.

номини олган ва у тахминан ҳозирги Чорсу бозорига тўғри келади. Муҳаммад Солиҳхўжа Жўбо бозорининг Чўп бозор, Майиз бозор, Қандолатфурушлик, Темирчилик, Маҳсидўзлик, Читфурушлик каби қисмларини тилга олиб ўтган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг замондоши Абу Убайдуллоҳ эса шаҳардаги Фалла бозорини усти ёпиқ иншоот – каффон сифатида тилга олган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиҳхўжа тилга олган «бозор»ни у ёки бу маҳсулотлар махсус сотиладиган жой деб тушуниш керак. Масалан, чўп бозор, майиз бозор, қўй бозор, фалла бозор ва ҳ.к. Иккинчи тур савдо нуқталари Регистондаги бозор расталари ва дўконлари бўлиб, улар маълум бир шахсга тегишли бўлган. А.К. Гейнс бундай бозор ва савдо расталарининг умумий сони 1500 тага етганлиги ва улар карвонсаройларда ҳам бўлганини таъкидлайди<sup>2</sup>. Айрим маълумотларга қараганда, XIX аср ўрталарида Тошкент шаҳрида 4548 та дўкон мавжуд бўлган<sup>3</sup>. Асосий бозордан ташқари ҳар бир даҳада бозорчалар ва савдо дўконлари бўлган. Улардан бири Яккабозор бўлиб, Муҳаммад Солиҳхўжа уни «эски Яккабозор» (يكه بازار كهنه) деб ёзади.

Йирик карвонсаройлар (сарой) эса, Регистонда, Чорсу бозори атрофида жойлашган бўлиб, улар, асосан, мадраса ва масжидлар вақфи бўлган. Хусусан, А.П. Хорошхин Чорсу бозоридаги 29 та карвонсаройни тилга олиб ўтган. 1866 йилда Тошкентда бўлган П.И. Пашино эса, Чорсудаги 17 та карвонсаройни ва уларнинг йиллик даромадини қуйидагича келтиради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Хулосат ул-аҳвол. – 696-варақ.

<sup>2</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владчестве. – С. 413.

<sup>3</sup> Терезевников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 39.

<sup>4</sup> Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 154.

1. Саид Азим	400000 рубл.
2. Шарафибой	400000 рубл.
3. Хиштин	28000 рубл.
4. Исабек (Исахўжа қози)	200000 рубл.
5. Дастурхончи	160000 рубл.
6. Исабек (Исахўжа қози)	160000 рубл.
7. Абдурасул	160000 рубл.
8. Закот	150000 рубл.
9. Номсиз	150000 рубл.
10. Раис, биринчиси	120000 рубл.
11. Раис, иккинчиси	80000 рубл.
12. Маҳрамбоши	?
13. Марғилон	80000 рубл.
14. Мулла Солиҳ (Солиҳбек додхоҳ)	60000 рубл. (1866 йил қурилган)
15. Наманган	40000 рубл.
16. Исмоилжонбой	28000 рубл.
17. Йўлбарсхон	5000 рубл.

Албатта, шаҳардаги карвонсаройлар сони XIX асрга келиб анча ортган. Масалан, XVII асрда шаҳарда 13 та карвонсарой мавжуд бўлган бўлса, 1866–1867 йилларга келиб уларнинг сони тахминан 60 тага етган. Ўша вақтларда ҳар бир карвонсаройда 10 тадан 35 тагача дўконлар бўлган<sup>1</sup>.

Шаҳар ҳудудидаги дўконлар ва карвонсаройларнинг деярли барчаси маълум бир мадраса, масжид, хонақоҳ, мактабхона, қорихона ва зиёратгоҳ мазорларга вақф қилиб берилган бўлиб, даромади ёки ижара ҳақи белгиланган тартибда бериб берилган.

Ҳаммомлар. Шаҳардаги муҳим иншоотлардан бири ҳаммомлар бўлиб, улар қурилиши жиҳатдан

<sup>1</sup> Зияев А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. – Т.: Санъат, 2008. – С. 49.

бир хил, пишиқ гиштан бир неча гумбазли қилиб қурилган ва эгасининг номи билан аталган. Муҳаммад Солиххўжа шулардан фақат Шайхонтаҳур даҳасида жойлашган Қиёт маҳалласидаги Мусо-муҳаммадбий Бекмуҳаммадбий ўғли ҳаммоми, Кай-кобус анҳори бўйидаги Муҳаммадқули Эроний, Кўкалдош мадрасаси ортидаги пастликда Муҳаммад Каримхўжа халифаи қозоқ ҳаммоми, Чорсуда, Кўҳна Намозгоҳ кўчасидаги Ҳожи Отабой ва Мулла Бадалмуҳаммад ҳаммомлари ҳақида маълумот бериб ўтган. А.П. Хорошхиннинг ёзишича, Тошкентда Чорсу бозорининг ўзида 6 та ҳаммом фаолият кўрсатган. Улар Муҳаммад Карим халифа, Нормуҳаммад қушбеги, Дастурхончи, Муҳаммад Саидбой, Бўрихўжа, Юсуфбой ҳаммомлари бўлиб, уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида 200 кишига хизмат кўрсата олган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, ушбу ҳаммомлар бир неча кичик гумбазлар – гармоба (иссиқ сув), сардоба (совуқ сув), либосхона, дам олиш хонаси ва ўртасида катта гумбаз – ювиниш хонаси вазифасини ўтовчи гумбазлардан иборат бўлган. Хусусан, Муҳаммад Карим халифа ҳаммоми, гармоба, сардоба, қудуқ, меҳмонхона ва ошхонадан иборат бўлиб, ён атрофида Кўкалдош мадрасасига вақф қилинган дўконлар ишлаб турган.

#### ТОШКЕНТ ШАҲРИ АТРОФИ ВА ВИЛОЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг муҳим жиҳатларидан яна бири – Тошкент вилояти географиясига оид маълумотлардир. Муаллиф ҳар бир даҳа тавсифида даҳалар ташқарисидagi ҳудудларни

<sup>1</sup> Хорошхин Н.П. Очерки Ташкента. – С. 92.

таърифлаб, мазкур ерларни Тошкент шаҳри ҳудуди сифатида тилга олади. Бинобарин, Кўкчада Қорақамиш ариғи атрофидаги ерлар, Бешёғочда Эски Тошкент ва Шайхонтаҳур даҳаси ташқарисидagi ерлар тошкентликларга қарашли деҳқончилик ерлари ҳисобланган. Лекин, Себзор даҳаси дарвозалари орқали чиқилган Туркистон, Сайрам, Синоқ, Чимкент, Авлиёота, Сўқлиғ, Олмалиғ, Ашфара, Олмату, Бешёғоч даҳасидан чиқилган Чинос, Шайхонтаҳур даҳаси шарқидаги Заркент, Паркент, Пскент, Боғистон, Нанай, Хумсон, Бурчмулла, Овлиқ, Тўйтепа, Қурама, Нуш, Намданак, Сойлиқ, Хондайлиқ, Чимбойлиқ, Хўжакент, Фазалкент каби аҳоли манзилгоҳлари Тошкент шаҳри теграсидан анча олис бўлиб, уларни Тошкент ҳокимлиги таркибига кирган ерлар деб тушуниш тўғрироқ бўлади.

Муҳаммад Солиххўжа ўзи келтирган маълумотлар орасида Шайхонтаҳур даҳасининг шарқида жойлашган ерларга нисбатан батафсилроқ тўхталган. Унинг ёзишича, шаҳар дарвозаларидан Тошкент шарқидаги тоғларгача 4 фарсахдан зиёдроқ бўлиб, шундан 1 фарсахдан ортиқ масофа лолазорлардан иборат бўлган. Муҳаммад Солиххўжа улардан бири Афросиёб лолазори деб номланганини таъкидлар экан, мазкур лолазор «Бадое ул-вақое», «Ажойиб ут-табоқот» каби асарларда ҳам тилга олинганини эслатиб ўтган. Дарҳақиқат, Тошкент шаҳри ташқарисидagi лолазорни XVI–XVII аср муаллифлари ҳам эслаб ўтганлар<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа тилга олган Афросиёб лолазори ҳамда Самарқанд дарвозасидан

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Зайниггин Васифи. Бадаи ал-вақои. Крит. текст, введ. и указатели А.Н. Болдырева. В 2 томах. – М.: Памятники литературы народов Востока, 1961. Т. I. – С. 393; *Муҳаммад Тоҳир*. Ажойиб ут-табоқот. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9042. – 172-варақ; *Амин Аҳмад Розий*. Ҳафт иқлим. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 617. – 5196-варақ.

Зангиота мазоригача бўлган ердаги боғлар ва гузарлар тошкентликларнинг шаҳар ташқарисидаги манзарали оромгоҳлари бўлган. Бу ҳақда тошкентлик бошқа бир муаллиф Абу Убайдуллоҳ ҳам Кўкча дарвозаси ташқарисидаги гулзор ва хиёбонларга бурканган дам олиш жойлари борлигини ёзган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, шаҳар ташқарисида *бинафша, атиргул, гулизебо, ҳулбўй, гармона, унноб, реванг, қорақанд-зирк, кучала, зира* каби доривор гиёҳлар ва бутасимон ўсимликлар кўп бўлиб, табиблар улардан турли дори-дармонлар тайёрлаганлар.

Тошкентликлар шаҳар атрофидаги ерларда деҳқончилик қилиб, мевали дарахтлардан узум, шафтоли, ўрик, анор, олма, гилос, олхўри, беҳи, ёнғоқ, тут, нок, пон, полиз экинларидан тарвуз ва қовуннинг турли навларини етиштирганлар<sup>2</sup>. Асарда узумнинг чарос, ҳалилий, мавизий, ҳусайний, чиллаки навлари; шафтолининг ёзда ва кузда пишадиган тукли, туксиз ва анжирсимон навлари; ўрикнинг ширпайванд; анжирнинг сариқ ва қора навлари; нокнинг калдон ва дилафрузий; тутнинг бедона, марваритак, балхий, шоҳитут навлари ҳамда бошқа меваларнинг ҳам турли навлари тилга олинган. Муҳаммад Солиххўжа Тошкент вилояти ва унга туташ ҳудудлардаги тоғли ва тоғолди минтақаларнинг ўсимлик дунёси ҳақида ҳам тўхталиб, барча ерда олма, узум, гилос, бодом, ёнғоқ каби мевали дарахтлар ва биш (кучала), реванг, жавдар ва бошқа доривор гиёҳлар кўплигини таъкидлайди. Хусусан, Чимкент атрофида камёб доривор гиёҳлардан дармона кўп бўлиб, бу ердан турли мамлакатларга олиб кетилган экан.

<sup>1</sup>Тарихи жадида. — 9916, 1020а-варақлар; Хулосат ул-аҳвол. — 70а-варақ.

<sup>2</sup>Батафсилроқ қаранг: Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 48-бет.

Муҳаммад Солиххўжа Тошкент вилояти географияси баёнига ўтганда, дарёлар, тоғлар ва аҳоли манзилгоҳлари борасидаги маълумотларга катта эътибор берган. Хусусан, Тошкент шарқидаги Қурама, ундан шарқда Бобой Уф (Чотқол), Жета ва Мўғул (Талас олатови, баъзан Чотқол), Зарталош (Пском) тоғ тизмалари тўғрисида қимматли маълумотлар келтиради. Унга кўра Зарталош тоғи шарққа қараб Жета ва Мўғул тоғигача чўзилган бўлиб, улардан сўнг Кошғар тоғлари бошланган. Улар орасидаги масофа тахминан 80 фарсахга тенг бўлган. Айрим тоғ тизмалари ўша ерлик аҳоли тилида бошқа номлар билан ҳам аталган. Масалан, Жета ва Мўғул тоғида Идрис пайғамбар зиёратгоҳи бор деб тушунилгани учун Идрис тоғи, Зарталош тоғида Муҳаммад парранда (шайх Умар Боғистоний ўғли) қабри борлиги учун Кабутар Кумуш ота ёки Хожа Муродбахш деб, мазкур тоғнинг таркибий қисми бўлган Қорамозор ёки Салимсоқ доvon тоғи эса шаҳидонликлар ва тоғлик аҳоли томонидан Кони Мансур деб аталган.

Тилга олинган тоғ тизмалари айрим жойларда аҳоли манзилгоҳи номи билан Боғистон, Фаркент, Пскент тоғлари каби номлар билан аталган. Муҳаммад Солиххўжа тоғлар ҳақида тўхталаркан, улардан қандай маъданлар олиниши хусусида ҳам маълумот бериб ўтган. Хусусан, Зарталош, Жета ва Мўғул тоғида туз, темир, қўрғошин, мис, кумуш, нефт, олтин, жавҳар, ёқутнинг наботранг, сувсари турлари, яшм тоши, мрамор, Боғистон тоғидан ёқутнинг қизил, сиёҳранг, сувсари ранглари, олтин, феруза, оҳанрабо, нефт, қўрғошин, мис, қалай, темир, Пскент тоғидан эса, кумуш қазиб олиниши ҳамда қадимги конларнинг излари борлиги тилга олинади. Гарчи Тошкент атрофидаги тоғлардаги конлар IX—XVIII асрлардаги араб ва форс тилидаги манбаларда ҳам

тилга олинса-да<sup>1</sup>, лекин XIX асрда мазкур конлар манбаси чекланган бўлиб, уларни қазиб олиш ҳам жуда оддий усулда бўлган.

Асарда юқорида тилга олинган тоғлардан оқувчи дарёлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Чирчиқ дарёси тарихий асарларда Парак (Фарак), Чоч, Шош, Турк, Илоқ, Чир номлари билан тилга олинган бўлса, Муҳаммад Солиххўжа бу дарёни Фарак ва Чирчиқ номлари билан тилга олар экан, «туркий аҳоли Чирчиқ деб атайдди», деб ёзади ва унинг манбасини Жета ва Мўғул тоғида деб кўрсатади. Муҳаммад Солиххўжа Оҳангарон дарёси ҳақида ёзар экан, бу дарёнинг қадимий Овлиқ шаҳар харобаси яқинидаги дарё ўртасидан оқиб ўтиб, Сирдарёга қуйилганини қайд этади. Унинг таъкидлашича, дарёнинг икки соҳили сувга бой бўлиб, у ерларда аҳоли шоликорлик билан шуғулланган ва етиштирилган гуруч Дашти Қипчоқ ва Фарғонага ҳам олиб борилган. 1868 йилда Оҳангарон бўйларидаги шоли далаларини ўз кўзи билан кўрган А.П. Хорошхин ҳам «... дарё соҳиллари деярли шоли плантациялари билан тўла бўлиб, кенглиги 8 верстгача этади», деб ёзган эди<sup>2</sup>.

Асарда тилга олинган Тошкент вилоятидаги аҳоли манзилгоҳларидан яна бири кўплаб қишлоқларни бирлаштирган Еттикентдир. Муҳаммад Солиххўжанинг бу маълумотлари айни шу даврда Еттикентда бўлган А.П. Хорошхин маълумотлари билан бир хил бўлиб, унга кўра Қўруқ, Шаҳидон, Хурумсарой, Кудаш, Ош, Қамишқўрғон, Соркўл қишлоқлари Еттикент деб юритилган<sup>3</sup>. Фақат Муҳаммад Со-

<sup>1</sup> *Ибн Хоргадбех*. Книга путей и стран // Пер с. араб., коммент., иссе и указатели и карты Н. Валиханова. — Баку: Элм, 1986. — С. 64, 68; *Муҳаммад Тоҳир*. Ажойиб ўт-табоқот. — 1726-варақ. *Амин Аҳмад Розий*. Ҳафт иқлим. — 5196-варақ.

<sup>2</sup> *Хорошхин А.П.* Кўрсатилган асар. — 28-бет.

<sup>3</sup> *Хорошхин А.П.* Кўрсатилган асар. — 30—31-бетлар.

лиххўжа уларни асарнинг турли жойларида тилга олган. Яна бири Оҳангарон дарёси оқиб ўтувчи 4—6 фарсах кенгликдаги дарада жойлашган 92 уруғнинг 92 қишлоғи бўлиб, улар Банокатдан Овлиқгача чўзилган. Муаллиф ўзи эшитган хабарларга кўра Зарталош тоғида 130 та қишлоқ бўлиб, улардан Намданак, Нуш, Паркент (Фаркент) ва Заркентни, Чирчиқ дарёсининг икки соҳилидаги Сойлиқ, Хондайлик, Чимбойлик, Ғазалкент, Хўжакент, Боғистон, Нанай, Хумсон, Бурчмулла, Пскент қишлоқларини тилга оладики, бу қишлоқларнинг айримлари IX—XI аср араб-форс муаллифларида Намудвонак, Нушкат, Заранкас, Пскат каби номларда учрайди<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да Тошкент вилоятининг тоғли қишлоқларидаги зиёратгоҳ мазорлар ҳам эслаб ўтилган. Улардан бири Пули Барбар кўприги яқинидаги Бобо Сардорота ёки туркий аҳоли тилидаги Бобо Чиртарота қадамжоси бўлиб, унинг исмини муаллиф саҳобалардан Ҳазрати Икрама деб тилга олади. Қадамжо чеккасида булоқ бўлиб, у яқин атрофдаги ерларни сув билан таъминлаган. Шунингдек, Боғистон қишлоғида шайх Умар Боғистоний, Фаркент қишлоғида Бобо Мочин, Жета ва Мўғул тоғида Идрис пайғамбар, Зарталош тоғида Муҳаммад парранда қадамжолари ҳам бўлган.

Муҳаммад Солиххўжа Тошкент вилояти тавсифида тоғ ён бағирларидаги қадимги шаҳар харобалари ва тоғлар билан боғлиқ ривоятлар тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтган. Хусусан, Қурама яқинида Жанодил шаҳар харобаси бўлиб, ривоятга кўра унинг ҳукмдори Жанодил Ҳазрат Али томонидан Аҳтам саҳоба ортидан бу юртларга юборил-

<sup>1</sup> *Al-Moqaddasi*. Descriptio imperli Moslimici. BGA. Pars.3. Edit: M.J. De Goeje. Leiden.: E.J. Brill, 1967. — P. 264—265; *Ibn al-Fakih al-Hamadhani*. Kitab al-Boldan. BGA. Pars. 5. Edit: M.J. De Goeje. Leiden.: E.J. Brill, 1967. — P. 327.

ган. Араблар бу ерларга келганда маҳаллий аҳолида тўй мавсуми бўлиб, тўй томошагоҳи Муҳаммад Солиххўжа даврига келиб Тўйтепа деб аталган экан<sup>1</sup>. Яна бир ривоят худди одам қиёфасига ўхшаш бўлган Бобой Мардак номли қоя билан боғлиқ бўлиб, унинг воқеалари Хулакухон истилоси (XIII аср) даврига оид.

### ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ

Муҳаммад Солиххўжа ёки унинг ҳамшаҳари Абу Убайдуллоҳ Тошкандий гарчи Тошкент шаҳри ёки вилоятининг аҳолиси сони тўғрисида аниқроқ маълумот бермаса-да, уларнинг асарларидан XIX асрдаги Тошкент аҳолиси ва унинг турмуш тарзини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Хусусан, Муҳаммад Солиххўжа шайхонтахурликларнинг кўринишини: буғдойранг, қошлари чиройли, кўзлари қора, баланд ва ўрта бўйли, ҳимматли, ҳамиятли, меҳмондўст, мусофирпарвар эканлиги ва зукколигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Шунингдек, у келтирган

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 967а-варақ. Аҳтам саҳоба ва Жанодил воқеаси «Аҳтам саҳоба» қиссасида ҳам ёритилган. Муаллифи Собир Сайқалий Ҳисорий (1730 — 1798) деб кўрсатилган бу қисса «Аҳтам саҳоба қиссаси», «Қиссаи Шоҳ Аҳтам», «Аҳтамнома» каби турли номлар билан аталади. Форс ва ўзбек тилидаги қўлёзма, тошбосма нусхалардаги матни бир-биридан анча фарқ қилади. Уларнинг бирида Аҳтам саҳоба аёл киши бўлганлиги, иккинчисида Аҳтам Ҳазрат Али амакисининг ўғли бўлганлиги тилга олинади. Жанодил эса шаҳар ва унинг ҳукмдори исми сифатида тилга олинган. Аҳтам жанодилликлар томонидан ўлдирилгач, Ҳазрат Али бошлиқ мусулмонлар Аҳтам учун қасос олиб — Жанодил подшосини ўлдириб, аҳолисини исломга киргизади. Жанодил тепалиги ва Аҳтам саҳоба қиссаси ҳозирги кунда ҳам тўйтепаликлар орасида машҳур. Қ а р а н г: Аҳтам саҳоба қиссаси. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, № 3794/II. — 115а, 128а-варақлар; Қиссаи Шоҳ Аҳтам. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, № 1733/II. — 166б, 184а-варақлар.

маълумотлардан, XIX асрдаги Тошкент аҳолисининг ижтимоий таркибини билиб олиш мумкин бўлади. Муҳаммад Солиххўжа тошкентликларни умумий номда кўп бор «асл амокин тошкентликлар» деб тилга олса-да, улар келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеига кўра турли истилоҳларда ажратиб кўрсатилган. Хусусан, тўралар (توره‌ها), акобирлар (اکابران), ашрафлар (اشرفان) ва аёнлар (اعيان), савдогарлар (سوداگران), ҳунармандлар (حرفندان), раъия (رعیه), фуқаро (فقارا) каби. Бундан ташқари, Тошкентда қуллар меҳнатидан ҳам фойдаланилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжа асарнинг турли жойларида ҳарбий ва маиший юмушларни бажарувчи ҳабаший, чиний (хитой) «гулом»ларни тилга олади. Ўша вақтда Тошкент шаҳридаги ҳинд, эроний аҳоли билан бирга турли миллатга мансуб қуллар ҳақида 1868 йилга мансуб архив ҳужжатларида ҳам маълумотлар учрайди.

Қабоилия (قبائلیه) ва элатия (ایلتیه) Муҳаммад Солиххўжа талқинида бу Авлайқулихон (Аблай султон) авлодлари қўл остида бўлган чорвадор аҳоли, яъни Тошкент ҳокимига закот тўловчи қозоқ ва қирғиз уруғларининг умумий номи. Абу Убайдуллоҳ Тошкент атрофидаги санчиқли уруғи ҳақида тўхталиб, уларнинг Оққўрғон ва Пскент оралигидаги ерларда ҳисобсиз чорваси билан истиқомат қилганлигини ёзади. Юнусхўжа даврида (XIX асрнинг 40-йилларида ҳам) Тошкент қўшини — қорақозонларнинг, асосан, санчиқлилардан ташкил топиши уларнинг кейинроқ шаҳар ичида ҳам жойлашишига олиб келган.

Шаҳар атрофидаги чорвадор аҳолининг қалинлашуви Тошкентнинг қалмоқлар асоратига тушган йиллари ҳамда Аблай султон ва Юнусхўжа даврига тўғри келади. «Тарихи жадидаи Тошканд»да кел-

тирилишича, «чор ҳокимлик» даврида Тошкентда ҳокимиятни эгаллаган Аблай султон авлодлари тўқсон икки уруққа мансуб аҳоли вакиллари иштирокида бўлган қурултойда Девонбеги маҳаллалик Салимсоқтўра — амир ул-умаро, Рустамтўра — оталиқ, Одилтўра — парвоначи, Бобохонтўра — лашкар сардори этиб тайинланган. Сўнг барчалари келишган ҳолда Юнусхўжани вилоят волийси этиб сайланлар<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да Салимсоқтўра ва унинг яқинларининг қиш фаслидагина шаҳарга келишига қараганда, улар яримкўчманчи тарзида яшаган. Муаллифи номаълум бўлган «Анжум аттаворих» асарида Тошкент даҳаларининг (тўғрироғи даҳаларга қарашли шаҳар атрофидаги ерлар) Юнусхўжанинг ҳокимият тепасига келишига кўмаклашган шайхим, қўнғирот, юз, чиниш, сергили, эли, учоқли уруғларига, Паркент ва унинг атрофи чикчим уруғига берилганидан сўнг, уларнинг шаҳар атрофига келиб ўрнашиши кузатилади. Масалан, Ўрта жузнинг чиниш уруғидан бўлган Тўлабийнинг ўғли Ниёзбек ва сергили, қибрай, қиёт уруғи вакиллари янги ерларда ўзлари учун тураржойлар барпо қилганлар ( *برای اقامت خودها قلعه‌ها بنا نهاده* ).

Шунингдек, 1863—1864 йилларда Султон Саъидхон ҳам руслардан қочиб келган Сиддиқтўра ва унинг укаси Арслонтўра уруғи учун Тошкент атрофидан ерлар ажратиб берган эди. Шу сабабли Тошкентнинг шарқи, шимоли ва ғарбида, асосан қозоқлар ( *قازاقيه* ) ёки уларнинг тилга олинган уруғлари, жумладан, санчикли ( *سنجقلى* ёки *سنچقلى* ), сергили ( *سيرگلى* ), дуғлот ( *دوغلات* ), арғин ( *ارغين* ), тамғали ( *تمغلى* ) каби уруғлари истиқомат қилгани айтилади.

<sup>1</sup>Тарихи жадида. — 356а, б-варақ.

1868 йилги архив маълумотларига қараганда, шаҳар деворлари ташқарисидаги тошкентликларга тегишли қўрғонлар ва чорбоғлардаги ишларни мазкур уруғларга мансуб кишилар юритган. Хусусан, Мухаммад Солиххўжанинг Қўқон дарвозаси ортидаги қўрғонида арғин уруғидан бўлган Ўролбой истиқомат қилган. Бундан ташқари, Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча даҳалари аҳолисига қарашли қўрғонларда арғин, тоусе, олчин, бештамғали, сергили, уймаут, қанғли, чигир каби Ўрта ва Катта жузга мансуб қозоқ уруғлари яшаган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Тошкент атрофида тама, курама, қорақалпоқ, юз, қўнғирот каби этник гуруҳлар ҳам истиқомат қилган. Лекин уларнинг айримлари, хусусан, тама уруғи XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Бўка атрофида ўтроқлашиб бўлган эди<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги Тошкент шаҳри аҳолиси билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш жараёнида аҳолини ижтимоий келиб чиқишига кўра, асосан, қуйидаги қатламлар ташкил этганлигини кўриш мумкин: *ҳукмрон табақа*: ҳоким ва унинг атрофидаги амалдорлар; *юқори табақа*: хўжалар, тўралар, йирик савдогарлар; *ўрта табақа*: майда савдогарлар, дўкандорлар, ҳунармандлар, диндор-руҳонийлар (масжид имомлари, муллар, эшонлар ва тариқат аҳли), илм кишилари (мударрислар ва талабалар); *қуйи табақа*: камбағал шаҳарликлар, қашшоқлар, қуллар; *шаҳар атрофидаги чорвадор аҳоли*: қабоилия ва элатия.

Тошкент аҳолиси сони билан боғлиқ турли манбалардаги маълумотлар ўртасида айрим фарқлар

<sup>1</sup>ЎзРМДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 47-варақ.

<sup>2</sup>Файзуев Т. О родоплеменном составе узбеков-кураминцев конца XIX — начала XX века // ОНУ. 1963. №11. — С. 43; Бейсембиев Т. Тарихи Шахрухи как исторический источник. — Алма Ата: Наука, 1987. — С. 79.

мавжуд<sup>1</sup>. Аҳоли сони архив ҳужжатларида бирмунча кенгроқ ёритилгани боис айрим ҳужжатларни таҳлил қилиш лозим бўлади. Хусусан, 1868 йилги маълумотларга кўра, Тошкентдаги ҳовлилар даҳалар бўйича қуйидаги кўринишда бўлган<sup>2</sup>:

Даҳалар	Маҳаллалар	Ҳовлилар	Уйлар
Бешёғоч	35 та	2434 та	+ 215 2865 3080
Шайхонтахур	72 та	3202 та	+ 215 3520 3735
Кўкча	40 та	3184 та	+ 215 3490 3705
Себзор	40 та	3224 та	+ 217 3495 3712
Жами	187 та	12044 та	14232 та

Эски шаҳар аҳолисининг сони эса 75424 кишини ташкил қилиб, улар орасида татар (610 киши), яҳудий (213), қирғиз (қозоқ, 110), форс (52), ҳинд (70), афғон (21), хитой (3) каби бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилган. Шаҳарнинг Россия империяси истилосидан кейин ўзлаштирилган Янги шаҳар қисмида ҳам турли миллатта мансуб 2020 киши яшаган.

Агар Эски шаҳар аҳолисини, архив ҳужжатларида келтирилганидек, тахминан 75424 киши деб олсак ва уни жами ҳовли сони 12044 га бўлсак, ҳар бир ҳовлида ўртача 7 киши яшаган деб ҳисоблаш

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: История Ташкента. — С. 90; История Узбекистана. Т. III. — С. 238.

<sup>2</sup> ЎзРМДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 478-иш, 27-варақ.

мумкин. Лекин мазкур маълумотларда айрим ҳовлиларда боқувчиси йўқ, ёлғиз яшовчи кексалар истиқомат қилиши ҳам қайд этилган. Бундан ташқари, шаҳар аҳолиси сони ўсибгина қолмай, турли даврларда пасайиш ҳоллари ҳам бўлиб турган.

### ТОШКЕНТ ЎТМИШИ МУҲАММАД СОЛИҲХҲҶА ТАЛҚИНИДА

Муҳаммад Солиҳхўжа «Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг Қўқон хонлари тарихига бағишланган саҳифаларида Тошкентнинг XVIII аср охири — XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий тарихини ёритиб, тўрт даҳа тавсифи қисмида шаҳарнинг бунёд бўлиши хусусида тўхталган. Муаллиф шаҳарнинг юзага келишини аҳоли орасида машҳур бўлган қадимги афсонавий шоҳлар Кайкобус ва Салор фаолияти билан боғлайди. Шу сабабли бўлса керак, асарда шаҳар ичи ва атрофида қадимги Эрон шоҳлари исмлари билан боғлиқ номлар кўп тилга олинган. Буни Фарақ (Чирчиқ)дан чиқарилган анҳор Подшоҳ, Кайкобус фармони билан қазилгани ва бошланиш жойи Банди Подшоҳ, унинг тармоқлари — Кайкобус, Салор ва Зол номлари билан ёки Зол арифининг бошланиш жойининг Парвизшоҳижаҳон деб аталганида ҳам кўриш мумкин. Муаллифнинг ёзишича, XIX асрдаги Шоҳнишинтепа<sup>1</sup> мавзеи қадимги шоҳлар қароргоҳи бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд»даги ривоятларга асосланган бу каби маълумотлар муаллифнинг замондоши, Себзор қозиси Раҳимхўжа эшон Алихўжа эшон ўғлининг «Туркистон вилояти газети»даги мақоласида ва ша-

<sup>1</sup> Шоҳнишинтепа — Тошкентнинг шимоли-ғарбида, Чигатой дарвоза кўчасида жойлашган X асрга доир қадимий тепалик бўлиб, Тошкент археология ҳаваскорлари томонидан қайд этилган. Қаранг: Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. — 49-бет.

ҳарнинг бунёд қилиниши тарихини ўрганган рус ўлкашунослари эълон қилган мақолаларда ҳам учрайди<sup>1</sup>. Шунингдек, «Тарихи жадидаи Тошқанд» асарида Шоҳнишинтепадан ташқари Афросиёб, Олтинтепа, Мингўрик, Шўртепа, Куҳи Баидтепа (ёки Куваидтепа) каби тепаликлар ҳамда Тошкент вилоятидаги Банокат, Жанодил каби шаҳар харобалари ҳам Муҳаммад Солиххўжа томонидан қайд этиб ўтилган. Ўтказилган археологик изланишлар ҳам Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофида Нўғойқўрғон (III–IV асрлар), Тавкаттепа (IV–XII), Садоқаттепа (VIII–XII), Олтинтепа (IV–VII, X–XV), Мингўрик (IV–VII, XI), Тўғайтепа (V–VII, IX–XIV), Бинкет (X–XIII) каби эраизмнинг III–XV асрларига доир қирқдан ортиқ қалъа ва қўрғон харобалари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>. Бевосита Тошкент шаҳри қўрғони ва мудофаа деворларини эса Муҳаммад Солиххўжа Дашти Қипчоқ ва Туркистондаги шаҳарлар — Хулжа, Ашфара, Олмалиғ, Ўтзор, Ўзганд, Исфижоб, Банокат каби шаҳарлар билан бир пайтда мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Унинг сўзларига қараганда, Тошкент қўрғони Чингизхон юришлари ва Хулакухон давригача мавжуд бўлган ва уларнинг даврида юз берган вайронгарчиликлардан сўнг Амир Темур даврида тикланган.

<sup>1</sup> Ушбу мақола муаллифининг «Тарихи Табарий» асари ва ривоятларга таяниб ёзишича, Тошкент шаҳрига Тур асос солган ва у бунёд қилган қалъа аҳоли орасида Шоҳнишинтепа деб аталган. Салор аригини эса Афросиёб қаздириб, Тошкент шаҳрига асос солган (Қ а р а н г : Раҳимхўжа эшон Алихўжа эшон ўғли // Туркистон вилояти газети. 1890. № 28; Эварницкий Д.Н. К вопросу о начале города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1892. № 29; Диваев А.А. Народные предания о возникновении азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1900. № 91.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Кўрсатилган асар. — 42–53-бетлар; Буряков Ю.Ф. Тошкент воҳасининг қадимги қарвон йўллари. — Т.: Фан, 1978. — 42-бет ва бошқ.

Муҳаммад Солиххўжа қўлида маълумотлар камлиги боис Тошкентнинг XIV–XVIII асрнинг биринчи ярмидаги тарихига кенг тўхталмай, тўғридан-тўғри чор ҳокимлик давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритишга ўтади<sup>1</sup>. Тошкентнинг 1723 йилда қалмоқлар қўл остига ўтиб, 1723–1758 йилларда Йўлбарс, Тўлабий, Кусекбий каби қозоқ хонлари ёки уларнинг бошқа вакиллари орқали идора қилинган даври, асосан, рус манбаларида келтирилган<sup>2</sup>.

Асарда келтирилган Тошкент тарихига доир муҳим маълумотлардан бири шаҳарнинг чор ҳокимлик даврига оид бўлиб, О.Д. Чеховичнинг ёзишича, муаллиф ушбу маълумотларни бизгача етиб келмаган бирор-бир асардан ёки мазкур воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишилардан эшитганлари асосида ёзган бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Унда келтирилишича, Тошкентда тўрт эътиборли хонадон вакиллари, Шайхонтахур даҳасида Авлайқулихон (Аблай султон) авлодидан Бобохонтўра, Бешёғочда аштархонийлардан Ражаббек, Кўкчада Чигатойхон авлодидан Муҳаммад Иброҳимбек, Себзорда Жўчихон наслига мансуб бир киши ҳоким бўлиб, улар ўртасида тинимсиз урушталашлар бўлиб турган. Мазкур ҳолат илмий адабиётларда акс этган «чор ҳокимлик» даврига тегишлидир. Худди шу йилларда уч даҳа ҳокимлари бирлашиб, Авлайқулихон авлодларига қарши урушгани айтилади. Лекин қаттиқ жанглардан сўнг Салимсоқ-

<sup>1</sup> Тошкентнинг кейинги XIV–XVIII аср биринчи ярмидаги тарихи Р. Мукминова, А. Муҳаммаджонов, Ю. Соколов, Э. Хуршут ишларида ёритилган.

<sup>2</sup> Тошкентнинг қалмоқ ноиблари ва Юнусхўжа ҳокимлиги давридаги тарихи ҳақида қаранг: Озагаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. — 17-бет; Ҳожиёв Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. — 16-бет; История Ташкента. — С.81; История Узбекистана. Т. III. — С. 237 ва бошқ.

<sup>3</sup> Чехович О.Д. Сказание о Ташкенте. — С. 173; Чехович О.Д. Городское самоуправление в Ташкенте. — С. 151.

тўра ва Бобохонтўра (асарда Хонбоботўра деб ҳам тилга олинади) бошчилигидаги Авлайқулихон авлодлари бирин-кетин қолган уч даҳани ҳам эгаллаб, Шайх Хованд Тахур авлодларидан Юнусхўжани вилоят волийси этиб сайлаганлар<sup>1</sup>.

Муаллифи номаълум «Анжум ат-таворих» асарига кўра эса, Тошкент атрофига Авлайқулихон даврида ўрнашган чорвадор уруғлар ва тошкентликлар ўртасида зиддиятлар келиб чиқиб, тошкентликлар эътиборли кишилардан Юнусхўжа, Бадалхўжа ва Мулла Шамсиддинлар бошчилигида уларга қарши кураш бошлаган. Курашга бошчилик қилган Юнусхўжа Авлайқулихон қўшинида бўлмагани учун унумсиз ерлар теккан қанғли, санчиқли, қиёт, турк уруғлари билан иттифоқ тузиб, ғалабани таъминлаган. Бу жангларда намданаклик Хўжа Келдиёр мерган ва маҳаллий аҳolidан Ойхўжа (Юнусхўжанинг қариндоши) ҳам фаол қатнашган. Натижада Юнусхўжа, Бадалхўжа, Мулла Шамсиддин ва Солих оқсоқол шаҳар даҳаларига ҳоким бўлиб олади. Шундан сўнг Юнусхўжа ўз иттифоқчилари ва муридлари бўлган санчиқли, турк, қиёт уруғларига Тошкент теварагидан ерлар берган. Лекин уч йиллик аҳилликдан сўнг Юнусхўжа Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларини ҳам эгаллаб олган. Бу йиллар мобайнида санчиқли, қанғли ва шаҳарликлардан ташкил топган 20000 га етадиган қўшин тўплаган.

Юқоридагиларга таяниб айтиш мумкинки, волий этиб тайинланган Юнусхўжа дастлаб вилоятни ўз яқинлари ва санчиқли уруғига таяниб бошқарган. Кейинчалик, Юнусхўжа ўз ўғиллари — Муҳаммадхўжа, Хонхўжа, Ҳошимхўжа, Султонхўжа ва Ҳомидхўжаларни Тошкент атрофидаги қалъа ва қўронларга ҳоким этиб тайинлаган ҳамда амирлар ва

<sup>1</sup>Тарихи жадида. — 356а, б-варақ.

шаҳар акобирлари маслаҳатисиз, кўчманчи-чорвадор уруғлар қутқуси билан Қўқонга юриш бошлаган. Лекин, Юнусхўжа Олимхон қўшинлари билан Хуррамсарой яқинидаги тўқнашувда мағлубиятга учраб, Тошкентга қайтган ва бу деярли барча манбаларда қайд этилган<sup>1</sup>. Бироқ Муҳаммад Солиххўжа бошқа муаллифлардан фарқли равишда Тошкент қўшинида Салимсоқтўра лашкарбоши, Бобохонтўра, Одилтўра ва Рустамтўраларнинг қатнашганини ҳам ёзади. Мағлубиятга учраган Юнусхўжа Тошкентга чекинади. Унинг амирлари эса, тоғлар орқали Еттибўйноқ йўли билан Шаҳидон, Намданак, Фаркент қишлоқларига бориб, у ердан Қурамага ва Қанжиғали қалъасига ўтадилар. Сўнгра Қанор йўли билан Абдуллахон работига келиб, Юнусхўжа билан бирлашиб, Бешёғоч дарвозасидан Тошкент шаҳрига кириб боради. Тез орада Юнусхўжа касалликка чалиниб, вафот этгач, ўғиллари — Муҳаммадхўжа, сўнг Султонхўжа ҳокимиятни эгаллайди. Султонхўжанинг Қўқонга қарши ҳаракатлари туфайли Олимхон томонидан Умархон бошчилигида юборилган қўшин Тошкентга келиб, Юнусхўжанинг бошқа ўғли Ҳомидхўжани ҳоким этиб тайинлайди. Лекин 1808 йилда Тошкент Олимхон қўшинлари томонидан қайта эгалланади.

Аксарият манбаларда Олимхонга қарши кайфиятдаги тошкентлик амалдорлар фаолияти борасида маълумотлар келтирилмаган. Шу сабабли, тадқиқотларда Юнусхўжа ва Султонхўжа вафотидан сўнг Тошкентда Олимхонга қарши турувчи сиёсий кучлар тўғрисида фикрлар билдирилмайди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлар эса бу

<sup>1</sup>Тарихи жадида. — 358б варақ; Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шохрухий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1787. — 48б-варақ; Аваз Муҳаммад Аттот Хўқандий. Тарихи жаҳоннамои. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9455. — 42а-варақ.

борадаги айрим масалаларга аниқлик киритади. Хусусан, Юнусхўжа амалдорларидан, Салимсоқтўра Хонбоботўра ўғли дастлаб Олимхонга қарши курашда фаол иштирок этган. Кейинроқ, аниқроғи Султонхўжа ўлимидан сўнг Олимхон хизматига ўтган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича мазкур шахс 1223—1224/1808—1810 йилларда Сайрам ва Туркистонни эгаллаб, Олимхон ҳузурига тортиқ билан келганда, Тошкент вилояти ноибни этиб тайинланган. Лекин, Олимхон ўзига қарши уюштирилган фитнада Салимсоқтўранинг қўли борлигидан хабар топгач, уни бир неча яқинлари — Одилтўра, Тўпчибоши (?) билан Эски Жўва бозорида сўроқиз қатл қилдирган.

Таъкидлаш лозимки, бу даврда тошкентлик амалдорлар Олимхон тарафдорлари ва унга қарши бўлган икки сиёсий гуруҳга бўлиниб қолган эди. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Олимхонга қарши амалдорлардан Қизиларслон Алпарслон ўғли ва Рустамтўра Исфандиёртўра ўғли қўқонликларга қарши ҳарбий куч тўплаш учун Қорасарой дарвозасидан чиқиб, Сайрам ва Туркистонга кетади. Уларнинг Олимхонга қарши қай тарзда кураш олиб борганлиги тўғрисидаги тафсилотлар келтирилмаган. Фикримизча, уларнинг бирлашган кучлари Олимхоннинг Тошкентдаги мавқеига каттагина хавф солган. Чунки, Олимхоннинг қўлга киритган Тошкент ва унинг шимолидаги ерларга қайта қўшин тортиши муаррихлар — Муҳаммад Ҳакимхонтўра ва Аваз Муҳаммад Аттор ёзганидек «бесабаб» эмас, балки юқорида номлари тилга олинган икки шахснинг Олимхонга қарши юритган фаолияти билан боғлиқ эди.

Бошқа бир муаллиф Ниёзмухаммад Хўқандий эса Олимхоннинг янги юришига санчиқли жамоасининг Тошкент ерларига талончилик юришлари сабаб бўл-

ганини ёзади. Шунингдек Олимхон Чимкент, Сайрам ва унинг атрофидаги ерларни ҳам талашни режалаштирган<sup>1</sup>. Лекин мазкур юриш давлат амалдорларининг Олимхонга қарши фитнаси ва унинг натижасида Умархоннинг тахтга чиқиши билан яқун топди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Олимхонга қарши бўлган Идрисқули бий ва Мўминбек бошчилигидаги амирлар Салимсоқтўра, Одилтўра каби тошкентлик амалдорлар билан битим тузгач, уларнинг ёрдами билангина ўз мақсадларини амалга оширишга ва Умархонни тахтга чиқаришга эришадилар.

Шундай қилиб, Тошкентнинг деярли чорак аср (1784—1808) давом этган мустақиллиги тугатилди. Тошкент ва унинг атрофи Қўқон хонлиги таркибидаги энг йирик ва муҳим маъмурий бирликлардан бирига айланди.

#### ТОШКЕНТ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРКИБИДА

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридagi Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий тарихига доир маълумотларнинг катта қисми Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олингандан кейинги даврга доир. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф ўзи яшаган давр тарихига катта эътибор берган, демак, ана шу жиҳатдан асарнинг оригиналлик даражаси ҳам салмоқлидир<sup>2</sup>. Айтиш жоизки, Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олингандан кейинги Қўқон — Тошкент муносабатлари характерига кўра икки даврга бўлинади:

Биринчи давр XIX асрнинг 10—40 йиллари;  
Иккинчи давр XIX асрнинг 40—60 йиллари.

<sup>1</sup> Тарихи Шоҳрухий. — 65а-варақ.

<sup>2</sup> Султонов Ў. Тошкент Қўқон хонлиги таркибида («Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларидаги маълумотлар таҳлили) // O'zbekiston tarixi. 2007. № 2. — Б. 57—67.

Манбалардаги маълумотлар таҳлили биринчи даврда, яъни Умархон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги йилларида Тошкент ҳокимлари ва марказий ҳокимият ўртасида жиддий зиддиятлар юзага келмаганлигини кўрсатади. Бу, аввало, Умархон ва Муҳаммад Алихон даврида хон ҳокимиятининг кучлилиги ва қолаверса узоқ вақт Тошкент ҳокими бўлган, Лашкар бегларбегининг катта сиёсий мавқега эга бўлишига қарамай, Қўқон хонларига садоқат билан хизмат қилиши билан боғлиқ.

XIX асрнинг 40–60-йилларида эса Тошкент айрим ҳокимларининг марказий ҳокимиятга қарши чиқиши натижасида Қўқон — Тошкент муносабатлари мураккаблашиб, бир неча бор уруш ҳолатлари юзага келган. Айни шу давр воқеалари «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил ёритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Қўқон хони Шералихоннинг ўғли Салимсоқхоннинг Тошкентдаги мустақил ҳокимлик даври — 1261/1844–1845 йилда ҳокимиятни ўз қўлига олган Мусулмонқул мингбоши Тошкентга Мулло Холбекни ҳоким қилиб юборган. Тошкент 1842 йилда амир Насруллонинг Қўқонга юриши ва Муҳаммад Алихон ўлимидан сўнг Бухоро қўл остига ўтган. Амир томонидан Тошкент ҳокими этиб тайинланган Муҳаммад Шариф оталиқ 1842–1843 йилларда ҳокимлик қилган. Қўқон Шералихон хон этиб кўтарилгач, қўқонликларнинг амир Насрулло ноибларига қарши ҳаракати натижасида Тошкент ҳам қайтариб олиниб, шаҳарни қайтариб олишда қўшинга бошчилик қилган Салимсоқхон ҳоким этиб тайинланган. Лекин кўп ўтмай Шералихон фитнада ўлдирилгач, Қўқонга қайтишда Мусулмонқул мингбоши қаршилигига учраган Салимсоқхон Бухоро амирлиги ҳудудига чекиниб Тошкент фарбидаги Чордара қалъасидан бошпана топган. Мусулмонқул мингбоши томонидан тайинланган

Тошкент ҳокими Мулла Холбек томонидан Салимсоқхонни таъқиб қилиш учун юборилган Давронбек парвоначи (кейинчалик баҳодирбоши) эса Кўкча дарвозасидан чиқиб, Қорақамиш ариғига етганда орага одам солиб Салимсоқхон томонига ўтиб кетган. Шундан сўнг Салимсоқхон Тошкентга келиб, шаҳарни эгаллаб, мустақил ҳокимлик қила бошлаган. Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, бу воқеа 1262 йил рабиъ ус-соний ойи охирида (1846 йил, март—апрель) юз берган.

Салимсоқхон ўз мулкани кенгайтириш мақсадида Тошкент қўшинини Лашкар бегларбеги ва Давронбек баҳодирбошига топшириб, Тўйтепа, Чўли Мирзо (Мирзачўл), Убайдуллахон работи йўналиши билан Хўжандга юриш қилган. Бундан хабар топган Мусулмонқул мингбоши Тошкентга қўшин тортган. Салимсоқхон эса Тошкентга қайтиб, мудофаага тайёрланган ва унинг буйруғи билан шаҳар деворлари таъмирланган. Афтидан Салимсоқхон ва амир Насрулло ўртасида қандайдир ўзаро манфаатли алоқа бўлган. Акс ҳолда амир Насрулло қошидан Ражаббек иноқ қушбеги бошчилигида тахминан 2000 навкар Салимсоқхонга мадад учун етиб келмаган бўлар эди.

1846 йилнинг охирида Мусулмонқул мингбоши ёш Худоёрхон билан бирга Хўжанд йўли билан Тўйтепа орқали келиб, Тошкентга бир фарсах ерда тўхтаган. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, шаҳар қирқ кун қамалда ушлаб турилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Мусулмонқул мингбоши буйруғи билан Бешёғоч, Қўймас ва Қўқон дарвозаларига баланд нарвонлар қўйилиб, қўрғон ичига киришга ҳаракат қилинган. Лекин, Бешёғоч дарвозасига Лашкар бегларбеги, Қўймас дарвозасига Ражаббек иноқ, Қўқон дарвозасига Даврон баҳодирбоши кучлари олдиндан жойлаштирилган бўлиб,

улар дарвозаларни қаттиқ мудофаа қилган. Сўнг мудофаачиларнинг бирлашган кучлари тилга олинган уч дарвозадан чиқиб, қўқонликларга қақшатқич зарба берган ва Мусулмонқул мингбоши қамални ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бироқ, Даврон баҳодирбошининг Туркистонга кетганидан хабар топган Мусулмонқул мингбоши Керовчи ҳокими Ўтаббой қушбегини ишга солиб, Миён Фазл Халил воситачилигида Салимсоқхон билан сулҳ тузишга эришади. Салимсоқхон номидан Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли ва Қози Ислон келиб Салимсоқхонга зиён етказмаслик шарти билан сулҳ тузган. Балиқчига ҳоким этиб тайинлаиб, Қўқонга юборилган Салимсоқхон эса кўп ўтмай йўлда ўлдирилган<sup>1</sup>.

1263 йил муҳаррам ойида (1846 йил, декабрь) Муҳаммад Алихоннинг собиқ махрамларидан Азиз (Аштий) парвоначи амали билан Мусулмонқул мингбоши томонидан Тошкентга ҳоким этиб юборилган. У Тошкентнинг Мусулмонқул мингбошига топширилишига қаршилик қилган Салимсоқхон тарафдорларидан бир гуруҳ шаҳар аъёнларини, жумладан, Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли, Самандар баҳодир Нурмуҳаммад баҳодир ўғли, Эшонхўжа оқсоқол ва бошқаларни Қўқонга жўнатиб, йўлдаёқ ўлдиртириб юборган.

Муҳаммад Солиххўжа сўзларига қараганда, Азиз парвоначи ҳокимлиги даври тошкентликлар учун энг оғир давр бўлган. Бу «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган 1263/1847 йил рамазон (август) ойида, Тошкентда юз берган қўзғолон тафсилотларида ҳам яққол кўзга ташланади<sup>2</sup>. Муал-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 475а-варақ. Яна қаранг: Тарихи Шоҳрухий. — 136а-варақ; Хулосат ул-аҳвол. — 101а-варақ ва бошқ.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: *Набиев Р.* Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. — Т.: Фан, 1966.

лифнинг ёзишича, Азиз парвоначининг рамазон ойи муносабати билан лашкар сарфи учун 4000 тилло миқдорида «ифтор пули» солиғини солиши шаҳарда катта норозилик ҳаракати бошланишига олиб келган. Азиз парвоначининг бундай қарор қилишига Тошкентнинг Мулло Холбек мингбоши (собиқ ҳоким) ва Худоёрхон томонидан уч ой мобайнида қамал қилиб турилиши ва бу вақт давомида юз берган қаттиқ жанглар сабаб бўлган деб айтиш мумкин<sup>1</sup>. Гарчи бу юришда Қўқон қўшини шаҳарни эгалламаган бўлса-да, унинг иқтисодий аҳволига, айниқса, ҳарбий салоҳиятига катта зиён етказган эди. Азиз парвоначи Қўқондан бўладиган янги ҳужумдан хавфсираб, шаҳар мудофаасини ва Тошкент қўшинини кучайтиришга мажбур бўлган. Чунки хонликда уруш ҳолатларида хон томонидан ҳарбий салоҳиятни кучайтиришга қаратилган тўплар қўйиш учун «мис пули», қурол учун «милик пули», қўшинни улов билан таъминлаш учун «улов пули» каби солиқлар жорий қилинар эди. Азиз парвоначининг ўзбошимчалик билан бундай солиқ жорий қилиши аҳолининг кутилмаганда кўтарилишига олиб келган. Асарда келтирилишича, аҳоли 12-рамазон чоршанба куни ва пайшанба куни кечаси ҳоким сиёсатига қарши норозилик бошлаган. Азиз парвоначи навкарлари билан Жанггоҳ ариғи кўприги ёнига келиб, бош кўтарган халойиққа қарши жангга кирган. Муҳаммад Солиххўжа қўзғолон етакчилари тўғрисида ҳеч нарса демайди. Лекин тонг отгач, икки томон сулҳ тузиб, Хожа Аҳрор ва Фўлодбой Тинчбофий жоме масжидларида биргаликда жума на-

<sup>1</sup> Худоёрхоннинг Тошкентга қўшин тортишига сабаб Мусулмонқул мингбоши амалидан туширилиб, Овлиққа юборилгач, Азиз парвоначининг Мулло Холбек мингбоши бошчилигидаги ҳукуматга бўйсунмаганлиги ва Мусулмонқул мингбошининг ўз мансабига қайтарилишини талаб қилгани эди.

мозини ўқиганликларини тилга олади. Азиз парвоначи шаҳар катталарига, хусусан, Раҳимбек Қозоқбойбий ўғлига алоҳида ҳурмат кўрсатган<sup>1</sup>. Раҳимбек Қозоқбойбий ўғлининг ўша йилларда баҳодирбоши амалида бўлганлигига эътибор берсак, норозилик ҳаракатида шаҳар аҳолисининг юқори қатлами ҳам иштирок этган дейиш мумкин. Норозилик ҳаракатининг бу қадар жиддий тус олишини кутмаган шаҳар амалдорлари ҳоким билан битим тузган. Афтидан, юқори табақанинг Азиз парвоначи билан сулҳ тузишидан норози бўлган аҳолининг қуйи қатлами жума куни кечаси Жангтоҳда норозилик ҳаракатини янгидан бошлаган.

Қўзғолоннинг иккинчи босқичи ўша вақтда Тошкентда, Жангоб маҳалласида яшаган муаррих Аваз Муҳаммад Атторнинг асарида ҳам ўз аксини топган. Ушбу муаллифнинг ёзишича, Парчабоф маҳаллалик Муҳаммад Юсуфбой бошчилигида бош кўтариб, жума куни кечаси хуфтон намозидан сўнг, бир-бирларига хабар бериб, қайтадан норозилик ҳаракати бошланган<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»даги воқеалар давомига қараганда, қўзғолончиларнинг янги оломони Азиз парвоначи навкарларига ҳужум қилган. Ҳокимнинг ўзи Бешёғоч кўчаси орқали катта қийинчилик билан Арпапоя йўлига ўтиб, ўз қароргоҳи — Ўрдага етиб олган. Аваз Муҳаммад Атторнинг ёзишича, Азиз парвоначи Ўрдадан бир неча минг навкар билан чиқиб келиб, бозорнинг мисгарлар рас-тасига етган ва бир қисм одамларини Сағбон маҳалласидаги оломон устига юборган. Ўзи Жангоб ва Парчабоф маҳаллаларидаги тартибсиз қўзғолончилар билан жанг олиб бориб, кўчалардаги тўсиқларни

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 482б-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жаҳоннамои. — 200а-варақ.

олиб ташлаб, Хотин масжидгача етиб келган. Лекин шу ерда қўзғолончиларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Охир-оқибат ҳоким қўшинининг мерганлари бинолар томига чиқиб, оломонни ўққа тутган ва иложсиз қолган қўзғолончилар қочиб мажбур бўлган. Қўзғолончилар ифтордан сўнг ҳужумни давом эттириб, тўп ва милтиқлардан ўқ отиб, арқ қалъасини тўрт томондан ўраб олган. Бундан хавотирга тушган шаҳар аъёнлари Қурама ҳокими Нормуҳаммад қушбеги ва унинг қўшини бошлиғи Шодмонхўжа судурга одам юбориб ёрдам сўраган. Нормуҳаммад қушбеги шаҳарга келгач, 12 кунлик жангдан сўнг қўзғолон бостирилган. Азиз парвоначи эса оиласи билан Қўқонга юборилган<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»дан маълум бўлишича, 1268/1851 — 1852 йилда Қўқон — Тошкент муносабатларидаги навбатдаги зиддиятларнинг юзага келишига Мусулмонқул мингбошининг ҳокимиятга қайтиб, Мулло Холбек ва Муҳаммадёр додхоннинг қатл этилишидан норози бўлган Мулло Каримқули дастурхончи, Муҳаммадназар Гўрўғли ва унинг икки ўғлининг (Холмуҳаммад додхоҳ ва Ҳотамқули рисо-лачи) мингбошига қарши бўлган Тошкент ҳокими Нормуҳаммад ҳузуридан паноҳ топиши сабаб бўлган.

1852 йил февраль — июнь ойларида Тошкентда бўлган ростовлик савдогар С.Я. Ключаревнинг ёзишича, дастурхончи ва рисолачининг Тошкентга қочиб келиши 1852 йил 8 февралда юз берган<sup>2</sup>. Абу Убайдуллоҳнинг ёзишича, кўп ўтмай Қосимбой

<sup>1</sup> Муҳаммад Солихўжанинг Азиз парвоначининг 1266 йил шаввол ойида (1850 йил, август — сентябрь) Қўқонга жўнатилди деб кўрсатган санаси нотўғри. Азиз парвоначи 1847 йил қўзғолон бостирилиши биланоқ Қўқонга юборилиб қатл этилган. Тарихи Шоҳрухий. — 139а, б-варақ;

<sup>2</sup> Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. — СПб., 1856. — С. 353.

понсадбоши, Муҳаммадниёз понсад ва Шодмонхўжа ҳам Тошкентга қочиб келган<sup>1</sup>. Нормуҳаммад қушбеги Мусулмонқул мингбошининг қочқинларни қатл қилиш тўғрисидаги буйруғини рад қилиб, ўзининг Худоёрхонга қарши эмаслигини ва агар Мусулмонқул мингбоши мансабидан туширилмаса Тошкент Қўқонга бўйсунмаслигини маълум қилган. Шундан сўнг Мусулмонқул мингбоши баҳорда Худоёрхон ҳамроҳлигида Тошкентга юриш бошлаган. Ключаревнинг қайд этишича, Мусулмонқул мингбоши 1852 йил 7 мартда 40000 кишилиқ қўшин билан Тошкентга етиб келган. Муҳаммад Солиххўжа эса Чирчиқдан ўтган қўшин Ниёзбек қалъасига ҳужум бошлагани, лекин қалъани эгаллай олмаган Мусулмонқул мингбоши унинг рўпарасида Тана сўйди мавзеида янги қалъа қурдириб, у ерга қурол-ярғоқ, озиқ-овқат захирасини бир қисм навкарлари билан қолдириб, ўзи Тошкент қўрғонига етиб келганини ёзади. Жанг вақтида Ўтаббой қушбеги ҳам ўғиллари ва яқинлари билан Нормуҳаммад қушбеги томонга ўтиб, шаҳар ичига кириб кетган<sup>2</sup>. Натижада Қўқон қўшинида тартибсизлик юз бериб, Мусулмонқул мингбоши Ниёзбек томонга чекиниб, Парвизшоҳи мавзеига келиб тўхтаган. Эртаси куни Қўқонга қайтишда Чирчиқдан ўтаётган Мусулмонқул мингбоши кучларига шаҳардан чиқиб келган Ўтаббой қушбеги бошлиқ Тошкент қўшини ҳужум қилиб, катта талафот етказган.

Бироқ, «Зафарномаи Худоёрхоний» асарида ёзилишича, Мусулмонқул мингбоши 1–2 ой ўтмай, Тошкентга иккинчи бор қўшин тортиб, шаҳарни қамал қилиб атрофни талон-торож этган<sup>3</sup>. Ключарев

<sup>1</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 116а, б-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 485б-варақ.

<sup>3</sup> Абдулғафур. Зафарномаи Худоёрхоний. ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, № 598. — 96-варақ.

маълумотларига қараганда, Нормуҳаммад қушбеги буни олдиндан сезган ва мудофаани кучайтириш мақсадида шаҳардаги барча савдогарлардан бир неча бор пул йиққан, аҳолидан эса «таноб пули» солиғини олган. Бундан ташқари, амирга ўз вакилини, кейинроқ тортиқ сифатида 6000 қўй юбориб, Мусулмонқул мингбошига қарши курашда ёрдам сўраган. Қўқонга юборган жосусларидан Мусулмонқул мингбошининг Тошкентга юришга тайёрлиги ҳақида маълумот олгач, шаҳарга кириш-чиқишни қаттиқ назорат остига олган, тошкентликларга ҳатто Чирчиқдан ўтиш ҳам тақиқланган. Шаҳар қозикалонини эса мингбоши билан хуфия алоқаси борлиги учун ҳибсга олган ва Тошкент аъёнларига сўнгги нафасигача Мусулмонқул мингбошига қарши курашиш тўғрисида Қуръонни қўлга олдириб қасам ичтирган<sup>1</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга кўра ана шу пайтда, 1268 йил ражаб ойида (1852 йил, апрель-май) Худоёрхон Тошкентда оқ кигизга чиқарилиб, қайтадан хонликка кўтарилган. Катта зиёфатдан сўнг Ўтаббой қушбеги амирлашкар этиб тайинланиб, Қўқонга Мусулмонқул мингбоши тарафдорларига қарши юриш бошланган<sup>2</sup>. Бу юриш, кўп ўтмай, хонликда қипчоқларнинг аёвсиз қирғин қилинишига олиб келган эди.

Тошкентнинг Қўқон қўшинлари томонидан навбатдаги қамал қилиниши 1878/1862 йил бошларига, қисқа вақт хонлик қилган Шоҳмуродхон ибн Салимсоқхон даврига тўғри келади. Муҳаммад Солиххўжа бу пайтда Самарқандда бўлган ва март ойида Самарқандда Қаноат оталиқ Бухоро амиридан мадад сўраб, элчи қилиб юборган қози аскар Эшон Ша-

<sup>1</sup> Вельяминов-Зернов В. Исторические известия ... — С. 370.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 487 а, б-варақ.

рифхўжа Эшон Подшоҳўжа Зибачи ўғли ҳамда Жуманбий Тахтапулийни учратган ва қози аскар билан суҳбатлашган. Табиийки, Муҳаммад Солиххўжа Тошкентдаги воқеаларни ундан эшитган. Унинг ўзи таҳсилни тугатиб, 1278 йил зулҳижжа ойида (1862 йил, май) Тошкентга етиб келган ва кейинги воқеаларни ўз кўзи билан кўрган. Муҳаммад Солиххўжа берган маълумотларга кўра, Алимқули мингбоши (кейинроқ амирлашкар) ва Шодмонхўжа мингбоши томонидан 1862 йил февралида Салимсоқхоннинг ўғли Шоҳмуроднинг хон этиб кўтарилишидан норози бўлган Қаноат оталиқ март ойидаёқ Бухоро ҳудудида юрган Худоёрхонни Тошкентга келтириб, Қўқонни эгалламоқчи бўлган. Буни яхши англаган Алимқули мингбоши 1278 йил шаъбон ва рамазон ойлари орасида (1862 йил, февраль-март) Шодмонхўжа мингбоши ва Шоҳмуродхон ҳамроҳлигида Тошкентга юриш қилган. Қўқондан Алимқули қўшини билан бирга Тошкентга келган «Хулосат ул-аҳвол» муаллифининг сўзларига қараганда, қўқонликлар шаҳарни 35 кун қамал қилган, деярли ҳар кун қуроли тўқнашувлар бўлиб турган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Шодмонхўжа мингбоши Оққўрғон ва Қорасарой дарвозаларига бир неча бор ҳужум уюштирган. Лекин мудофаачилар деярли барча ҳужумларни қайтарган. Холмуҳаммад закотчи ва Абдулмўмин қирғизнинг жанг майдонини ташлаб кетиши ҳамда Тошкент ҳокимининг амирга кўмак сўраб юборган элчилиги ҳақидаги хабар қўқонликларнинг қамални ташлаб кетишига сабаб бўлган<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ўша пайтда Тошкентда юз берган воқеалар бирмунча кенг-

<sup>1</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 193а, б-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 553а, б-варақ.

роқ ёритилган бўлиб, улардан бири Тошкент атрофининг кўчманчи аҳоли томонидан талон-торож қилиниши ҳамда шаҳарнинг кўзга кўринган оиласидан чиққан Йўлдошбек Қозоқбойбий ўғлининг Тошкентда ҳокимиятни эгаллашга қаратилган уриниши билан боғлиқ, Муҳаммад Солиххўжа биринчи воқеа тўғрисида «... Тошкент шаҳри атрофида қазақия ва элатия (чорвадор аҳоли) фитна ва исён байроғини кўтариб, Тошкент давлатхоҳлари ва мубоширлари Қўқон ҳукмдорига (Худоёрхонга), Шўрчи мавзеига нома юбордилар. Бинобарин фиску фасодга барҳам бериш учун Дўстмуҳаммад баҳодирбоши қорақалфоқ жангчилари билан бу диёрга етиб келди ва (тошкентлик) кўрқмас фуқаролар билан бирга душманга қарши жанг қилиб, шаҳарнинг тўрт томонини (фитначилардан) тозалади»<sup>1</sup>, деб ёзади.

Бу воқеа «Тарихи жадидаи Тошканд»дан ташқари «Тарихи жаҳоннамои» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарида ҳам тилга олинган бўлиб, улар маълум маънода бир-бирини тўлдиради. Хусусан, воқеанинг учи «Тарихи жаҳоннамои» асарида мавжуд. Аваз Муҳаммад Атторнинг ёзишича, Алимқули ва Шодмонхўжа Худоёрхон билан муҳолифат юзасидан Тошқора исми кишини Тошкентга юбориб, атрофдаги қозоқ, қорақалпоқ, санчикли уруғларини шаҳарни талашга ундаган. Улар, агар Шоҳмуродхон тахтга қайтса, ҳаммаларингизни муносиб тақдирлайди, деб ваъда берган. Муҳаммад Солиххўжанинг қайд қилишича, Худоёрхон Шўрчидан Тошкентга юборган Дўстмуҳаммад баҳодирбоши шаҳарга келиб тартибсизликларни бартараф қилган. У Ҳожитўра исми вакилини фитна уюштирган уруғлар билан сулҳ тузиш учун Шаробхона ва Лашкар бегларбеги работи орқали Чимкентга юборган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 556б-варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Аваз Муҳаммад Атторнинг сўзларига қараганда эса, воқеа юз берган вақтда Худоёрхон Тошкентга укаси Султон Муродбекни ҳоким қилиб тайинлаган. Чунки, Аваз Муҳаммад Аттор ва Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига кўра, ўша пайтда Тошкент ҳокимсиз бўлган. Султон Муродбек қипчоқларга қарши юришда бўлгани учун унинг номидан шаҳарга келган Дўстмуҳаммад додхоҳ юз берган талончиликни бартараф этган. Лекин «Тарихи жадидаи Тошканд»даги кейинги маълумотлар бу билан шаҳардаги нотинчликлар тугамаганлигини кўрсатади. Бунга Тошкентнинг эътиборли оиласидан бўлган Йўлдошбек Қозоқбойбий ўғлининг шаҳар ҳокимлигига даъво қилиб чиқиши сабаб бўлган. Йўлдошбекнинг отаси Қозоқбойбий Олимхон даврида Бешёғоч даҳасида оқсоқол бўлиб, унинг ўғиллари — Рустамбек (маълум вақт Тошкент ва Туркистонда ҳоким, мазкур воқеа юз берганда Худоёрхон қошида дастурхончи амалида бўлган), Раҳимбек (собиқ баҳодирбоши), Қурбонбек (Маллахоннинг қайнотаси), Солиҳбек додхоҳ ва бошқа қариндошлари Тошкентда кўзга кўринган шахслардан эди.

Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, тилга олинган тартибсизликлар вақтида Йўлдошбек акаси Солиҳбек додхоҳ уйида қариндошлари ва яқинларини тўплаб, ҳоким бўлмоқчилигини маълум қилган. Солиҳбек додхоҳ маслаҳати билан санчикли, бештамғали ва бошқа уруғлар ҳузурига юборилган Йўлдошбек одами уларни сулҳ тузиш учун келаётган Ҳожитўрага қайраши натижасида Ҳожитўрага Лашкар бегларбеги работида ҳужум қилганлар.

Бу ерда Муҳаммад Солиҳхўжа Солиҳбек додхоҳга яқин кишилар тоифасидан бўлгани учун бўлса керак, Солиҳбек додхоҳ ва Йўлдошбек хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ айрим маълумотларни келтир-

маган. Буни биз Йўлдошбек ва унинг ака-укаларидан кўп азият чеккан Абу Убайдуллоҳ<sup>1</sup> ёки мазкур оилага алоқаси бўлмаган Аваз Муҳаммад Атторнинг ёзганларидан билиб олишимиз мумкин. Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига қараганда, Йўлдошбек ҳокимсиз қолган Тошкентга ҳоким бўлишга ҳаракат қилиб, ёрлиқ ёзиб юборишини сўраб Бухоро амири ва Худоёрхонга нома юборган. Ўша вақтда Бухоро амири кўмагида Алимқули ва Шодмонхўжа мингбошига қарши кураш олиб бораётган. Худоёрхон бунга кўнмай Султон Муродбекни ҳоким этиб тайинлаган. Лекин Йўлдошбек, эҳтимол, Худоёрхон ҳузуридаги укаси Рустамбек дастурхончига умид боғлаганми ёки ҳақиқатан ҳам амирдан ёрлиқ олганми (бунга Абу Убайдуллоҳ ҳам шубҳа билан қарайди) Солиҳбек додхоҳ, Қурбонбек, куёви Холмуҳаммад закотчи ва 200 одами билан Дўстмуҳаммад баҳодирбоши келиб жойлашган ҳоким ўрдасини қамал қилган. Шаҳарликлар Юсуфбой, Гадейбий саркор, Абулқосимбой, Норхўжа эшон бошчилигида тошкентликлардан 10000 — 12000 қоракалтак<sup>2</sup> тўплаб, Йўлдошбек одамларига қарши Ўрдага йўл олган<sup>3</sup>.

Аваз Муҳаммад Атторнинг ёзганларига қараганда, Йўлдошбек Тошкент атрофида фитна уюштирган элатиядан пора олиб, Камолон дарвозасини уларга очиб берган<sup>4</sup>. Натижада фитначилар шаҳарга кириб, Жангоб ариғигача етиб келган. Дўстмуҳаммад баҳодирбоши Ўрдадан чиқиб, шайхонтахурликлар,

<sup>1</sup> Абу Убайдуллоҳнинг ёзишича, у Тошкент закотхонасида мирзо бўлиб ишлаган вақтларида Рустамбек ва Қурбонбек билан зиддиятлашиб тухмат қурбони бўлган ва мол-мулки мусодара қилинган.

<sup>2</sup> Қоракалтак — фавқулодда ҳолатларда аҳоли орасидан тўпланадиган, махсус жанг қуролига эга бўлмаган бўлинма.

<sup>3</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 197а, б-варақ.

<sup>4</sup> Тарихи жаҳоннамойи. — 279а-варақ.

себзорликлар ва кўкчаликлар билан бирга ўша жойга бориб, фитначиларга ҳужум қилиб, уларни тўзғитиб, айримларини асир олиб шаҳардан чиқариб юборган. Абу Убайдуллоҳнинг ёзишича, Хожа Аҳрор жоме масжидига яқинлашган Дўстмуҳаммад баҳодирбоши дастлаб можарони тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Чорсуда турган талончилар ҳузурига Солиҳбек додхоҳ, Қурбонбек ва Йўлдошбекни топширишни сўраб, Норхўжа эшон бошчилигидаги ўз вакиллари юборган. Лекин Қурбонбек Норхўжа эшон ва унинг шерикларини ўлдирган<sup>1</sup>. Шундан сўнг тошкентликлар оломон бўлиб уларга ҳужум қилган. Бунинг натижасида Йўлдошбек Бухорога қочган. Айни пайтда уларнинг Бешёғочдаги уйларига ҳам ҳужум бошланиб, талон-торож қилинган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, Солиҳбек додхоҳ уйдан 6000 динор пул, Йўлдошбек ва Қурбонбек уйдан эса 70 та катта сандиқ аҳоли қўлига тушган. Бу ҳолни баён қилар экан, «... уларнинг дастидан қўшниларининг ҳовлилари ҳам буткул вайрон бўлди», деб ёзади Абу Убайдуллоҳ Тошкандий.

#### ТОШКЕНТ ҲОКИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олингандан бошлаб, XIX аср давомида Тошкентни бошқарган ҳокимлар ҳақида асарнинг бир жойида эмас, балки турли қисмида, ҳар хил воқеалар тафсилотларида маълумот

<sup>1</sup> Яна қаранг: *Остроумов Н.* Последние по времени Шейх уль-ислам и Казы калян города Ташкента, братья Ай ходжа и Хаким ходжа // ПТКЛА. Год 20-й. - Т., 1915. - С.12.

топиш мумкин<sup>1</sup>. Биз уни қуйида бердик ва қиёслаш учун тошкентлик бошқа бир муаллиф — Абу Убайдуллоҳнинг «Хулосат ул-аҳвол» асаридаги маълумотларни ҳам келтирдик<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи  
Тошканд» асарида

«Хулосат ул-аҳвол»  
асарида

- |   |                                     |
|---|-------------------------------------|
| 1. ?  | 1. ?                                |
| 2. Салимсоқтўра Тошкандий                   | 2. Лашкар бегларбеги                |
| 3. Лашкар бегларбеги                        | 3. Каримқули меҳтар                 |
| 4. Султон Маҳмудхон ибн Умархон             | 4. Исобек «жинни»                   |
| 5. Муҳаммад Шариф оталиқ                    | 5. Лашкар бегларбеги, иккинчи марта |
| 6. Маллахон                                 | 6. Муҳаммад Шариф оталиқ            |
| 7. Салимсоқхон                              | 7. Салимсоқхон                      |
| 8. Мулло Холбек                             | 8. Муҳаммад Карим «калла»           |
| 9. Салимсоқхон (мустақил)                   | 9. Мулло Холбек                     |
| 10. Мулло Холбек, иккинчи марта             | 10. Салимсоқхон (мустақил)          |
| 11. Азиз парвоначи (Аштий)                  | 11. Мулло Холбек, иккинчи марта     |
| 12. Нормуҳаммад қушбеги                     | 12. Азиз «бачча» (Чустий)           |
| 13. Ниёзмухаммад понсад Турсунмуҳаммад ўғли | 13. Нормуҳаммад қушбеги             |
| 14. Маллахон, иккинчи марта                 | 14. Муҳаммадниёз понсадбоши         |

<sup>1</sup> Тошкент ҳокимлари ҳақида Т. Бейсембиев «Тарихи Шоҳрухий» асари асосида 1787—1864 йилларда Тошкентдаги 18 та шаҳар ҳокимлари рўйхатини келтирган (шулардан Юнусхўжа ва Салимсоқхон мустақил). У кейинги йиллардаги мақоласида Қўқон манбалари асосида Тошкентнинг қирққа яқин ҳокимлари тартибини тузган. Мазкур китобнинг 5-иловасига қаранг.

<sup>2</sup> «Хулосат ул-аҳвол» муаллифи Абу Убайдуллоҳ ҳокимлардан Лашкар бегларбеги, Мулло Холбек, Нормуҳаммад қушбеги, Шодмонхўжа, Ўтаббой қушбеги даврида закотхонада мирзо бўлиб ишлаган, кейинчалик ҳам ҳоким атрофидаги кишилар билан яқин алоқада бўлиб турган.

- |   |   |
|---|---|
| 15. Шодмонхўжа қушбеги                    | 15. Маллабек                              |
| 16. Нормухаммад қушбеги,<br>иккинчи марта | 16. Мирзо Аҳмад қушбеги                   |
| 17. Сўфибек Давронбек ўғли                | 17. Шодмонхўжа қушбеги                    |
| 18. Мирзо Аҳмад қушбеги                   | 18. Сўфибек Давронбек ўғли                |
| 19. Юнусжон мунший<br>(вақтинча)          | 19. Мирзо Аҳмад қушбеги,<br>иккинчи марта |
| 20. Мирзо Аҳмад қушбеги,<br>иккинчи марта | 20. Султон Муродбек                       |
| 21. Қаноат оталиқ<br>Одилбек ўғли         | 21. Ўтаббой қушбеги                       |
| 22. Қўш фармончи қипчоқ                   | 22. Муҳаммадмусо<br>парвоначи             |
|   | 23. Рустамбек Қозоқбойбий<br>ўғли         |
|   | 24. Қаноат оталиқ Одилбек<br>ўғли         |
|   | 25. Султон Муродбек,<br>иккинчи марта     |
|   | 26. Нормухаммад қушбеги,<br>иккинчи марта |
|   | 27. Мирзо Аҳмад қушбеги,<br>учинчи марта  |
|   | 28. Қўш додхоҳ                            |

Айтиш жоизки, Муҳаммад Солиххўжа ва Абу Убайдуллоҳ маълумотларида ҳам айрим ноаниқликлар учрайди. Хусусан, Олимхон томонидан тайинланган дастлабки ҳоким Сайид Алибек эканлиги қатор манбаларда келтирилган бўлса-да<sup>1</sup>, лекин уларнинг асарларида тилга олинмаган. Шунингдек, «Тарихи жадидаи Тошқанд» асарида Ражаб девонбеги, Каримқули меҳтар, Исобек, жуда қисқа вақт ҳокимлик қилган Хонкелди мирзо (Муҳаммад Шариф оталиқнинг ўғли ва ёрдамчиси), Султон Муродбек, Ўтаббой қушбеги, Муҳаммадмусо парвоначи,

<sup>1</sup> Мунтахаб ут-таворих. — 386а-варақ; Тарихи жаҳоннамои. — 49б-варақ; Анжум ат-таворих. — 105б-варақ.

Рустамбек додхоҳ каби ҳокимлар ҳам эслатилмаган. Сабаби Муҳаммад Солиххўжа бу вақтларда анча ёш бўлган ёхуд Қўқон хонлиги ва амирлик шаҳарларида таҳсилда бўлган ва қисқа муддат ҳокимлик қилган хон ноиблари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлмаган. Бироқ асарда шундай маълумотлар ҳам борки, улар бошқа манбаларда учрамайди ёки батафсил ёритилмаган. Хусусан, юқорида номи тилга олинган Салимсоқтўра Тошқандий, Салимсоқхон, Азиз парвоначи, Қаноат оталиқ, Нормухаммад қушбеги ва бошқа ҳокимлар ҳақида.

Тилга олинган Тошкент ҳокимлари орасида Лашкар бегларбеги тўғрисида маълумотлар анчагина<sup>1</sup>. Маълум бўлишича, у Муҳаммад Алихон буйруғи билан Тошкент деворларини таъмирлаб, Ўрда атрофида хандақ қаздирган ҳамда шаҳар атрофида бўш ётган ерларни ўзлаштириб, шаҳарда мадраса, карвонсарой, работ ва тегирмонлар қурдирган. «Мунтахаб ут-таворих» асарида Муҳаммад Алихон томонидан Лашкар бегларбеги Маҳмуд дастурхончи, хоннинг ўғли Муҳаммад Аминбеклар билан амир Насрулло ҳузурига иккинчи бор элчи қилиб юборилганда амир буйруғи билан қатл этилгани таъкидланса-да, Муҳаммад Солиххўжа Лашкар бегларбегининг 1262/1845—1846 йил воқеалари чоғида Бухородан Салимсоқхон билан бирга Чордарага кетганини ва юқорида тилга олинган Мусулмонқул мингбоши ва Худоёрхоннинг Тошкентга юришида шаҳар мудофаасида қатнашганини қайд этган<sup>2</sup>.

Ҳокимлар хонликдаги бошқа ноиблар эга бўлмаган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган. Жумладан, Тошкентдан ташқари Чимкент, Сайрам, Тур-

<sup>1</sup> Лашкар бегларбеги (Фуломшоҳ) асли Олимхоннинг читролик (Афғонистоннинг Читрол вилояти) гуломи бўлиб, кейинчалик девонбеги, қушбеги, бегларбеги унвонларини олган.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 464б, 471а-варақлар.

кистон, Авлиёота, Оқмасжид, Пишпак, Тўқмоқ каби қалъа-шаҳарларни ҳамда ўша атрофдаги Ўрта жуз қозоқлари ва қирғизларни бошқариш Тошкент ҳокими қўлида эди. Тошкент ҳокимлигига девонбеги, додхоҳ, меҳтар, понсадбоши амалидаги хоннинг ишончли кишилари ёки ўфиллари ҳамда ака-укалари тайинланган ва улар ўз мансабларидан ташқари инъом этилган даражаларга ҳам эга бўлганлар. Хусусан, 1835 йилда Лашкар қушбеги «бегларбеги» унвонини олган бўлиб, бу унвонни хонликда жуда кам амалдорлар олган. Ш. Воҳидовнинг ёзишича, Исфара ва Чаҳорқуҳ ҳокими Сотиболди додхоҳга бегларбеги унвони ҳам берилган<sup>1</sup>.

Ёзма манбаларда ушбу унвонга эга бўлган бошқа амалдорлар ҳам тилга олинган. Масалан, Тожирнинг «Ғаройиби сипоҳ» асарида Умархон даврида Қосим бегларбеги, Комийнинг «Таворихи манзума» асарида Муҳаммад Алихон даврида Сайидқулибек (ваф. 1835 й.) бегларбеги лавозимида бўлгани тилга олинган. Лекин, Лашкар бегларбеги уларга нисбатан анча катта нуфузга эга бўлган.

Бошқа бир Тошкент ҳокими — Қаноат оталиқ эса, Маллахон даврида Пишпақда рус аскарларига қарши жангдан сўнг «оталиқ ғозий» унвонини олган.

Аксарият ҳокимлар қушбеги, парвоначи ёки мингбошилиқ даражасига кўтарилган (Ўтаббой қушбеги, Холбек қушбеги, кейинроқ, мингбоши, Қаноат оталиқ, Нормуҳаммад қушбеги, Мирзо Аҳмад парвоначи, кейинроқ қушбеги, Азиз парвоначи ва бошқ.). Кўпчилик ҳокимларнинг Тошкент ҳокими бўлганига қадар унинг атрофидаги Бўка, Қурама, Овлиқ, Туркистон, Чимкент каби маъмурий бирликларнинг ҳокими вазифасини бажарганлигига қара-

<sup>1</sup> Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. № 3–4. — 219-бет.

ганда, бу хонликдаги энг катта ва муҳим вилоятни бошқарувчи номзодлар учун ўзига хос синов амали бўлган. Айрим қалтис вазиятлардагина хонлар Тошкентга ўз ака-укалари ёки Қўқондаги ишончли амалдорларини ҳоким қилиб юборган. Жумладан, Худоевхон даврида Маллахон, Султон Муродбек, руслар истилоси пайтида сарой муншийси Юнусжон мунший шундай ҳолатларда ҳоким этиб тайинланганини кўриш мумкин. Шунингдек, хонлар томонидан Тошкент ҳокимлигига тайинланган номзод ёш бўлса ёки бошқа бир сабабларга кўра вилоят махсус белгиланган шахс томонидан идора қилинган. Масалан, Лашкар бегларбеги Олимхоннинг ўғли Шохруххон IV (1810) ва Умархоннинг ўғли Абдуллахон (1820–1823) ҳокимлиги пайтида амалда Тошкентни идора қилган<sup>1</sup>. Ёки айрим даврларда Салимсоқхон номидан Мустафоқулихон (1844), Султон Муродбек номидан Дўстмуҳаммад баҳодирбоши (1863), Ниёз Али қўшунбеги (1863) ҳокимнинг ишончли кишиси сифатида бошқарувни ўз қўлига олганлигида ҳам кўриш мумкин<sup>2</sup>.

Ҳокимлар сиёсий вазиятга кўра ёки иш олиб боришига қараб хонлар томонидан хоҳлаган вақтда алмаштирилган. Марказий ҳокимиятни қўлга олган Мусулмонқул мингбоши ва Алимқули амирлашкар даврларида эса, Тошкент ҳокимларини тайинлаш ва вазифасидан олиш уларнинг қўлида бўлган. Лекин, айрим ҳокимлар, хусусан, Лашкар бегларбеги, Нормуҳаммад қушбеги ва Қаноат оталиқ Тошкент ҳокимлари ичида энг эътиборлиси бўлиб, улар турли

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 399б-варақ, Тарихи жаҳоннамои. — 104а-варақ; Анжум ат-таворих. — 125б-варақ; *Муҳаммад Юнус Тоиб*. Хадиқат ул-анвор. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 596/II. — 192а-варақ.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 95а, — 196б-варақлар; Тарихи жаҳоннамои. — 297а-варақ; *Муҳаммад Фозилбек*. Мукамал тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 5971. — 68б-варақ.

вақтларда хонликдаги сиёсий вазиятга ўз таъсирини ўтказган. Масалан, Лашкар бегларбеги Муҳаммад Алихоннинг Кошғарга юришида Тошкент қўшинига, 1840 йилда Амир Насруллога қарши Ўра-тепага қилган юришида Қўқон қўшинига бош қўмондонлик қилган. Нормухаммад қушбеги эса, 1852 йилда Муслмонқул мингбоши ҳукуматига қарши чиқиб, унинг таъқибидан қочганларни ўз ҳимоясига олган ва бутун мамлакатда қипчоқларга қарши гуруҳга бошчилик қилган. Бу ҳаракат, кўп ўтмай, Муслмонқул мингбошининг қатл этилиши ва қипчоқлар қирғини билан яқунланган. 1862 йилда эса Қаноат оталиқ Шохмуродхон ибн Салимсоқхонни хон этиб кўтарган Алимқули ҳукуматига қарши чиқиб, амирлик ҳудудидан юрган Худоёрхонни келтириб тахтга чиқарган эди<sup>1</sup>.

Тошкент ҳокими қароргоҳи — Ўрда жойлашган Тошкент шаҳри бевосита ҳоким томонидан шаҳарнинг маъмурий бирликлари — тўрт даҳанинг оқсоқоллари ( *آقسقالان* ) ёрдамида идора қилиниб, оқсоқоллар шаҳарнинг эътиборли хонадонлари вакилларида тайинланган. Улар шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётининг долзарб вазиятларида ҳоким кенгашларида иштирок этган. Даҳа оқсоқолликлари Тошкент Россия империяси томонидан босиб олинган, ўлка маъмурияти томонидан рақамлаб қўйилган. Масалан, Шайхонтаҳур даҳаси оқсоқоллиги 1-оқсоқоллик, Себзор даҳаси 2-оқсоқоллик, Кўкча даҳаси 3-оқсоқоллик, Бешёғоч даҳаси 4-оқсоқоллик деб юритилган<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, хонлик марказида бўлганидек, ҳокимнинг ўз девонхонаси бўлиб, унинг тизимида диний мансаб эгалари — қозикалон, шайх ул-ислом, даҳалар қозилари, қози аскар, муҳтасиб (раис),

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 485б, 487аб, 553а, б-варақлар; Хулосат ул-аҳвол. — 116 а, б, 193 а, б-варақлар.

<sup>2</sup> Бўриева Х. Кўрсатилган дисс. — 75-бет.

аълам, муфтий, нақиб, охунг, халифа, имом; маъмурий бошқарувга оид мансаблар — даҳалар оқсоқоллари, девонбеги, хазиначи, саркор, закотчи, мунший; ҳарбий тизим мансаблари — баҳодирбоши, саркор, понсаббоши, юзбоши, ясовулбоши, даҳбоши каби амаллар мавжуд бўлиб, улар белгиланган тартибда Тошкент хазинасидан маош олган<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»дан маълум бўладики, Тошкент ҳокими вилоят бошқарувининг барча жабҳаларини идора қилган ва муҳим ишлар юзасидан шаҳар аъёнлари ва давлат амалдорлари билан маслаҳатлашган. Унинг зиммасидаги асосий вазифа Тошкент ҳамда қозоқ ва қирғизлар сарҳадларидаги осойишталикни сақлаш, йиллик солиқ ва йиғимларни ўз вақтида хонга етказиб бериш бўлган. У бу ишларни ўзининг бир неча одамлари ёрдамида бажарган. Ҳокимнинг сиёсий ва ҳарбий ишлардаги ёрдамчиси баҳодирбоши ( *بهادر باشی* ёки *بهادر باشی* ) бўлган<sup>2</sup>. Хусусан, Каримқули меҳтар даврида Мулла Йўлдошбек, Салимсоқхон даврида Шоди додхоҳ, Давронбек, Султон Муродбек даврида Дўстмуҳаммад Қорақалпоқ баҳо-дирбоши амалида бўлган. Муҳаммад Солиххўжа маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, Лашкар бегларбеги ҳокимлиги даврида алоҳида Тошкент қўшини шаклланган ва у Қаноат оталиқ давридагина қайта тузилган. Лекин мавжуд манбаларда Тошкент қўшини сони тўғрисида аниқ маълумотлар учрамайди. Тошкент ҳокимлари даврида амалда бўлган айрим

<sup>1</sup> Ф. Озадаев тадқиқотида Тошкент ҳокимларининг бошқаруви ва солиқ тизими рус манбалари асосида берилган. Қаранг: Озадаев Ф. Тошкент тарихи очерклари. — 50-бет.

<sup>2</sup> Баҳодирбоши ҳарбий мансаб бўлиб, 500 нафардан кўп дастага бошчи, вилоятларда эса ҳарбий ва қўшин ишларига масъул шахс бўлган. Қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар. — 217-бет.

баҳодирбошиларнинг (ботурбоши) рўйхати эса қуйидагича:

1820 й.(?) — Мулла Йўлдош

1843 — Шоди додхоҳ

1843 — 1846 — Давронбек тожик Қоратегиний, Қаноатшоҳ оталиқнинг акаси

1847/48 — Раҳимбек Қозоқбойбий Тошкандий ўғли

1849/50 — Яъқуббек «Бадавлат»<sup>1</sup>

1852 — Қосим

1861 — Муҳаммад Карим

1862 — 1863 — Дўстмуҳаммад қорақалпоқ

1864 — Бачча (Ботур бачча)<sup>1</sup>.

Молиявий ишлар, йиғимларни олиб бориш ва фуқаровий ишларни юритиш ҳокимнинг иккинчи ёрдамчиси қўлида бўлган. Жумладан, Мулло Холбек даврида Юнусжон Азимжон силлиқ ўғли киримчиқим ишлари бўйича вазиру дабир (**وزيرودبير**), Нормуҳаммад қушбеги даврида Шодмонхўжа судур Тошкент хазинасига масъул бўлган. Бундан ташқари, вилоятнинг молиявий ҳаётида ҳоким томонидан тайинланадиган солиқ йиғувчилар муҳим роль ўйнаган<sup>2</sup>. Улар ёзма манбаларда «закотчи» (**نكاتچى**), «девонбеги» (**ديوان بيگى**), «саркор» (**سرکار**) ёки «мирзабоши» (**ميرزا باشى**) номлари билан тилга олинади. Абу Убайдуллоҳнинг ёзишича, Лашкар бегларбеги даврида ҳокимнинг икки нафар девонбегиси бўлган. Улардан Ҳаким девонбеги Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам ҳудудларидан, Худойберди девонбеги эса бошқа ҳудудлардан закот олган<sup>3</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд»да келтирили-

<sup>1</sup> Бейсембиев Т.К. Высшая администрация юга Казахстана в период Кокандского ханства. — С. 7.

<sup>2</sup> Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Изв. АН УзССР. Серия общ. наук. Отдельный оттиск. 1957. № 3. — С. 33 — 38.

<sup>3</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 79а, б-варақ.

шича, ҳар йил баҳорда Тошкент ҳокими ёки у тайинлаган шахс ўз мирзолари ва навкарлар билан Сирдарё бўйлари шаҳарларидан ҳамда Ўрта жуз қозоқлари ва Или бўйларидаги қирғизлардан закот йиққан<sup>1</sup>.

Юнусхўжа даврида Тошкент ҳудудида икки хил мис пуллар — рупия ва танга муомалага чиқарилган бўлиб, 5 танга 1 рупияга тенг эди. Албатта, Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олингандан сўнг хонлиқнинг пул тизими доирасига киритилган. Лекин «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёки бошқа маҳаллий манбаларда Тошкент ҳокимларининг пул зарб эттиргани ёки Қўқон хонларининг Тошкентдаги зарбхоналари тўғрисида маълумотлар учрамайди. 1865 йилдан сўнг шаҳарда Қўқон хонларининг тилла ва кумуш тангалари ҳамда рус рубли муомалада бўлган. 1866 йилда Тошкентда бўлган И.П. Пашининг ёзишича, ўша пайтда шаҳардаги пул курси кўтарилиб-тушиб турган ва 1 тилла 3 рубль 80 ти-йин, гоҳида 4 рублга тенг бўлган. 1884 ва 1889 йилларга оид вақф ҳужжатидаги маълумотларга қараганда, бу даврда 1 рус рубли Тошкентда муомалада бўлган 5 тангага тенг эди.

Солиқлар хонлиқда жорий этилган мезон бўйича, асосан, хирож, танобона ва закот кўринишида олинган. Хусусан, хирож ўтроқ аҳолининг деҳқончилик еридан ҳосилнинг 1/5 қисмидан 1/2 қисмигача миқдорда йиғиб олинган. Танобона полиз ва боғлардан пул ҳисобида ундирилган. Закот эса, турли шаклларда мол-мулкдан ва чорвадан олинган<sup>2</sup>. Лекин фавқулодда ҳолатларда, асосан, урушлар пайтида ҳокимлар қўшимча солиқлар ҳам йиғиб олган. Ху-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 472б, 524а-варақлар.

<sup>2</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владчестве. — С.480, 712—715; Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. — СПб., 1856. — С. 119.

сусан, 1847 йил рамазон ойида Тошкентда, Худоёрхон ҳукуматига қарши бош кўтарган Азиз парвоначи ўз кучларини ошириш учун Тошкент аҳолисига 4000 тилла миқдорида «ифтор пули» солиғини солган ва бу аҳолининг ҳокимга қарши қўзғолон кўтаришига олиб келган эди. 1852 йил февраль – июнь ойларида Тошкент Мусулмонқул мингбоши бошлиқ Қўқон қўшинлари томонидан қамал қилинган пайтда, шаҳарда бўлган ростовлик савдогар С.Я. Ключаревнинг ёзишича, Нормухаммад қушбеги мудрофаани кучайтириш мақсадида шаҳардаги барча савдогарлардан бир неча бор пул йиққан, аҳолидан эса «таноб пули» солиғи олган<sup>1</sup>. Бундай солиқлар ва йиғимлар, ўз навбатида, аҳолининг кескин қаршилигига сабаб бўлар ва икки ўртада тез-тез қонли тўқнашувлар юз бериб турар эди.

Кейинги чорак аср давомида (1841 – 1865) Тошкент Қўқон хонлигидаги тахт учун кечган ўзаро урушлар гирдобига тортилдими, бу даврда Тошкент масаласи тахт даъвогарлари ва Бухоро амири эътибори марказида турди. Айниқса, Россия империяси билан муносабатлар чуқурлашиб бораётган бир пайтда шаҳарнинг мавқеи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб борди.

#### ТОШКЕНТНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ўлканинг Россия империяси томонидан босиб олинishi даврига доир манбалар хилма-хиллиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Жумладан, Н.А. Халфин мазкур манбаларни шартли равишда қуйидагича кўрсатади:

1. Архив маълумотлари.

<sup>1</sup> Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве... – С. 353.

2. Мемуар асарлар.

3. Инқилобгача бўлган рус тарихшунослиги.

4. Фарбий Европа тарихшунослиги.

5. Ҳинд тарихшунослиги.

6. Собиқ совет тарихшунослиги<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, инқилобдан олдинги давр ва совет тузуми шароитида ёзилган айрим ишларни назарда тутмаганда<sup>2</sup>, маҳаллий манбаларга эътибор берилмаган ва бу мавзунинг бир ёқлама ўрганилишига олиб келган эди. Мазкур манбалар Қўқон, Бухоро ва Хива саройи тарихчилари ёки воқеалар гувоҳлари бўлган шахслар асарлари ва кундаликлари бўлиб, улар панегризм, бўрттириш ҳолларидан холи эмаслигига қарамасдан, тарихшунослиқда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кейинги пайтлардаги илмий изланишлар чоғида ўз исботини топмоқда.

Мухаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари ҳам Россия империясининг Ўрта Осиёга истилочилик юришларини ёритиб берувчи асосий манбалардан биридир. Мухаммад Солиххўжа ҳарбий ҳаракатлар жараёнини бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, воқеалар кетма-кетлиги асосида батафсилроқ ёритишга интилган. Шу сабабли асардаги мазкур ҳарбий ҳаракатларга доир маълумотларни қуйидаги мавзуларда кўрсатиш мумкин:

– Қўқон хонлигининг шимолий сарҳадларида жойлашган қалъалар истилоси;

– Тошкентга бўлган ҳужумлар ва шаҳарнинг босиб олинishi;

<sup>1</sup> Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. – М.: Наука, 1965. – С. 9.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании. Соч. Т. II. Ч. 2. – М.: 1964. – С. 333 – 359; Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае. – СПб., 1894; Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара). – Т.: Фан, 1965.

— Бухоро амирлиги ҳудудларидаги ҳарбий юришлар;

— Қўқон хонлигининг тугатилиши;

— Хива хонлигига юриш.

Бундан ташқари, муаллиф Туркистон генерал-губернатори Н.К. фон Кауфманнинг Хуросон ва Шарқий Туркистонга уюштирган ҳарбий ҳаракатлари билан боғлиқ воқеаларга ҳам қисқача тўхталиб ўтган.

XIX асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларига келиб Россиядаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, ички ва ташқи сиёсатнинг барқарорлашуви Қўқон хонлигининг шимолий ва шимоли-шарқий чегара ҳудудларида кенг кўламда ҳарбий ҳаракатларни бошлаш имконини берди<sup>1</sup>. Мазкур ҳудудлардаги қалъа ва қўрғонлар учун бўлган жанглар бошқа манбалар сингари «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ҳам ўз аксини топган. Россия империяси қўшинларининг Қўқон хонлигига юришлари асарда илк бор 1267/1850—1851 йил воқеаларида тилга олинган<sup>2</sup>. Унда келтирилишича, Чу дарёси бўйидаги Марки қалъасида Тошкент ҳокими Нормухаммад қушбеги закотчилари билан маҳаллий аҳоли ўртасида юз берган келишмовчилик пайтида рус аскарларининг маҳаллий аҳолига ёрдам бериш баҳонасида можарога аралашishi икки ўртада қуролли тўқнашувни келтириб чиқарган<sup>3</sup>. Бу воқеадан хабар топган Нормухаммад қушбеги шаҳар аён-

<sup>1</sup> Брежнева С.Н. Подготовка Российской империи к наступлению на Туркестан в 50-е годы XIX в. // Вестник Московского университета. История. Серия 8. 2004, № 3. — С. 21.

<sup>2</sup> XIX аср биринчи ярмидаги Қўқон — Россия муносабатлари ҳамда рус қўшинларининг Сирдарё бўйларидаги Қўқон қалъаларини босиб олиши тафсилотлари Ҳ. Зиёевнинг тадқиқотларида ёритилган (Қ а р а н г: Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи... — 79—95-бетлар).

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 484а-варақ.

лари билан маслаҳат қилганда Миён Халил ўртага ташлаган тадбир (афсуски, муаллиф кўрилган тадбир тўғрисида аниқ тўхталмаган) қози Низомиддин Пскандий бошчилигидаги гуруҳ томонидан йўққа чиқарилган. Муҳаммад Солиххўжа Марки қалъасининг босиб олинганлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. Маҳаллий манбалар орасида фақат «Тарихи жаҳоннамои» асаридагина тўқнашув сабаблари келтирилмаса-да, қамал тафсилотлари қисқа баён қилинган<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида акс этган кейинги воқеа Оқмасжиднинг<sup>2</sup> олиниши билан боғлиқ. Муҳаммад Солиххўжа империя қўшинининг Оқмасжидга юриши сабаблари ва жанг тафсилотларига Маллахон билан Худоёрхон зиддиятлари баёнида тўхталган. Оқмасжидга ҳужумнинг сабабини Муҳаммад Солиххўжа Нормухаммад қушбеги томонидан Оқмасжидга ҳоким этиб тайинланган Яъқуббек Саид қассоб ўғли Пскандийнинг<sup>3</sup> ўша атрофдаги барлос, арғин уруғлари мулкани талашу билан боғлайди. Мазкур жамоалар Самара ва Оренбургдаги рус маъмурларидан молларини қайтариб олишда ёрдам беришларини сўраганларида шуни кутган империя аскарлари ўз бўлинмалари билан

<sup>1</sup> Аваз Муҳаммад Аштор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамои / Форс-тожик тилидан Ш.Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. 1991. № 8. — 119-бет. (Бундан кейин «Тарихи жаҳоннамои. Тарж.»).

<sup>2</sup> Муаллифнинг ёзишича, Оқмасжид қалъаси Лашқар бегларбеги томонидан бунёд этилган бўлиб, тўрт буржи, қоровулар учун миноралари бўлган. В.М. Плоских эса, Бухорога қарашли Сирдарё бўйидаги Жанг қалъаси Умархон даврида қайта тиклангач Оқмасжид номини олган деб кўрсатади. Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. — Фрунзе.: Илим, 1977. — С. 138.

<sup>3</sup> Яъқуббек Бадавлат асли пскентлик бўлиб, Худоёрхон, Маллахон ва Султон Саъидхон ҳукмронлиги йилларида турли мансабларда хизмат қилган. Шарқий Туркистонда Хитой ҳукуматига қарши кўтарилган ҳаракат натижасида мустақил Еттишаҳар давлатига асос солиб, 1864—1877 йилларда ҳукмронлик қилган.

Бирқозон кўлига<sup>1</sup> етиб келган<sup>2</sup>. Оқмасжидга ҳужум эса янги ҳоким Абдували даврига тўғри келган. У навкарлари ва аҳоли билан қаттиқ мудофаага киришган<sup>3</sup>. Бироқ рус аскарлари 40 кунлик қамалдан сўнг қалъа деворларига яқинлашиб, икки минорани портлатиб вайрон қилган, лекин қалъани ололмади қайтиб кетган. Лекин Оқмасжид 1853 йил 28 июлда қайта қамал қилиниб, қаттиқ жангдан сўнг босиб олинган<sup>4</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида хонлик кучларининг Тошкент ҳокимлари бошчилигида Оқмасжидни қайтариб олишга қаратилган юришлари ҳам ўз аксини топган. 1853 йили Шодмонхўжа мингбоши ва 1854 йили Сўфибек Давронбек баҳодирбоши ўғлининг Оқмасжидга уюштирган ҳарбий ҳаракатларини кузатадиган бўлсак, мазкур юришларда, асосан, Тошкент ҳокими қўл остидаги қўшин қатнашганлигини кўриш мумкин. Лекин, Худоёрхон уларни сусткашлиқда айблаб, Шодмонхўжани Қўқонга чақириб олиб, мағлубияти учун туяга тескари

<sup>1</sup> Бирқозон кўли — Муҳаммад Юнус Тойиб (Мулла Юнусжон мунший) ҳам Бирқозонни сув ҳавзаси сифатида тилга олган. Абу Убайдуллоҳ ва Абдулғафурнинг ёзишича эса, Бирқозон бу Оқмасжид яқинидаги мавзелардан бири бўлган. Қ а р а н г: *Муҳаммад Юнус Тойиб*. Тарихи Алимқули Амирлашқар. Нашрга тайёрловчи: Ш. Воҳидов // Шарқ юдузи. 1996. № 1 — 222-бет; Хулосат ул-аҳвол. — 128а-варақ; Зафарномаи Худоёрхоний. — 54а, б-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 507б, — 508б-варақлар. Ўша пайтда Бирқозон мавзеига старшина Бородин бошлиқ бўлинма келган эди. Қ а р а н г: Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ... — 105-бет.

<sup>3</sup> «Хулосат ул-аҳвол» асарига кўра, Мусулмонкул мингбошидан қочиб келган Абдували Маллахон хизматига олиниб, Оқмасжидга ҳоким этиб тайинланган. Ўша пайтда унинг қўл остида 400 киши, 90 та милтиқ ва 2—3 замбарак бўлган. Руслар эса 2000 аскар билан юриш қилиб, қалъани 60—70 кун қамал қилган.

<sup>4</sup> Терентьев М.А. Карты и планы к истории завоевания Средней Азии. — СПб., 1906, карта № 1.

миндириб шарманда қилдирган, Сўфибекни эса ҳокимликдан туширган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиҳхўжа 1858 йилда тахтни эгаллаган Маллахоннинг хонликнинг ҳарбий салоҳиятини тиклашга ва ўз навбатида истилочилар кўлига ўтган қалъа ва кўрғонларни қайтариб олишга қаратилган уринишларини тилга олиб, Маллахон буйруғи билан оғирлиги 100 деҳқон манига тенг<sup>2</sup>, узунлиги 15 қарич, кенлиги 7 қарич бўлган замбараклар қуйилганини эслаб ўтган<sup>3</sup>. Шундан сўнг Маллахон 1860 йил август-сентябрь ойи бошларида полковник Циммерманнинг Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини эгаллашига жавобан сентябрь ойида Қаноат оталиқни Тошкентга ҳоким этиб тайинлаб, истилочилар эгаллаб турган Аштак ва Ашфара қалъаларига юриш қилиш ҳақида буйруқ беради. Қаноат оталиқ Лашқар бегларбеги давридан қолган Тошкент қўшинини қайта қуроллантириб, Чимкент йўли билан юришга чиққан. Лекин, Аштакдаги жангда Қўқон кучлари сардори Олимбек додхоҳ Қаноат оталиққа бўлган шахсий адовати туфайли, жангга кирмай, қўшини билан орқага чекинган. Бу ҳақда мазкур жангда қатнашган муаррих Ниёз Муҳаммад Хўқандий ҳам таъкидлаб ўтган<sup>4</sup>. Маллахондан янги буйруқ ол-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 513а, — 518б-варақ. Бошқа маълумотларга кўра, Шодмонхўжа қушбеги, Салимсоқ додхоҳ ва Муҳаммад-каримшайх додхоҳларни Қўқонда аёллар кийимини кийдириб, олдига чарх ва дук қўйиб шарманда қилган.

<sup>2</sup> Деҳқон мани — асарда кўп бор тилга олинган оғирлик ўлчови. У 177.216 кг ва 208 кг оралиғида бўлган. XIX асрда 1 Тошкент мани 10.5 пудга (171.99 кг) тенг бўлганини ҳисобга олсак, муаллиф анчагина бўрттириб ёзгани маълум бўлади.

<sup>3</sup> Архив маълумотларига қараганда, 1860 йили Тошкентда мисдан Европа андозасида инглиз ва француз мутахассислари томонидан тўшлар қуйилган. ЎзР МДА. И-715-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 105-бет.

<sup>4</sup> Тарихи Шохрухий. — 168а-варақ.

ган Қаноат оталиқ Туркистон ва Янгиқўрғон оралиғидаги қалъа ва қўрғонларни эгаллаб турган истилочиларга қарши ўз қўшинини тайёрлаб, Чимкент, Туркистон орқали Сирдарё соҳилидаги Янгиқўрғон мавзеи(қалъаси)га келган. Чўлоқ яқинидаги қисқа тўқнашувдан сўнг тошкентликлар Янгиқўрғон қалъасини таъмирлашга киришган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, таъмирланган қалъанинг тўрт буржига тўрт минора қурилиб, алоҳида бошлиқлар тайинланган. Худди шу пайтда Маллахоннинг фитнада ўлдирилиши ҳамда тахтга чиқарилган Шоҳмурод ибн Салимсоқхон ва Алимқули мингбоши (кейинчалик амирлашкар) ҳамда Худоёрхон ўртасидаги зиддиятлар хонлик ҳарбий кучини янада заифлаштириб, истилочиларнинг Сирдарё бўйларини босиб олишини осонлаштирди. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1863 йилда Султон Саъидхонни тахтга чиқариб, ҳокимиятни ўз қўлига олган Алимқули амирлашкар Нормуҳаммад найзабардор Зодиёнийни (кейинроқ қушбеги) Тошкентга, Мирза Давлат додхоҳ Қоратегинийни Туркистонга, Ниёзали понсадбоши Шаҳрисабзийни Авлиёотага, шунингдек, Пишпак, Тўқмоқ қалъаларига ҳам ўз одамларидан тайинлаб, истилочиларга қарши курашга тайёргарлик учун Қўқонга қайтган<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида истилочиларнинг Туркистонни босиб олиши борасида қизик бир маълумот келтирилган. Унда рамазон ойи (1862 йил, март-апрель) ўтгач, баҳорда Оқмасжиддаги

<sup>1</sup> Муҳаммад Солиххўжа ва Аваз Муҳаммад Агтор Қаноат оталиқнинг Янги қўрғонни таъмирлаб, Жўлак (Чўлоқ) қалъасига юрганини тилга олади. Ниёз Муҳаммад Хўқандий эса Қаноат оталиқ Пишпак қалъасини таъмирлаганини ёзади. Тарихи жаҳоннамои, — 263б, — 264а-варақлар; Тарихи Шоҳрухий, — 169а-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 571а-варақ.

Россия тобелигига ўтган чорвадор аҳолининг чорва моллари учун ерлар торлигини айтиб, Туркистонгача бўлган ерларга юриш қилишни тарғиб қилгани келтирилган. Муҳаммад Солиххўжанинг фикрича, Бухоро амири Қўқондан Бухорога қайтар маҳали (1863) амир ҳузурига рус ҳукмдоридан бир элчи мактуб билан келган. Мактубда агар амир қарши бўлмаса, Оқмасжиддаги ўз аскарларига буйруқ бериб, Туркистондан Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Марғилон ва Андижонгача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритишини маълум қилган ва агар амирнинг эътирози бўлмаса, элчисини юбориши сўралган. Бундай муомалани кутмаган амир ўз элчисини рус ҳукумати ҳузурига юборган ва шунга кўра Россия давлати Оқмасжиддан Туркистонга, Қизилжар, Шамай ва Олматудан Авлиёотага ҳужум қилган экан<sup>1</sup>.

Россия императори Александр II (1855—1881) 1863 йилнинг 20 декабрдаги фармони билан мўлжалланаётган юришни фаоллаштиргани маълум<sup>2</sup>. Бироқ, Ўрта Осиё масаласида Англия билан муносабатлар бузилишидан хавотирда бўлган Александр II нинг бундай йўл тутгани мантиқан тўғри эмас ва бу рус манбаларида ҳам тасдиғини топмаган. Александр II ҳатто Ўрта Осиё масаласига бағишланган ҳарбий кенгашда Тошкент ва Каспийорти ҳудудидан уюштирилиши мўлжалланаётган режаларни рад қилиб, Бухоро ҳудудидан юриш бошлашни маъқуллаган эди<sup>3</sup>. Нима бўлганда ҳам 1279 йил шавволида (1863 йил, март-апрель) истилочилар Туркистон қалъасини қамал қилади. Полковник Веревкин 1864 йил 22 майда Перовский портидан 4—5 рота, 200 казак, 20 замбарак билан йўлга чиқиб, 9

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 571б, 572а-варақлар.

<sup>2</sup> Халфин Н.А. Присоединение ... — С. 153.

<sup>3</sup> Брежнева С.Н. Подготовка Российской империи ... — С. 37.

июнда Туркистон атрофига етиб келади, 12 июнда 1500 навкар ва қуролланган оломон бўлган қалъани босиб олади<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиххўжа ҳам бошқа муаллифлар сингари Туркистон мудофаачиларининг тўрт кунлик қамалдан сўнг мағлубиятга учраганлигини қаттиқ изтироб билан баён қилган<sup>2</sup>. Қирқ замбарак билан Чимкентга ҳоким қилиб қолдирилган Мирзо Аҳмад қушбеги қалъани таъмирлашга киришган. Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига қараганда, Алимқули амирлашкар Мирзо Аҳмад қушбеги ихтиёрига 10000—15000 навкар ва тўплар қолдирган. Бундан ташқари, у атрофдаги қозоқлардан улов пули сифатида 5000—6000 тилла пул йиғиб олган ва минг кишилиқ мардикор олиб келиниб, хандақ қазишга жалб қилинган<sup>3</sup>. Лекин ҳали хандақлар битмай туриб, истилочилар Чимкентга ҳужум бошлаб, қалъани эгаллаган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, М.Г. Черняев<sup>4</sup> бошлиқ аскарлар бир томондан, яна

<sup>1</sup> Халфин Н.А. Присоединение ... — С. 156.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 573б-варақ. Яна қаранг: Тарихи Шоҳрухий. — 211а-варақ; Бекназар. Амирлашкар жангномаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1925/П. — 73б-варақ; Хулосат ул-аҳвол. — 202б-варақ; Ансоб ус-салотин. — 73-бет; Ибраш. Фарғона тарихи // Мерос. — Т.: Камалак. 1991. — 306-бет.

<sup>3</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 221а, б-варақ.

<sup>4</sup> Черняев — Михаил Григорьевич Черняев (1828—1898) Россия империясининг ҳарбий кўмондони; 1858 йилдан Оренбург ҳарбий округида хизмат қилган. 1864 йили Фарбий Сибирь отрядига бошлиқ этиб тайинланиб, Верный (Олмаота) шаҳрига юборилган. Бу ердан Қўқон хонлиги чегарасидаги Авлиёота ва Чимкент шаҳарларини, 1865 йил 14—15 июнда Тошкентни эгаллаган. У Бухоро амирлиги устига юриш қилиш режасини тузган. Бироқ ўша кезларда Россиянинг Ўрта Осиёга бостириб кириши катта халқаро норозиликка сабаб бўлганлиги туфайли Россия подшоҳлиги ҳукумати 1866 йилнинг июль ойида М.Г. Черняевни чақиртириб олиб, унинг ўрнига генерал Д.И. Романовскийни тайинлаган. Лекин 1882—1884 йилларда Россия ҳукумати М.Г. Черняевни Туркистон генерал-губернатори мансабига тайинлаган.

бир гуруҳ Туркистон томондан ҳужумга ўтиб, қалъа деворларини вайрон қилиб, мудофаани ёриб кирган. Чимкентнинг олиниси Аваз Муҳаммад Атторнинг маълумотига кўра, 1281 йил жумод ул-аввал ойининг 3-кунида (1864 йил, 4 октябрь) юз берган<sup>1</sup>.

Шундан сўнг М.Г. Черняев бўлинмалари Тошкентга юриб, шаҳарнинг шарқ томонидаги Дарвишак қофқа мавзеида Кайкобус ариғидан ўтган ва Хожа Аҳрорнинг Оққўрғондаги вақф ерида тўхтаган. Бундан хабар топган тошкентликлар тўрт даҳадаги мерганларни йиғиб, ўз даҳалари бўйича жойлаштирган. Тошкент ҳокими Қўш фармончи қипчоқ навкарлари билан шаҳарнинг шарқига, Мирзо Аҳмад қушбеги Оққўрғон дарвозасига, Хайрмуҳаммад афғон тўпхонабоши уларнинг оралиғига жойлашиб мудофаага тайёрланган ва барча дарвозалар ёпилиб, Қўқонга одам юборилган. Бу пайтда ўз масжидида бўлган Муҳаммад Солиххўжа шаҳарликларнинг туну кун шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш билан шуғуллангани ва уч кун ўтгач, истилочиларнинг Оққўрғон мавзеи томонидан замбараклар билан ҳужумга ўтганини ёзади<sup>2</sup>. Мазкур хабарни ўша вақтда Тошкентда бўлган «Хулосат ул-аҳвол» асари муаллифи Абу Убайдуллоҳ ҳам тасдиқлайди<sup>3</sup>. Муҳаммад Солиххўжа ўша кунларда дўстлари билан Қўқон дарвозаси тўпхонасига келиб, Хайрмуҳаммад афғон навкарларига кўмаклашган. Унинг ёзишича, истилочилар шаҳар девори атрофидан ҳужумга ўтгач, айрим чапдаст рус аскарлари хандақдан ҳам ўтиб, деворга яқинлашган ва улардан 76 таси ўлдирилган. М.Г. Черняев бўлинмаларининг шаҳарга кириш учун хандақдан ўтишга уриниши ва хандақ

<sup>1</sup> Тарихи жаҳоннамои. Тарж. — 124-бет.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 581б-варақ.

<sup>3</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 225а-варақ.

атрофида 80 га яқин рус аскарлари ўлдирилганини бошқа бир муаллиф К.К. Абаза ҳам таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. М.Г.Черняев Эски Қўқон йўли билан Салор ариғи кўпригидан Афросиёб тепалигига<sup>2</sup> келганда, Алимқули амирлашкар ва Султон Саъидхон келаётганини эшитиб, Бўзсув кўпригидан ўтиб Чимкентга қайтиб кетган. Тошкентга келган Алимқули амирлашкар мудофаада жонбозлик кўрсатганларни тақдирлаган.

Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, 1280/1864 йил наврўзида Алимқули амирлашкар Қўқонда давлат ишлари юзасидан қурултой чақириб, йиғинда Мулло Юнусжон муншийни вақтинчалик Тошкентни идора қилиш учун юборган. У Тошкентга келгач, Чимкентга, яъни рус маъмурлари ёнига Ҳофиз Кўҳакий маҳаллалик Муҳаммад Сайид исмли савдогарни элчи қилиб юборган. Мазкур элчи рус ҳукуматининг амирга юборган номаси ва амирнинг жавоб элчилиги тўғрисидаги хабар билан Тошкентга келган. Мулло Юнусжон мунший бу ахборотни тезлик билан Қўқонга етказган<sup>3</sup>. Мазкур хабар Алимқули амирлашкар ва Султон Саъидхоннинг Туркистонга юришига сабаб бўлиб, икки томон ўртасидаги Иқонда бўлиб ўтган жанг асарда батафсил ёритилган<sup>4</sup>. Жумладан, юришга Қўқон қўшини билан бирга Сағбон дарвозасидан Туркистонга йўл олган Мирзо Аҳмад қушбеги, Қўш

<sup>1</sup> Абаза К.К. Завоевание Туркестана. — СПб., 1902. — С. 85.

<sup>2</sup> Афросиёб тепалиги — Афросиёб тепалиги шаҳарнинг жануби шарқдаги қадимий тепаликлардан бири.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 587а-варақ.

<sup>4</sup> Ниёз Муҳаммад Хўқандий ва Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига қараганда, Алимқули амирлашкар 1281 (1864—1865) йили қишда Тошкентга келиб, юриш бошлаган ва Иқондаги жангда ғалабага эришган (Қаранг: Тарихи Шоҳрухий. — 2136—214а-варақ; Хулосат ул-аҳвол. — 229а-варақ).

фармончи, Юсуфбой додхоҳ Ўтаббой қушбеги ўғли, Мусо Муҳаммадбий Бекмуҳаммадбий ўғли бошчилигидаги Тошкент қўшини ҳам жалб қилинган. Қўшин Туркистондан 3 фарсах бўлган Иқон қишлоғида Чимкентга ёрдам учун кетаётган рус аскарларига тунда ҳужум қилган. Бу ясовул Серов бошчилигидаги казаклар отряди бўлиб, улар мудофаада мустаҳкам турган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа эса иложсиз қолган рус аскарлари Туркистонга қочганини ёзади. Воқеанинг бошқа гувоҳи ҳам русларнинг чекингани ва Иқон қалъасининг бузилиб, аҳолиси хонлик ҳудудига кўчирилганини таъкидлайди<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида тарихий жиҳатдан муҳим ва анча батафсил баён қилинган воқеалар — бу истилочиларнинг Тошкентга асосий юриши ва шаҳарнинг босиб олиниши воқеаларидир. Жангларда шахсан ўзи қўлида қурол билан иштирок этган Муҳаммад Солиххўжа мудофаага бошчилик қилган Ҳакимхўжа қозикалон, Солихбек додхоҳ, каби шахслар билан яқиндан таниш бўлган ва бу унга ҳарбий ҳаракатларнинг боришидан хабардор бўлиб туришга имкон берган. Бундан ташқари, у бир неча бор давлат аҳамиятига молик кенгашларда, руслар билан тузилган сулҳ маросимида ҳам иштирок этган. Шу сабабдан, мазкур воқеаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1281 йил зулҳижжа ойида (1865 йил, апрель-май) М.Г.Черняев ўз аскарлари билан Чимкентдан Тошкент шаҳар девори шимолидаги Дарвишак қоғқа мавзеига етиб келган. Абу Убайдуллоҳ эса рус аскарлари дастлаб Тошкентдан 8 фарсах бўлган Шаробхона мавзеига келиб, 20—30 нафар аскар билан Турбат

<sup>1</sup> Халфин Н.А. Присоединение ... — С. 182.

<sup>2</sup> Веселовский Н. Киргизский рассказ ... — С. 40.

мавзеи атрофини ўрганганини ёзади<sup>1</sup>. «Тарихи жадидаи Тошканд»даги воқеалар давомига кўра, М.Г. Черняев тошкентлик Абдурахмонбек кўрсатмаси билан Парвизшоҳи мавзеи<sup>2</sup> қаршисидаги шаҳарга сув кирадиган Ниёзбек қалъасини<sup>3</sup> қамал қилиб, унинг ўзи бошчилигида элчи юборган<sup>4</sup>. Бу пайтда Тошкентдан 3 минг кишилиқ ҳимоячилар 2 замбарак билан Ниёзбек қалъаси ҳимоячиларига ёрдамга келган. Лекин уларнинг ҳужуми қайтарилиб, уч кундан сўнг Ниёзбек босиб олинган ва Кайкобус ариғи Чирчиқ дарёсига буриб юборилиб, Тошкент сувсиз қолдирилган. Шундан сўнг М.Г. Черняев ўз аскарларини Ниёзбекдан 2 фарсах, Тошкентдан 3 фарсах бўлган Дўрмонча қишлоғи ортидаги Шўртепа<sup>5</sup> мавзеидаги тепаликка жойлаштириб, ҳужумга тайёрланган. Бундан хабар топган шаҳар ҳокими Қўш фармончи кенгаш ўтказиб, ёрдам сўраб Оқмасжид маҳаллалик Эшон Бобоҳўжа аминни Қўқонга юборади<sup>6</sup>.

Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1281 йил 19 зулҳижжада (1865 йил, 15 май) Алимқули амирлашкар ёрдамга отланиб Жомадор тўпхонабоши Қиндистоний ва Қиндубача понсадбоши<sup>1</sup> бошчили-

<sup>1</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 230а-варақ.

<sup>2</sup> Парвизшоҳи — Парвизшоҳи ёки Фаровизшоҳи, Тошкент мавзеларидан бири.

<sup>3</sup> Ниёзбек қалъаси — Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида, Бўзсув каналининг бошида. Катталиги 150×100 м бўлган тўғри бурчак шаклидаги қалъа баландлиги икки метргача бўлган девор ҳамда хандақлар билан ўраб олинган. Бурияков Ю., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. — Т.: Фан, 1975. — 40-бет.

<sup>4</sup> «Тарихи жаҳоннамои»га кўра Ниёзбек қалъаси 9 май куни олинган ва 1865 йил 14 майда Тошкентга ҳужум бошланган. Тарихи жаҳоннамои. Тарж. — 125-бет.

<sup>5</sup> Шўртепа — Шайхонтаҳур даҳасидаги мавзелардан бири.

<sup>6</sup> Тарихи жадида. — 594а-варақ.

гидаги хонлик артиллерияси ҳамда Қурама, Андижон, Ўратепа, Наманган, Хўжанд, Марғилон навкарларидан иборат қўшин билан Тўйтепа орқали Афросиёб тепалигидаги Мингўрик чорбоғига<sup>2</sup> келиб жойлашган. Тез орада Султон Саъидхон ҳам Тошкентга етиб келган. Афросиёб тепалигида ўтказилган давлат кенгашида Сиддиқтўра Кенисари ўғли бош қўмондон, укаси Арслонтўра сипоҳсалор амалига тайинланган.

Кўп ўтмай, истилочиларнинг 2 фирқа бўлиб, Шўртепадан Олтинтепага<sup>3</sup>, Назарбек кўрбоши кўрғонидан ўтиб, отлиқлар ва пиёдаларга бўлиниб, Салор ариғи бўйига келиб тўхтагани маълум бўлгач, Алимқули амирлашкар буйруғи билан дастлаб Жомадор тўпхонабоши бошчилигидаги тўпчилар 36 та замбарак билан, уларнинг ортидан бошқалар жангга ташланган. Салор ариғи бўйида турган рус аскарларига қарши мудофаачиларнинг отлиқлари Тархонсайёд ариғи<sup>4</sup> бўйига келтирилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, руслар ҳужумни бошлагач, мудофаачилар отлиқлари ва пиёдалари уч томондан

<sup>1</sup> Жомадор тўпхонабоши, Қиндубача ҳамда Хайрмуҳаммад афғон эликбоши — хон артиллериясида хизмат қилган қиндистонлик ва афғонистонлик ёлланма сарбозлар. Улар Алимқули амирлашкар саркардалигидаги хонлик артиллериясига масъул бўлган. Асардаги маълумотлардан кўринадики, Жомадор тўпхонабоши ва Қиндубача понсадбоши Тошкент мудофааси учун қаттиқ кураш олиб борган. Тошкент олингач, улар Шарқий Туркистонга, Ёқуббек Бадавлат хизматига кетган.

<sup>2</sup> Мингўрик чорбоғи хонлар Тошкентга келганда ҳордиқ чиқарадиган жой бўлиб, бу номда шаҳарнинг шарқий томонида мавзе ҳам бўлган.

<sup>3</sup> Олтинтепа — Шайхонтаҳур даҳасидаги мавзе. Н.Г. Маллицкий бу ерларни «Тошкент маҳаллаари ва мавзелари» рисоласида истилодан сўнг бу ер Никифоров ери деб аталишини айтиб ўтган.

<sup>4</sup> Тархон-сайёд ариғи — Шайхонтаҳур даҳасида, шаҳар ташқарисида оқиб ўтувчи ариқ. Унга яқин ердаги жойлар шу ном билан аталган.

тез ҳаракат қилиб, Назарбек қўрбоши қўрғончаси, сўнг Олимчек йўли ва Олтинтепадан ўтиб, Шўртепани ўраб олган. Иложсиз қолган М.Г. Черняев аскарлари билан чекинишга мажбур бўлган. Шу куни Салор ариғи бўйида ўтган кенгашда тошкентликлар ва атрофдаги элатия, қўлга киритилган муваффақиятдан фойдаланиб, Сиддиқтўра ва Арслонтўра бошчилигидаги қўшиннинг дастлаб Чимкентга, сўнг икки қисмга бўлиниб, бири Туркистондан Оқмасжидгача, иккинчиси Авлиёота, Тўқмоқ, Ашфара, Олмату ва Фулжагача бўлган йўналишда ҳужумга ўтишини таклиф қилади. Лекин Қўқон амалдорлари (Отабек шарбатдор бошчилигида<sup>1</sup>) бунга рози бўлмайди. Муҳаммад Солиххўжа Салор ариғи бўйида ўтган кенгашнинг эртасига — якшанба куни бўлган жангни шундай тасвирлайди:

«Қўрғончадан (Назарбек қўрбоши қўрғончаси) ўтиб, жангчилар сафига етдик. У ернинг уч томонида Русия аскарлари жойлашган эди. Аввалги (қатордаги) жамоа насронийларга қарши ҳужум қилиб, шаҳар шимолидаги Олимчек йўлига, сўнгра ўша йўлдан айланиб, Дўрмонча қарясига етдилар. Ўша ерда, йўл бошида Хайрмуҳаммад афғонни 12 занбурак билан, Дўрмонча йўли ўртасида эса Жомадор Ҳиндустонийни 12 занбурак билан, учинчи мавзегга Ҳиндубача понсадбошини ҳам 12 занбурак билан йўл бошига жойлаштирдилар. Ва улар орасига қора қўндоқли<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Отабек шарбатдор — Султон Саъидхон амалдорларидан. «Шарбатдор» хонлиқдаги олий ва фахрий унвонлардан бири бўлиб, у хоннинг хос мажлисларида ва сафарларида хизмат қилган. *Воҳидов Ш.* Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар. — 220-бет.

<sup>2</sup> Қора қўндоқли фидокор сарбозлар — муаллиф хонлиқдаги милтиқ билан қуроллантирилган махсус сарбозларни қора қўндоқдилар, милтиқ билан қуролланганларни эса тўфангчилар деб тилга олган. «Тарихи Азизий» асари муаллифи эса қорақўндоқдиларнинг «мерганлар» эканлигига ишора қилади. Қ а р а н г : *Муҳаммад Азиз Марғилоний.* Тарихи Азизий. ЎЗР ФАШИ қўл-ёзмаси № 11108. — 141а-варақ.

фидокор сарбозларни қўйдилар. Русия жамоаси эса Тошканд шарқидаги Шўртепа томондаги баландликдан пастликда бўлган мусулмон жангчилари томонга, уч фирқа бўлиб кела бошлади. Ҳар фирқада икки занбурак бўлиб, улардан бири суворийлар фирқаси эди. Насронийлар Дўрмонча ичидан чиқиб, Ҳиндубача жамоасига рўпара келдилар. Сўнг бири-бирига шундай қаршилиқ кўрсатдиларки, тўфанг ва занбурак тутунидан атроф қоронғулашиб кетди»<sup>1</sup>.

Асардаги маълумотларга қараганда, жангларда шаҳар аҳолиси ҳам фаол иштирок этган. Бироқ, яхши қуролланган рус аскарлари ҳужумни кучайтириб, Салор ариғигача етиб келган. Алимқули амирлашкар фақат навкарларнинг ўз ўрнида қолишини тайинлаб, жанг майдонидаги шаҳарликларнинг қўрғон ичига қайтиши тўғрисида буйруқ берган. Бу пайтда душман Дўрмончадан ҳам ҳужумга ўтган. Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, истилочиларнинг себзорликлар мудофаасини ёриб ўтганини кўрган Қўқон навкарлари ғалабадан умидини узиб қўлига кирган нарсани олиб, Чирчикдан ўтиб Қўқонга равона бўлган. Худди шу вақтда Алимқули амирлашкарнинг ярадор бўлиб, жанг майдонидан ҳоким ўрдасига олиб кетилиши ҳам мудофаачиларнинг руҳан тушкунликка тушишига ва тартибсиз ҳаракатланишига олиб келади.

Муҳаммад Юнус Тойиб ва Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг сўзларига қараганда, Алимқули амирлашкар ўлимидан сўнг Мирзо Аҳмад қушбеги, Бекмуҳаммад қушбеги ва Қўш фармончи тахминан 6000—7000 нафар фарғоналик навкар билан Тошкентни ташлаб кетган. Аслида эса, уларнинг мақсади Қўқонда ҳокимиятни эгаллаш эди. Бундан фойдаланган истилочилар Оққўрғон ерига келиб, тўплар ёрдамида ҳужумни давом эттирадилар. Муҳам-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 608а, б-варақ.

мад Солиххўжанинг ёзишича, Отабек шарбатдор бошлиқ амалдорлар Қўқонда тахтни Худоёрхон эгаллашидан хавфсираб, Султон Саъидхонни Қўқонга олиб кетмоқчи бўлган. Лекин Солихбек додхоҳ, Бобожонбий понсадбоши, Сиддиқтўра, Арслонтўра ва бошқалар саъй-ҳаракати билан Султон Саъидхон Тошкентда оқ кигизга солиниб, қайтадан хонликка кўтарилган<sup>1</sup>.

Жангда офир яраланиб вафот этган Алимқули амирлашкар Шайх Хованд Таҳур мазорига, Лангар ҳовузининг шимол тарафидаги қайрағоч дарахти остига вақтинча дафн этилган<sup>2</sup>. Дафн маросимида иштирок этган Муҳаммад Солиххўжа бу тўғрида батафсил тўхталиб ўтган. Бу ҳақда «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ўша кунлардаги воқеалар ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

«... Бир оздан сўнг Абдуллабек мурдага сароча ташлаб, Мулла Салом Додабой оғалиқ ўғли ва яна Қиёт маҳаллалик тўрт киши тобутнинг тўрт томонидан кўтариб келарди. Камина ҳам тобутнинг бир томонидан кўтариб, йиғлашга тушдим. Бошқалар ҳам йиғи билан Шайхонтаҳур даҳаси ташқарисига чиқдик. Тобутни Лангар ҳовузининг шимол тарафида, қайрағоч дарахти остига қўйдик. Ўша қайрағоч ҳозир ҳам бор бўлиб, қабрнинг жануб томонидадир. Аввало, Қорабошхўжа мутаваллига хабар берилди. Сўнг Эшонқули додхоҳ мадрасаси аҳли, ғассол ва Мир Шафоат гўрков ҳозир бўлди. Такфин ва тажҳиз амалини<sup>3</sup> Муҳаммад Раззоқхўжа Искандархўжа ўғли

<sup>1</sup> Абу Убайдуллоҳ Султон Саъидхоннинг 1281 йил 27-зулҳижжа куни (1864 йил, 23 май) тахтга кўтарилганини тилга олиб, воқеаларга чуқур тўхталмаган. Хулосат ул-аҳвол. — 232а-варақ.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 622а—625а-варақлар. Аваз Муҳаммад Атторнинг сўзларига қараганда, Алимқули амирлашкар 1281 йил 26-зулҳижжа куни (1865 йил, 22 май) яраланган.

<sup>3</sup> Такфин ва тажҳиз амали — мурдани ювиш ва кафанлаш ишлари.

бажарди. Қорабошхўжа мутавалли исқот амалини<sup>1</sup> бажариб, даврани ҳозир қилди ҳамда фонус ва шам келтириб, атрофни ёритди. Бу орада Эшонқули додхоҳ мадрасасидан Али Акбархўжа эшон домумла, Абдурасулхўжа Абдухолиқ Марғилоний ўғли, Саид Аҳмадхўжа муфтий, Исмоилхўжа имом, Мулла Муҳаммад Исо охунд, Жаъфархўжа Бузрукхўжа қози ўғли, Нурхўжа Қорабошхўжа мутавалли ўғли ва бошқа талабалар ҳам ҳозир бўлдилар.

... Ғассол мурданинг кийимларини, жомасини, куртасини<sup>2</sup> ва ўша давр одамлари жиға деб атовчи қизил-оқ рангли шимини ечди. Кўрдимки, ўқ амирлашкар орқасининг чап томони, белининг пастки қисмидан тегиб, ўнг томони, юқорисидан ўтиб кетибди. Мурда ювилгач, мушк-анбар суртилиб, кафанланди ва тобут ўша ҳовуз бўйига қўйилди. Али Акбархўжа домумла имомликка ўтди, биз иқтидо қилиб жаноза намозини ўқидик. Сўнгра тўрт киши тобутни тўрт томондан кўтариб, гўрхона томон равона бўлдик. Мир Шафоат гўрков Шодмонхўжа (учун тайёрланган) сағанани очиб, чиров тутиб ёритиб турарди. Дарҳол тобутни шимол томонидан ерга қўйдик. Гўрков (мурданинг) оёғидан тутиб кўтарди. Қорабошхўжа мутавалли ва Абдуллабек белидан, камина эса бошидан оҳиста кўтардик. Сўнг гўрков мурдани сағанана олиб кириб, лаҳадга қўйгач, йиғлаб юборди. Сўнг лаҳаддан чиқиб, сағана оғзига фишт тера бошлади. Мен фишт олиб бериб турдим. Каломи раббоний тиловат қилинган, гўристондан чиқиб, ҳовуз бўйига, жанозагоҳга бордик. Али Акбархўжа домумла яна бир бор тиловат қилди.

Абдуллабек ўттиз олти нафар жанозахон ва дафн маросими сарфини хат қилиб олди ва пайшанба куни яна келиб, маърака ва худойи маросимларини

<sup>1</sup> Исқот амали — мурдани қабрга қўйиш.

<sup>2</sup> Курта — уст кийим.

ўтказишини айтди. Тарих ҳижрий 1281 йил зулҳижжа ойининг 25-куни, якшанбадан душанбага ўтар кечасида (милодий 1865 йил, 21 май) замон баҳодир ва давр жангчиси, аср сипоҳсалори ва сарҳанги бўлган Мулла Алимқули амирлашкарни қабрга қўйдик. ... Аҳли дониш замирида ва аҳли хирад қалбларида, тарихлар сараси ва ҳодисаларнинг зуфунун суҳанваронларида махфий қолмасинким, Мулла Алимқули амирлашкар розий шаҳид ибтидоси ва интиҳоси шаҳид, хоқони одил Маллахон вафотидан сўнгки, тарих 1278 йил зулҳижжа ойи охирида эди (1862 йил, июнь) уч йил-у уч ой комил бўлди. Ушбу ҳодисаларни жамловчиси камина ҳам аср шуароларига татаббуъ ва таассуф қилиб, бу тарихга назмда мистар<sup>1</sup> тортиб, китоб-(асар)га қайд қилдим»<sup>2</sup>.

Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, кўп ўтмай Мулла Қанбар исми бир хитой ёки ҳабаш қул М.Г. Черняев олдида бориб, Алимқули амирлашкарни милтиқдан мен отиб ўлдирдим, деб айтган. Отаси Авлиёота мудрофаасини ташлаб кетгани учун қатл қилинган Усмон Али Ниёз Али понсадбоши ўғли эса Қўқонга, Худоёрхон олдида бориб, Алимқули амирлашкарни мен отиб ўлдирдим, деб гап тарқатган. Лекин, Муҳаммад Солиххўжа иккаласининг ҳам гапи бўҳтон эканлигини таъкидлаб, Алимқули амирлашкар ўлимининг гувоҳлари борлигини ёзади. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишига кўра, Алимқули амирлашкарнинг вафоти 1281 йил зулҳижжа ойининг 25-куни якшанбадан душанбага ўтар кечаси (1865 йил, 21 май, якшанба) юз берган<sup>3</sup>. Кўп ўтмай, ўша жойга алоҳида сағана ҳозирлаб, қайта дафн

<sup>1</sup> Мистар — хаттотликда хат бир текис ва равон ёзилиши учун қоғозда из қолдирувчи мослама.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 622а — 625а-варақлар.

<sup>3</sup> Мазкур сана Аваз Муҳаммад Агтор ва Мулла Юнусжон мунший томонидан ҳам деярли бир хил, яъни 1281 йил 26-зулҳижжа

этилган. Рус манбаларига қараганда, икки йилдан сўнг Алимқули амирлашкар суяклари қариндошлари томонидан яширин кўчирилиб, ўз юртига олиб кетилган<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да ўша пайтда Тошкентдаги мураккаб вазият ҳам аниқ тасвирлаб берилган. Ундаги маълумотларга кўра, 1282 йил муҳаррам ойининг 2-куни (1865 йил, 28 май) бўлиб ўтган кенгашдаги келишувга биноан ёрдам сўраб уч томонга, яъни Бухоро амирига, Худоёрхонга ва Тошкент вилоятида турган Қўш фармончи ва Мирзо Аҳмад қушбегига мактуб ва элчилар юборилган. Отабек шарбатдор бошлиқ гуруҳ эса, ёш хонни Бухорога олиб боришга қарор қилади. Мирзо Аҳмад, Қўш фармончи ва бошқа амалдорлардан иборат иккинчи гуруҳ Султон Саъидхонни ҳузурига чақириб олиб, Қўқонда ҳукуматни ўз қўлига олмақчи бўлган. Қўқонлик амалдорлар ва Тошкент аъёнлари ўртасидаги келишмовчиликлар тўғрисида воқеаларнинг бошқа бир гувоҳи Абу Убайдуллоҳ ҳам эслатиб ўтган<sup>2</sup>.

Бу пайтда истилочилар ҳужумни давом эттириб, Куваидтепа<sup>3</sup> мавзеига, Миробод<sup>4</sup> мавзеидаги Бог-

куни (1865 йил, 21 май) деб кўрсатилган. Тарихи жаҳоннамои. Тарж. — 126-бет; *Муҳаммад Юнус Тоиб*. Тарихи Алимқули Амирлашкар. Нашрга тайёрловчи Ш. Воҳидов // Шарқ юлдузи. № 2. — 222-бет; *Муҳаммад Юнус [Тоиб]*. [Перевод рукопись] // Султани Кенисара и Садык. Биографические очерки Султана Ахмета Кенисарина. — Т.: Типолитография С.И.Ляхтина. 1889. — С. 66-85.

<sup>1</sup> Султани Кенисара и Садык... — С. 46.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 232а, б-варақ.

<sup>3</sup> Куваидтепа — Куҳи Баид, аҳоли тилида Куваид. Шаҳар жанубида, Катта Зангиота йўлидаги тепалик.

<sup>4</sup> Миробод мавзеи — XIX аср бошида Тошкент Қўқон хонлиги томонидан босиб олингандан сўнг юзага келган мавзелардан бири. Бу мавзе хонлиқнинг имтиёзли амирларига бўлиб берилган ва XX аср бошига келиб Шайхонтахур даҳасига қарашли маҳалла шаклланган.

кўчага, Афросиёб тепалиги ёнидаги қадимий Катта Қўқон йўлига, Хожа Дарвоз еридаги Азизберди оқсоқол ерига пиёда ва отлиқ аскарларини жойлаштириб, қалъадан 3000 қадам нарида замбараклардан ота бошлайди. Тошкентликлар уларга қарши Қирилмос тепалиги ва дарвозаси тўпхонасига, Шердор, Қўқон дарвозалари тўпхоналарига, Қосим мингбоши кўчаси охиридаги Хиндубача тўпхонасига замбараклар ўрнатиб, мудофаани сақлаб турганлар. Бу орада Отабек шарбатдор турли йўллар билан Султон Саъидхонни Самарқандга боришга кўндиради ва муҳаррам ойи охирида (1865 йил, июнь) бўлган кенгашда амирнинг ёш хонни Самарқандга юбориш тўғрисидаги таклифи қабул қилинган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Султон Саъидхон Шайхонтаҳур даҳасида яқинлари (улар орасида муаллиф ҳам бўлган) билан хайрлашиб, Мир Ҳамид Мир Ҳасан оқсоқол ўғли ва 50 кишилик навкар ҳамроҳлигида Кўкча дарвозасидан чиқиб, Самарқандга йўл олган. Ю. Скайлер эса Султон Саъидхон Самарқандга 1865 йилнинг 21 июнь кунини Эшонбек бошчилигида 200 киши билан кетганлигини ёзади<sup>1</sup>.

Ана шундан сўнг истилочиларнинг Тошкентга ҳал қилувчи ҳужуми 1282 йил сафар ойининг 10-кунини (1865 йил, 5 июль) тонгда бошланиб, асосий эътибор шаҳарнинг жануби-ғарбидаги Хиёбон дарвозасига қаратилган. Бундан ташқари, аввалгидек, Азизберди оқсоқол ва Салимсоқбий тепалигига ҳам замбараклар ўрнатилган. Муаллифнинг сўзларига қараганда, қўшинга фақат ўзини ўйловчи Отабек шарбатдор бош бўлиши ҳам мудофаачиларнинг норозилигига ва сидқидилдан жангга кирмаслигига

<sup>1</sup> Schuyler E. Turkestan. Notes of a Journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. In two volumes. New York: Scribner, Armstrong & CO. 1876. Vol. I. — P. 114.

сабаб бўлган экан. Дастлаб Қирилмос дарвозаси яқинидаги тор йўлак, Қорабадал Қиётий ва Жонтой Қиётий исмли кишилар ўз жойларини ташлаб қочгач, истилочилар томонидан ишғол қилиниб, шаҳарга йўл очилган. Кўп ўтмай, Шердор дарвозаси ҳам қўлдан кетган. Шердор дарвозасидан кириб келган истилочилар гуруҳларга бўлиниб, Кўҳна аркка етиб келган, у ерда замбараклари бўлган отлиқ ва пиёда гуруҳларга бўлиниб, улардан бири Кўҳна арк қалъаси тешигидан ўтиб, Анҳор бўйидаги қадимий йўл билан аркнинг ғарбий дарвозасидаги бозоргача етиб келган. Улар ҳам иккига бўлиниб, бири дарвозадан арк ичига кирган, иккинчиси гузар бозорчасидан ўтиб, Анҳор кўпригига келган. Мана шундан сўнг тошкентликларнинг кичик-кичик гуруҳлари душманга қарши шаҳарнинг турли жойларида, кўчаларда жанг олиб борган. Бундай гуруҳларнинг бири Муҳаммад Солиххўжа ва унинг дўстлари гуруҳи бўлиб, улар, асосан, Шайхонтаҳур даҳасининг Қиёт, Ганжтепа, Минор, Кошғариён, Турк, Янгишаҳар, Қиёт маҳалларида, Себзор даҳасининг Охунгузар маҳалласида ҳамда Қўқон, Шердор дарвозалари атрофларида истилочиларнинг кичик гуруҳлари билан юзма-юз жанг олиб борган.

Шаҳарликларнинг кўчалардаги қаршиликлари ҳақида Абу Убайдуллоҳ ҳам ёзиб, бу гуруҳларда 20, 40—50 тадан киши бўлганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Унинг ўзи кексайиб қолганига қарамай, маҳалладошлари билан Камолон кўчасида бўлган жангларда қатнашган<sup>2</sup>. Хиёбон ва Бешёғоч дарвозаларидан кирган рус аскарларига қарши бешёғочликларнинг

<sup>1</sup> Шаҳар кўчаларида Солихбек охунд бошчилигидаги жанглар ҳақида Бекназар ҳам таъкидлаб ўтган, *Бекназар*. Амирлашкар жангномаси. — 84а-варақ.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 233б-варақ.

шундай бир гуруҳи, Қирилмос тепалигидаги жарликда ва Қирилмос дарвозасида Сиддиқтўра ва Арслонтўра гуруҳи жанг қилган. Бундан ташқари, халифа Абдуҳалимжон, Абдурахим ясовулбоши ва бошқалар Ўрда атрофида шаҳар мудофаасида жонбозлик кўрсатган.

«Тарихи жадидаи Тошқанд» асаридаги маълумотларга қараганда, мудофаачилар рус аскарларининг ҳаракатланишидан хабардор бўлиб турган ва уларнинг йўналишидаги кўчаларни аравалар билан тўсиб, баррикадалар барпо қилган. Лекин ҳал қилувчи имкониятдан фойдаланаётган М.Г. Черняев ҳам ҳужумга пухта тайёргарлик кўрган. Бундан ташқари, тошкентликларнинг ҳарбий усулини яхши ўрганиб олган ва ўз аскарларини шунга кўра ҳаракатлантирган. Айни пайтда умидсизликдан Сиддиқтўра ва Арслонтўранинг амир ҳузурига, Шералибий, Муҳаммад Шариф оталиқ ва бошқаларнинг Қўқонга кетиши натижасида мудофаачилар етакчисиз қолган. Шаҳарликлар Солиҳбек додхоҳ, Ҳакимхўжа қозикалон кўрсатмалари асосида ҳаракатланган. Аҳоли қаттиқ талофат кўриб, кўплаб аёллар, болалар ва қариялар ўз уйларини ташлаб, кўрғон ташқарисига чиқиб кетган. Қўқон дарвозаси атрофидаги бинолар, Кўҳна арк, Анҳор кўприги ва кўплаб дўконларга ўт тушиб, аланга атрофга ёйила бошлаган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг сўзларига қараганда, у ўз дўстлари билан бирга ҳалок бўлганларни дафн қилиш, ярадорларга ёрдам кўрсатиб, яқинларига хабар бериш ҳамда ёнғинни ўчириш ишлари билан машғул бўлган. Ана шу маҳалларда муаллиф ўзининг жангларда ҳалок бўлган ўспирин шогирдларидан Отахўжа ва Мулла Содик дафтardор ўгли мурдаларини ҳам кўзида ёш билан дафн қилганини тилга олади. Охир-оқибат шаҳар катталари Солиҳбек додхоҳ ҳузурида тўпланиб, ўша ерда истилочилар

билан аянчли сулҳ шартномасини имзолашга мажбур бўлган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, Тошкентнинг истилочилар қўлига ўтиши ҳижрий 1282 йил сафар ойининг 12-куни, жума кунида (1865 йил, 7 июль) юз берган (Тошкентнинг босиб олиниши 1865 йил 14–15 июнга тўғри келади). Генерал М.Г. Черняев Солиҳбек додхоҳ, Абулқосим эшон, Ҳакимхўжа қозикалон, шаҳарнинг қозилари, уламолари, тўрт даҳа оқсоқоллари ва савдогарлари билан учрашган. Шартнома тўрт даҳа муфтийлари, аъламлари ва қозилари томонидан тўрт даҳа учун тўрт нусхада тайёрланиб, унда улар ўз шартларини кўрсатганлар. Муҳаммад Солиҳхўжа Солиҳбек додхоҳ ишорасига кўра бешёғочликларга тегишли шартнома матни билан танишиб чиқиб, хотирасида қолганларини асарда келтираётганини таъкидлаб, унинг матнини қуйидагича баён қилади:

- мусулмонлар ўзларининг қадимий таомилларида қатъий қоладилар;
- (мусулмон) миллати дин ва йўл-йўриқларида барқарор бўладилар ва ўз динларини тарғиб қилдилар;
- ҳар йилги ҳосилдан закот ва хирожни ҳам Муҳаммад (С.А.В.) шариатиға мувофиқ тарзда мусулмон амлоқдорлар йиғиб берадилар;
- ўт-ўланлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, умуман халқ фойдаланадиган подшоҳдикка тегишли (шунга ўхшаш) нарсалардан фойдаланиш қадимги таомилга кўра бўлади;
- ҳовлилар, далалар ва боғлардан фойдаланиш ҳам қадимий таомил асосида бўлади;
- (Россия) империясининг аскарлари (маҳаллий) халқ ҳовлиларини қўшхона қилмайдилар;
- аҳолидан йиллик даромад солиғи олмайдилар, чунки бу зулм қилиш демақдир;

— бир (миллат) вакили бошқа бир (миллат) вакилига шариатга хилоф тарзда зулм қилмайди. Агар шариат асосида сабабли бўлса, у ҳолда ислом қозисига мурожаат қиладилар ва ўша пайтдаги шариат пешволари аниқлаб берадилар;

— ношаръий йўл билан биров бировдан битта хас ҳам олмайди<sup>1</sup>.

Шартноманинг қисқача мазмуни Абу Убайдуллоҳнинг «Хулосат ул-аҳвол» асарида ҳам келтирилган. Жумладан, унда мусулмон аҳоли ўз ишларида ҳар қандай сабабсиз шариатдан чиқмаслиги; мусулмонларнинг уйларига уларнинг рухсати ва изнисиз рус аскарларининг кирмаслиги; хоҳ 20 йил, хоҳ 100, хоҳ 1000 йил ўтса ҳам мусулмонлардан аскарликка олмаслик; мусулмонларнинг васиқа ва мерос асосида қолган ҳамда сотиб олинган ерларидан хирож ва таноб талаб қилмаслик, бошқа ерлардан улардагидан ортиқ талаб қилмаслик; бозорларда тарози ва миршабона ҳамда сигир, туя, от ва қўйдан олинадиган закот Қўқон хонлари давридагидек олиниши; шариатда кўрсатилмаган нарсаларни мусулмон аҳоли зиммасига солмаслик каби шартлар кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>.

Шундан сўнг М.Г. Черняев Ҳакимхўжа қозикалон, Абулқосимхон эшон, Солиҳбек додхоҳ ва даҳа оқсоқолларига зарбоф чакмонлар инъом қилиб, эртасига жума намозидан кейин шаҳарга кириб, бозорлар, саройлар ва кўчаларни айланиб чиқишини ҳамда Ҳакимхўжа қозикалоннинг ҳовлисига боришини айтган. Лекин М.Г. Черняевнинг бундай «тантилиги» вазиятдан келиб чиқиб қилинган эди. Кўп ўтмай, у мудрофаа раҳбарларининг аксариятини турли йўллар билан жазога тортади ва шартноманинг асл матнига

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 668а-варақ.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 234б-варақ.

истилочилар фойдасига ўзгартиришлар киритади. Хусусан, «Ер юзи» журналида А. Қамчинбек томонидан чоп этилган мақолада тошкентликларнинг Черняевга таслим бўлиш ҳақидаги мактуби ва шаҳар калитлари сурати ва мактубнинг қисқача матни эълон қилинган бўлиб, мактубда умуман шартнома шартлари кўрсатилмаган ва Муҳаммад Солиҳхўжа қайд этган ватан ҳимоячилари номлари ҳам (Солиҳбек додхоҳ, Ҳакимхўжа қозикалон, Абулқосим эшон ва бошқ.) тилга олинмаган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Қамчинбек А. Туркистоннинг топширилиши // Ер юзи. 1927. № 25.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАДАНИЙ- МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ

### ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Тошкент шаҳри манзарасига кўрк бериб турувчи асосий меъморий иншоотлар, шубҳасиз, мадрасалар ва масжидлар бўлган. Бундан ташқари, улар Тошкентнинг таълим масканлари вазифасини бажарибгина қолмай, шаҳар маданий-маънавий ҳаёти вакиллари ўзаро фикр алмашадиган даргоҳ ҳам эди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент шаҳридаги мадраса ва масжидлар ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар келтирилган.

Тошкентдаги мадрасалар сони тўғрисидаги архив, ўша давр матбуоти ёки ана шу йилларда шаҳарда бўлган рус ўлкашуносларининг маълумотлари бир-биридан анча фарқ қилади. Хусусан, 1868 йилда Тошкентда бўлган А.П. Хорошкин тошкентлик суҳбатдошларидан тўплаган маълумотга асосланиб, шаҳарда 17 та мадраса борлигини, шунингдек, немис тадқиқотчиси Ф. Хеллвалд 17 та, П.И. Пашино 15 та, Н.А.Маев 11 та мадраса мавжудлигини таъкидлайди. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1876 йилги 48-сонида Тошкент мадрасалари тўғрисида берган расмий маълумотида 13 та, Туркистон ўлкаси таълим тизимини ўрганган К.Е. Бенд-

риковнинг тадқиқотида 14 та мадраса тилга олинган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Солиххўжа эса, Тошкентдаги 20 та мадраса тўғрисида бошқаларга қараганда тўлиқроқ маълумот беради<sup>2</sup>. Қуйида Тошкент мадрасалари ҳақида «Тарихи жадидаи Тошканд» асари ҳамда бошқа манбалардаги маълумотларни ҳавола қиламиз.

### ХОЖА АҲРОР МАДРАСАСИ

Тошкент мадрасалари орасида қадимийси бўлган Хожа Аҳрор мадрасаси 1451 йилда қурилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Хожа Аҳрор жоме масжидининг шимолида, пишиқ гишт ва йўнилган тошлардан бино қилинган. У 20 та хужра, бир дарсхона ва беш вақт намоз ўқиладиган масжидни (жоме масжиддан ташқари) ўз ичига олган<sup>3</sup>. Асарда муаллиф шаҳарнинг шарқида жойлашган Оққўрғон мавзеида Хожа Аҳрор мадрасасининг вақф ерлари борлиги ва уни бошқариш Хожа Аҳрор авлодларидан бўлган Мусахонтўра

<sup>1</sup> Қаранг: Хорошкин А.П. Очерки Ташкента. — С.86—92; Hellwald von F. Russen in Centralasien. — Augsburg: A.F. Butschis Verlag, 1873. — S.92; Пашино П.И. Туркестанский край. — С.159; Маев Н.А. Азиатский Ташкент. — С. 263—266; О школьном образовании у магометан Средней Азии (ч. 2) // Туркестанские ведомости. 1876, № 48; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. (1865—1924). — М.: Наука, 1960. — С. 51. Бу ҳақда яна қаранг: Ўринбоев А., Бўриев О. Кўрсатилган асар. — 31-бет; Жалилов О. Мадрасалар таърифида // Фан ва турмуш. 1983. № 9. — 12—13-бетлар; Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири — XX аср бошлари). — Андижон, 1995. — 36—105-бетлар.

<sup>2</sup> Султонов Ў. XIX аср Тошкент мадрасалари ҳолати // Ўзбекистон тарихи. 2005. № 3. — 64—72-бетлар.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 9036-варақ.

Саидхонтўра ўглининг қўлида эканлигини таъкидлайди. 1884 йилда мадрасанинг тилга олинган Оқ-қўрғон мавзеидаги ҳамда ушбу мавзенинг Янги Тарнов деган жойидаги вақф даромадининг ўзи йилига жами 1292 сўмни ташкил этган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, шаҳарнинг бошқа қисмларида мадрасанинг вақф мулклари — ерлар ва бозорларда кўплаб дўконлар ҳам бўлган.

Мадрасанинг вақф мулкларидан келадиган тушумларнинг юқорилиги бу ерда бошқа мадрасаларга қараганда кўпроқ талабаларнинг таҳсил олишига ва мударрисларнинг фаолият кўрсатишига шароит туғдирган. Хусусан, 1884 йилда мадрасада қуйидаги мударрислар талабаларга сабоқ берган:

1. Шарифхўжа қози мударрис Пошшахўжа ўғли.

2. Домла Умарбек охунд мударрис Мулла Жонибек ўғли.

3. Азизлархон қози мударрис Ойхўжа эшон ўғли.

4. Домулла Муҳаммад Обид охунд мударрис Мулла Бобожон охунд ўғли.

5. Мулла Абдусаттор мударрис Ярашбой ўғли.

6. Мулла Салимжон охунд мударрис.

Мутаваллилар: Мўминхонтўра Саидхонтўра ўғли, Насриддинхонтўра Тўражонтўра ўғли, Ҳасанбек маҳдум Солиҳбек додхоҳ ўғли.

Хожа Аҳрор мадрасаси мамлакатимиздаги энг йирик мадрасалардан бири бўлган. Мадраса тарҳи 32,5×29 м бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг (1409—1449) Гиждувондаги мадрасасига (тарҳи 34×29 м) ўхшаш қурилган ва ундан бир оз кичикроқ эди, холос. Ушбу мадраса 1917 йилда ҳам Тошкентдаги катта-кичик 26 та мадрасанинг энг йириги бўлган. Мадраса биноси 1954 йилда бузилиб кетган.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2482-иш, 60-варақ.

Кўкалдош мадрасаси, Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон<sup>1</sup> томонидан бунёд этилган. Мазкур мадраса ҳақида бошқа муаллифлар маълумотлари ҳам мавжуд. Жумладан, 1735 йилда Уфа шаҳрида бўлган тошкентлик савдогар Нурмуҳаммад Алимов маълумотларига қараганда, мадраса ўша кезларда карвонсаройга айлантирилган. Шаҳар тадқиқотчиларидан А.Н. Добросмысловнинг таъкидлашича, Кўкалдош мадрасаси Тошкентнинг Бешёғоч қисмида жойлашган бўлиб, у дастлаб 3 қаватли ва 38 ҳужрали бўлган<sup>2</sup>. Кейинроқ, фақат бир қаватигина сақланиб қолган. Муҳаммад Солиҳхўжа ҳам мадрасанинг 1868 ва 1886 йилларда Тошкентда юз берган zilzilалардан қаттиқ зарар кўрганлигини қайд этган<sup>3</sup>. Табиийки, ана шу йилларда мадраса биносида таъмирлаш ишлари олиб борилган ва, албатта, унинг ташқи қиёфаси ҳамда меъморий тузилиши анча ўзгарган.

Кўкалдош мадрасаси 1884 йилда вақфлари бўлган шаҳар ичидаги 7 дўкондан ижара ҳақи ва 230 дўкондан жой ҳақи, жами 570 сўм олган. Бу пайтда мадрасада Мулла Яъқуб охунд Неъматшайх ўғли, Юнусхон Эшонхонхўжа эшон ўғли, домулла Абдурахмон Худойберганбой ўғли, Нуриддин маҳдум Қори қози ўғли ҳам мударрислик, ҳам мутаваллилик қилган.

<sup>1</sup> Бароқхон — шайбонийлардан, 1525—1551 йилларда Тошкент, 1551—1556 йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори. Унинг ўғли Дарвишхон 1556—1578 йилларда Тошкент ва Туркистон ҳокими бўлган.

<sup>2</sup> Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. — С. 76.

<sup>3</sup> Тарихи жадида. — 9046-варақ.

Муҳаммад Солиххўжа XIX асрнинг 30-йилларида Муҳаммад Алихон буйруғи билан шаҳар Регистонида бунёд этилган мадрасани ҳам тилга олиб ўтган. Мазкур мадраса тўғрисида маълумотлар кам. Мадраса Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан қурдирилгани сабабли унинг номи билан аташ нотўғри бўлмайди деган фикрдамиз. «Тарихи жадидаи Тошканд» да келтиришича, мадраса биттач, унга биринчи бўлиб, Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган.

## ЭШОНҚУЛИ ДОДХОҲ МАДРАСАСИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил тавсифланган ва тарихий воқеаларда энг кўп тилга олинган мадраса Эшонқули додхоҳ мадрасаси бўлиб, у рус манбаларида Шайхонтаҳур мадрасаси деб ҳам қайд этилган. Эшонқули додхоҳ, Лашкар бегларбегининг ўғли бўлиб, у Туркистон ҳокими бўлиб хизмат қилган. Маълумотларга қараганда, у ўз номида Туркистон ва Тошкент шаҳарларида мадрасалар қурдирган. Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ мадрасаси 1256/1840 йили (сигир йили)да Тошкент ҳокими Лашкар бегларбегининг ўғли, Туркистон ҳокими Эшонқули додхоҳ томонидан Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида, Катта кўчага туташ ерда қурдирилган. Мадраса тўрт тарафдан бири-бирига қаратиб солинган бинолардан таркиб топган. Ўртада қолган қадимий бир таноблик Лангар ҳовузи эса Эшонқули додхоҳ буйруғи билан тўлдирилиб, мадраса саҳнига айлантирилган ва эвазига Юнусхон мадрасаси чорбоғида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Эшонқули додхоҳнинг отаси Лашкар бегларбеги эса Кайкобус арифига иккита тегирмон қурдириб, уларнинг даромадини шу мадрасага вақф

қилган. Архив маълумотларига қараганда, мадрасага 200 га яқин турли дўкон, шунингдек Қиёт маҳалласида 2 та, Турк ва Занжирлик маҳаллаларида 1 тадан тегирмон вақф қилинган бўлиб, 1884 йилда мадраса улардан йилига 31800 сўм даромад олган. Мазкур архив ҳужжатларида Лашкар бегларбегининг бошқа бир ўғли Ниёз Муҳаммад мирзо мадраса мутаваллиларида бири бўлгани тилга олинади.

1884 йилда Эшонқули додхоҳ мадрасасида қуйидаги мударрислар талабаларга сабоқ берган:

1. Тўрахўжа эшон Хонхўжа эшон ўғли.
  2. Маҳмудхўжа эшон Неъматхўжа эшон ўғли.
  3. Яъқубхўжа эшон мударрис.
  4. Аҳмадиллохўжа Азаматхўжа эшон ўғли.
  5. Мулла махзум.
  6. Насруллохўжа эшон Қорахўжа эшон ўғли<sup>1</sup>.
  7. Мулла Абдусаттор махзум Алиакбархўжа эшон ўғли.
  8. Орифхон махзум Шарифхўжа эшон ўғли.
  9. Эшонхўжа махзум Маҳмудхўжа эшон ўғли.
- Эшонқули додхоҳ мадрасаси биносида Муродхўжа Солиххўжа ўғли 1920 йилда Вақф шўъбаси қарамоғида ислоҳ қилинган диний ва дунёвий дарслар ташкил қилган<sup>2</sup>. Кейинчалик қаровсиз қолиб харобага айланган мадрасанинг охириги қолдиқлари 1964 йилга келиб йўқ бўлиб кетган.

## ЮНУСХОН МАДРАСАСИ

Муҳаммад Солиххўжа Юнусхон мадрасаси ҳақида тўхталаркан, унинг Юнусхон мақбараси ғарбида пишиқ ғишдан қурилгани, 12 та ҳужраси

<sup>1</sup> Насруллохўжа Қорахўжа эшоннинг эмас, «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифи Муҳаммад Солиххўжанинг амакиси Азаматхўжанинг ўғли бўлган.

<sup>2</sup> Муродхўжа Солиххўжа ўғли. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига тақриз ва илова. — 36-варақ.

борлиги, Юнусхон мазорига вақф қилинган ерлардан тушган даромад ҳисобига фаолият юритиши, мадрасанинг Алачахон (Султон Аҳмадхон, 1485—1502 йилларда Шарқий Мўғулистон хони) мухри босилган вақфномаси бўлгани, мазор ва мадрасанинг Салор ариги шарқида жойлашган Пул емас деган жойида вақф ери бўлганини ёзади<sup>1</sup>.

Султон Аҳмадхон ёки унинг акаси Тошкент хони Султон Маҳмудхоннинг (1487—1503) Тошкентда отаси номида мадраса қурдиргани ҳақида Юнусхоннинг набиралари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1484—1530) «Бобурнома» ҳамда Мирзо Ҳайдарнинг (1499—1551) «Тарихи Рашидий» асарларида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Лекин Юнусхон мадрасаси 1884 йилги архив ҳужжатларида ҳам Шайх Хованд Таҳур мазоридаги мадраса сифатида тилга олиниб, унинг Ниёзбек волостида жойлашган, юқорида тилга олинган Пул емас мавзеида ва Оқмасжид эски кўчаси ўртасида вақф ерлари бўлгани айтилади. Бироқ бу пайтда Пул емасдаги ерлардан ҳеч қандай даромад олмаслиги ва вақфномаси мустамлакачи маъмурият қўлида эканлиги қайд қилинган. Мадрасага 1881 йилдаги сайлов натижасида Султон Маҳмудхўжа эшон Султон Сайидхўжа эшон ўғли мударрис этиб тайинланиб, унинг қўлида 20 талаба таҳсил олган.

#### ҚОСИМБОЙ ҚОРАТУТИЙ МАДРАСАСИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, мазкур мадраса Қосимбой Қоратутий томонидан Мўғулкўча гузарида қурилган. Мадраса биноси икки томони айвонли, бир хонақоҳ, 10 та

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 913а-варақ.

ҳужра ва фиштли гумбаздан иборат бўлиб, пишиқ фиштдан бўлган. Архив ҳужжатидаги маълумотларга қараганда, Мўғулкўча маҳалласида Мўминшайх азизлар мазори яқинида қурилган ушбу мадраса жоме масжид, дарсхона ва 15 ёғоч ҳужрадан иборат бўлган. Мадраса жойлашган маҳалла номи билан Мўғулкўча мадрасаси деб тилга олинади ва унинг 1871 йили қурилгани ҳам қайд қилинган<sup>1</sup>. Мадрасага 1877 йилда Қосимбой томонидан шаҳар ташқарисидаги Мирзо Юсуф мавзесида ер ва масжидга туташ бир ҳовлини вақф қилинган. Мадрасага Қори Минхожиддин исмли шахс мударрис ва имом-хатиб қилиб тайинланган. 1297/1879—1880 йилда мадраса мутаваллиси Иброҳимбой Азимбой ўғли томонидан мадрасага кўшимча яна 2 та ёғоч ҳужра солинган. Шунингдек, Иброҳимбой ўз ҳисобидан ҳар бири 19 тангага тенг бўлган 950 кумуш танга пул ҳам вақф қилган. Мадрасани қурдирган Қосимбой шахси ҳақида батафсил маълумотлар йўқ. «Қоратутий номини олишига қараганда, асли шаҳарнинг Қоратут маҳалласидан бўлган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Қосимбой Қоратутий шаҳарнинг эътиборли бойларидан бўлиб, 1865 йилда Тошкент Россия империяси томонидан забт этилгач, икки ўртадаги сулҳ жараёнида Солихбек додхоҳ, Ҳакимхўжа қозикалон сафида иштирок этган. Қосимбойнинг ушбу мадрасадан ташқари шаҳарда бир неча масжид ҳам бино қилгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

<sup>1</sup> ЎзРМДА. И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-варақ.

## МАҲМУД ДАСТУРХОНЧИ МАДРАСАСИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга кўра, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси Дегрез маҳалласида жойлашган бўлиб, мадрасанинг шифти ва девори ёғочдан ишланган. Мадрасада масжид, ҳужралар ва ҳовлисида ҳовузи бўлган ва уларга алоҳида вақфлар ажратилган. Архив маълумотларига қараганда, Маҳмуд дастурхончи (тўлиқ исми Маҳмуд Бобо дастурхончи Ҳасанжон ўғли) номида иккита мадраса бўлган, бири Тошкентда, Себзор даҳасининг Юқори Дегрез маҳалласида, иккинчиси Қўқонда. Иккала мадраса ҳам бир шахс томонидан, яъни Маҳмуд дастурхончи томонидан қурдирилган. Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига қараганда, Маҳмуд дастурхончи Муҳаммад Алихоннинг вазири ва Лашкар бегларбегининг яқин дўсти бўлган.

Тошкентдаги 25 та ҳужрани ўз ичига олган Маҳмуд дастурхончи мадрасаси 1833 йилда қурилган ва вақфнома шартига кўра Қўқондаги мадраса билан бирга Маҳмуд дастурхончи авлодлари томонидан бошқарилган. Жумладан, 1868 йилда мадраса ва Маҳмуд дастурхончи томонидан қурилган масжидга унинг ўғли Исҳоқхон мутавалли бўлиб, у вақфнома шартларига кўра жами даромадан 12 тилла олган. 1887 йилда эса Маҳмуд дастурхончининг Қўқонда яшовчи набираси Мулла Султонхон отаси Эшонхон вафотидан сўнг Тошкент шаҳар губернатори номига ариза ёзиб, мадраса вақфномасида кўрсатилган тартибда Тошкентдаги Маҳмуд дастурхончи мадрасаси мутаваллиси этиб тасдиқланишини сўраган. Мулла Султонхон илтимоси Шайхонтаҳур қозиси томонидан кўриб чиқилиб, қонуний деб топилган ва бу илтимос қондирилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2898-иш, 1-6-варақлар.

Мадрасада 1868 йилда Мулла Лутфилло охунд мударрис Мулла Мирхон ўғли, Мулла Мир Раҳим мударрис Мулла Мир Алим ўғли, Мулла Салимжон мударрис Мулла Ҳалимжон ўғли талабаларга сабоқ берган.

1920 йилда Тошкентга келган суриялик машҳур олим Шомий домудла — Саид ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Али ал-Асали ат-Тараблуси аш-Шомий ад-Дамашқий (ваф. 1932) бир қанча вақт Маҳмуд дастурхончи мадрасасида жойлашиб яшаб турган<sup>1</sup>.

## БАРОҚХОН МАДРАСАСИ

Себзор даҳасидаги қадимий мадрасалардан бири бўлган Бароқхон мадрасаси Қафқол Шоший мақбараси яқинида қурилган<sup>2</sup>. Кейинчалик масжидга айлантирилган ушбу мадраса, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1886 йилги зилзиладан қаттиқ зарар кўрган. Яъни мадрасанинг 22 метрли гумбази қулаб тушган. Маълумотларга қараганда, мадраса бундан олдин ҳам бир неча бор вайрон бўлиб, қайта тикланган. Масалан, 1739 йилда Тошкентда бўлган К. Миллер мадрасани бутунлай вайрон ҳолда кўрганлигини ёзади. Шу сабабли Муҳаммад Солиххўжа Тошкент ҳокими Қаноат оталиқ 1859 йилда ҳам мадрасанинг вайрон бўлган ҳужралари ва ҳовлисини таъмирлаб, янги вақф мулклари ажратганини таъкидлаб ўтган. Мадраса вақфлари Нормуҳаммад қушбеги тайин қилган бир саройдан 200 тилла (шундан йигирма тилласи бошқа жойга), мадраса яқинидаги саккиз дўқондан 55 танга даромад олиб турган. Шунингдек, Чигатой дарвозасида, Аллон

<sup>1</sup> Бабаджанов Б., Муминов А.К., А. фон Кюгельген. Диспуты мусульманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке. — Алматы: Дайк-Пресс, 2007. — С. 74.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 983а-варақ.

мавзеидаги 15 таноб ер ҳамда Қаноат оталиқнинг отасидан қолган Оқсоқотадаги ерлар ҳам мазкур мадраса вақфи бўлган.

Архив ҳужжатларига қараганда, Бароқхон мадрасаси 1868 йилда 34 ҳужра, бир масжид, бир дарсхонадан иборат бўлган.

#### МЎЙИ МУБОРАК МАДРАСАСИ

Мўйи Муборак мадрасаси, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1274/1857 йили Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги томонидан Қафқол Шоший мақбараси жанубида, пишиқ гиштдан бунёд этилган. Мадраса биттач, Мирзо Аҳмад унга Абдулмажидхон эшон ибн Юнусхон эшонни мударрис этиб тайинлаган. Муҳаммад Солиххўжа ўша даврда мадраса ўрни аҳоли томонидан Хожа Аҳрор туғилган жой деб тушунилиб, Хожа Аҳрор майдони деб аталганини таъкидлайди. Асарда келтирилишича, мадрасанинг алоҳида бир гумбази бўлиб, унда пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) мўйи (соч толаси) — «Мўйи муборак» қўйилган. Яқин кунларгача Мўйи Муборак мадрасасининг айрим қисмлари Тиллашайх масжиди ҳовлисида жойлашган эди. Мадраса 13 та ҳужра ва бир масжиддан иборат бўлиб, икки мударрис — Имомхон маҳдум ва Абдулмажидхон эшон талабаларга сабоқ берган.

Мирзо Аҳмад қушбеги мазкур мадрасанинг бекаму кўст фаолият юритиши учун ўз ҳокимлиги даврида Эски Тошкент, Сарιοғоч ва Хонқўрғонда ўзлаштирилган ерларни ҳамда бошқа турдаги мулкларни вақф қилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *Маллицкий Н.Г.* Из истории Ташкента под Кокандским владычеством // ПТКЛА. Год 5-й, 1900. — С. 126.

#### БЕГЛАРБЕГИ МАДРАСАСИ

Бегларбеги мадрасаси 1254—1256 (1838—1840) йилларда Тошкент ҳокими Лашкар бегларбеги (XIX асрнинг биринчи ярми) томонидан қурилган бўлиб, 2 қаватли, 58 ҳужрадан, бошқа маълумотларга кўра 59 ҳужрадан, бир масжид ва дарсхонадан иборат бўлган. Лашкар бегларбеги шаҳар Регистонида қурдирган карвонсаройини ушбу мадрасага вақф қилган<sup>1</sup>. Архив маълумотларига қараганда, 1868 йилда шаҳардаги Закотхона, Маҳрамбоши ва Хиштин сарой (карвонсарой)лари мазкур мадрасанинг вақф мулки бўлиб, улардан 500 тилла, юз дўкондан 30 тилла, бир тегирмондан 12 тилла, жами 542 тилла мадраса харжларига сарфланган.

Мазкур мадрасанинг шимол томони рўпарасида, Катта кўча томонда Фўлодбой Тинчбофий жоме масжиди, шарқ томонда эса Жўбо (Эски Жўва) мавзеидаги Ўразалибой жоме масжиди бўлган. Мадраса биноси шаҳардаги чиройли иншоотлардан бири бўлиб, 1873 йилда Тошкентга келган америкалик сайёҳ Ю. Скайлер уни Тошкентдаги энг кўркем мадраса деб тилга олган эди.

#### ШУКУРХОН МАДРАСАСИ (1)

Себзордаги Шукурхон мадрасаси ҳужралар, бир масжид ва дарсхонадан иборат бўлган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, бу мадраса Себзор даҳасининг Тинчбоф гузарида бўлган. Мадрасанинг вақф мулклари бўлган икки саройдан 180 тилла, саккиз дўкондан 11 тилла, жами 191 тилла мадраса сарфи учун ишлатилган. 1868 йилда мадрасада 30 та талаба бўлиб, улар икки мударрис қўлида — Мирзо Муҳаммад аъламда 20 та, Мулла Мавлонда 10 та талаба таҳсил олган.

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 989а-варак.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларнинг далолат беришича, Тошкентда Шукурхон номида иккита мадраса бўлган. Себзор даҳасидаги Шукурхон мадрасаси ҳақида юқорида тўхтадик. Кўкча даҳасидаги Шукурхон мадрасаси эса даҳа бозори ёнида бўлган. Иккала мадрасанинг ҳам нима сабабдан бир хилда номланиши (иккала мадраса бир шахс томонидан қурилган бўлиши ҳам мумкин) хусусида ҳозирча аниқ бир маълумот йўқ. Кўкчадаги мадраса ҳужжатларида унинг Шукурхонбой исми шахс томонидан қурилгани айтилган. Мирзо Аҳмад Қушбеги иккинчи ҳокимлиги вақтида ушбу мадрасанинг қибла тарафида бир сарой қурдириб вақф қилган. Архив ҳужжатларига қараганда, бу мадраса кейинчалик хароба ҳолига келиб қолган. Бунга сабаб ушбу мадраса биносининг 1901 йилда Ўлка маориф бошқармаси томонидан фаолият олиб боришга яроқсиз ҳамда талабалар ва аҳоли учун хавfli деб топилганидир<sup>1</sup>. Келтирилган далилларга кўра, мадрасанинг вақф мулкидан тушган 1900 йилги бир йиллик даромади 350 сўмни ташкил этган ва бу маблағ мадраса фаолиятини таъминлай олмаслиги инobatга олиниб, у ёпилган. Мадрасанинг Шайхонтаҳур даҳасида вақф мулки — Аҳмад қушбеги томонидан бунёд этилган карвонсарой Мўйи Муборак мадрасаси вақф хўжалигига ўтказилган. Мавжуд ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда, 1884 йилда тилга олинган карвонсаройнинг ўзидан мадрасага йилига 600 сўм, 7 дўкандан 12 сўм пул тушиб турган. Лекин XX аср бошига келиб, мадрасанинг вақф мулкларидан келадиган даромади камайиб, иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 1-рўйхат, 976-иш, 25–28-варақлар.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, бу мадраса асли себзорлик, Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида қозикалон этиб тайинланган Исохўжа қозикалон Юнусхон эшон ўғли томонидан пишиқ виштдан ва ёғочдан қурилган бўлиб, унинг таркибига бир неча ҳужра, иккита дарсхона, хонақоҳ-масжид ва ҳовуз кирган. 1868 йилда мадраса 14 та ҳужра, бир масжид, бир дарсхона, бир таҳоратхонадан иборат бўлиб, унинг кунчиқар тарафида каттагина мазор жойлашган эди. Мадрасада Тошкентнинг кўзга кўринган шахслари Ҳакимхўжа қозикалон мударрис ва имом, унинг акаси Ойхўжа шайх ул-ислом эса мутавалли сифатида фаолият олиб борган. Тилга олинган даврда мадрасанинг ҳар бир ҳужрасида 4 талаба, яъни 56 талаба истиқомат қилган. Вақф қилинган ўн беш дўкандан 42 тилла олиниб, мадраса харажатларига сарфланган. Шунингдек, яна мадраса яқинида бир ҳовли ва майдон, Чангалзор мавзеида тахминан 3 ботмон боғ, бедазор ва очиқ ер, Оққўрғон ва Қорамурт мавзеларида катта бўлмаган ер вақфи бўлган. 1884 йилда мадраса вақфлари янада ортган ва Ҳакимхўжа қозикалон вафотидан сўнг (1875 й.) мадрасада унинг ўғли Муҳиддинхўжа ва Аҳмадхўжа эшон мударрислик қилган. Архив ҳужжатларидан мадрасани қурдирган Исохўжа қозикалон қабри Себзор даҳасидаги мазорлар рўйхатида тилга олинган Қозикўча маҳалласидаги Исохўжа мазорида эканлигини билиб олишимиз мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 132-иш, 4–58-варақлар.

## ЖУМАНБИЙ МАДРАСАСИ

А.П. Хорошхин ўз асарида бу мадрасани «Чамсанбий» мадрасаси деб тилга олади. Архив ҳужжатларининг араб алифбосида ёзилган рўйхатида Тахтапул маҳалласидаги мадраса номи «Жуманбий» тарзида келтирилган бўлиб, бу мадраса шу номдаги масжид билан ёнма-ён эканлиги қайд этилган. Аслида мадраса 1856 йилда қурилган Жуманбий масжиди атрофида ҳужралар бунёд этилиб ишга туширилган. 1862 йилда мадрасада 18 та ҳужра ва бир дарсхона борлиги тилга олинган бўлса 1891 йилда 10 та ҳужра ва 2 та дарсхона фаолият кўрсатган. Архив ҳужжатларига қараганда, мадрасанинг Поякиликда бир карвонсарой, бир неча дўкон, Ўрта тарнов мавзеида кичикроқ ер, Туябўғиз мавзеида 6 ботмон ер, Аччи мавзеида тахминан 150 таноб ердаги дарахтзордан иборат вақфлари бўлиб, улардан келадиган даромад мадраса сарфи, мадраса мутаваллиси, мударриси ва мадраса талабалари орасида тақсимланган. Жуманбий масжиди вақфлари эса алоҳида белгиланган.

Жуманбий Мирзобой ўғли Тошкентнинг Себзор даҳасига қарашли Тахтапул маҳалласидан, бадавлат кишиларидан бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» даги маълумотларга қараганда, у 1862 йил бошларида Тошкент Қўқон хони Шохмуродхон хонлиги даврида қамал қилинганда шаҳар ҳокими Қаноат оталиқ томонидан эшон Шарифхўжа эшон Пошшахўжа Зибачи ўғли билан бирга, Бухоро амири ҳузурига мадад сўраб элчи қилиб юборилган. Муҳаммад Солиххўжа эса, Бухорода улар билан учрашиб суҳбатлашган.

## ЮНУСХЎЖА ХАЛФА МАДРАСАСИ

Юнусхўжа халфа мадрасаси Себзор даҳасига қарашли Тахтапул гузарида жойлашган. У ҳужра-

лар ва хонақоҳдан ташкил топган бўлиб, XIX асрнинг 80-йилларида қурилган. Бу мадраса ҳақида маълумотлар кам.

## ҲОФИЗ КЎҲАКИЙДАГИ МАДРАСА

Муҳаммад Солиххўжа Ҳофиз Кўҳакий маҳалласи XIX асрнинг 80-йилларида Қўштут номи билан машҳурлигини ёзиб, мадраса ҳужралари ва хонақоҳи асосан ёғочдан қурилгани учун «Мадрасаи чўбин» деб аталганини қайд этади. Мадраса Тошкент шаҳрининг шу қисмида яшаб ўтган (маҳалла кейинчалик Ҳофиз Кўҳакий номини олган) аллома Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий (ваф. 1584) томонидан қурдирилган ва унинг ўзи мударрислик қилган. Тадқиқотлар ҳам, мадраса биносининг ташқи кўриниши ва қурилиш услубига кўра XVI асрга мансублигини тасдиқлайди<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, мадраса Нормуҳаммад қушбеги даврида Бухорода ўқиб келган Мулла Нор охунд саъй-ҳаракатлари билан обод бўлган. Мулла Нор охунд Маллахон замонида вафот этгач, талабалар орасида бўлиниш юз бериб, мадраса фаолияти яна вақтинча тўхтаб қолган.

## МУҲАММАД КАРИМХЎЖА ХАЛИФА МАДРАСАСИ

Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, бу мадраса 1302/1884 йилда Муҳаммад Каримхўжа томонидан пишиқ ғиштдан қурилган. 2007 йилда Ҳасти имом мажмуасини қайта таъмирлаш жараёнида Муҳаммад Каримхўжа мадрасаси вақфномаси топилди<sup>2</sup>. Унга кўра, мадраса қурувчисининг тўлиқ исми Мулла

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Ҳофиз Кўҳакий мадрасаси // Тошкент. Энциклопедия. — Б. 468.

<sup>2</sup> Мазкур вақфнома матнини тақдим қилган ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходимлари Ш. Зиёдов ва Ф. Каримовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Муҳаммад Карим халифа ҳожи Муҳаммад Раҳимбой ўғли бўлиб, мадрасани қуришга ҳижрий 1302 йилда (товуқ йилида) зулқаъда ойининг бошида киришилган.

Мадраса Себзор даҳасининг Кадубод маҳалласи ҳудудида пишиқ виштдан қурилган бўлиб, хонақоҳ, айвон, дарвозахона, дабирхона, дарсхона ва қатор ҳужралардан иборат бўлган. У ғарб томондан Катта кўча, Салимбой Шайхимбой ўғли мулки ва Додабойнинг меросий мулки билан, шарқда Мирхолиқбой, Ҳодихон, Эрмуҳаммадбой Холмуҳаммадбой ўғли, Боймулла сўфи, Мўминбой Раҳимжонбой ўғли мулклари билан, шимолда Боймулла сўфи, Салимқорибой ва Мўминбой мулклари билан, жанубда Ашурбой Турсунбой ўғли, Ислом қассоб Ҳамид қассоб ўғли, Болтабой Раҳим меҳтар ўғли, Тўражон Мирдода ўғли, Ҳодихон Ҳошимхўжа ўғли мулклари билан туташ бўлган. Мадрасага Муҳаммад Карим халифа томонидан Читфурушлиқдаги 2 та ҳаммом ва шаҳар ичида 8 та дўкон вақф қилинган. Вақфнома шартларига кўра, мутаваллилик унинг ўғли Мулла Рўзимухаммад, ундан сўнг ҳам ўз авлодлари қўлида бўлиши қайд қилинган. Вақф даромадининг  $\frac{1}{4}$  қисми Муҳаммад Карим халифа авлодлари томонидан жамғариб борилиб, кейинги қурилишларга сарфланиши ҳам таъкидланган. Шунингдек, вақфномада яна мадрасага кучли билимга эга бўлган иккита катта мударрис зарурлиги, мадраса вақфидан маош белгиланган мударрис, имом, муаззин, сартарош ва фаррошнинг доимий ишлаши, талабалар нафақасининг аъло, ўрта ва қуйи даражада тақсимланиши каби бошқа шартлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мадрасанинг шарқ тарафида мазкур Муҳаммад Карим халифа томонидан қурдирилган ҳаммом, бир дарсхона ва пишиқ виштли ҳужралар жойлашган. Мазкур вақфнома тегишли шахсларнинг муҳрлари бўлмаса-да, ушбу мадраса тўғрисида батафсил маълумот беради.

## ЭШОН БҮРИХҲУЖА САНЧИҚМОНИЙ МАДРАСАСИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, эшон Бўрихўжа Санчиқмоний мадрасаси Санчиқмон маҳалласида жойлашган бўлиб, Қўқон хони Умархон даврида (1810—1822) Бўрихўжа Бобошайхбой ўғли томонидан пишиқ виштдан қурилган. Архив ҳужжатларида бу мадрасанинг қурилган йили 1820 йил деб кўрсатилган<sup>1</sup>. XIX аср охирида Туркистон ўлкаси мадрасаларини тадқиқ этган Ф. Керенскийнинг ёзишича, шаҳар савдогарларидан Бўрихўжа олдин мавжуд бўлиб, ўша даврда вайрон бўлган мадрасани таъмирлаб ишга туширган ва у Бўрихўжа номини олган<sup>2</sup>. Эшон Бўрихўжа ўз мадрасасига шу маҳалладаги бир ҳаммом ҳамда бир неча ҳужрали саройини вақф қилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари ва мадрасанинг вақф ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда, ушбу иншоот мадраса ва масжиддан таркиб топган бўлиб, у жойлашган маҳалла «Санчиқмон», «Сақишмон», «Чақишмон» каби номлар билан тилга олинган. Мадрасанинг вақф ҳужжатларида келтирилишича, эшон Бўрихўжа мадрасаси ғарбдан маҳалла кўчаси, ғарб ва шимол тарафдан Мулла Ҳасан мулки билан, жануб тарафдан Фазилат биби Мулла Дўстмуҳаммад кизи мулки билан туташ бўлган.

1845 йилда, эҳтимол ўша вақтда Тошкентда ҳоким бўлиб турган Салимсоқхон томонидан мадрасага Абдумутталиб Исмоилшайх ўғли мударрис этиб тайинланган. 1847 йилга мансуб вақфномада эса, Абдумутталиб мударриснинг отаси халифа домудла Мир Салим тарафидан «Тафсири Заҳровайн», «Ҳидоя»,

<sup>1</sup> ЎзРМДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-варақ.

<sup>2</sup> Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края. — СПб., 1892. — С. 5.

«Ақоиди Насафий», «Мухтасар виқоя», «Жомеъ ар-Румуз», «Салоти Масъудий» каби мадрасаларда ўқиладиган турли мазмундаги жами 17 та китоб ушбу мадрасага вақф қилингани тилга олинган. 1884 йилда мадраса бир ҳаммом ва беш дўкондан тушадиган 300 сўм ҳисобига фолият юритган. Мударрисси Мулла Зунун қори бўлган.

Эшон Бўрихўжа мадрасасининг қачон бузилиб кетгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. «Мухтасари Виқоя», «Салоти Масъудий», «Тафсири Заҳровайн», «Жомеъ ар-Румуз» сингари ўндан ортиқ китоблар вақф қилингани ҳақида сўз кетади.

#### ШАРАФИБИЙ МАДРАСАСИ

Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, Шарафибий мадрасаси Кўкча даҳаси Пичоқчилик маҳалласида жойлашган бўлиб, тахминан 1285/1868–69 йилда пишган ғиштдан қурилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» ва архив ҳужжатларида «Шарофибий», «Шарафибой», «Шарофиддинбой Зайнобиддинбой ўғли» номлари билан тилга олинган мазкур шахс асли келиб чиқиши татар бўлиб, Тошкент истилосидан кейинги 60–70-йилларда эски шаҳар маҳаллий бошқарув тизимида ишлаган. Фаолияти йилларида мадраса, бир неча масжидлар қуриб, вақфлар ажратган. Мадраса таркибида ҳужралар ва жумъа намози ўқиладиган масжид бўлган. Архив ҳужжатларида Шарафибойнинг мазкур Пичоқчилик маҳалласидаги масжидининг бир неча дўкон ва ерлардан иборат вақфи бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, мадраса масжиди ана шу вақфлардан келадиган даромад ҳисобига фаолият юритган. Ҳозирда Шарафибойнинг Пичоқчилик маҳалласидаги масжиди сақланиб қолган.

#### НОРМУҲАММАД ҚУШБЕГИ МАДРАСАСИ

Асарда Бешёғоч даҳасида жойлашган мадрасалар ҳақида маълумотлар кам. Улардан бири Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қушбеги (XIX асрнинг биринчи ярми) 1832 йили Зангиота мақбараси ёнида қурдирган мадрасадир<sup>1</sup>. Нормуҳаммад қушбеги бозорнинг Маҳсидўзлик қисмида бино қилган карвонсаройини ушбу мадрасага вақф қилган.

#### АБУЛҚОСИМХОН МАДРАСАСИ

Мазкур мадраса Абулқосимхон эшон Хонтўраҳон эшон ўғли томонидан қурдирилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжа бу мадраса тўғрисида кенг тўхталмаган. 1884 йилги архив маълумотларига қараганда, мадраса ўз фаолиятини шаҳарнинг Қовун бозорида бир сарой ва шаҳар ичидаги дўконлар ҳамда шаҳар атрофида мавзелардаги вақф ерлардан келадиган жами 1544 сўмлик даромад ҳисобига олиб борган. Абулқосимхон ҳаётлиги даврида мадрасада ундан ташқари яна Мулла Муҳаммад Олим охунд Мулла Бобожон охунд ўғли ва Мир Бадиъ маҳдум ҳам талабаларга сабоқ берган. Мадрасага 1280 йил шаввол ойи (1864 йил март-апрель) Қўқон хони Султон Саъидхон тарафидан кўплаб мулклар — Маҳкама мавзеида 1 сарой, эски Намозгоҳда 14 та дўкон, Поякиликда 3 та, Арпаоя маҳалласида 2 та тегирмон, сарой, шунингдек, бошқа маҳаллаларда ҳам эликдан ортиқ дўконлар, бир неча сарой ва тегирмонлар вақф қилиниб, Абулқосимхон эшон мутавалли этиб тайинланган. Абулқосимхон эшон 1892 йилда Тошкентда тарқалган вабодан вафот этгач, мадрасада унинг ўғли Ҳошимхон эшон бош мударрис ва мутаваллилик қилган. XX асрнинг 20-

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 989а-варақ.

йилларида мутаваллилик Абулқосимхон эшоннинг укаси Саидқосимхон фарзандлари қўлида бўлган.

Таъкидлаш жоизки, «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлар Тошкент мадрасалари тўғрисидаги архив маълумотларини тўлдиради ва бирмунча аниқлик киритади. Жумладан, архив ҳужжатларида Абулқосимхон мадрасаси очилган сана 1790 ва 1855 йил деб кўрсатилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари маълумотларига кўра Абулқосимхон Бешёғочий XIX аср ўрталаридан бошлаб Тошкентдаги кўзга кўринган уламолардан бири бўлган. Шу сабабли кўрсатилган иккинчи сана мазкур мадраса қурилган санага яқин.

Исохўжа қозикалон мадрасаси ҳам архив ҳужжатида кўрсатилганидек, 1800 йилда эмас, балки «Тарихи жадидаи Тошканд»да ёзилганидек, XIX аср 2-чорагида, Лашкар бегларбеги ҳокимлиги даврида пишиқ гиштан қурилган. Исохўжанинг ўзи эса, Муҳаммад Алихон даврида қозикалон мансабига тайинланган. Шунингдек, Бегларбеги мадрасаси ҳам 1816 йилда эмас, Муҳаммад Солихўжа қайд қилганидек, 1838—1840 йилларда қурилган. Тошкент ҳокими — Лашкар қушбегига «бегларбеги» унвонининг берилиши ҳам 1835 йилга тўғри келади. Шарафибий мадрасаси эса 1820 йилда эмас, балки Россия истилосидан кейинги даврда, 1868—1869 йилларда пишиқ гиштан қурилган.

Булардан ташқари, архив ҳужжатларида Тахтапул (1790 й.), Кўнчилик (1790 й.), Кесакқўрғон (1790 й.), Чархчикўча (1830 й.), Каллахона (1840 й.), Кадубод (1860 й.), Отабийҳожиди (1873 й.), Хонақоҳ (1883 й.), Аҳмадҳожиди (1885 й.) мадрасалари, 1890 йилги Эски шаҳар харитасидан ўрин олган Себзор даҳасидаги Муродбий, Кўкча даҳасидаги Чуқурхон, Бешёғоч даҳасидаги Тиканли мазор, Одил Қосим эшон каби мадрасалар тўғрисида маълумотлар кам ва улар алоҳида тадқиқот талаб этади.

Албатта, Тошкентда ҳам XVI—XVII асрларда Хожа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқхон каби катта-кичик мадрасалар фаолият кўрсатган. Лекин аксарияти даврлар ўтиши билан таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Шу сабабли уларнинг ўрнида XIX асрга келиб янгилари бунёд этилган. Жумладан, Мўйи Муборак, Жуманбий Бўрихўжа Санчиқмоний мадрасалари анча олдин мавжуд бўлган, аниқроғи яроқсиз бўлиб қолган масжид-мадрасалар ўрнида бунёд этилганини кўриш мумкин. Бунинг устига рус манбаларида, ўлкашуносларнинг кундаликларида шаҳардаги мадрасалар номлари бузилиб ёки маҳалла, кўча номлари билан ҳам тилга олинадики, бу мадрасаларни бир-бири билан чалкаштириб, уларни ўрганишни мураккаблаштиради. Шу сабабли ҳам Тошкент шаҳридаги мадрасалар сони турли йилларда турлича берилган. Жумладан, Муҳаммад Солихўжа ўз асарида (1868—1889 йилларда) 20 та мадрасани тилга олган бўлса, архив ҳужжатларида ундан кейинги 1899 йилда 19 та, 1910 йилда 23 та, 1912 йилда эса 16 та мадраса қайд этилган.

### ТОШКЕНТ МАСЖИДЛАРИ

Тошкент масжидлари сони тўғрисида рус манбалари ва архив ҳужжатларида турлича маълумотлар берилган. Хусусан, архив ҳужжатларида Бешёғоч даҳасида 54 та, Шайхонтаҳур даҳасида 105 та, Кўкча даҳасида 60 та, Себзор даҳасида 78 та масжид борлиги қайд этилган бўлса, Н. Маев Бешёғочда 68 та, Шайхонтаҳурда 60 та, Кўкчада 51 та, Себзорда 10 та катта масжидни тилга олган<sup>1</sup>. Айрим муаллифлар, шаҳарда 280—310 та атрофида масжид борлигини ёзган бўлса, А.И. Добросмыслов

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 478-иш, 27-варақ; Маев Н. Азиатский Ташкент. — С. 260.

Тошкентдаги масжидлар сонини 400 га яқин деб қайд этган эди<sup>1</sup>. А.П. Хорошхин эса тошкентлик суҳбатдошидан олган маълумотларига аниқлик киритиб, масжидларнинг 260 таси шаҳар ичида, 40 таси ташқарисида деб кўрсатади.

Мавжуд маълумотлар асосида шаҳардаги масжидларни қурилиш сабабларига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- жоме масжидлар;
- маҳалла-гузар масжидлари;
- мадрасалар таркибидаги масжидлар;
- зиёратгоҳ мазорлар таркибидаги масжидлар;
- бозорлардаги масжидлар;
- номозгоҳ-ийдгоҳлар.

Аксарият масжидлар асосан усти гумбаз билан ёпилган хонақоҳ, айвон, дарвозахона, минора (мезана)дан иборат бўлган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида тилга олинган Тошкент масжидлари ҳақида сўз кетганда, шаҳардаги Хожа Аҳрор (1404–1490) номи билан боғлиқ масжидларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хожа Аҳрор насаби она томондан Шайх Хованд Таҳурга бориб уланади. У ўз фаолиятини Тошкент шаҳрида бошлаган. Бир қатор ёзма манбаларда Хожа Аҳрорнинг мадраса таҳсилдан сўнг Самарқанддан Тошкентга қайтиб, зироатчилик ва савдо билан шуғулланганлиги таъкидланади. Гарчи Хожа Аҳрор ўз ҳаётининг кўп қисмини Самарқандда ўтказган бўлса-да, Тошкентдаги маданий-маънавий ҳаётда ҳам фаол иштирок этган. Шу сабабли Хожа Аҳрор шахси нафақат XV асрда, балки кейинги

<sup>1</sup> Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. – С. 159; Хорошхин А.П. Очерки Ташкента. – С. 86; Hellwald von F. Russen in Centralasien. – S. 92; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – С. 45.

асрларда ҳам Тошкент маънавий муҳитида муҳим аҳамият касб этиб келган.

Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, Кўкалдош мадрасасининг шарқи ва Катта кўча оралиғидаги ерлар аҳоли орасида Хожа Аҳрор тузилган жой деб тушунилган ва бу ер Хожа Аҳрор майдони деб аталган. 1274/1857 йилда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги Мўйи Муборак мадрасасини ҳамда бир гумбазни ана шу майдонда қурдирган эди.

Бундан ташқари, Тошкентдаги Хожа Аҳрор номи билан боғлиқ масжидлар ҳам бунинг далилидир. Бу борада «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида кенг-роқ маълумотлар келтирилган бўлиб, улар бизга ушбу масжидларнинг XIX асрдаги қиёфасини тасвирлаб беради. Шунингдек, асарда Хожа Аҳрор фаолиятига доир айрим маълумотларни учратамиз. Жумладан, Хожа Аҳрор шаҳарда мадраса ва масжидлардан ташқари Шайх Хованд Таҳур мақбрасидаги чиллахонада бир гумбаз қурдириб, унинг ўртасида тош лавҳ ўрнатган, Шайх Хованд Таҳур мазори ободончилигига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да батафсил тавсифи келтирилган масжид – бу Хожа Аҳрор жоме масжидидир. Хожа Аҳрор жоме масжиди Тошкентнинг X асрдаги шахристонида жойлашган бўлиб, Хожа Аҳрор мадрасаси билан бирга шаҳар Регистонининг асосий биноларини ташкил этган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа маълумотларига қараганда, мазкур масжид Бобои Обрез деган жойнинг ғарбида, Чорсу бозори бошида жойлашган бўлиб, Кўкалдош ва Хожа Аҳрор мадрасалари, бозор дўконлари ва Катта кўча билан туташ бўлган. Унинг ёни-

<sup>1</sup> История Ташкента. – Т.: Фан, 1988. – С. 162.

дан Шайхонтахур (бошқа бир номи Кайкобус) ариғи ўтган<sup>1</sup>. Масжид биносининг шимолий ва жанубий тарафида 22 равоқ ва 22 гумбаз, жануби шарқида эса 14 равоқ ва 14 гумбаз ҳамда ғарб томон ўртасида бир пештоқ, катта гумбаз ва гиштли, буржи нақшланган меъморий меҳроб, жанубий ва жануби шарқий томонида эса дарвозалари бўлган. Масжидда жума ва ҳайит намозлари ўқилган. Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги жоме масжиди Ўзбекистон ҳудудидаги энг катта жоме масжидларнинг учинчиси дир. Биринчиси — Самарқанддаги Биби Хоним масжиди (тарҳи 167×109 м), иккинчиси — Бухородаги Калон масжиди (тарҳи 126,5×81,4 м), учинчиси — ушбу Хожа Аҳрор масжиди (тарҳи 91×35,6 м).

Турли даврлардаги табиий офатлар, айниқса, зилзилалардан зарар кўрган мазкур Жоме масжид таъмирланиб турилган. Хусусан, Шералихон (1842—1845) даврида Солиҳбек додхоҳнинг шахсий маблағи ва Хожа Аҳрорнинг вақф ерларидан тушган маблағ ҳисобига таъмирланган<sup>2</sup>. Масжиднинг гумбази 1866 йилда Тошкентда юз берган зилзила чоғида ҳам қулаб тушган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг сўзларига қараганда, Шайхонтахур кўчасидан ўтувчи Катта кўчадаги иморатлар ва бозордаги унга яқин кўчалар ҳамда шайх Шибли ариғидан шарқда жойлашган ерлар Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасасининг вақфи бўлган. Асарда Оққўрғон мавзеи деб аталган ерлар 1840 йил воқеаларида ҳам Хожа Аҳрорнинг вақфи сифатида тилга олинади. Бундан ташқари, масжид ён атрофи ва бозор ичидаги 102 та дўкондан йилига 120 сўм, масжид яқинидаги Солиҳбек додхоҳ авлодларига қарашли бир саройдан йилига

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 8446-варақ.

<sup>2</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Солиҳбек додхоҳ / Тузувчилар: О. Бўриев., Нуриллабек Убайдуллабек ўғли. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. — Т.: Фан, 2006. — 20-бет.

120 сўм фойда олган. Мазкур вақфлар мутаваллиси эса, юқорида номи тилга олинган Хожа Аҳрор авлоди Мусахонтўра Саидхонтўра ўғлининг фарзанди Мўминхонтўра Саидхонтўра ўғли бўлган<sup>1</sup>.

Тошкентдаги Хожа Аҳрор номи билан боғлиқ масжидлар ҳақида тўхталсак, уларнинг ҳаммаси ҳам Хожа Аҳрор томонидан қурдирилган эмас. Айрим масжидларнинг бунёд бўлиши Хожа Аҳрор шахси билан боғлиқ ёки аҳоли томонидан шундай тушунилган. «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида ўнга яқин масжид Хожа Аҳрорга нисбат берилади. Уларнинг ўрнига кўра бештаси Шайхонтахур, тўрттаси Бешёғоч ва учтаси Кўкча даҳасида бўлган деб айтиш мумкин<sup>2</sup>.

Шайхонтахур даҳасидаги масжидлар Ҳавзбор маҳалласида (2 та), Шўртепа гузариди, Бўрқи сари-маст валий мозори яқинида (Хиштмасжид масжиди) бўлган. Яна бир масжид эса, дастлаб Шайх Хованд Тахур томонидан бино қилинган бўлиб, кейинчалик Хожа Аҳрор томонидан таъмирланган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг сўзларига қараганда, Шайх Хованд Тахур мозори яқинида, Юнусхон мозори ғарбида, остига Нурота тоғидан келтирилган мрамар тагкурсилар ўрнатилган, шамшод ва сарв дарахтидан ишланган ҳашаматли устунлар қўйилган, уч томони айвонли Жоме масжид ва ийдгоҳ бино қилинган.

Муҳаммад Солиҳхўжа яшаган даврда бу масжид аҳоли орасида «Олтинлик масжид» номи билан аталган ва XIX асрнинг 80-йилларига мансуб архив ҳужжатларида ҳам шу ном билан тилга олинади. Юнусхон мақбараси гумбази зилзиладан қулаб тушган йили ушбу масжид ҳам қаттиқ шикастланган.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2482-иш, 59-варақ.

<sup>2</sup> Қаранг: Султонов Ў. Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги мадраса ва масжидлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004. № 3. — 185—186-бетлар.

Бу воқеадан сўнг икки йил ичида Хўжа Калон Тошкандий Шайхонтаҳурий уни ўзининг деҳқончиликдан келган маблағи ва Шайх Хованд Таҳур мазорига тушган назр-ниёз ҳисобига қайта таъмирлаган. Лекин масжиднинг асосий қисми ва дарсхонаси битиб, унинг шимол тарафи, яъни дарвозахона ва пештоқ қисмидаги таъмирлаш ишлари охирига етмай қолган. Таъмирлаш ишлари Маллахон даврида эшон Шарифхўжа раис қози ул-қуззот томонидан Маллахоннинг буйруғи ва моддий кўмаги билан ниҳоясига етказилган. Бу пайтга келиб масжид хонақоҳ уч ҳужрадан иборат бўлиб, дарвозахонаси Катта кўча тарафда бўлган. Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, катта дарвозадан ташқари кўча томонда яна бир неча даричалари бўлган, масжидда кўплаб китоблар бўлган экан.

Кўкча даҳасида эса Лангар, Чармгарон ва Маҳкама масжидлари Хожа Аҳрор масжиди сифатида тилга олинади. Жумладан, Хожа Аҳрор Лангар масжидига ўз халифаларидан бирини тайин қилганлиги айтилади. Маҳкама масжиди эса, даҳа бозори яқинида пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, Хожа Аҳрор замонидан то Қўқон хони Олимхон давригача шаҳар қозилари ушбу масжидда ҳукм чиқарганлар. Шу сабабли масжид Маҳкама масжиди деб аталган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, масжидда ҳар душанба куни Хожа Аҳмад Яссавий тариқати бўйича зикри жаҳр билан машғул бўлинган. Чармгарон масжиди пишиқ гиштдан тикланган дарвозахонали бўлиб, минораси тошдан қурилган. Унинг ҳужраларида талабалар истиқомат қилган.

Бешёғоч даҳасидаги Хожа Аҳрор масжидларидан иккитаси Самарқанд дарвоза кўчасида, бир-бирига яқин масофада жойлашган. Яна бир масжид эса, Кўкмасжид деб аталган ва устунларининг тагкурсиси мрамар тошлардан қилинган. Хожа Аҳрор

номи билан боғлиқ масжидлар яна Хиштмасжид гузарида, Бўрқи Саримаст мазори яқинида ҳамда Гулзорда бўлган. Архив ҳужжатларида ҳам Парчабоф ва Темирчилик маҳаллаларидаги масжидлар, Махсидўзлик маҳалласидаги етти ҳужрали масжид, Гулбозор маҳалласидаги масжид Хожа Аҳрор масжидлари сифатида қайд этилади.

Муҳаммад Солиххўжа бошқа жоме масжидлардан Эски Жўвада жойлашган Фўлодбой Тинчбофий жоме масжиди, Ўразалибой жоме масжиди, Қаноат оталиқ қурдирган жоме масжид (кейинчалик Баланд масжид деб аталган) ҳамда Ўрда жоме масжидини ҳам қайд этган<sup>1</sup>. Ўрдадаги жоме масжид ким томонидан бино қилингани тўғрисида асарда маълумот келтирилмаган. Агар Абу Убайдуллоҳ сўзларида таяниб айтадиган бўлсак, мазкур масжидни Лашкар бегларбегининг закотчиси Ҳаким девонбеги қурдирган дейиш мумкин<sup>2</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, Жўбо мавзеида, Бегларбеги мадрасаси шарқида жойлашган Фўлодбой Тинчбофий жоме масжиди пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, уч томони айвон, минора, бир неча гумбаз ва нақшинкор устунлар билан безатилган. Муаллифнинг ёзишича, Регистондаги бозор аҳли ва дўкондорлар беш вақт намозини, жума ва ийд намозларини шу масжидда ўқиганлар. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида 1847 йили Тошкентда Азиз парвоначи ҳукуматига қарши юз берган галаён етакчилари ва ҳоким одамлари сулҳ тузгандан сўнг жума намозини Хожа Аҳрор ва Фўлодбой жоме

<sup>1</sup> Султонов Ў. XIX асрдаги Тошкент жоме масжидлари // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. — Т., 2007. — Б. 265—267.

<sup>2</sup> Хулосат ул-аҳвол. — 756-варақ.

масжидларида биргаликда ўқиганликларига қараганда Фўлодбой масжидининг қурилиши XIX асрнинг 1-ярмига тўғри келади. Қолаверса, Фўлодбойнинг ўғли, таниқли бойлардан бўлган Қосимбой 40—90-йилларда яшаган.

Архив маълумотларига қараганда, Фўлодбой Тинчбофий Тошкент шаҳрининг турли маҳаллаларида бир неча масжидлар қурдирган.

Ўразалибой жоме масжиди эса, Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, қадимда бир кампир томонидан бино қилингани учун у Хотинмасжид деб аталган. Маллахон замонида Ўразалибой томонидан таъмирланиб ишга туширилгач, Ўразалибой масжиди номини олган. Архив ҳужжатларида Ўразалибой ёки Хотинмасжид номлари билан тилга олинган мазкур масжид қошида бир хужра, мактаб ва қорихона бўлган. Масжиднинг Камолон ва Қорасарой дарвозалари ёнида ва Янгиариқ мавзеида катта бўлмаган вақф ерлари борлиги тилга олинади.

Баландмасжид деб номланган Қаноат оталиқ жоме масжиди баландликда ҳашаматли қурилгани учун шундай деб аталган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, масжиднинг гумбази 8 буржли бўлиб, айвонлари нақшинкор устунлар билан безатилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги бу каби масжидлар тўғрисидаги маълумотлар XIX асрнинг 60—80-йилларига мансуб архив ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, улар бир-бирини тўлдириши билан муҳим аҳамиятга моликдир.

Муҳаммад Солиххўжа қаламга олган қадимий Намозгоҳ «Кўҳна Намозгоҳ», «Бароқхон ийдгоҳи» ва «Дарвишхон ийдгоҳи» номлари билан ҳам аталган. IX асрдан мусулмон мамлакатларида масжидлар вазифаларига кўра бир неча турларга ажралган бўлиб, улар орасида намозгоҳ, ийдгоҳ ва мусалло

шаҳар аҳолисининг намозни оммавий адо қилишларига мўлжалланган<sup>1</sup>. Намозгоҳлар ўрта асрларда кенг тарқалган бўлиб, XIV—XVII асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда «намозгоҳ», «мусалло» номлари билан юритилган.

Муҳаммад Солиххўжанинг халқ оғзида юрган ривоятлар асосида ёзишича, халифа Умар буйруғи билан бу ерларга келган Ҳазрати Уккоша шу жойда кофирлар билан жанг қилган экан. Аҳоли томонидан муқаддас саналган бу жойга кейинчалик Бароқхон намозгоҳ қурдирган. Муаллифнинг ёзишича, намозгоҳ тўрт томони девор билан ўралиб, қибласи пишиқ гиштдан қўтарилган, томи эса ёғочдан ишланган. Намозгоҳнинг 170 та устуни нақшланган чинор дарахтидан бўлган. Атрофида шамшод ва бошқа мевали дарахтлардан боғ барпо қилиниб, ўртада бир таноблик ҳовуз қазилган. Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон даврида эса Намозгоҳда пишиқ гиштдан, пештоқлари ва равоқлари баланд бир масжид қурилган. Бу пайтда масжиднинг устунлари 1400 тага етган. Қалмоқлар ҳужуми давригача (XVIII асрнинг 20-йиллари) мавжуд бўлган Намозгоҳ кейинчалик қаровсиз қолиб, вайронага айланган ва бир неча йиллардан сўнг қисман тикланган. XIX асрга келиб «Кўҳна намозгоҳ» ёки «Намозгоҳ» деган ном кўча номига айланган.

Шаҳар ичида ҳар бир маҳалланинг масжиди бўлиб, улар тўғрисида архив ҳужжатларида анча аниқроқ маълумот берилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида эса маҳаллалардаги катта-кичик масжидлар уларни қурдирган шахс ёки маҳалла ёхуд имомлари номи билан тилга олинган. Шунингдек, Хожа Аҳрор, Маҳмуд дастурхончи, Қосимбой Қора-

<sup>1</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX — начало XX в.). — Т.: Фан, 1980. — С. 103.

тутий, Эшон Бўрихўжа Санчиқмоний, Шарафибий, Шукурхон каби мадрасалар биносида ҳамда маҳаллалар ҳудудларида жойлашган Шайх Хованд Таҳур, Қаффол Шоший, Зайниддин Куҳи Орифон, Хожа Рушноий, Хожа Якка, Ҳазрат Уккоша, Занги ота, Йиғлоқ ота каби мазорлар масжидларининг айримлари жоме, айримлари эса маҳалла масжиди сифатида фаолият кўрсатган. Таъкидлаш жоизки, айрим масжидлар ўзига хос меъморий услубларда қурилган бўлиб, буни Хайробод эшон масжиди мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман олганда, шаҳардаги катта-кичик масжидлар мадрасагача бўлган бошланғич таълим муассасаси вазифасини ҳам бажариб келган. Чунки, мавжуд маълумотлар мадраса ва масжидлар қошида қорихоналар ва мактабхоналар фаолият кўрсатганлигидан далолат беради. Масжидлар қошидаги мактабларда шаҳарликларнинг фарзандлари масжид имомларидан ёки махсус мактабдор муаллимлар қўлида таҳсил олган.

### ЗИЁРАТГОҲ МОЗОРЛАР

Қадимдан бир қатор мусулмон шаҳарлари сингари Ўрта Осиё шаҳарлари довуғи ҳам унинг иқтисодий ва маданий тараққиёти билан бирга, у ерда машҳур алломалар, фақиҳлар ва мутасаввифларнинг яшаб ўтганлиги ва гавжум қадамжоларининг мавжудлиги билан ҳам белгиланган. Афсуски, бундай қадамжоларнинг аксарияти тарихнинг турли даврларидаги ўзгаришлар сабабли вайронага айланган ёки умуман йўқ бўлиб кетган. Бугунги кунда бундай масканларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида самарали ишлар олиб борилаётгани қувонарли ҳолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтмишда яратилган бир қатор асарлар ҳамда археологик топил-

малар республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган ислом оламида машҳур шахсларнинг мазорлари ва зиёратгоҳлари тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Жумладан, Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» (IX аср), Абу Хафс Насафийнинг «ал-Қанд фи зикри уламо-и ас-Самарқанд» (XI аср), Аҳмад ибн Маҳмуднинг «Тарихи Муллазода» (XVI аср), Абу Тохирхожанинг «Самария» (XIX аср), Носириддин тўранинг «Тухфат уз-зоирин» (XIX аср) асарлари Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги мазорлар тўғрисида маълумот берувчи асосий ёзма манбалардир. Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари шундай асарлардан бири бўлиб, у Тошкент шаҳри ва вилоятида мавжуд бўлган кўплаб мазорлар, қадамжолар ва уларнинг XIX асрдаги аҳволи тўғрисида маълумот беради.

Тошкентдаги айрим мазорлар тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлса-да, уларда, асосан, мазорларнинг меъморий жиҳатларигагина эътибор қаратилган<sup>1</sup>. Мазкур тадқиқотларда, асосан, Шайх Хованд Таҳур, Қаффол Шоший, Шайх Зайниддин, Занги ота мақбаралари атрофида шакланган мо-

<sup>1</sup> Шишкин В.А. Мазары в Занги Ате. — Т., 1927; Ратия Ш.Е., Воронин Л.Н. Мавзолей Баракхан // Архитектура СССР. 1936. № 11; Френкель Н.Н. Мавзолей Абу Бакр Мухаммед Каффал-Шаши в Ташкенте // Материалы по истории и теории архитектуры Узбекистана. — М., 1950. Вып. 1. — С. 73—83. Левина-Булатова В.А. К истории мавзолея Зайниддина // Архитектурное наследие Узбекистана. — Т.: 1960. — С. 75—84; Филлиманов В.М. Зангиота ансамбли. — Т.: Ўзбекистон, 1978; Пугаченкова Г.А. Мавзолей Кальдыргачбия // Изв. АН Каз ССР. № 80. Серия архитектуры. — Алма Ата, 1950. — С. 90—94; Альхамова З.А., Давидович Б.А., Литвинский Б.А., Массон М.Е. Историко-археологическое изучение мавзолея Юнусхана // Труды САГУ. Вып. XLIX. Археология Средней Азии. — Т., 1953. — С. 171—199; Булатова В., Маньковская. А. Памятники зодчества Ташкента XIV—XIX веков. — Т.: Г. Гулям, 1983; История Ташкента. — Т.: Фан, 1988. — С. 57, 122 ва бошқ.

зорлар ўрганилган. Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги мазорлар тўғрисидаги қисқа маълумотлар Мавлоно Муҳаммад қозининг «Силсилат ул-орифийн», Фахриддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳот-у айн-ул ҳаёт» (1503), Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома (XVI асрнинг 80-йиллари)», Муҳаммад Олим Сиддиқийнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» (1624), Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи Тоҳир эшон» (XVIII асрнинг 30-йиллари), Хожа Абдураҳим Ҳисорийнинг «Тухфат ул-ансоб Алавия» (1737), Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ҳусайн Бухорийнинг «Ҳужжат ул-зокирин» (1697), Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» (1865), Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои» (1874), Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин» (1884) асарларида ҳам учрайди.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотлар эса бирмунча тўлароқ ҳамда бир тартибда бўлиб, улар, асосан, асарнинг Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасига бағишланган қисмида келтирилган. Шуниси диққатга сазоворки, асарда келтирилган Қаффол Шоший, Шайх Муҳаммад парранда, Шайх Хованд Таҳур, Хожа Довуд, Бобои Обрез, Ҳазрат Уккоша, Хожа Аламбардор, Хожа Якка, Занги ота, Шайх Зайниддин, Куҳи Орифон, Хожа Чироббардор, Сайид Работакхўжа каби бир қатор шахслар мазорларининг шаҳарда жойлашган ўрни, уларга туташ бинолар ва ўртасидаги масофалар ҳамда муаллиф замонидаги ҳолати тўғрисида аниқроқ маълумотлар олиш мумкин.

Маълумки, Тошкент воҳаси Яссавия тариқати кенг тарқалган ҳудудлардан бири бўлган. Бу ҳудуддаги қадамжо ва мазорларнинг айримлари Хожа Аҳмад Яссавийнинг халфалари, издошлари ва авлодларига мансуб. Юқорида тилга олинган манбаларда ҳам бундай мазорлар тўғрисида қисқа маълумотлар учрайди.

Масалан, Али ас-Сафий Исмоил ота қабрини Тошкент ва Сайрам оралиғидаги Ҳузиён қарясида, уларнинг ўғиллари Исҳоқ хожа қабри эса Тошкент ва Сайрам оралиғидаги Испижоб қарясида деб маълумот беради. Яссавия тариқати шайхлари ҳаётини ёритувчи Муҳаммад Олим Сиддиқийнинг «Ламаҳот» асарида Исмоил ота қабри Ҳузиёнда, Садр ота қабри Тошкентдан 2 фарсанг бўлган Ўрта Сарой қарясида, Бадр ота қабри эса Тошкентдан 4 фарсанг бўлган Кўҳак қарясида эканлиги тилга олинади. «Тухфат ул-ансоб Алавия» асари муаллифи Хожа Абдураҳим Ҳисорий Садр ота қабрини ҳам Кўҳак қарясида жойлашган деб ёзади. «Ҳужжат ул-зокирин» асари муаллифи Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ҳусайн Бухорий эса, Садр ота қабрини Тошкентдан 2 фарсанг бўлган Авсар(?) қарясида деб кўрсатади. Албатта, бу каби асарларда Яссавия тариқати шайхларининг ҳаёт йўллари, авлодлари ва муридлари тўғрисида бирмунча тўлиқ ёритилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари эса ушбу тариқатнинг айрим намоёндаларининг Тошкент ва унинг атрофида жойлашган мазорлари ва қадамжолари тўғрисида маълумот беради.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари кенг шаҳардаги бошқа мазорлар тўғрисидаги маълумотлар билан бошқа манбалардан ажралиб туради ва улар қуйидаги тартибда жойлашган.

Шайхонтаҳур даҳасида: Шайх Хованд Таҳур, Қалдирғочбий, Тунқатор ота, Тонготар авлиё, Юнусхон, Кўктўнлик ота, Хожа Довуд, Хожа Рушноий (Хожа Чироббардор), Бобои Обрез, Ҳазрат Уккоша, Хожа Исо, Мўминшайх, Бўрқи Саримаст валий;

Себзор даҳасида: Қаффол Шоший, Низомуддин Хомуш, Коҳ ота, Иброҳим ота, Кўҳак ота, Туркчи ота, Сайид Работакхўжа, Хожа Тарозишикан;

Кўкча даҳасида: Зайниддин Куҳи орифон, Йиғлоқота, Хожа Бекхўжа;

Бешёғоч даҳасида: Зангиота, Абдужалил боб, Сузукота, Хожа Нуриддин, Хожа Аламбардор<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, шаҳар ичида етти биродар (ҳафттанлар) қабри бўлиб, муаллифнинг ёзишича, улар шаҳарнинг етти жойига дафн этилган. Улардан бири Ўразалибой жоме масжиди гарбида, шунингдек Ҳавз боғда, Чармгарон масжиди орқасида, яна бири Хожа Аҳрор жоме масжиди меҳроби ортида эканлиги айtilган. Етти биродар қабри ҳақидаги маълумотлар эски шаҳарнинг ҳозирги аҳолиси орасида ҳам сақланган. Работ маҳалласидаги кексаларнинг айтишича, Саҳб ота (Соҳиб ота), Гарв ота, Султонхожи ота (Султоншайх азизлар) қабрлари ҳам ана шу етти биродарлар қабрларига тегишли экан. Умуман олганда, шаҳарда эгаси номаълум қабрлар деярли ҳар бир даҳада бўлган. Аҳоли бу қабрлар тўғрисида ҳеч нарса билмаган. Муҳаммад Солиххўжа эса ёши катта кишилардан сўраб-суриштириб, айримларини аниқлашга эришган.

Шунингдек, Тошкент ва унинг атрофида турли адабиётларда ва аҳоли орасида Қорахўжа ота (XI аср), Чўпон ота (XV аср), Оқил ота (XVII аср иккинчи ярми), Хожа Баҳриддин Доно (XIX аср боши) Оқ ота, Қўйлиқ ота, Илонли ота, Қабз ота, Саҳб ота ва бошқа кўплаб мазорлар тилга олинади<sup>2</sup>. Шунингдек шаҳарда Хожа Муҳаммад Номий, Хожа Шихобиддин, Сўфишайх азизлар, Туларшайх азизлар,

<sup>1</sup> Асарда тилга олинган мазорларнинг жойлашган ўрни ва улар билан боғлиқ бошқа маълумотлар 4-иловада келтирилган.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Носиров А. Тошкент машойихлари. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, №13416. — Т., 1945—1950. — 133—136-варақлар; Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента XIV—XIX вв. — С. 124; Тошкент. Энциклопедия. — 67, 129, 228, 369, 385-бетлар.

имом Қосим ҳазрат, Хожа Мастура, Хожа Макки (Маҳсидўзликда), Қиличлик ота (Жуйда), Хожа Мир Яъқуб (Хўжакўчада), Зарғалдоқ ота (Мурод маҳалласида) Хожа Парвоз ота (Қўшмозорда), Муродбахш (Хишткўприқда), Турсун шайх азизлар, Олим шайх ва Холим шайх (Каллахонада) Хожа Абдулло Шомий (Катта Тахтапулда), Ҳимматлик азизлар (Қозикалонда), Аваз шайх азизлар, шаҳар девори ташқарисида Турсун ота, Ҳазрат Хожа Баҳдул, Қўйчимозор ота, Куюкхўжа ота каби мазорлар қайд этилган. Тадқиқотчи Х. Бўриева эса Тошкент шаҳри мазорларини даҳалар ва жойлашган маҳалласи бўйича келтирилган архив ҳужжатларига асосланиб, бу каби айрим қабрлар жойлашган шаҳардаги 84 та мазорни қайд этиб ўтган<sup>1</sup>.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёки архив маълумотларида тилга олинган мазорлар тарихий ва афсонавий шахсларнинг зиёратгоҳ қабрлари бўлиб, улар турли даврларга мансуб. Айрим мазорлар афсонавий ёки рамзий қабрлар ўрнида юзага келган ва бу шахсларнинг бошқа жойларда ҳам қабрлари борлиги қайд этилган. Хусусан, саҳобалардан бўлган Уккоша номи билан боғлиқ қабр Балх шаҳрида ҳам бўлиб, шаҳар дарвозаларининг бири унинг номи билан юритилган<sup>2</sup>. Аслида Ҳазрат Уккоша (Абу Муҳсин ибн Муҳсин ал-Асадий) халифа Абу Бакр даврида (632—634) сохта пайғамбар

<sup>1</sup> Бўриева Х. Кўрсатилган диссертация. 8-бет, илова; Яна қаранг: ЎЗР МДА. И—1-жамғарма, 1-рўйхат, 976-иш, 25—28-варақлар.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. — Т.: Шарқ, 1999. 1-жилд. — 263-бет; Муҳаммад Тоҳир. Ажойиб ут-табақот. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 4483. — 706-варақ. Яна қаранг: Мухтаров А. Позднесредневековый Балх (материалы к исторической топографии города XVI—XVIII вв.). — Душанбе: 1980; Ахмедов Б. История Балха (XVI—первая половина XVIII в.). — Т.: Фан. 1982. — С. 27.

Тулайҳа ибн Хувайлидга қарши жангда ўлдирилган<sup>1</sup> ва, демак, Тошкент, Балх шаҳарларидаги қабрлар рамзий ҳисобланади. Ёки Иброҳим Адҳамнинг (ваф. 161/778 й.) бобоси Дарвиш Адҳам Соқанинг Балх шаҳридаги қабри ҳам Хожа Рушнойи деб аталган<sup>2</sup>. Қарши шаҳрида эса, Хожа Рушнойи қабристон ва масжиди, Китоб шаҳри қўрғони ташқарисида Хожа Рушнойи номи билан боғлиқ мазор ва унинг номида дарвоза Тожикистон Республикасида Исфара вилоятининг Қалъача мазор қишлоғида, Фалғар вилояти Хушекат қишлоғида ҳамда Хўжанд шаҳрининг Сарибаланд маҳалласида Хожа Рушнойи мазори бўлган<sup>3</sup>. Тошкент аҳолиси орасида Бобо Рушнойи номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳ мазор Чирчиқнинг чап соҳилидаги Ўлжакент деб аталган қадимий шаҳар харобаси жойлашган мавзеда ҳам бўлган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, манбаларда Бобои Обрез қабри Самарқанддаги Жокардиза қабристониди, Кўҳакота номли мазор Самарқанднинг Шавдор туманида, Кўҳак дарёси юқорисида, Хожа Аламбардор, Сузук ота ёки Кўктўнлик ота номи билан аталувчи Хожа Абдусалом қабри Сайрам шаҳрида, Фарғона вилоятида ҳам қайд этилган<sup>5</sup>. Сулаймон пайғамбар замондоши бўлган Осаф Бурҳиё номи билан боғлиқ Бурқи Саримаст мазори

<sup>1</sup> Комус ал-алом. — Истанбул: 1896. 4-жид. — 3116-бет.

<sup>2</sup> Мухаммад Тоҳир. Ажойиб ут-табақот. — 70а-варақ.

<sup>3</sup> Жуманазар А. Насаф. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 84, 122-бетлар; Қадимги Кеш — Шахрисабз тарихидан лавҳалар. — Т.: Шарқ, 1998. 176-бет; Хамза Камол. История мазаров Северного Таджикистана. — Душанбе, 2005. — С. 108, 115.

<sup>4</sup> Илькин Б. О поездке в местность древнего Ульджакента // ПТКЛА. Год 6-й. — Т., 1901. — С. 45—52.

<sup>5</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария. — Т.: Камалак. 1991. 50, 54-бетлар; Сайрам бузруглари мазорлари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 12708/3. — 64б, 70а-варақлар; Сайрам бузруглари. ЎзР ФА ШИ

эса Кўҳна Урганч ва Бухорода ҳам учрайди<sup>1</sup>.

Шаҳардаги тарихий шахсларнинг мазорлари орасида Қафқол Шоший, Зайниддин Кухи Орифон, Занги ота ва Шайх Хованд Тахур мазорлари жуда гавжум бўлган. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид биографик, агиографик асарлар ва халқ орасида турли нақлларнинг кўплиги боис оддий шаҳарликлардан тортиб Марказий Осиё ҳудудидан ташқари мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур бўлган. Хусусан, ўрта асрларда ва кейинги XVIII—XIX асрларда Қафқол Шоший, Зайниддин Кухи Орифон, Занги ота мазорларидаги зиёрат ҳолатини минтақанинг йирик қадамжолари — Имом Бухорий, Имом Мотирудий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби машҳур шахслар мазорлари зиёратига ўхшатиш мумкин эди. Айрим тарихий шахслар мазорлари XVIII—XX аср бошларида шакланган бўлиб, Муъин халфа эшон (XVIII аср тасаввуф намояндаси), Эшон Вали (Эшон Вали Санчиқмоний — XIX аср тасаввуф намояндаларидан), Ҳодихон азизлар (XIX аср тасаввуф намояндаси) каби мазорлар ана шулар жумласидандир.

Шаҳардаги шахси номаълум қабрлар бошқа минтақаларда бўлганидек, турли лақаблар билан тилга олинган. Масалан, Хожа Тарозишикан, Туркчи ота, Кўҳак ота, Тўнқатор ота, Тонготар авлиё, Зарғалдоқ ота, Йиғлоқ ота, Сандиқлик ота, Олмазор ота, Қиличлик ота, Парвоз ота каби. Бу гуруҳга мансуб айрим зиёратгоҳ мазорлар эгаларининг исми шарифи маълум бўлса-да, уларнинг келиб чиқиши ва

қўлёзмаси, № 4188. — 39а-варақ; Абдулахатов Н. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины. (По материалам святых мест Ферганского вилоята): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — Т., 2008. — С. 21.

<sup>1</sup> Сухарева Д.А. Ислам в Узбекистане. — Т., 1960. — С. 46; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. — М.: Мысль, 1970. — С. 13.

ҳаёт йўли билан боғлиқ аниқ маълумотлар йўқ ҳисоби. Айрим мазор эгаларининг эса у ёки бу мамлакатдан келиб қолганлиги таъкидланади. Масалан, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида, архив ҳужжатларида Абдужалил боб Ямандан, Хорун Румий Румдан, Шом ота Шомдан, Хожа Исо мужаррад Бағдоддан, Хожа Нуриддин Қошғардан келганлиги таъкидланади.

Таъкидлаш жоизки, тошкентликлар маънавий ҳаётида шаҳардаги зиёратгоҳ мазорлар муҳим аҳамият касб этиб келган. Ислоҳ оламида машҳур саҳобалар, тариқатнинг кўзга кўринган вакиллари, халқ орасида машҳур бўлган сўфийлар ва улар билан боғлиқ шахслар қабрлари кейинги даврларда аҳоли томонидан муқаддас деб тушунилиб, уларни зиёрат қилиш ўз мақсадларига етиштиришига, турли касалликлардан фориғ этишига ёки, аксинча, уларга ҳурматсизлик қилиш бало ва касалликларга йўлиқтиришига қаттиқ ишонганлар. Бу ҳолат Тошкент аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу борада асарда кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Айниқса, шаҳардаги тўрт улўф сиймо — Қафқол Шоший, Шайх Зайниддин, Занги ота ва Шайх Хованд Таҳур мазорлари тошкентликлар ва шаҳар меҳмонларининг эътиборли зиёратгоҳларидан ҳисобланиб, уларнинг авлодлари назорати остида бўлган. Тилга олинган тўрт қадамжодан ташқари, шаҳардаги бошқа мазорлардаги чиллахоналар, муқаддас деб тушунилган булоқлар бўйи барча тошкентликларнинг гавжум жойлари бўлган. Кўплаб сўфийлар ва талабалар мазорлардаги чиллахоналарда ибодат билан машғул бўлсалар, оддий аҳоли кундалик турмуш тарзида ёки турли мақсадларда зиёрат қилиб турганлар ва мазорларнинг ўзига хос фазилатларига ишонганлар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Тарихи жадида. — 9056-варақ. Яна қаранг: Ликошин Н. Тошкент эшонлари. 17-бет.

Шунинг учун ҳам бундай мазорлар атрофларини ободонлаштириш ишларига катта эътибор берилган. Қафқол Шоший, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Хованд Таҳур, Юнусхон мазорлари яқинида йирик мадраса ва масжидлар қурилган. Аксарият мазорларга каттагина экин майдонлари, дўконлар, карвонсарой ва тегирмонлар вақф қилинган. Айрим мазорлар эса кўчалар, ҳовлилар, мадраса ва масжидлар четларида кўримсизгина бўлиб турган.

Вақтлар ўтиши билан зиёратгоҳ мазорлар жойлашган айрим маҳаллалар гавжумлашган ва маҳалла кўчалари кенгайиб, мазор атрофида кичикроқ дўконлар жойлашган гузарлар юзага келган. Жумладан, атрофида Эшонқули додхоҳ ҳамда Юнусхон мадрасалари ва масжиди жойлашган Шайх Хованд Таҳур мазори яқинидаги майдонда ҳар жума намозидан сўнг ва ҳайит кунларида халқ сайллари бўлиб турган. Занги ота мазорида эса ҳар йили қовун пишар маҳали шаҳар аҳолиси уч кун шу ерни сайр ва зиёрат қилган. Занги ота мазорида бўлиб ўтган шундай кунларни ўз кўзи билан кўрган Н. Маев ва Ю. Казбековларнинг маълумотларига қараганда, бу пайтда чинакам сайл уюштирилиб, каттагина савдо ярмаркаси ҳам фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Қуйида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида таърифланган мазорлар тўғрисидаги маълумотларнинг қисқача мазмуни келтирилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Маев Н.А. Азиатский Ташкент. — С. 266. Казбеков Ю. Праздник в Занги ата // Туркестанские ведомости. 1915. № 34.

<sup>2</sup> Асарда келтирилган Тошкентдаги мазорлар таржимаси қисқа изоҳлар билан биз томонимиздан эълон қилинган. Қаранг: Султонов Ў. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Яссавия тариқати намояндалари мазорлари зикри // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2005. № 1. — 75–77-бетлар; Ўша муаллиф. Тошкент қадамжойлари ва мазорлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2007. № 2. — 101–105-бетлар.

## Шайхонтаҳур даҳасида

### ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР

Шайхонтаҳур даҳасидаги энг йирик мазорлардан бири бўлиб, мазкур даҳанинг ўртасида жойлашган. Мақбара иморати Нормухаммад қушбеги ҳокимлиги даврида пишиқ ғиштдан бино қилинган. Мухаммад Солиххўжанинг ёзишича, бундан олдин мақбаранинг деворлари ва томи ёғочдан бўлган. Қабрнинг шимол тарафидан суви жуда мазали ариқ оқиб ўтган. Унинг бўйидаги бир туп чинор одамлар дам оладиган жой бўлиб, айрим беморлар шу чинор остига келиб, ният қилган ҳолда ариқдан сув ичганлар. Шайх Хованд Таҳур қабри атрофи катта қабристон бўлиб, мақбара гумбазининг ғарб томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ ғиштдан қурилган чиллахона бўлган. Мазкур гумбазни она томондан Шайх Хованд Таҳурга авлод ҳисобланган Хожа Аҳрор бино қилдириб, унинг ўртасига бир тош лавҳ ҳам ўрнатган. Ўша пайтларда Шайх Хованд Таҳур мақбарасидан то қабристонгача икки томони сарв дарахтли хиёбон бўлган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида мазкур хиёбон Шайх Хованд Таҳур, баъзан Юнусхон майдонгоҳи деб тилга олиниб, аҳоли XIX асрда ҳам ийд намозидан сўнг сайр қиладиган жой бўлган. Аҳоли гавжум бўладиган бу ерда савдо дўконлари ҳам ишлаб турган.

### ҚАЛДИРҒОЧБИЙ

Мухаммад Солиххўжанинг ёзишича, Шайх Хованд Таҳур мақбарасининг шимол тарафида чодирга ўхшаш баланд гумбаз ичида Дашти Қипчоқ шаҳзодаларидан бирининг қабри бўлган. Асардаги

маълумотларга қараганда, ушбу шаҳзода шайх Умар Боғистонийнинг муридларидан бўлиб, улардан қабр жойлашган ерда кейинчалик ўзи дафн қилиниши учун бир парча ер сўраб олган. Шаҳзода жуда тақводор бўлиб, ўз умрини мазор жойлашган ерда тоат-ибодат билан ўтказган ва шайх Умар Боғистоний фарзандларидан бирининг бу ерга келиши ва бу жойлар обод бўлишига сабаб бўлишини башорат қилган. Шаҳзода ўзи яшаган иморатнинг томига уя солган қалдирғочларга меҳр билан қарагани учун ҳам туркий тилли аҳоли оғзида Қалдирғочбий номини олган. Археологик маълумотларга қараганда, обида XIV асрларда қурилганлиги тахмин қилинади. Қалдирғочбий мазорига қозоқларнинг Катта жуз оқсоқоли Тўлабий Алибек ўғли (1663—1756) дафн қилинган деган тахминлар ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

### ЮНУСХОН

Асарда ёзилишича, Алачахон (Султон Аҳмадхон) Шайх Хованд Таҳур мақбарасининг ғарб томонида, тахминан 6 таноб ер олиб, отаси қабри устига мақбара бунёд қилдирган. Мақбара 8 буржли тош гумбаз ва пишиқ ғиштдан, тўрт томонига солинган ҳужралардан иборат бўлган. Мақбара яқинида тиловат қилувчилар учун бир гумбаз ичига икки ҳужра ҳам қурилган. Мақбарага Алачахон томонидан Салор ариғи шарқидаги Пул емас деган жойдан тахминан 100 ман ер вақф қилинган бўлиб, Мухаммад Солиххўжа даврида ҳам мақбара вақфномаси мавжуд бўлган. Юнусхон мақбараси гумбази Тошкентда юз берган zilзиладан қулаб тушган. Шундан

<sup>1</sup> Қаранг: Пугаченкова Г.А. Мавзолей Кальдыргачбия // Изв. АН КазССР. № 80. Серия архитектура. — Алма-Ата: 1950. — С. 90; Святой покровитель ласточек // Вечерний Ташкент. 1996, 24 апреля.

сўнг Қўқон хони Маллахон буйруғи ва моддий кўмағи билан 1275 (1858) йилда эшон Шарифхўжа раис қози ул-қуззот томонидан таъмирланган. Аҳоли орасида Юнусхон мазорига одобсизлик билан кирган киши охири офир ва бедаво дардга чалинади деган тушунча бўлган.

Юнусхон Чигатойхон авлодига мансуб бўлиб, 1462–1487 йилларда Мўғулистонда хонлик қилган. Унинг набираси бўлган Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ёзилишича, темурий Шохрух Мирзо даврида Юнусхон 13 ёшидан Язда машхур муаррих олим Шарафиддин Али Яздий қўлида тарбияланган. Форс, Озарбайжон, Қазвин ва Шерозда кўплаб шайхлар ва олимлар суҳбатида бўлган. Кейинроқ ўз саройида ҳам бўш вақтларини Қуръони каримни ихлос билан ўқиш ва кўчириш ҳамда бошқа санъат турлари билан шуғулланиб ўтказган. Юнусхон тақводорлиги билан Хожа Аҳрорни ҳам ҳайратга солган ва унинг мусулмон ҳукмдорларига Мўғулистондаги исломга кирган мўғулларни бундан буён қул қилиб сотмаслик ва сотиб олмаслик тўғрисида номалар юборишига сабабчи бўлган. Юнусхон Хожа Аҳрор билан 1482 йилда Марғилонда ва 1485 йилда Тошкентда икки бор учрашган<sup>1</sup>. Хожа Аҳрорга ҳурмати юзасидан Юнусхонни Хожа Аҳрорнинг бобоси Шайх Хованд Тахур мазорига дафн қилинган.

#### КЎКТЎНЛИК ОТА

Кўктўнлик ота қабри юқорида тилга олинган Шайх Хованд Тахур мақбараси яқинидаги чинор дарахти остида, ариқнинг жанубида бўлган. Кўктўнлик ота

<sup>1</sup> Султонов Ў. Хожа Аҳрор ва унинг авлодлари билан Мўғулистон хонлари ўртасида муносабатлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004, № 2. 107–109-бетлар.

Шайх Хованд Тахурнинг жорубкаши бўлиб, ким Шайх Хованд Тахур зиёратига келса, Кўктўнлик отани дуо қилиб ёдга олар экан. Умуман олганда, шаҳарда Кўктўнлик ота номида кўплаб мазорлар тилга олинган. Архив ҳужжатларига қараганда, бу мазорлар Шайхонтахур даҳасининг Девонбеги, Себзор даҳасининг Хўжакўча, Тахтапул, Чувалачи маҳалларида ҳам бўлган. Мазкур мазорлар турли ерда бўлишига карамай, уларнинг зиёрати хусусияти ёш болаларда учраб турадиган кўкйўтал (коклюш) касалига шифо бўлишидир. Шунинг учун бўлса керак мазор «Кўктўнлик ота» номи билан ҳам тилга олинади. Шаҳарнинг Чувалачи маҳалласида олиб борган кузатув ишларимиз жараёнида бу ердаги Кўктўнлик ота қабрига бугунги кунда ҳам аҳоли ёш болаларни олиб келиб, мазор ҳаққига садақа бериб кетишининг гувоҳи бўлдик.

Кўктўнлик ота номли мазор Уйғур автоном вилояти (ХХР)нинг Масагит ноҳиясида ҳам бор. Лекин, ушбу мазор номининг этимологияси бир оз бошқачароқ, яъни у «Кўк толлик» бўлиб, кўчада толлар борлиги билан изоҳланган<sup>1</sup>.

#### ХОЖА ДОВУД

Хожа Довуд Шайх Хованд Тахурнинг ўғли бўлиб, унинг қабри Шайхонтахур даҳасининг Оқмасжид маҳалласи ғарбида, маҳалла масжидининг орқасида жойлашган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, ўша масжид ҳам Хожа Довуднинг масжиди ҳисобланган. Ўша пайтда шаҳарликлар Хожа Довуд қабри масжидида уч кун шаръий шартлар билан эътикофда бўлиб, нафл рўзасини тутганларга худойи таоло илоҳий илмлар ато қилишига ишонганлар.

<sup>1</sup> Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари (уйғур тилида). — Урумчи, 2001. — Б. 114.

## ХОЖА РУШНОЙИ

Хожа Рушноининг лақаби Хожа Чироббардордир. Унинг қабри Хожа Довуд мақбарасидан 150 қадам ғарбда, қабристон ўртасида бўлган. Ривоят қилишларича, шаҳарликларнинг бирор-бир мурод-мақсади бўлса, жума куни кечаси Хожа Рушноий мақбараси бошида шам ёқиб, тиловат қилиб, бунинг савобини ул зотнинг руҳи покларига бағишлаган.

Мавжуд маълумотлар ўзбек-туркий аҳоли тилидаги «Чироббардор» ёки форс-тожик тили аҳоли тилидаги «Хожа Рушноий» деб ном олган зиёратгоҳ-қабрлар эгалари ўтмишда бирор-бир тасаввуф намояндаси ёки таниқли шахслар мазорининг (одатда ўша қабр яқинида) чироқчиси бўлганидан дарак беради. Хусусан, Тошкентдаги Хожа Рушноий Шайх Хованд Тахурнинг ўғли Хожа Довуд мазорининг чироқчиси бўлган. Шайхонтахур даҳасида, ушбу мазор жойлашган маҳалланинг Хожа Рушноий номини олишига қараганда, мазор катта тарихий даврни қамраб олади.

## БОБОИ ОБРЕЗ

Шайхонтахур даҳасидаги мазорлардан бири Хожа Аҳрорнинг Ҳавзбоғдаги пишиқ гиштли масжиди яқинидаги Ҳазрат Бобои Обрез мақбараси бўлиб, унинг дарвозаси Катта кўча томонда жойлашган.

## ҲАЗРАТ ХОЖА УККОША

Чорсунинг жануби ғарбида Ҳазрат Хожа Уккошанинг (р.а.) мўътабар қадамжоси жойлашган бўлиб, асардаги маълумотларга кўра у киши Мадинадан дин даъвати учун келган саҳоба мужоҳидлардан бўлган. Ривоятларга кўра, жанг пайтида жума намози таҳорати учун муборак асолари билан пастлик ерга

ишора қилганларида, қадамлари остидан чашма пайдо бўлиб, сув фавворадек отилиб чиққан экан. Кимки жароб (қичима) касалига мубтало бўлган бўлса, ихлос ва эътиқод билан шу сувда ғусл қилиб, икки ракат намозни уларнинг масжидлари ёнида адо этса ва савобини Ҳазрат Уккошанинг руҳи покларига бағишлаб, Каломи раббонийни тиловат қилса, гўё ўша касалдан шифо топган.

## ТЎНҚАТОР МАҚБАРАСИ

Шайхонтахур даҳасининг Турк маҳалласида, Шайхонтахур арифининг юқорисида Тўнқатор мақбараси жойлашган. Тўнқатор Хожа Аҳмад Ясавийнинг муридларидан бўлиб, шу ном билан танилган ва кароматгўйлик хислатига эга бўлган. Маълумотларга қараганда, умрларининг охирида шу ариқ бўйида яшаган.

## ТОНГОТАР АВЛИЁ

Мазкур қадамжой ҳақида маълумотлар жуда кам. Фақатгина «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида шаҳарнинг шарқий қисмида, ариқ яқинидаги Тонготар авлиё номида улуғ кишилардан бирининг қабри борлиги тилга олинади, холос.

## ХОЖА ИСО

Чехлбулоғ гузарида Хожа Исо мужарраднинг мазори бўлиб, Тошкентга Бағдоддан келган. Хожа Исо олим, зоҳид, ўз даврининг сараси ва сажданешини бўлган. Баловат ёшидан то умрининг охиригача уйланмасдан ўтгани боис «мужаррад» номини олган. Хожа Исо мазори ортида чашма бўлиб, унинг суви жуда ширин, бундан ташқари ёзда совуқ, қишда илиқ бўлган.

## МЎМИН ШАЙХ АЗИЗЛАР

Мўмин шайх мазори Шайхонтахур даҳасининг Мўғулкўча маҳалласида, Қосимбой Қоратутий мадрасасига туташ ердаги баландликда жойлашган бўлиб, «улар ўз даври сулуки соликлари ва сажда-нешин муршидларидан, толиблар ҳодийси ва зокирлар раҳномоси бўлганлар», деб ёзади Муҳаммад Солиҳхўжа.

1883 йилга мансуб Қосимбой Қоратутий мадрасаси вақфномасида ҳам мазкур мадрасанинг Мўмин шайх азизлар мазорига туташ бўлганлиги тилга олинади.

## БЎРҚИ САРИМАСТ ВАЛИЙ

Бўрқи Саримаст валий қадамжоси мазкур даҳанинг Хиштмасжид гузаридида жойлашган бўлиб, унинг биносидидаги баланд гумбаз ўратепалик юз жамоасидан бўлган Қурбонбой томонидан барпо этилган.

## Себзор даҳасида

### ҚАФФОЛ ШОШИЙ

Қаффол Шоший мазори Ҳазрати Имом маҳалласида бўлиб, мазор атрофида тош ва пишиқ гиштдан баланд гумбазли иморатлар қурилган. Эшон Азизхон Абдулқайюмхўжа ўғли мазор яқинида қурилиш олиб бориб, бу ерда бир неча гумбаз, пишиқ гиштли минорадан иборат жоме масжидни 1292 (1875/76) йилда қуриб битказган. Асарда қайд этилишича, Қаффол Шоший мазорининг ортида кўплаб сулук машойихлари ва уламолари дафн қилинган экан. Себзор даҳаси ҳам дастлаб Имом Қаффол Шоший номи билан юритилган. Шаҳар ичида ва ташқарисида кўплаб дўконлар ва ерлар Қаффол Шоший мазорига вақф қилинган.

Мазорнинг Қўқон хони Умархон даврига тегишли вақфномасида келтирилишича, Мулла Мир Бадал махзумча ибн Мир Шариф ибн Мир Надрбой исмли шахс ўз мулки бўлган Тошкент шаҳри қўрғони ташқарисида, Чаҳордара мавзеидаги Кўрхўжа ота ариғи тармоғи бўлган Дарвозакент ариғидан сув ичувчи тахминан 3 таноб деҳқончиликка яроқли ерини Қаффол Шоший мазорига вақф қилган.

Ҳижрий 1269 йил зулҳижжа ойида (1853 йил, сентябрь) тасдиқланган яна бир вақфномада эса, ўша вақтда Тошкент ҳокими бўлиб турган Шодмонхўжа парвоначининг (кейинроқ қушбеги) ўғли Сайидғозихўжа тарафидан ажратилган мол-мулклар тилга олинган. Унда келтирилишича, Сайидғозихўжа мақбаранинг ғарб томонида 10 та дўкон, шу мавзеда яна 16 та дўкон, Қаффол Шоший мақбараси яқинидаги Ҳазрат Хожа Моҳруй мазори ортида жойлашган 10 та дўкон, жами 36 та дўконни Қаффол Шоший мазорига вақф қилган. Мутавалли этиб тайинланаётган Саримсоқхўжа эшон Сайидхон ўғлининг вақф мулкларидан келадиган тушумларни шаръий ҳукмлар асосида мақбара таъмирига сарфлаши шарт қилиб белгиланган. Вақф ҳужжатида мазордаги масжиднинг бир неча ҳужраларида талабалар таҳсил олиши ҳам айtilган.

### НИЗОМУДДИН ХОМУШ

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, Қаффол Шоший мақбарасининг жанубига Низомуддин Хомуш дафн қилинган бўлиб, уларнинг мақбараси жанубида Бароқхон мадрасаси жойлашган. Ушбу мазор ҳақида аниқ маълумотлар кам.

Себзор даҳасида Хожа Тарозишиканнинг мақбараси мавжуд бўлиб, улар ўз даврида раис ва мухтасиб, ҳол ва қол илмида олим, сара муаллим ва мударрис бўлганлар. Уларнинг ажойиб кароматларидан бири шуки, агар бозор аҳлининг тарозисида нуқсон бўлса, тарози паллаларини бири-бирига уриб нуқсонини изҳор қилган. Унинг бу ҳаракатидан фирибгар бозор аҳли, яъни савдогарлар шармисорликдан хижолат бўлиб қолганлар ва бу зотни бозорда кўрганлар «Тарози синдирувчи хожа келяпти», дер эканлар. Шунга кўра уларни Хожа Тарозишикан деган лақаб билан атаганлар.

ХОЖА ЯККА

Себзор даҳасида Бегларбеги мадрасаси гарбидаги бир қабр Хожа Якка қабри номи билан машҳур бўлган. Асардаги маълумотларга қараганда, Хожа Якка қадим замонларда кофирлар билан бир неча бор муҳораба қилган. Шундай муҳорабаларнинг бирида кофирлар Хожа Якканинг бошини танасидан жудо қилганда, у ўз бошини бағрига босганча анчагина юриб, бир мавзегга етиб йиқилган ва муборак жасадлари ўша ерга дафн қилинган. Бу жой XIX асрда шаҳар аҳолисининг зиёратгоҳларидан бўлган. Айрим маълумотларга қараганда, Хожа Якка Қафғол Шошийнинг мулозимлари ва мужоҳидларидан бўлганлар.

ТУРКЧИ ОТА

Чигатой дарвозаси яқинидаги мазор. Туркчи ота номи билан машҳур бу шахс ақлий ва нақлий илмларда олим, Аҳмад Яссавий сулуки соликларидан бўлган. Туркчи ота араб тили ва бошқа илмлардан дарсгўйлик қилган ва талабалар билан туркий тилда суҳбат ва баҳс олиб боргани боис ана шу номни олган экан.

Себзор даҳасида, Қорасарой дарвозаси яқинидаги мазор Саид Работакхўжа деб аталган. Ушбу мазор ҳақида маълумотлар кам.

КОҲ ОТА

Тахтапул дарвозаси ёнида Коҳ ота мазори бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Коҳ ота Хожа Аҳмад Яссавий сулукига мансуб бўлган. А. Носировнинг «Тошкент машойихлари» мавзуида тўплаган материалларидаги маълумотларга қараганда, Коҳ отанинг асл исми Саид Камолиддин Шомий бўлган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа кўплаб кишиларнинг Коҳ отанинг чилахоналарида покланиш учун, ўзининг ғойибий мақсадларига етишиш учун сидқидилдан ўтирганликларини таъкидлайди. XIX аср бошларида Себзор даҳасида Коҳ ота ёки Коҳотаи бузрут маҳалласи ва мавзеи бўлган. Ҳозирги кунда бу жойда шу номда маҳалла мавжуд бўлиб, Коҳ ота номида масжид ҳам фаолият кўрсатади. Масжид ичида Коҳ ота мақбараси бўлиб, зиёратчилар келиб туради. Мақбара ҳашар йўли билан таъмирланган, лекин алоҳида қайта таъмирланиб атрофи ободонлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ИБРОҲИМ ОТА

Қорасарой дарвозасининг ташқарисида Иброҳим отанинг мазори жойлашган<sup>2</sup>. Иброҳим ота мақбарасидан то Қорасарой дарвозасигача ярим фар-

<sup>1</sup> Носиров А. Тошкент машойихлари. — 126-варақ.

<sup>2</sup> Иброҳим ота мақбараси (XV—XVII асрлар) Хожа Аҳмад Яссавийнинг отаси Иброҳим Ота қабри устига қурилган, пештоқ ва гумбазли биргина хонадан иборат. Умумий тарҳи 6,4×9,34 м, баландлиги 5,65 м. Қ а р а н г: Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента. — С.126; Тошкент. Энциклопедия. — 129-бет.

сахдан камроқ масофа бўлган. Уларнинг зиёратига кўплаб одамлар қадам ранжида қилган. Айниқса, XIX асрда аксарият толиби илмлар Иброҳим ота чиллахонасида ибодат билан машғул бўлган.

#### КЎҲАК ОТА

Кўҳак ота қабри Себзор даҳасида, шаҳар қўрғонининг ташқарисидаги мазорда жойлашган, Муҳаммад Солиххўжанинг ҳисобига кўра мақбарадан Тахтапул дарвозасигача 2000 қадам масофа бўлган. Мақбаранинг шимолидан Кайкобус ариғи оқиб ўтган. Кўҳак ота машойихи киборлардан саналиб, агар бирор киши бу мазорга беодобона қадам босса, охир-оқибат бедаво молихулийо<sup>1</sup> касалига мубтало бўлган.

#### Кўкча даҳасида

##### ШАЙХ ЗАЙНИДДИН КУҲИ ОРИФОН

Кўкча даҳаси шайх Зайниддин Куҳи Орифон мазори жойлашгани учун шайх Зайниддин Куҳи Орифон даҳаси деб ҳам аталган. Бу даҳа Тошканд шаҳрининг ғарбида жойлашган, шайх Зайниддин Куҳи Орифон мақбараси эса Кўкча дарвозасининг ташқарисида бўлиб, мақбарадан Муҳаммад Солиххўжа ҳисоб-китобига кўра 1800 қадам бўлган.

#### ХОЖА БЕКХЎЖА

Кўкча даҳасидаги мазорлардан. Хожа Бекхўжа Тошкандий Сажданешин ва дин соликлари раҳнамоларидан бири бўлиб, мақбараси Кўкча дарвозаси ва шаҳар бозори орасида, Зах ариғи бўйида жойлашган. Хожа Бекхўжа фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар кам.

<sup>1</sup> Молихулийо — меланхолия, яъни руҳий касаллик.

#### ЙИҒЛОҚ ОТА

Бу даҳадаги мўътабар мазорлардан яна бири Йиғлоқ ота номи билан аталган. «Уларнинг мазорининг бундай номланишига сабаб шуки, кишилар у зоти бобаракот зиёратига қадам ранжида қилсалар, аввало, таҳорат олиб, сўнг бу даргоҳ учун икки ракат намоз адо қилиб, Каломи раббоний тиловат қиладилар. Шундан сўнг сидқидилдан эътиқод қилган ҳолда жомасини ечиб, ул хонага кирадилар ва қибла томондаги новвадон остига яланг оёқ ҳолда тик турадилар. Ҳар кимки пок эътиқодли ва тамоман ихлосли бўлса, бир оздан сўнг қуруқ новвадондан йиғига ўхшаган (товуш билан) сув оқиб (қишининг) бошига қўйилади. Ғуслдан сўнг сув тўхтайтиди. Баъзи (яъни ихлос қилмаган) кишиларга бир қатра ҳам сув тушмайди», деб ёзади Муҳаммад Солиххўжа.

#### Бешёғоч даҳасида

##### ЗАНГИ ОТА

Занги ота мазори Самарқанд дарвозаси ташқарисида жойлашган бўлиб, мақбарадан шаҳаргача бир фарсах йўлда узлуксиз боғ, ҳовуз, чорбоғ ва дарахтзор ҳамда бир қанча қарвонсарой ва дўконлар барпо этилган. Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, Занги ота мақбараси иморатини Амир Темур бино қилган<sup>1</sup>. Мазорнинг уч томонидаги иморатни Нормуҳаммад қушбеги мадраса қилиб, ҳужралар солган. Қаноат оталиқ эса, 1870 йилда айвонни олиб ташлаб, пишиқ гиштан масжид қурдирган, гумбазларни таъмирлаган. «Тарихи жа-

<sup>1</sup> Амир Темур томонидан Занги ота мақбарасининг бино қилиниши Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси қурилиши билан бир пайтга, яъни 1389—1392 йилларга тўғри келади. История Ташкента. — С. 59.

дидаи Тошканд» асарида ёзилишича, ҳар йили қовун пишар маҳали шаҳар аҳолисининг ақобирлари уч кун у ерга сайр ва саёҳат қилишга келганлар ва бу томоша атроф шаҳарларга ҳам маълум бўлган. XIX аср охирларига келиб, Занги ота мақбараси атрофида ўзига хос меъморий ансамбль, юзага келган бўлиб, у Занги ота ва Анбар биби мақбараси, юқорида тилга олинган мадраса-масжиддан иборат бўлган. 1866 йилги зилзиладан зарар кўрган Занги ота гўрхонаси 1887—1888 йилларда таъмирланган. 1914—1915 йилларда эса минора қурилган.

#### АБДУЖАЛИЛ БОБ

Ҳазрат Занги ота мазорининг жанубида Абдужалил бобнинг қабри машҳур бўлган. Уларнинг қабридан то Занги отанинг мазоригача ярим фарсахлик йўл бўлган. Ҳозирда Абдужалил боб қабри Зангиота — Янгийўл йўлидаги Абдужалил мазори ўртасидаги шийпонда. Шийпон остида иккита қабр бўлиб, улар имкон даражасида таъмирланган бўлсада, қаровсиз аҳволда. Маҳаллий аҳоли орасида асли Яман мамлакати подшоҳи бўлган ва кейинчалик ғазот учун Шош ўлкасига келиб вафот этгани таъкидланадиган Абдужалил боб мазори билан боғлиқ воқеалар асосини Муҳаммад Ҳанафия авлодлари фаолияти ташкил этади. Мазкур шахс билан боғлиқ насабномаларда келтирилган маълумотларга кўра, Абдужалил боб ибн Абдурахмон боб ибн Абдуқаҳҳор ибн Абдужаббор ибн Абдуфаттоҳ ибн Муҳаммад Ҳанафия ибн Али (р.а.) Яман подшоҳи бўлган. XIX асрда шаҳарлик аҳоли томонидан Абдужалил бобга туркий элатларнинг 92 машойихларидан бири сифатида баҳо берилган.

Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишига қараганда, Бешёғоч даҳасида Сузук ота мақбараси жойлашган бўлиб, уларнинг насаби Ҳаким отага уланган. «Хужжат уз-зокирин» асарида бу шахснинг исми «Сузук ота» ва «Суксук ота» деб тилга олинди, асл исми шайх Мустафоқули бўлиб, Сайрамда туғилганлиги таъкидланади. А. Носиров келтирган маълумотларга кўра, Сузук ота Исмоил отанинг кенжа ўғиллари бўлган. Бошқа бир маълумотларга кўра, Мустафоқули Аҳмад Яссавийнинг Гавҳари Хуштож исмли қизининг кенжа фарзанди бўлиб, 1140—1217 йилларда яшаган. Уларнинг бундай аталишига «Бузургони Сайрам» асарида келтирилишича, қошлари қалин ва қорақўз бўлганларидан, боболари Аҳмад Яссавий «Бизнинг сузугимиз келдилар, келинг, келинг», дейишлари сабаб бўлган экан. Сузук ота балоғатга етгач, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чуқуркўприк, Мирлар ва Чақар маҳаллари оралиғидаги жойларга келиб ўрнашган. Сузук ота уста ҳунармандларнинг пири бўлиб, кейинчалик у яшаган усталар маҳалласи Сузук ота номини олган<sup>1</sup>.

#### ХОЖА НУРИДДИН

Бешёғоч даҳаси Занги ота маҳалласида Хожа Нуриддиннинг мақбараси бўлган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, мазкур шахс Маҳдум Аъзам авлодларидан Офоқхўжа силсиласидан. Маълумотларга қараганда, Хожа Нуриддин Фарғона, Дашти Қипчоқ ва Кошғарда машҳур бўлган, Тошкентга эса умрининг охирларида келиб яшаб қолган экан. Бошқа маълумотларга қараганда, Хожа Нуриддин бобо

<sup>1</sup> Носиров А. Тошкент машойихлари. — 127-бет; Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. — 18-бет.

Сайид Муҳаммад Тошкандий исми шахснинг ўғли бўлган. У Хожа Аҳрорнинг муриди ва Тошкентдаги Хожа Аҳрор мадрасаси мударриси бўлган. Хожа Нуриддин мақбараси гумбази 1866 йилдаги zilзиладан қаттиқ шикастланиб қулаб тушган ва кейинчалик қайта тикланган. Мақбара ҳозир Шайхонтаҳур туманидаги 85-ўрта мактаб ҳовлисида жойлашган.

#### ХОЖА АЛАМБАРДОР

Хожа Аламбардор мазори Тошкент қалъа деворларидан ташқарида 300 қадам масофада жойлашган. Муҳаммад Солиххўжа «Тарихи Байзобий» асаридаги маълумотларга таяниб ёзишча, чилтонлардан бири дунёдан ўтганда қолганлари ўз шериклари ўрнига Хожа Аламбардорни муносиб кўрган эканлар.

Мақбара атрофида олиб борилган қазишмалар натижасида X асрга тегишли тураржой қолдиқлари топилган. Хожа Аламбардор қабристонини XV—XVI асрлардан буён мавжуд бўлса-да, мақбаранинг ўзи XVIII аср охири — XIX аср бошларига тегишли.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Хожа Аламбардорнинг асл исми Сайид Абдулазиз бўлиб, у Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида ислом динини тарқатиш учун кураш олиб борган Муҳаммад Ҳанафия авлоди Исҳоқ боб қўшинида байроқдор бўлгани айтилади. Исҳоқ бобнинг қахрамонликлари ёритилган насабномалар ва агиографик асарларда келтирилишича, Сайид Абдулазиз Сайрам учун бўлган жангда етмиш еридан яраланиб шаҳид бўлган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Сайрам мазорларига бағишланган махсус рисолаларда ушбу шаҳарда Хожа Аламбар-

<sup>1</sup> Яссавий насабномаси ва Амир Темур. — Тошкент, 1996. — 9-бет.

дорнинг қабри ҳам борлиги қайд қилинган. Айрим ривоятларда эса, Хожа Аламбардорнинг Қафқол Шоший мулозимларидан бўлганлиги ҳам тилга олинади.

Шаҳарда Хожа Аламбардор мазорининг вақф мулклари ҳам бўлган ва уларни бошқариш ўзларини Хожа Аламбардор авлодлари деб ҳисобловчи кишилар қўлида бўлган. Хусусан, мазорнинг сақланиб қолган ҳужжатларидан бирида, яъни аштархоний Субхонқулихон (1681—1702) ёрлиғи билан Хожа Аламбардор авлоди, Хожа Яъқуб исми шахс мазорнинг Тошкент намозгоҳидаги вақф ерларига мутавалли этиб тайинланган. 1866—1867 йилда эса Тошкент қозихонаси томонидан Хожа Аламбардорнинг авлодлари бўлган Эшон Обидхўжа, Юсуф Алихўжа ва Шамсиддинхонларга ушбу вақф ерига мутаваллилик қилишга гувоҳнома берилган.

#### Тошкент атрофида

#### ШАЙХ УМАР БОҒИСТОНИЙ

Тошкент шарқидаги Шайх Умар Боғистоний мазори Шайх Хованд Таҳурнинг отаси сифатида тошкентликлар орасида катта обрўга эга бўлган ва шаҳарликлар томонидан тез-тез зиёрат қилинган, унга вақф мулклар ажратилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишча, Шайх Умар Боғистоний насабномаси унинг авлодлари ҳисобланувчи Хумсон ота хўжалари қўлида бўлган.

#### КУМУШ ОТА/МУҲАММАД ПАРРАНДА

Фарак дарёсининг энг юқорисида, Зарғалош (ҳозирги Пском) тоғида Кабутар Кумуш ота мазори жойлашган ва тоғ Кумуш ота тоғи деб ҳам аталган. Муҳаммад Солиххўжа уларнинг исмлари шайх Умар Боғистоний насабномасида парранда шайхлар ичи-

да шайх Муҳаммад парранда номи билан келтирилганлигини таъкидлайди. «Бу тоғнинг насим ҳавоси ва шабодаси жаннатникидек ва кимки, уларнинг зиёратига, ўша маъвога қадам ранжида қилса, беихтиёр бир неча кундуз масту мустағрақ ва мастонавор юради. Уларнинг камолотлари ва тафсилотлари боболарининг маноқибларида мазкурки, ҳозир ул маноқиб Хумсон отанинг авлиё хожалари қўлида мавжуддир», деб ёзади Муҳаммад Солиххўжа.

#### ИДРИС ПАЙҒАМБАР ҚАДАМЖОЙИ

Чотқол тоғларида Идрис пайғамбар мазори бўлиб, аҳоли у ерни Идрис пайғамбар қадамжойи деб атаган<sup>1</sup>. Муҳаммад Солиххўжа яшаган даврда кўплаб кишилар асосан ёз фасли, сунбула буржида ўша жойга зиёратга борганлар. Муаллиф Идрис пайғамбарнинг масжиди нишонлари Сайрам шаҳрида эканлигини ҳам қайд қилиб ўтган.

#### БОБО САРДОР ОТА/БОБО ЧИРТАР ОТА

Чирчиқ дарёсининг Пули Барбар кўприги яқинида Бобо Сардор ота ёки туркий аҳоли тилида Бобо Чиртар ота қадамжойи бўлиб, Муҳаммад Солиххўжа уни саҳобалардан Ҳазрати Икрама деб тилга олади. Қадамжой чеккасидаги булоқ яқин атрофдаги ерларни сув билан таъминлаган.

<sup>1</sup> Чотқол тоғларида жойлашган ушбу зиёратгоҳнинг XIX аср охирларида алоҳида вақф ерлари бўлиб, махсус тайинланган мутаваллилар томонидан бошқарилгани таъкидланади. Қ а р а н г : Сборник материалов по мусульманству . — СПб., 1899. — С. 63.

#### АРСЛОНБОБ ЗИЁРАТГОҲИ

Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, Сирдарё дарёси бўйида(?) жойлашган бўлиб, ён атрофдаги туркий аҳолининг гавжум зиёратгоҳларидан бири бўлган. Бу ердан ўтувчи савдогарлар албатта Арслонбоб мазорида тўхтаб уни зиёрат қилиб, сўнг йўлга тушганлар.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, зиёратгоҳ-мозорлар шаҳар ташқи кўринишига ва, айниқса, топографиясига катта ўзгаришлар олиб кирдики, уларни қуйидагиларда кўрсатиш мумкин:

— мозорлар ўз ўрнига кўра шаҳар ичи ва ташқарисида аҳоли учун шаҳар томонлари ва йўналишларни аниқлаштирувчи асосий мўлжал объект вазифасини ўтаган. Мозорлар жойлашган кўчалар, мавзе ва маҳаллалар ҳамда уларгача бўлган масофа (фарсах ёки қадам ўлчовида) аҳоли орасида маълум бўлган;

— мозорлар номи шаҳар топонимиясида кент тарқалиб, даҳа, маҳалла ва мавзеларга, кўчаларга нисбатан ҳам қўлланилган. Хусусан, тўрт даҳа номи ҳам дастлаб шаҳарда яшаб ўтган Абу Бакр Қаффол Шоший, Шайх Зайниддин, Шайх Хованд Таҳур, Занги ота номлари билан аталган.

— мозорлар атрофида мадрасалар ва катта-кичик масжидлар барпо этилган. Уларга Қаффол Шоший мазоридаги Бароқхон, Бегларбеги, Юнусхон мазоридаги Юнусхон, Занги ота мазоридаги Нормуҳаммад қушбеги, Ҳазрат Уккоша мазори яқинидаги Хожа Аҳрор мадрасалари ва кўплаб масжидларни мисол қилиб келтириш мумкин. Дарвишхон намозгоҳи номи билан аталган, Бароқхон даврида бунёд этилган қадимий Намозгоҳ ҳам Ҳазрат Уккоша қабри атрофида юзага келган;

— мозорлар яқинида зиёратгоҳ мажмуалар шакл-ланиб, шаҳарнинг меъморий тузилишига катта таъсир ўтказган. Зиёратгоҳ-мозорлар атрофларида озодаликка ва ободончиликка катта эътибор берилган ва уларга олиб боровчи йўлларда, уларнинг яқинларида хиёбонлар ва ҳовузлар барпо қилинган.

### МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТ НАМОЯНДАЛАРИ

«Тарихи жадидаи Тошканд» кўпроқ сиёсий тарих услубида ёзилган асарлар сирасига кирса-да, унда Тошкент шаҳри маданий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар ҳам анчагина. Улар асарнинг, асосан, Тошкентга бағишланган қисмида учрайди.

Ўрта Осиё хонликларида XVIII—XIX асрларда ҳам диний фанлар билан бир қаторда тор доирада бўлса-да, илм-фан ва санъат намояндалари етишиб чиқди. Жумладан, Қўқон хонлигида, Умархон саройи доирасида яратилган адабий муҳит минтақадаги адабий юксалишнинг сўнгги босқичларидан бири бўлди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, бу даврда Тошкентдаги маданий-маънавий ҳаёт, асосан, Тошкент — Қўқон, Тошкент — Бухоро маданий алоқалари асосида ривожланишда давом этган.

Тошкент кўплаб маданий-маънавий ҳаёт вакиллари яшаб ижод қилган маданият марказларидан бўлиб, XVI—XVIII асрларда «Тошкандий» нисбаси билан машҳур бўлган кўплаб илм-фан, адабиёт, хаттотлик ва китобат иши усталари фаолият олиб борганини кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>1</sup>. Албатта, XVIII—XIX асрларда илм-фаннинг у қадар кучли вакиллари

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. — Т.: Фан, 1983. История Ташкента. — С. 107.

чиқмаган бўлса-да, тошкентлик илм аҳли ва маънавий ҳаёт намояндалари шаҳардаги маданий муҳитни маълум маънода жонлантиришга муваффақ бўлганлар. Жумладан, бу даврда Холис Тошкандий, Мирза Азиз Тошкандий, Умарбек Охунд Тошкандий, Кулфат, Зоир Тошкандий, Азизуллохон Тошкандий, Шоҳхўжа Ҳаким Шарифхўжа ўғли — Шоҳи Тошкандий, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, хаттот Ойхўжа Тошкандий кабилар айни шу даврда фаолият кўрсатган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарининг Тошкент тавсифига оид қисмида Муҳаммад Солиххўжа ҳар бир даҳадаги таниқли шахслар тўғрисида ҳам қисқа биографик маълумот беради. Уларни ижтимоий ҳолатига кўра диний мансаб эгалари (қози, муфтий, аълам, охунд), тариқат вакиллари (эшонлар, сўфийлар), мударрислар ва бошқа касб эгаларига (ҳунармандлар, табиблар, мусиқачилар) киритиш мумкин.

Тилга олинган шахслар муаллифнинг узоқ-яқин танишлари ва дўстлари бўлиб, улар ҳақида ёзганида, негадир аниқ бир мезонга асосланмаган, барчасининг ҳам ҳаёти ва вафот йилларини аниқ келтирмаган ва улар яшаган даврни тахминий айтиб ўтган, холос. Масалан, Азизлархўжа аълам Олимхон давридан руслар истилосигача, Эшон Абдусамийхўжа хатиб Олимхон давридан Лашкар бегларбеги ҳокимлигининг охириги йилларигача, Шайх Хованд Таҳур авлоди Эшон Раҳматуллахўжа муфтий Муҳаммад Алихон давридан руслар истилосигача, Эшон Вали Санчиқмоний Олимхон давридан Муҳаммад Алихон замонигача яшагани таъкидланган. Лекин, айни чоғда, тилга олинган аксарият шахсларнинг нима сабабдан ва қандай касалликдан вафот этгани хусусида анча аниқ ва изчил ёзилган.

Мазкур маълумотларда Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ки-

шилар билан бирга, муаллифнинг оддий таниш-билишлари ҳақида ҳам ёзилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида бу каби маълумотларда айнан XIX асрда Тошкентдаги маданий-маънавий ҳаёт акс этган деб айтиш мумкин. Лекин, Тошкент адабий муҳитига доир аниқ маълумотлар батафсил келтирилмаган ва бунинг сабаби бизга қоронғу. Бироқ муаллифнинг ўзи, унинг танишлари ва дўстлари орасида шеър машқ қилувчиларнинг ўзаро мушоиралари бўлиб турганини асардаги маълумотлар тасдиқлайди. Муҳаммад Солиххўжанинг ўзига замондош шоирлар ҳақида тўхталиб ўтмагани ўз вақтида Муродхўжа Солиххўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига илова тариқасида муаллифга замондош шоирларга оид маълумотларни асарнинг 5732-рақамли қўлёзмасининг охириги варағига ёзишига сабаб бўлган. Хусусан Акмалхон тўра Тошкандий, Улфат, Ахтарий, Мулла Юнусжон мунший Тошкандий, Алмаий, Дилкаш, Мулла Мир Аҳмадхон, Камий, Мискин, Тажаллий ва бошқалар тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Алмаий, Дилкаш, Камий, Мискин каби шоирлар ижоди ва мероси кейинги йилларда кенг тадқиқ этилган. Шу сабабли кўпчиликка ҳали яхши таниш бўлмаган Акмалхон тўра, Улфат, Мулла Мир Аҳмадхон ва Ахтарий ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Шулардан Акмалхон тўра Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида, Ялангқор маҳалласида 1835 ёки 1840 йилда таваллуд топган. У дастлаб Тошкентда, сўнгра Қўқонда таҳсил олган, ўз даврининг етук шоирларидан бири бўлган ва амир Абдулаҳадхон (1885—1910) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухорода вафот этган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Муродхўжа Солиххўжа ўғли. Тарихи жадидаи Тошканд асарига тақриз ва илова. — 5-варақ.

Муҳаммад Солиххўжа замондошларидан бири Мулло Солихбек додхоннинг ўғли Собирбек «Тўхтамиш», кейинроқ «Улфат» таҳаллуси билан ижод қилган. Собирбек 1850 йили Бешёғоч даҳасида туғилган. Улфат яхши шеърлар битган, шу билан бирга, танбур ва дутор чалишда моҳир, бениҳоят хушхат ва хушхон бўлган. Ўзи ясаган танбурда шашмақомлардан ижро этган, Фузулий, Ҳофиз, Навоий ва Бедил газалларини ашула қилиб айтган. Улфат 1873 йилда Тошкентда тарқалган вабодан вафот этган. Муродхўжа Солиххўжа ўғли Улфатнинг ўз қўли билан чиройли кўчирилган, яхши муқовали қўлёзмасини унинг тошкентлик Муҳаммад Али исмли савдогар дўсти қўлида кўриб, ундан сўраб олиб ўқиб чиққанлигини таъкидлайди. Мазкур девон Бедил ва Хожа Ҳофиз шеърларига мухаммас, Навоий, Фузулий шеърларига тазминдан иборат бўлган экан<sup>1</sup>.

Мулла Мир Аҳмадхон эса Тошкентда уламолар оиласида туғилган бўлиб, «Мир» таҳаллуси билан ижод қилган. Мулла Мир Аҳмадхон хушхат муҳркан ҳам бўлган. Шунингдек, кенг билимли бўлган Мир Аҳмадхон қозихонада муфтий ва аъламлик вазифасини ҳам бажарган. Муродхўжа Солиххўжанинг ёзишича, у «Фикҳи акбар» асарини арабчадан ўзбек тилига назмда таржима қилган.

Яна бир шоир — Ахтарийнинг асл исми Афандихон бўлиб, Тошкентнинг Ҳасанбой қишлоғида машҳур Ортуқхўжа эшон Қурбоншайх азизлар ўғли хонадонида туғилган. Тошкент ва Бухорода таҳсил олган Афандихон кейинчалик отаси ва бобоси каби Тошкентнинг эътиборли эшонларидан бирига айланган ва шу билан бирга ўз шеърлари билан ҳам танилган. Муродхўжа Солиххўжа ўғлининг ёзишича, Ахтарий тахминан 1938 йилда вафот этган.

<sup>1</sup> Муродхўжа Солиххўжа ўғли. Тарихи жадидаи Тошканд асарига тақриз ва илова. — 6-варақ.

Муҳаммад Солиххўжа тилга олган шахслар орасида созанда ва қўшиқчилардан кўкчалик Шахлохўжа ва Юсуфхўжалар, бешёғочлик Исои Муллои созанда, табиблардан кўкчалик Эшон Сиддиқхўжа табиб, бешёғочлик Мулла Муҳаммад Расул охунд Ялангқарягий тўғрисида қисқа маълумотлар мавжуд. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Муҳаммад Расул табиб тиббиётдан ташқари ҳандаса, жуғрофия, илми нужум, кимё ва тарих фанларини ҳам чуқур билган. Мазкур шахсни «Хулосат ул-аҳвол» асари муаллифи Абу Убайдуллоҳ ҳам шаҳардаги таниқли табиблардан бири сифатида тилга олиб ўтган. Муҳаммад Расул табиб тошкентлик машҳур табиб ва олим Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийга ҳам устозлик қилган.

Моҳир ҳунармандлардан эса, Мулла Бобожон охунд заргар тилга олинган бўлиб, у Султон Саъидхон даврида Қўқонда хон саройи гулдастасига ўрнатган катта соатнинг овози бир фарсах ергача эшитилиб турган. Мулла Бобожон Амир Музаффарнинг Қўқонга юриши даврида Бухорога олиб кетилган, соат эса Бухоро арки дарвозахонасининг нақорохонасига ўрнатилган.

Тилга олинган хаттотлардан тарихчи Мулла Юнусжон мунший — Муҳаммад Юнус Тойиб Тошкандийни ҳам кўрсатиш мумкин. Мулла Юнусжон мунший Тошкандий Худоёрхон, Малахон, Султон Саъидхон ҳукуматида турли мансабларда ишлаган. Алимқули амирлашкар даврида унга мунший ва шиғовул этиб тайинланган. 1865 йилдан сўнг Кошғарга бориб Ёқуббек Бадавлат ҳукуматида ёвар, девонбеги ва Кошғар ҳокими мансабларида бўлган. Ёқуббек Бадавлат асос солган Етти шаҳар давлати тугатилгач, Қўқонга қайтиб келиб ижод билан машғул бўлган. Ш. Воҳидовнинг қайд этишича, 1905—1914 йиллар орасида вафот этган. У шоир ва тарихчи сифатида

«Тойиб» таҳаллуси билан бир неча асарлар ёзган. Ҳозирда унинг «Тухфаи Тойиб», «Ҳадиқат ул-анвор», «Тарихи Алимқули Амирлашкар» каби асарлари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади.

Асли шахрисабзлик бўлган Мулла Юнусжон муншийнинг ота-боболари ва кейинчалик унинг ўғли Муҳаммад Яҳё ҳам хаттот бўлган. Унинг отаси Бобожонбий Шаҳрисабздан Тошкентга кўчиб келиб, Қашқар маҳалласида яшаган. Мулла Юнусжон мунший насх, настаълик, шикаста хат турларида ёзишни пухта эгаллаган. У Навоийнинг «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Фаройиб ус-сиғар» каби кўплаб асарларини кўчирган<sup>1</sup>.

Шайхонтаҳур даҳасидан бўлган Абдулваҳобхўжа муҳркан эшон Абдусамиъхўжа хатиб ўғли ҳам моҳир хаттот ва муҳркан бўлиб, кейинчалик Бухорога кўчиб кетган. Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, устози домулла Мир Иноятуллоҳ, асарлар ёзиш билан бирга хаттотликда ҳам моҳир бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи муаммо» асарини ёшлигида ҳуснихат билан кўчирган экан. А. Муродов ҳам ўзининг хаттотлик тарихига бағишланган тадқиқотида Муҳаммад Солиххўжа юқорида тилга олган икки шахсни Тошкентдаги кўзга кўринган хаттотлар сифатида тилга олган. Унинг ёзишича, Мир Иноятуллоҳ Жомийнинг «Фавойиди зиёия» асарини ҳам ҳуснихатда кўчирган<sup>2</sup>.

Тошкентдаги маданий муҳитнинг шаклланишида, албатта, мактаб ва мадрасаларнинг ўрни катта бўлган. Асосий таълим масканлари эса мадрасалар эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. — Т.: Фан, 1983. 47—49-бетлар.

<sup>2</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. — Т.: Фан, 1971. 142—143-бетлар.

Таъкидлаш жоизки, қатор мадрасаларда таҳсил олган Муҳаммад Солиххўжа узоқ йиллар ўзи имомлик қилган масжид қошидаги мактабда болаларга таълим бериш билан ҳам машғул бўлган. Чунки, ўша вақтларда Туркистон ўлкасида, жумладан, Тошкентда мактаблар, асосан, масжид қошида очилган ва масжид имоми муаллимлик қилган<sup>1</sup>. 1868 йилда Тошкентда бўлган А.П. Хорошхиннинг маҳаллий аҳоли вакилларида олган маълумотларига қараганда, ўғил ва қиз болаларнинг мактаблари алоҳида бўлган<sup>2</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги Маориф бошқармаси маълумотларига қараганда, 1890–1893 йилларда Туркистонда жами 214 та мадраса бўлиб, шундан 21 таси Тошкентда жойлашган эди<sup>3</sup>. Россия империяси истилосининг дастлабки йилларида мадрасалардаги таълим ва ўқитиш ишлари анъанавий тартибда белгиланган қоидалар асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ўқув ишларини тартибга солишни Туркистон генерал-губернаторлиги Ўлка маориф бошқармаси ўз қўлига олган<sup>4</sup>. Бу пайтда Тошкентда Абулқосимхон мадрасасида 120 та, Хожа Аҳрор мадрасасида 80 та, Бегларбеги мадрасасида 150 та, Кўкалдош мадрасасида 80 та, Шарафибой мадра-

<sup>1</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. — С. 36.

<sup>2</sup> Хорошхин А.П. Очерки Ташкента. — С. 87.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш, 189-варақ.

<sup>4</sup> Туркистон ўлкасидаги мадрасалар ва уларнинг фаолияти мустамаккачи маъмурият томонидан ҳам алоҳида эътибор билан ўрганилган эди (Қаранг: Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края; Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. — СПб.: 1910; Наливкин В.П. Сведения состояний туземных мадрас Сырдарьинской области в 1890–1891 учебном году. — Т., 1916; Граминский С. Положение иногородческого образования Сырдарьинской области. — Т., 1916).

сасида 20 та, Шукурхон мадрасасида 20 та талаба ўқиган. Лекин, олдингидек, аксарият талабалар Тошкент мадрасалари билан қаноатланмай ва, қолаверса, тузукроқ иш топиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида ўз билимларини ошириб қайтганлар.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги мударрислар, уламолар ва тасаввуф намояналари тўғрисида келтирилган маълумотлар ўша даврдаги бу тоифа вакиллари фаолияти ҳамда турмуш тарзини ўрганишда муҳим маълумотлар берадики, тилга олинган шахслар бир пайтнинг ўзид ҳам мударрис, ҳам диний мансаб эгалари ёки шаҳардаги тақводор мутасаввифлардир. Таниқли шахслар орасида муаллифга замондош бўлган тошкентлик йирик диний уламолар, жумладан, қози Маҳдум Баландмасжидий, қози Шодмонхўжа эшон Орқакўчагий, Эшонхонхўжа қози Мерганчагий, домудла Мир Иноятуллоҳ Қатортерагий каби, муаллиф тили билан айтганда, фикҳий илмлар билимдонлари, муфассир ва муҳаддисларни ҳам кўриш мумкин. Уларнинг деярли барчаси бу соҳадаги фаолияти билан бирга Тошкент мадрасаларида мударрислик қилганлар.

Яна бир томони, Муҳаммад Солиххўжа таниқли шахслар ҳақида сўз юритганда, кўпроқ ўзига яқин муҳит — ўқув тизими кишилари, яъни мадраса мударрислари биографияларига кўпроқ ўрин берган. Жумладан, улар орасида Эшонқули додхоҳ мадрасасида — қози ал-қуззот Бузрукхўжа Занжирлиқий, Музроб Хоразмий, Эшон Абдурасулхўжа, Эшон Сулаймонхўжа, домудла Эсонбек охунд; Маҳмуд дастурхончи мадрасасида — эшон Шоҳмансурхўжа, домудла Мир Муҳаммад Раҳим охунд; Бегларбеги мадрасасида — муаллифнинг устозлари Мир Шарофиддин маҳдум, домудла Мир Иноятуллоҳ; Мўйи Муборак мадрасасида халифа Абдума-

жидхон эшон, Юнусхонда — Абдулазизхўжа эшон, Эшонхўжа қози, эшон Абдусамийхўжа хатиб; Хожа Ахрор мадрасасида — домудла Умарбек охунд Чиватой мударрис ва бошқа мударрислар тўғрисида маълумотлар келтирилган<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўринадики, шаҳарда таниқли мударрислар оилалари юзага келган. Хусусан, Мир Иноятуллоҳ Қатортерагий (ваф. 1859—1860 й.) Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ўқиган, мударрис бўлиш билан бирга тафсир илмини ҳам пухта эгаллаган. Юқорида таъкидланганидек, у бир неча асарлар муаллифи бўлиб, хаттотликдан ҳам бохабар бўлган. У дастлаб Муҳаммад Алихон томонидан Регистонда қурилган мадрасага, Тошкент ҳокими Сўфибек томонидан эса, Юнусхон мадрасасига мударрис қилиб тайинланган, кейинчалик, Бегларбеги ва Кўкалдош мадрасаларида ҳам талабаларга сабоқ берган. Мир Иноятуллоҳ Тошкентда қозикалон бўлган Ҳакимхўжа қозикалонга ҳам араб тили грамматикасидан дарс берган эди<sup>2</sup>. Кейинчалик унинг укаси Мир Исо охунд ва ўғли Мир Шарофиддинлар ҳам Бегларбеги мадрасасида мударрислик қилган.

Эшонқули додхоҳ мадрасасида дарсгўйлик қилган қози ул-қуззот Бузрукхўжа Занжирлиқий (ваф. 1838 й.) оиласини ҳам мударрислар оиласи деб айтиш мумкин. Унинг укаси «эшони мударрис» лақаби билан танилган Сулаймонхўжа ва ўғли Са-

<sup>1</sup> Қаранг: Бўриев О., Султонов Ў. Тошкентнинг XIX асрдаги маънавий-маърифий ҳаёти тарихидан (Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари асосида) // Тошкент 2007 йилда Ислоҳ маданияти пойтахти (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида). — Тошкент, 2007. — 16—18-бетлар.

<sup>2</sup> Остроумов Н. Последние по времени Шейх ул-ислам и Казы калян города Ташкента, братья Ай ходжа и Хаким ходжа. — С. 12.

йид Аҳмадхўжалар Тошкентдаги кўзга кўринган мударрислар ҳисобланган.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да Тошкентнинг ўша даврдаги маънавий ҳаётининг муҳим қисмини ташкил қилган тасаввуф таълимоти билан боғлиқ маълумотлар ҳам мавжуд ва улар кўпроқ XIX асрда Тошкентда яшаб ўтган тариқат пешволари тўғрисида ёзилганларда ўз аксини тошган.

Келтирилган маълумотлар мазкур тоифанинг фақат тариқат доирасидаги фаолияти билан эмас, балки диний амалларда ҳамда мударрислик, боғдорчилик, деҳқончилик ва китобатчилик каби турли соҳаларда меҳнат қилиб тирикчилик ўтказганидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, барча даврларда бўлганидек, бу пайтда ҳам тасаввуф аҳлига юқори табақа уларнинг мухлиси сифатида иқтисодий жиҳатдан ҳомийлик қилиб келган. Масалан, эшон Шоҳмансурхўжа шаҳардаги нақшбандийлик тариқатининг йирик пешволаридан бўлиб, Муҳаммад Алихоннинг вазири Маҳмуд дастурхончи ўзининг Дегрезлар маҳалласидаги мадрасасини эшон Шоҳмансурхўжага талабаларга сабоқ бериш учун, Тошкент ҳокими Аҳмад кушбеги эса Мўйи Муборак мадрасасини Абдулмажидхон эшон Юнусхон эшон ўғли учун ўз ҳисобидан қурдириб, уларни доимий мударрис этиб тайинлаган. Шунингдек, бошқа тасаввуф намояналари — домудла Фозил охунд Қиётий китоб кўчириш билан, домудла Яъқубжон охунд Қорабоғдий ва Мулла Самийжон охунд Қорабоғдий, асосан, ўз боғларидаги деҳқончилик орқасидан тирикчилик ўтказганлар. Тошкентнинг тасаввуф намояналари «Хулосат ул-аҳвол» асарида ҳам тилга олинган бўлиб, унда Баҳодир шайх, Халифа Қўзи, эшон Юсуфхон, домудла эшон Вали, халифа Охунджон, эшон Шоҳмансурхўжа, домудла Турсун Муҳаммад охунд, Махзум

Сафо, Абулқосимхон эшон, эшон Шайх Али Қоратоший кабилар тўғрисида қисқа маълумотлар учрайди.

Маълумотларга қараганда, XIX асрда Тошкентда йирик тариқат йўналишларидан нақшбандия-мужаддия, яссавия, қодирия вакиллари фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Лекин Муҳаммад Солиххўжа эҳтимол ўзи нақшбандия тариқати вакили бўлгани боис нақшбандий ва мужаддий йўналиши вакиллари-нигина тилга олади, холос. Жумладан, Н. Ликошин Тошкентдаги тариқат вакиллари-нинг муридлари, даромади, кундалик турмуши ҳақида муҳим маълумотларни келтириб ўтган. Н. Маев берган маълумотларга кўра, яссавия тариқати вакиллари ҳафта-нинг душанба кунни Хожа Аҳрорнинг Кўкчадаги масжидида, пайшанба кунни Қашқар маҳалласидаги Эшон Соҳибхўжа масжидида, якшанба ва душанба кунлари Арпаоя маҳалласидаги Эшонхўжа масжидида тўпланиб зикр билан машғул бўлганлар. Муҳаммад Солиххўжа шаҳардаги Маҳкама масжидида ушбу тариқат аҳлининг ҳар душанба кунни зикри арра билан машғуллигини тилга олади<sup>2</sup>. Бундан ташқари, асосан масжид ва мадрасалар қошида бадавлат кишилар томонидан қурилган хонақоҳ ва қорихоналар ҳам ана шу мақсад йўлида хизмат қилган.

<sup>1</sup> Маев Н. Азиатский Ташкент. — С. 283—284; Ликошин Н. Тошкент эшонлари. — Т.: Руҳафзо, 1996.

<sup>2</sup> Тарихи жадида. — 1001а-варақ.

Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари фанда Тошкент тарихи бўйича муҳим манба эканлиги анча илгари эътироф этилган ва бу соҳада бир қанча тадқиқотлар ҳам чоп этилган. Мазкур монографияни ана шу долзарбликнинг давоми деб тушуниш мумкин. «Тарихи жадидаи Тошканд» Кўқон хонлигида юзага келган ўзига хос тарихнавислик мактаби доирасида ёзилган йирик манбалардан бири бўлиб, даври, географик қамрови ва ҳажм жиҳатдан XIX асрда яратилган бошқа тарихий асарлардан ажралиб туради. Икки жилддан иборат бу асарнинг биринчи жилди Ўрта Осиё ва унга қўшни мамлакатларнинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихига бағишланган ва мазмунан компилятив қисмдир. Иккинчи жилди эса, XVIII—XIX асрлар тарихи, аниқроғи Кўқон хонлиги ва айниқса, Тошкент тарихини ўрганишда бирламчи маълумотларни ўзида жамлаган.

Асар муаллифи Муҳаммад Солиххўжа мулла Раҳмат Қорахўжа ўғли ўз даврининг зиёли табақасидан бўлиб, Шайх Хованд Таҳур авлодлари сифатида Тошкентнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар, маъмурий ва диний амалларни эгаллаганлар. Бу ҳолат Муҳаммад Солиххўжанинг зиёли, билимли шахс сифатида шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлган.

Муҳаммад Солиххўжанинг тарихнавис сифатида шаклланишида эса унинг ўз билимини турли илм масканларида мунтазам ошириб бориши ва Тошкент тарихига оид асар ёзишни ният қилгани бош омил бўлиб хизмат қилган. У ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини 25 йилдан ортиқ вақт (1863—1889) ичида ёзди ва ушбу китоб Тошкент тарихига оид ягона муҳим тарихий ва тарихий-географик манба бўлиб қолди.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари кўпгина манбаларга таяниб ёзилган ва муаллиф уни ёзишда турли мавзулардаги асарлар, ривоятлар ҳамда воқеаларнинг гувоҳларидан эшитган маълумотларидан фойдаланган; XIX асрнинг 40—80-йилларига мансуб воқеалар эса бевосита муаллифнинг ўз кўзи билан кўрганлари асосида ёритилган. Асарда Қўқон хонлигининг ташкил топишидан 1875 йили тугатилгунигача қадар бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига доир маълумотлар акс этган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асари Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, хусусан, Оқмасжид, Туркистон, Чимкент ва, айниқса, Тошкент учун бўлган жанглар бошқа манбалардан ҳудудий ва даврий жиҳатдан кенг ёритилганлиги билан ажралиб туради. Муҳаммад Солиххўжа Тошкентда бўлган жангларда шахсан иштирок этгани сабабли, Тошкент мудофааси ҳамда Алимқули амирлашкар, Ҳакимхўжа қозикалон, Солихбек додхоҳ каби мудофаа ташкилотчиларининг Ватан учун бўлган жанглари тафсилотларини анча муфассал баён қилган ва бу маълумотлар бошқа манбаларда учрамайди.

Тошкент тарихи билан боғлиқ айрим воқеалар «Тарихи Шохрухий», «Тарихи жаҳоннамойи», «Хулосат ул-аҳвол» каби асарларда ҳам тилга олинган

бўлса-да, Муҳаммад Солиххўжа воқеаларни эшитганлари ва кўрганлари асосида бойитиб, бошқа муаллифларга қараганда батафсил ёритган. Хусусан, чорҳокимлик, Юнусхўжа ва унинг ўғиллари Султонхўжа, Ҳомидхўжа ҳокимлиги даврига доир маълумотлар бошқа асарларда учрамайди. Қўқон хони Олимхоннинг Тошкентга юриши ёки Шералихоннинг ўғли Салимсоқхоннинг Тошкентдаги мустақил ҳокимлиги даври бошқа манбалардаги тарихий воқеликларга аниқлик киритади. «Тарихи жадидаи Тошканд»да Қўқон хонларининг Тошкентдаги йигирмадан ортиқ ноиблари ҳокимлиги даври, хусусан Салимсоқтўра, Лашкар бегларбеги, Нормуҳаммад қушбеги, Азиз парвоначи, Қаноат оталиқ ва Аҳмад қушбеги давридаги сиёсий-маъмурий бошқарув, улар олиб борган ободончилик ҳамда бунёдкорлик ишларига доир келтирилган маълумотлар Тошкентнинг XIX аср ижтимоий-сиёсий тарихига оид янги маълумотлар бера олади.

Асарнинг Тошкент шаҳри тавсифига бағишланган қисмидаги шаҳар тарихий топографияси ва Тошкент вилояти географиясига оид маълумотлар, муаллифнинг Тошкентда яшаганлиги, шаҳар тарихини яхши билганлиги сабабли аниқлиги билан ажралиб туради ва тарихий ўлкашунослик нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Асардаги бу маълумотлар ўша даврда Тошкентда бўлган рус ўлкашунослари ёзган ҳамда расмий архив ҳужжатларида қайд этилган фикрларда ҳам ўз тасдиғини топади.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида шаҳар топографияси учун муҳим ўрин тутган асосий иншоотлардан йигирмата мадраса ва кўплаб масжидлар, ўттизга яқин зиёратгоҳ мазорлар, шаҳарнинг Юнусхўжа ва Қўқон ноиблари давридаги ўрдалари, катта-кичик ҳаммомлар, карвонсаройлар, бозорлар ҳамда шаҳарда жойлашган турли иншоотларнинг қури-


лиши, жойлашган ўрни, меъморий тузилиши ҳамда ўша даврдаги аҳволи тўғрисидаги маълумотлар бизга Тошкент шаҳрининг XIX асрдаги қиёфасини кенг-роқ тасаввур қилиш имконини беради. Асарда Тошкент шаҳридаги ўттизга яқин зиёратгоҳ мозорлар ва улар билан боғлиқ маълумотлар қайд этилган бўлиб, бу бошқа турдаги манбаларда ва архив ҳужжатларида учрамайди. «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларларни чуқур ўрганиш шаҳар маданий-меъморий ёдгорликларини асраб-авайлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаммад Солиххўжанинг Тошкент шаҳри тавсифида ва асарнинг турли ерларида ўз даврида Тошкентда яшаган 80 га яқин таниқли кишилар — давлат амалдорлари (шаҳар ҳокимлари ва унинг ёрдамчилари, қозилар, аълам, муфтий ва бошқ.), тасаввуф аҳли, мударрислар ва қисман қўшиқчи, созандалар ҳамда моҳир ҳунармандларнинг қисқача биографияси ҳамда турмуш тарзи ҳақида ёзганлари шаҳарнинг XIX асрдаги маданий-маънавий ҳаётидан ҳикоя қилувчи қимматли маълумотлар саналади.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган Тошкент атрофи ва вилоятининг тарихий географияси, қазилма бойликлари ва доривор гиёҳлари тўғрисидаги маълумотлар тарихчилар билан бирга географлар, ўсимликшунос ва маъданшунослар учун муҳим тарихий аҳамиятга эга деб айтиш мумкин.

## И Л О В А Л А Р

«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИ  
ҚЎЛЁЗМАСИДАН САҲИФАЛАР



А. Қўлёзма № 7791, муаллиф дастхати.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

حمد بان افسرید کونین سلطان چغتای از عنایت ازلی سلطین آفاق کم  
سعد را از کتم عدم بعرضه بوجود آورده و با تقاضای فرماندای سرافقار طبع  
الاعلیٰ اختری نیز درود و نامه و دو بان رسول حضرت و درود که باعث  
عالم گردیان عفو و مغفرت حساب برهنه لولکه لا خلقت الا کلمه که شاه قانع و در  
پاک دوست و سلام بر آج اصحاب عالی نبار پی در پی رسیده با و که تا سال  
فرماندایا بر بسکون سلسله ناز سینه و بدان آن ذی سعادت گشند  
پس از ادای رسوم و اعیان بخدمت بارگاه کبیر ازلی و تجید حجت بر سول فائز  
النبی و بعد از فراغ نسبت نامه های سلطین شاه و امیران ماهد التهرار فی شرف  
بعقاد صانع سلطین ماضی دار السلطنه فرغانه که آبا عظیم کرم خان  
زمان ایام سلطین بابرخان ملقب به موسوم به اسم طهمید که در بن عمر شیخ  
حسب الجود و الکرم که در ذیل نسب نامه های سلطین و الخاقین در مورد خود یاد  
یافت نیز از جانب والد سعید به یونس خان پادشاه دشت قبیاق و دولت  
نشین بارگاه بدو نام گشته تا بچنگر خان چنگیز دشت قبیاق و بدو در علمیا  
و ما علم خواجه سعید آبا بالاد تا بچغتای ابوالنیر آدم صوره نده تا مرثیه بر آید

В. Қўллезма № 5732, 1940 йилда Муҳаммад  
Ҳасан Бухорий ва Абдулла Носиров томонидан  
қўчирилган қўллезма саҳифаси.



منزل ملکوت بچغتای شب روز او را فتح نمود و جوانان دیران مولد  
رزمران فرمان بجا آوردند که از تصرفان دیران بخاری منوچهر داده بواغظ  
نوامان جهانگیری و کشور کشای را بنواهی قلعه دیزخ کشاده چون چون سخن  
دشت بلده دیزخ رنگ برنگ چون طاس از او در رفتار همچون کبک در خراب



قبول مال از دشت  
شغافخانه  
از اول  
نیز در دشت از سادات  
نیز در دشت از سادات

حصار بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات  
دشت بلده را از اربع حدود کرد این در بچغتای را و زیور کرد ایندو بودند که در دشت از سادات

Б. Қўллезма №№ 11072, 11073, 1935 – 1936  
йилларда Набирахўжа Сайидхўжа ўғли кўчир-  
ган қўллезма саҳифаси.

«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН  
МУҲАММАД СОЛИҲҲУЖА НАСАБНОМАСИ





## «ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН МАДРАСАЛАР

№	Мадраса номи	Манзили	Вақфлар (Муҳаммад Солиҳхўжа ва архив маълумотлари асосида)
1.	Хожа Аҳрор (1451)	Чорсуда	Тошкент шарқидаги Оққўргон деб аталган ердаги вақф мулкларини бошқариш Хожа Аҳрор авлодларидан Мусахонтўра Саидхонтўра ўғли қўлида бўлган. Мадрасанинг жами вақф даромади 1884 йилда 1292 сўмни ташкил қилган.
2.	Кўкалдош (XVI асрнинг 2-ярми)	Чорсуда	1884 йилда мадрасага вақф қилинган Тошкент шаҳри ичидаги 7 та дўкондан ижара ва 230 та дўкондан жой ҳақи, жами 530 сўм даромад тушиб турган.
3.	Эшонқули дод-хоҳ (1839 – 1840)	Юнусхон мадрасаси жануби ғарбида	Мазкур мадрасага 200 га яқин дўкон, Қиёғ маҳалласида 2 та, Турк ва Занжирлик маҳаллаларида 1 тадан тегиримон вақф қилинган. 1884 йилда жами вақф даромади 31800 сўм бўлган.
4.	Юнусхон	Юнусхон мозорида	Юнусхон мозорининг Пул емас мавзеида ва Оқмасжид кўчасида кичикроқ вақф ери бўлиб, 1884 йилги архив ҳужжатларида вақфномаси рус маъмурияти қўлига ўтиб, вақфсиз қолгани қайд этилган.

5.	Маҳмуа дастурхончи	Дегрезлар маҳалласида	Архивҳужжатида 1833 йили қурилгани ва Маҳмуа дастурхончи авлодлари томонидан бошқарилгани қайд этилган. Мадраса ва унинг масжидининг вақфларидан келадиган 12 тилла вақфномага кўра тақсимланган.
6.	Қосимбой Қоратугий	Мўғулкўча гузарида	Архивҳужжатида Мўғулкўча номи билан тилга олинми, 1871 йили қурилгани айtilган. Мадрасанинг ушбу маҳаллада ва Мирзо Юсуф мавзесида вақф мулклари бўлган.
7.	Бароқхон (XVI асрнинг 1-ярми)	Қафтол Шоший мақбараси ёнида	1860 йили Қаноат оталик мадрасани таъмирлаб, Оқсоқ-отадаги меросий ерини, 200 тилла даромади бор қарвонсаройини, Назарбекдаги чорбоғини, Чигатой дарвозасида Алмон мавзеидаги 15 таноб ерини вақф қилган. 1868 йилда мадраса 34 хужра, масжид ва дарсхонадан иборат бўлган.
8.	Бегларбеги (1838 – 1840)	Регистонда	Архивҳужжатида қараганда, 1816 йили очилган. Лашкар бегларбеги Регистонда ўзи қурдирган қарвонсаройни вақф қилган. Хорошхоннинг ёзишича, бозордаги 3 та қарвонсарой, 2 та шам дўкони, 4 та тегиримон ва Назарбекда кичикроқ ер вақфи бўлган.
9.	Муҳаммад Алихон (тахм. 1833 – 1836)	Регистонда	Муҳаммад Алихон буйруғи билан Кошғар юришидан сўнг уч йил ичида қуриб битказилган. Мадраса ва унинг вақфлари ҳақида маълумотлар кам.

10.	Мўйи Муборак (1857 — 1858)	Қафол Шоший мақбараси жанубида	Мухаммад Солиххўжанинг ёзишича, мадраса ўша пайтда Хожа Ахрор тузилган ер деб тушунилган, Хожа Ахрор майдони деб аталган жойда қурилган ва алоҳида гумбазга пайғамбар мўйи (сочи) қўйилган. Мирзо Аҳмад қушбеги Эски Тошкент, Саригоч ва Оқтепада янги ўзлаштирган ерларини вақф қилган.
11.	Эшон Исохўжа қози (XIX асрнинг 1-ярми)	Қизил қўрғон маҳалласида	1800 йилда, А.П. Хорошхинга кўра 1830 йилдан фаолият бошлаган. Мадраса шаҳардаги вақфи кўп мадрасалардан бўлиб, биргина 15 дўконнинг ўзидан 42 тилла даромад келиб турган. Бундан ташқари, ерлар ва боғлари, жумладан, Қорамурт ва Тарнов қишлоқлари даромади ва Чиноздаги 30 ботмон ер, дўконлар вақф қилинган.
12.	Юнусхўжа халфа	Тахтапул гузариди	Себзор даҳасининг Тахтапул маҳалла гузариди жойлашган. Ушбу мадраса хужралар ва хонақоҳдан иборат бўлиб, вақфлари тўғрисида маълумотлар кам.
13.	Мухаммад Каримхўжа халфа (1884)	Кадуба маҳалласида	Мадраса 1302/1884 йилда пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, мадраса ҳолати унинг вақфномасида батафсил тавсифланган.

14.	Ҳофиз Кўҳакийдаги мадраса	Ҳофиз Кўҳакий гузариди	Мухаммад Солиххўжанинг ёзишича, мадраса асосан ёғочдан ишлангани учун «Мадрасаи чўбин» деб ҳам аталган. Бухорода ўқиб келган Мумла Нор охунда муҳаррис вафотидан сўнг фаолияти тўхтаган. Вақфлари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.
15.	Шукурхон	Тинчбоф гузариди	А.П. Хорошхинга кўра, тахминан 1816 йилда қурилган. Мадрасага вақф қилинган 2 та саройдан 180 тилла, 8 та дўкондан 11 тилла, жами 191 тилла мадрасага сарфланган. 1868 йилда 30 талабаси бўлган.
16.	Эшон Бўрихўжа Санчиқмоний (XIX асрнинг 1-ярми)	Санчиқмон маҳалласида	Архив ҳужжатларига кўра, 1820 йили қурилган. 1884 йилда мадрасанинг вақфи бўлган 1 та ҳаммом ва 5 та дўкондан келадиган 300 сўм ҳисобига фаолият кўрсатган.
17.	Шукурхон	Кўкча даҳаси бозори ёнида	Архив ҳужжатларида 1901 йили 350 сўмлик вақф даромади мадраса сарфини қопламаслиги сабабли ёпилгани қайд этилган. Чунки, 1884 йилда унинг биргина саройидан 600 сўм, 7 та дўконидан 12 сўм даромад келиб турар эди.
18.	Шарафибой (XIX асрнинг 2-ярми)	Пичоқчилик маҳалласида	Архив ҳужжатларига кўра 1820 йили қурилгани айтилади, аслида, ушбу мадраса 1865 йилдан кейин пишиқ гиштдан қурилган. Шарафибой Пичоқчилик маҳалласида бир масжид ҳам қурдириб, мадраса ва масжидга вақфлар ажратган.

19.	Нормухаммад қушбеги	Зангиота мозорида	Нормухаммад қушбеги ўзининг бозордаги Махсидўзликка яқин ерда қурдирган қарвонсаройини, Аҳмад қушбеги эса, Хонқўрғонда ўзлаштирилган ерларини вақф қилган.
20.	Абулқосимхон (XIX асрнинг 2-ярми)	Ўз ҳовлисида	Архив ҳужжатиға кўра 1790 йили очилган. 1892 йилда Абулқосимхон вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳошимхон эшон мудarrisлик қилган. Абулқосимхон эшон Тошкент шаҳридаги дўконларидан вақф қилган.

**«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ  
ВА ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН ЗИЁРАТГОҲ МОЗОРЛАР ХУСУСИДА**

№	Номи	Манзили ва бошқа маълумотлар
<b>Шайхонтахур даҳасида</b>		
1.	Шайх Хована Тахур	Шайхонтахур даҳасининг ўртасида, қабр шимолида Шайхонтахур ариғи оқиб ўтган. Мозорда қатта жоме масжид, бир неча хоналардан иборат чиллахона бўлиб, Шайх Хована Тахур қабридан то қабрис-тонгача икки томони сарв дарахтидан хиёбон қилинган. Қатта кўча-нинг Шайх Хована Тахур мазорига яқин қисми Шайхонтахур кўчаси деб ҳам аталган.
2.	Қалдирғочбий	Шайх Хована Тахур қабри шимолида, Қалдирғочбий Шайх Умар Боғистоний муридларидан бўлган.
3.	Юнусхон	Шайх Хована Тахур қабридан ғарброкда, мақбара яқинида Юнусхон мадрасаси ҳам бўлган.
4.	Кўкгўнлик ота	Шайх Хована Тахур қабри орқасидаги чинор остида, ариқ бўйида. Улар Шайх Хована Тахурнинг жорубкаши бўлган.
5.	Хожа Довуа	(Шайх Хована Тахурнинг ўғли), Оқмасжид маҳалласининг ғарбиде, маҳалла масжиди орқасида. У ерда Хожа Довуа қурдирган масжид ҳам бўлган.
6.	Хожа Рушноий	Бошқа номи Хожа Чироғбардор, Хожа Довуа қабридан 150 қадам ғарбда, Қатта кўчага туташ. Улар Хожа Довуанинг чироғбардори бўлган.

7.	Бобой Обрез	Ҳожа Аҳрорнинг Ҳавзбобдаги пишиқ гиштли масжиди яқинида, дарвозаси Катта кўча томонда. Ҳожа Аҳрор мулозимларидан бўлган.
8.	Ҳазраг Уккоша	Чорсунинг жануби-ғарбида, Муҳаммад Солиххўжа маълумотларига кўра халифа Умар буйруғи билан Тошкентга келган саҳобалардан. Ҳазраг Уккоша ҳамроҳлари билан жанг қилган жойда саҳобалар мазори бўлиб, кейинчалик Бароқхон даврида Намозгоҳ қурилган. Яқин кунларгача ҳозирги ЖАР спорт мажмуаси ўрнида Уккоша масжиди ва Уккоша булоғи номи билан маълум бўлган.
9.	Тунқатор	Турк маҳалласида, Шайхонтаҳур ариғининг юқорисида.
10.	Тонготар авлиё	Анҳорнинг ўрдага яқин ерида жойлашган қадамжой.
11.	Ҳожа Исои мударра	Чехбулоғ гузариди, қабри ёнида булоқ бўлган. У асли бағдодлик бўлиб, Тошкентда таҳсилни тугатгач, шу ерда яшаб қолган. Архив ҳужжатларида Калгагой маҳалласида жойлашгани келтирилган.
12.	Мўмин шайх	Мўғулкўча маҳалласида, Қосимбой Қоратутий мадрасасига туташ ердаги баландликда.
13.	Бурқи Саримаст валий	Хиштмасжид маҳалласида, мақбара гумбазини ўратепалик Курбон-бой бино қилган. Мозор дарвиш ва девоналарнинг гавжум манзиларидан бўлиб, бу даҳада Девонаи Бурх маҳалласи ҳам бўлган.

**Себзор даҳасида**

14.	Қафтол Шоший	Ҳазрати имом маҳалласида, мазоргача тош ва гиштли иморатлар бўлиб, 1292/1875 — 1876 йилда эшон Азизхон Абулқаюмхўжа ўғли томонидан бир неча гумбаз ва пишиқ гиштли минорадан иборат жоме масжид қуриб битказилган.
15.	Шайх Низомуддин Хомуш	Қафтол Шоший қабри жанубида, мазорнинг жанубида Катта кўчага туташ бўлган Бароқхон мадрасаси жойлашган.
16.	Ҳожа Тарозишкан	Тарозишкан маҳалласида. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳожа Тарозишкан мазориди жоме масжид, мактаб ва қорихона мавжуа бўлган. XX асрнинг 80-йилларида мазор атрофида мактаб қурилиши олиб борилиши натижасида бузиб ташланган.
17.	Ҳожа Якка	Маҳсидўз маҳалласида Бегларбеги мадрасаси ғарбида, мадрасага туташ жойда. Айрим маълумотларга қараганда Ҳожа Якка Қафтол Шошийнинг мулозимларидан бўлган.
18.	Туркчи ота	Чигатой дарвозаси яқинида, Туркчи ота талабалари билан туркийда суҳбатлар қургани учун шу номни олган.
19.	Саид Работакхўжа	Қорасарой дарвозаси яқинида.
20.	Қоҳ ота	Тахтапул дарвозаси яқинида, яссавия сулукидан бўлиб, мазордаги чиллахонаси машҳур бўлган. Қоҳота номида маҳалла ва масжид ҳозирда ҳам мавжуа.
21.	Иброҳим ота	Қорасарой дарвозасидан ярим фарсах ташқарида, чиллахонаси талабалар билан гавжум бўлган.

22.	Кўҳак ота	Тошкент кўрғони ташқарисида, Тахтапул дарвозасигача 2000 қадам. Унинг шимолидан Кайқобус ариғи оқиб ўтган.
<b>Кўкча Даҳасида</b>		
23.	Шайх Зайниддин Куҳи Орифон	Кўкча дарвозаси ташқарисида, дарвозагача Муҳаммад Солиххўжа ҳисобига кўра 1800 қадам.
24.	Ҳожабекхўжа Тошқандий	Мақбара Кўкча дарвозаси ва шаҳар бозори орасида, Зах ариғи бўйида жойлашган.
25.	Йиғлоқота	Кўкча дарвозаси ташқарисида.
<b>Бешёоч Даҳасида</b>		
26.	Занги ота	Самарқанд дарвозасидан бир фарсах масофада. Мозорга олиб борувчи йўлда узлуксиз боғ, ҳовуз, чорбоғ ва дарахтзор ҳамда бир қанча карвонсарой ва дўконлар бўлган.
27.	Абдужалил боб	Зангиота мазори жанубида, ярим фарсах масофада.
28.	Сузук ота	Ҳаким ота авлодларидан, Сузукота номида маҳалла ва масжид бўлган.
29.	Ҳожа Нуриддин	Офоқхўжа авлодларидан, умрларининг охирида Тошкентга келиб яшаб қолганлар.
30.	Ҳожа Аламбардор	Шаҳар девори ташқарисидан Ҳожа Аламбардор мазоригача 300 қадам масофа бўлган. Камолон маҳалласига яқин жойда.

<b>Тошкент вилоятида</b>		
31.	Бобо Мочин	Фаркат қарясида. Бобо Мочин Ҳожа Аҳмад Яссавий хизматида ва тарбиясида бўлган.
32.	Шайх Умар Богистоний	Богистон қишлоғида шайх Умар Богистоний қадамжоси мавжуа бўлиб, насабномалари Хумсон ота хўжалари қўлида бўлган.
33.	Кумуш ота / Муҳаммад парранда	Фарак дарёсининг юқори қисмидаги тоғда, мазор жойлашган тоғ Кабутар Кумуш ота номи билан машҳур бўлган. Муҳаммад парранда шайх Умар Богистонийнинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, уларнинг маноқиб муаллиф яшаган даврда Хумсон ота хўжалари қўлида мавжуа бўлган.
34.	Идрис пайгамбар	Чотқол тоғида жойлашган бўлиб, мазкур тоғ Идрис пайгамбар тоғи деб ҳам аталган. Ҳар йили аҳоли ёзда — сунбула буржида Идрис пайгамбар мазори зиёратига борган.
35.	Бобо Сардор ота/Бобо Чиртар ота	Чирчиқ дарёсидаги Пули Барбар кўприги яқинида Бобо Сардор ота ёки туркий аҳоли тилидаги Бобо Чиртар ота қадамжоси бўлиб, унинг исмини Муҳаммад Солиххўжа саҳобалардан Ҳазрати Икрама деб тилга олади. Қадамжо чеккасидаги булоқ яқин агрофдаги ерларни сув билан таъминлаган.
36.	Арслонбоб зиёратгоҳи	Сайхун дарёси бўйида (?) жойлашган бўлиб, ён агрофдаги туркий аҳолининг гавжум зиёратгоҳларидан бири бўлган. Бу ердан ўтувчи савдогарлар албатта Арслонбоб мазорида тўхтаб, уни зиёрат қилиб сўнг йўлга тушган.

**1810–1865 ЙИЛЛАРДАГИ ТОШКЕНТ  
ҲОКИМЛАРИ РЎЙХАТИ\***

Йиллар	Ҳокимлар	Ким томонидан
1808/9–1810	Сайид Алибек парво- начи	Олимхон
1810	Шохрухбек (Олимхон- нинг ўғли), амалда Лашкар бегларбеги	"_"
1810–1816	Ражаб девонбеги Ба- дахший	Умархон
1816–1819/20	Лашкар (Фуломшоҳ) девонбеги, кейинчалик қушбеги ва бегларбеги амалларида	"_"
1819–1823	Абдуллабек (Абдулла- хон, Умархоннинг ўғ- ли), амалда Лашкар бегларбеги	"_"
1823 йилдан	Лашкар қушбеги (1835 йилдан бегларбеги)	Муҳаммад Алихон
1820 й. (?) 10 ой	Каримқули меҳтар	"_"
1820 й. (?) 10 ой	Исабек «жинни»	"_"
20 ойдан сўнг – 1841	Лашкар бегларбеги	"_"
1841 дек. – 1842 май	Султон Маҳмудхон (Умархоннинг ўғли)	"_"

\* Бейсембиев Т.К. Высшая администрация юга Казахстана в период Кокандского ханства (1809–1865) (по Кокандским хроникам).

1842 май – 1843 йил боши	Муҳаммад Шариф ота- лиқ (вақтинча Бухоро амирлиги таркибида)	Амир Насрулло
1842	Хонкелди мирзо (Му- ҳаммад Шариф ота- лиқнинг ўғли), отаси- нинг ўринбосари сифа- тида	"_"
1843 йил боши – 1844	Салимсоқхон (Абду- рахмонбек, Шерали- хоннинг ўғли)	Шерали- хон
1844	Муҳаммад Карим кал- ла Марғинович ясовул, Салимсоқхоннинг ўринбосари сифатида	"_"
1844	Мустафоқулихон (муаррих Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг укаси), Салимсоқхон- нинг ўринбосари сифатида	Қипчоқ- ларга қарши гуруҳ
1844 йил июнь	Мулла Бозорбой қипчоқ	Фарғона қипчоқ- лари
1844 йил (3–5 ой)	Мулла Холбек қипчоқ	"_"
1844–1846 йй.	Салимсоқхон, иккинчи бор Қўқондан мустақил	Қипчоқ- ларга қар- ши гуруҳ
1846 (2–3 ой)	Мулла Холбек қипчоқ, иккинчи бор	Фарғона қипчоқ- лари
1846–1847/48 (тахм. 1,5 йил)	Азиз парвоначи Чустий (Аштий)	"_"
1847/8 окт. – 1852	Нормуҳаммад қушбеги қипчоқ	Қипчоқ- ларга қар- ши гуруҳ

1852 окт. — 1853 янв.	Муҳаммад Ниёз (Ниёз Муҳаммад) понсадбо- ши/парвоначи/қуш- беги	Худоёрхон
1853 йил, қиш-ёз	Маллабек, Худоёрхоннинг акаси	"_"
1853 йил, ёз-куз	Шодмонхўжа қушбеги Тошкандий	"_"
1853 окт. — 1854 фев.	Сўфибек Давронбек баҳодирбоши ўғли	"_"
1854 фев. — 1858 й., ёз	Мирзо Аҳмад парвоначи/қушбеги	"_"
1858 й., ёз-куз (3 ой)	Султон Муродбек, Худоёрхоннинг укаси	"_"
1858 й. ох. — 1859 й. боши	Ўтаббой қушбеги қипчоқ	"_"
1859 (7—8 ой)	Муҳаммад Мусо парвоначи Чини турк	Маллахон
1859—1860 (10 ой)	Рустамбек додхоқ, Қозоқбойбий оқсоқол Тошкандий ўғли	"_"
1860—1861	Қаноатшоҳ оталиқ, Қоратегиний	"_"
1861	Рустамбек, иккинчи бор	"_"
1861—1862 й., баҳор	Қаноатшоҳ оталиқ, иккинчи бор	"_"
1862 й. куз — 1863 й., ёз	Султон Муродбек, иккинчи бор	Худоёрхон
1862/63	Дўст Муҳаммад баҳо- дирбоши, Султон Мурод- бекнинг ўринбосари сифатида	"_"

1863 й., ёз	Ниёз Али қўшунбеги Шахрисабзий, Мурод- бекнинг ўринбосари сифатида	"_"
1863 й. июль — сент.	Шодмонхўжа қушбеги Тошкандий, иккинчи бор	Алимқули амирлаш- кар
1863 й. сент. — 1864	Нормуҳаммад найза- бардор/парвоначи/ қушбеги Зодиёний	"_"
1863 й., куз	Мингбой додхоқ қип- чоқ, Нормуҳаммад қушбеги ўринбосари сифатида	"_"
1864 й. авг. — дек.	Мирзо Аҳмад парво- начи/қушбеги, иккин- чи бор	"_"
1864 й. дек. — 1865 й. май	Қўш додхоқ (Қўш фармончи)/парвоначи қипчоқ	"_"

**«ТАРИХИ ЖААИДАЙИ ТОШКАНА»  
АСАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН МАНБАЛАР**

№	Асар номи	Муаллифи <sup>1</sup>	Қандай маълумотлардан фойдаланган
1.	Тарихи Табарий	Табарий	Қадимдан Теурийларгача бўлган сулолалар тарихи
2.	Жоме аг-таворих	Рашидиддин	Чингизхоннинг аждоғлари ва авлодлари баёни
3.	Тарихи жаҳонкушой	Жувайний	Чингизхоннинг аждоғлари ва авлодлари баёни
4.	Тарихи Байзобий	Байзобий	Ўрта асрлардаги сулолалар тарихи ва Хожа Аламбардор воқеаси
5.	Тарихи Чингизхоний	—	Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи
6.	Зафарнома	Шомий	Амир Теуур ва унинг авлодлари тарихи
7.	Зафарнома	Яздий	Амир Теуур ва унинг авлодлари тарихи

<sup>1</sup> Асар муаллифларининг исми қисқартгириб берилди.

8.	Равзаг ус-сафо	Мирхона	Қадимдан Теурийларгача бўлган сулолалар тарихи
9.	Бобурнома	Бобур	Амир Теуур ва унинг авлодлари тарихи ва Ўрта Осиё тарихий географияси
10.	Тарихи Фарийшта	Муҳаммад Қосим	Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи тарихи
11.	Тарихи Акбаршоҳий	Хожа Низомиддин	Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи тарихи
12.	Тарихи Аврангзибшоҳий	Муҳаммад Козим	Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи тарихи
13.	Мифтоҳ аг-таворих	—	Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи тарихи
14.	Тарихи Муқимхоний	Муҳаммад Юсуф мунший	Чингизхон аждоғлари ва авлодлари, Абулхайрхон ва унинг авлодлари баёни ҳамда Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даври воқеалари
15.	Тухфат ул-хоний	Мир Вафо Карминагий	Аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнги даври, Манғитлар сулоласининг ҳокимиятни эгаллаши
16.	Тарихи Нодирхоний	Маҳдихон	Нодиршоҳнинг Эронда ҳокимиятни эгаллаши ва Ўрта Осиёга юришлари
17.	Тарихи Шохрухий	Ниёз М. Хўқандий	Олтин Бешик ва дастлабки Қўқон хонлари воқеалари баёни

18.	Тарихи жаҳоннамойи	Аваз Муҳаммад Агтор	Қадимдан Темурийларгача бўлган сулолалар, Олтин Бешик ва дастлабки Қўқон хонлари воқеалари баёни
19.	Ажойиб ал-булдон	ал-Биржандий	Марказий Осиё тарихий географияси, топонимияси ва географик билимлар
20.	Сувар ал-ақолим	ал-Балхий	Марказий Осиё тарихий географияси, топонимияси ва географик билимлар
21.	Қандия	Абул Фазл	Самарқанд шаҳрининг тарихий географияси ва топографияси
22.	Ажойиб аг-табоқот	Муҳаммад Тохир	Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Тибет ҳамда Тошкентнинг тарихий географияси, охири замон аломатлари
23.	Ҳафт иқлим	Амин Аҳмад Розий	Марказий Осиё, Шарқий Туркистон ҳамда Тошкент атрофи тарихий географияси
24.	Тарихи Мулмазода	Аҳмад б. Махмуа	Самарқанднинг тарихий географияси ва топографияси
25.	Тарихи Роқим	Мумла Шараф. аълам	Ўрта Осиёнинг маданий-маънавий ҳаётига доир маълумотлардан

26.	Бадое ал-вақое	Восифий	Шайбонийлар даври маданий ҳаёти, Тошкент тарихий географияси
27.	Мажмуат аш-шуаро	Фазлий	Қўқон маданий ҳаётига оид маълумотлар ва шеърларидан
28.	Соқийнома	Мавлоно Мушфиқий	Байтлар
29.	Қайсарномайи Усманий	—	Қадимги ва мусулмон ҳукмдорлари сулоларининг рўйхатини тузишда
30.	Тарихи хулафойи	—	Қадимги ва мусулмон ҳукмдорлари сулоларининг рўйхатини тузишда
31.	Қуръони карим	—	Оятлардан далиллар келтиришда
32.	Меърожнома	—	Ислом ақидалари ва диний ҳикоятлардан
33.	Қасидайи Бурда	—	Ислом ақидалари ва диний ҳикоятлардан
34.	Маслак ут-муттақин	Сўфи Оллаёр	Ислом ақидалари ва диний ҳикоятлардан
35.	Калила ва Димна	—	Ибрагали ҳикоятлардан
36.	Шоҳнома	Фирдавсий	Қадимги сулолалар тарихи ва байтлардан
37.	Маснавий-маънавий	Румий	Байтлардан

38.	Девони Ҳофиз	Ҳофиз Шерозий	Байтлардан
39.	Насихатнома	Фаридиддин Агтор	Панда-насихатлар
40.	Девон	Бедил	Байтлардан
41.	Тухфат ул-ахрор	Жомий	Ҳожа Ахрор фаолияти билан боғлиқ маълумотлар
42.	Маноқиби Ҳожа Ахрор	—	Ҳожа Ахрор фаолияти ва унинг аждодлари билан боғлиқ маълумотлар
43.	Рашаҳот	Али ас-Сафий	Ҳожа Ахрор фаолияти ва унинг аждодлари билан боғлиқ маълумотлар
44.	Зарбулмасал	Гулханий	Ибратли масал ва ҳикоятлардан
45.	Маглаъ ал-улум	—	—
46.	Тарихи мавлоно Ушшоқий Косоний Хўқандий	—	—
47.	Чаманистон	Шайх ул-ислом Солиҳ	—

«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД»  
АСАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН НАҚЛ ВА РИВОЯТЛАР

№	Қайси маълумот	Мазмуни
1.	Кайкобус ва Салор	Қадимги Эрон шоҳларидан Кайкобус ва Салор даврида Чирчиқ дарёсидан қазилган ариқлар уларнинг номи билан аталган
2.	Зол	Ариқ номи, «Шоҳнома» асари қаҳрамонларидан Зол ёки афсонавий шайх Зол номи билан боғлиқлиги айтилади
3.	Парвизшоҳи	Чирчиқ дарёсидан 6 фарсах масофада бўлган ер, сосоний ҳукмдорлардан Парвиз номи билан боғлиқ (аҳоли тилида Фаровизшоҳи деб ҳам юритилган)
4.	Афросиёб ломазори	Тошкент шаҳри девори ташқарисидаги ломазор ва харобазор Афросиёб номи билан боғланади
5.	Мингўрик	Аҳоли оғзидаги ривоятларга кўра қадимги шоҳлар қароргоҳи ва саройи ўрни бўлган
6.	Шоҳнишин	Аҳоли оғзидаги ривоятларга кўра қадимги шоҳлар қароргоҳи ва саройи ўрни бўлган
7.	Шўртгепә	Бу тепалик тошкентликлар орасидаги ривоятларга кўра Нуҳ тўфонидан қолган

7-шлованинг гавоми

8.	Жанодил	Тошкент вилоятидаги қадимий шаҳар харобаси, ривоят араблар истилоси даври билан боғлиқ. Унинг ҳукмдори Жанодил Ҳазрат Али томонидан Аҳтам саҳоба ортидан бу юртларга юборилган. Ривоят қаҳрамонлари Сайқалийнинг «Аҳтам саҳоба» қиссаси қаҳрамонларига ўхшаб кетади
9.	Хожа Аҳрор майдони	Муаллиф давридаги нақлларга кўра, Мўйи Муборак мадрасаси қурилган жой аҳоли орасида Хожа Аҳрор туғилган ер деб тушурилган
10.	Тўйтепа	Ривоятга кўра, араблар келган пайтдаги маҳаллий аҳоли тўй-томоналарини ўтказадиган катта майдон муаллиф даврига келиб Тўйтепа деб аталган экан
11.	Искандар Мақдуний	Александр Македонский ва унинг шоҳи билан боғлиқ ривоят
12.	Бобой Мардак	Одам тасвирига ўхшаш қоятош ҳақидаги ривоят, муаллифнинг ёзишича, чингизий Хулакухон даврига оид
13.	Ҳазрат Уккоша	Халифа Умар буйруғи билан келган саҳоба Ҳазрат Уккоша мажусийлар билан жанг қилган ерда ҳалок бўлган, ўша ерда дафн қилинган. Кейинчалик унинг қабри зиёратгоҳга айланиб, мазор яқинидаги булоқ шифобахш ҳисобланган

14.	Йиғлоқ ота	Йиғлоқ ота зиёратгоҳи билан боғлиқ нақлга кўра унинг қадам-жойидаги новвадондан фақатгина ихлос билан келганларгагина сув тушган
15.	Туркчи ота	Туркчи ота қадамжоси билан боғлиқ ривоят, нақлга кўра у ўз даврининг кучли олимларидан бўлиб, талабалари билан туркий тилда дарс олиб боргани учун шу номни олган экан
16.	Қадиргочбий	Ривоятга кўра, Дашти Қипчоқ шаҳзодаларидан бири шайх Умар Боғистонийдан қабри жойлашган ерни яшаш учун сўраган ва вақти келиб, уларнинг авлодларидан бирининг шарофати билан бу ер катта зиёратгоҳ бўлишини башорат қилган
17.	Олтин Бешик	Қўқон тарихнавислигида хонларнинг ажради ҳисобланувчи Бобурнинг фарзанди (бошқа шақларда набираси) билан боғлиқ ривоят

## МУҲАММАД СОЛИХҲУЖАНИНГ АСОСИЙ АҲБОРОТЧИЛАРИ

№	Исми шарифи	Ким бўлган	Қандай маълумотлар олинган
1.	Муҳаммад Раҳимхўжа	Муаллифнинг бобоси	Юнусхўжа ва Олимхон даври воқеалари
2.	Тошбобо	Султонхўжанинг мирохури	Султонхўжа даври ва унинг укаси Ҳомидхўжанинг Бухорога кетиши
3.	Азимбой қушбеги, Холназар, Нўмонхонтўра Намангоний	Муҳаммад Алихоннинг амалдорларидан	Муҳаммад Алихоннинг 1842 йилда амир Насрулло томонидан олиб кетилган икки ўғли (улардан бирининг исми Музаффархон) тақдири тўғрисида
4.	Муҳаммад Сайид туқсабо	Муаллифнинг мадрасадош дўсти, Бухоро амири амалдорларидан	Бухоро амирлигидаги воқеалар, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатларга доир маълумотлар
5.	Шарифхўжа қози аскар Пошшахўжа Зибачи ўғли, Жуманбий Тахташулий	Қаноат оталиқ томонидан Тошкентдан Бухорога элчи қилиб юборилган тошкентлик шахслар	1862 йил бошида Тошкентдаги воқеалар, Тошкентнинг Алимқули амирлашқар ва Шохмуродхон томонидан қамал қилиниши, Қаноат оталиқнинг Бухоро амирита ёрдам сўраб элчи юбориши
6.	Мулла Муҳаммад Юсуф мирзо Йўлош мирохур ўғли	Шохмуродхон хазинахонасида мунший, муаллифнинг таниши	Шохмуродхон ва унинг давридаги айрим воқеалар

7.	Солихбек додхоҳ Қозоқбойбий ўғли	Тошкентнинг таниқли кишиларидан	1865 йилда Тошкентдаги сиёсий вазият, Тошкент – Қўқон, Тошкент – Бухоро муносабатлари
8.	Ҳакимхўжа қозикалон Норхўжа эшон ўғли	Тошкент қозикалони, мудофаа етакчиларидан	1865 йилда Тошкентдаги сиёсий вазият Тошкент – Қўқон, Тошкент – Бухоро муносабатлари
9.	Мулла Жўрабек мингбоши	Бўкалик фуқаро	1280/1863 – 1864 йилда Сирдарё тошиб, Шохрухия районаларини сувбосиши ва кўплаб китобларнинг дарёга оқиши ҳақида
10.	Жўрабек	Шахрисабзнинг собиқ ҳокими	Шахрисабз – Бухоро муносабатларига доир маълумотлар
11.	Юнусжон мунший Шахрисабзий	Султон Саъидхон саройи муншийларидан, Абдумалиқтўранинг сафдоши	Абдумалиқтўранинг қаршилиқ ҳаракатлари ва унинг Туркияга кетишигача бўлган бошидан кечирганлари тафсилотлари
12.	Собирхонтўра Акромхонтўра ўғли	Худоёрхон синглисининг эри	Пўлатхон кўзғолони воқеалари, Худоёрхоннинг 1875 йилдан кейинги тақдири
13.	Сўфибек	Шералихоннинг ўғли	Шералихон авлодларига доир маълумотлар
14.	Насриддинбек	Худоёрхоннинг ўғли	Шералихон авлодларига доир маълумотлар ва Пўлатхон кўзғолони воқеаларига оид айрим тафсилотлар

## РЕЗЮМЕ

Отдельные сведения, касающиеся общественно-политической, экономической, духовной и культурной жизни Ташкента, на арабском, персидском и тюркском языках нашли свое отражение в местных источниках, однако весьма малую толику составляют произведения, посвященные и освещающие историю этого города. Так, хотя и находит свое подтверждение создание произведения Султон Мухаммада Ташканди (Хофиза Кухаки, XV–XVI вв.) «Тарих-и Тошканд» («История Ташкента»), однако до сих пор неизвестны рукописи этого труда. Некоторое освещение сведения, касающегося истории Ташкента, получило в произведении Абу Убайдуллаха Ташканди «Хулосат ул-ахвол» (XIX в.), охватывающем указанный период, и все же труд не выходит за рамки событий, происходивших в жизни самого автора. Здесь уместно отметить специально созданное историческое произведение, целиком и полностью посвященное истории Ташкента. Это сочинение жителя города Мухаммада Салихходжи «Тарих-и жадида-и Тошканд». Уже само название этого произведения, именуемого как «Тарих-и жадида-и Тошканд» или «Тарих-и вилояти Тошканд», свидетельствует о том, что оно посвящено истории Ташкента, где среди событий описываются исторические процессы, происходившие в городе и прилегающих к нему окрестностях, а в конце данного труда приводится его географическое и топографическое описание.

Впервые научные сведения об этом произведении были изложены Я. Гулямовым в 1941 году. Позднее в каталогах восточных рукописей при описании истории Ташкента и Кокандского ханства, а также при изучении военных действий Российской империи на территории Средней Азии данный труд приводится в качестве основного источника и ему дается соответствующая оценка. Отдельные сведения, почерпнутые из этого произведения, получили свое отражение в работах исследователей М. Салихходжа оглы, А. Урунбаева, О.Д. Чехович, А. Буриева, Х. Зияева, Ш. Вахидова и др.

Автор — Мухаммад Салихходжа домла Рахматходжа оглы родился (прибл. годы жизни 1830–1889) в ташкентской махалле Карягди и был прямым потомком шейха Хованд Тахура (ум.в 1359 г.). Начальное образование он получил в ташкентских медресе Эшонкули дадхаха, Лашкара Бегларбеги и Ходжа Ахрара, впоследствии же обучался в медресе Коканда, Маргилана и Бухары. В 1862 году он возвратился в Ташкент из Бухары и до конца своих дней был имамом в мечети Бекмухаммадбий, что в махалле Кият, и в мактабе при мечети служил преподавателем. Год его кончины неизвестен. Если исходить из завершающих это произведение дат, содержащихся в автографическом экземпляре его труда, то становится очевидным, что он был еще жив в конце 80-х годов XIX столетия.

Писать свое произведение Мухаммад Салихходжа начал в 1863 году и работал над ним на протяжении 1887–1888 годов. Как отмечает сам автор, причиной этого послужило то обстоятельство, что по истории Ташкента не было ни одного описания. В целом данное сочинение создано в историческом аспекте на основе традиции кокандской историографии. На сегодняшний день имеются три рукописи

произведения «Тарих-и жадида-и Тошканд», которые ныне хранятся в Институте востоковедения АН РУз, среди которых экземпляр под № 7791 является автографом. Один из двух оставшихся списков (№ 11072, № 11073) переписан в 1936 году жителем Ташкента Набираходжа Сайидходжой оглы, а второй (№ 5732) — в 1940 году Мухаммад Хасаном Бухари и Абдуллой Насыровым.

Произведение «Тарих-и жадида-и Тошканд» вобрало в себя период, начиная с древности до современных автору времен, где описываются взаимоотношения Ташкента и Коканда в XIX столетии, военные действия Российской империи на территории Средней Азии, взятие русскими войсками Ташкента, а также приводятся определенные сведения по исторической топографии города, что не встречается в других источниках. События 1865—1889 годов излагаются по годам, где, в частности, нашли свое отражение общественно-экономические изменения, происходившие в самом Ташкенте.

В этой монографии изучаются жизнь и деятельность Мухаммада Салихходжи, где произведение «Тарих-и жадида-и Тошканд», а также отдельные сведения, касающиеся истории Ташкента и Кокандского ханства, рассматриваются в качестве основного исторического первоисточника.

## RESUME

Some data concerning the political, economic, spiritual and cultural life of Tashkent, wrote on the Arabian, Persian and Turkic languages, have found reflection in the local historical and literary sources, however, rather small numbers are the writings devoted to and covered the history of this city. Though the creation of the work «Tarikh-i Toshkand» («The History of Tashkent») by Sulton Mukhammad Tashkandi (Khafiz Kukhaki, 15—16<sup>th</sup> centuries) finds the confirmation, however, the manuscripts of this work until now have remained unknown. Some data, relating to the history of Tashkent, were highlighted in the work by Abu Ubaydullakh Tashkendi «Khulosat ul-akhvol» (19<sup>th</sup> century) covering the specified period, however, that writing does not describe the events other than those happened in the life of the author. It is pertinently to note a special written historical book, entirely and completely devoted to the history of Tashkent, is a composition of a townsman Mukhammad Salikhkhodja «Tarikh-i djadida-i Toshkand». The very title of this book called as «Tarikh-i djadida-i Toshkand» or «Tarikh-i viloyati Toshkand» testifies to that it is devoted to the history of Tashkent where among other things and different events, there are described the historical processes taken place in the city and its vicinities, and at the end of the work its geographical and topographical descriptions are presented.

For the first time, scientific information on this book was stated by Ya. Gulyamov in 1941. Later, in the

catalogues of oriental manuscripts in the description of the history of Tashkent and the Kokand khanate, as well as in the studies devoted to military actions of the Russian Empire in the territory of Central Asia, this book is considered as the basic source, and the corresponding estimation is given to it. Some of the details, derived from this book, are mentioned in the works of such researchers as Murodkhodja Salikhhodja ogly, A. Urunbaev, O.D. Chehovich, A. Buriev, Kh. Ziyaev, Sh. Vakhidov and others.

The author Mukhammad Salikhhodja domla Rakhmatkhodja ogly was born (1830–1889 are the approximate years of his life) in the Tashkent makhalla of Karyagdy being the direct lineal descendant of the sheikh Khovand Takhur (d. 1359). He obtained his elementary education in Tashkent madrasahs of Eshonkuli dadkhakha, Lashkara Beglarbegi and Hodja Akhrar, later he was trained at the madrasahs of Kokand, Marghelan and Bukhara. After that he came back to Tashkent from Bukhara in 1862 and up to the end of his life was the imam in the mosque of Bekmukhammadbiy located in the makhalla of Kiyat, in addition, at the maktab, affiliated to the mosque, he served as a teacher. The exact year of his death is unknown. If one takes into consideration the dates indicated at the end of this book (an autographic copy), it becomes obvious that he was still alive at the end of the 1880 s.

Mukhammad Salikhhodja started to write his book in 1863, and his writing lasted in 1887 and 1888. As the author stated himself, the reason for that was the absence of any description of the history of Tashkent. As a whole, the composition was created in historical aspect on the basis of the Kokand traditions of historiography. Nowadays, there are three manuscripts of the work «Tarikh-i djadida-i Toshkand» which are kept in the Institute for Oriental Studies of the Academy of

Sciences of the Republic of Uzbekistan, among which the manuscript № 7791 is the genuine autographic copy. One of the two retained manuscripts (№ 11072, № 11073) was copied in 1936 by the Tashkent resident Nabirakhodja Sayidkhodja ogly, and the second one (№ 5732) in 1940 by Mukhammad Khasan Bukhari and Abdulla Nasyrov.

The book «Tarikh-i djadida-i Toshkand» covers the period from the antiquity up to the author's times, containing the descriptions of mutual relations between Tashkent and Kokand in the 19<sup>th</sup> century, of military actions of the Russian empire in the territory of Central Asia, a seizure of Tashkent by the Russian troops, there are also included the certain data on historical topography of the city that are not found in other sources. The events between 1865 and 1889 are presented in accordance with each year where, in particular, the social and economic changes, occurred in Tashkent, found their reflection.

In this monograph life and work of Mukhammad Salikhhodja are studied, where the work «Tarikh-i djadida-i Toshkand», as well as particular data, regarding the history of Tashkent and the Kokand khanate, are considered as the basic historical primary source.

**ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА  
ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ**

**Манбалар**

1. *Абдулафур*. Зафарномаи Худоёрхоний. ЎзРФАШИ. № 598. — 65 варақ.
2. *Абу Тоҳирхожа*. Самария // Мерос. — Т.: Камалак, 1991. — Б. 7—81.
3. *Абу Убайдуллоҳ Тошкандий*. Хулосат ал-аҳвол. ЎзРФАШИ. № 2084. — 240 варақ.
4. *Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий*. Тарихи жаҳоннамои. ЎзРФАШИ. № 9455. — 424 варақ.
5. *Аваз Муҳаммад Аттор*. Тарихи жаҳоннамои / Форс-тожик тилдан Ш. Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. — Тошкент, 1991. — № 8. — Б. 119—137.
6. *Амин Аҳмад Розий*. Ҳафт иқлим. ЎзРФАШИ. № 617. — 539 варақ.
7. Анжум ат-таворих. ЎзРФАШИ. № 11366. — 153 варақ.
8. Аҳтам саҳоба қиссаси. ЎзРФАШИ. № 3794/II. — 17 варақ.
9. *Бекназар*. Амирлашкар жангномаси. ЎзРФАШИ. № 1925/II. — 27 варақ.
10. *Веселовский Н.И.* Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае. Текст, пер., примечания. — СПб., 1894. — 206 с.
11. *Зайниддин Васифи*. Бадаи ал вакаи / Крит. текст, введ., и указатели А.Н. Болдырева. — М. 1961. В 2 томах.
12. *Ибн Хордагбех*. Книга путей и стран / Пер с. араб., коммент., исс.е и указатели и карты Н. Валиханова. — Баку: Элм, 1986. — 427 с.

13. *Имомали Қори Қундузий-Комий*. Таворихи манзума. ЎзРФАШИ. № 597. — 84 варақ.
14. Истахри. Масалик ал-мамалик / Перевод с персидского З.И. Ворожейкиной // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Отв.ред. В.А. Ромодин. — М.: 1973. Вып. 1. — С. 24—35.
15. *Исҳоқхон Жўнайдуллоҳўжа ўғли Ибрат*. Фарғона тарихи // Мерос. — Т.: Камалак, 1991. — Б. 268—326.
16. *Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди*. Ансаб ас-салатин ва таворих ал-хавакин / Генеология султанов и история хаканов. Пер., прим., указатели С. Юлдашев. Введ., науч. ред. Ш. Воҳидов. — Т., 2007. — 255 с.
17. *Мирзоолим Мушриф*. Қўқон хонлиги тарихи (Ансаб ус-салотин ва таворих ул-хавонин). — Т.: Ғофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. — 127 б.
18. *Муродхўжа Солиххўжа ўғли*. Тарихи жадидаи Тошканд асарига тақриз ва илова. ЎзРФАШИ. № 13414. — 31 варақ.
19. *Муҳаммад Азиз Марғилоний*. Тарихи Азизий. ЎзРФАШИ. № 11108. — 219 варақ.
20. *Муҳаммад Азиз Марғилоний*. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар: Ш. Воҳидов, Д. Сангирова. — Т.: Маънавият, 1999. — 120 б.
21. *Муҳаммад Солиххўжа*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзРФАШИ. № 7791. — 1040 варақ.
22. *Муҳаммад Солиххўжа*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзРФАШИ. № 11072. — 302 варақ.
23. *Муҳаммад Солиххўжа*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзРФАШИ. № 11073. — 294 варақ.
24. *Муҳаммад Солиххўжа*. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзРФАШИ. № 5732. — 380 варақ.
25. *Муҳаммад Тоҳир*. Ажойиб ат-табақот. ЎзРФАШИ. № 4483. — 301 варақ.
26. *Муҳаммад Тоҳир*. Ажойиб ат-табақот. ЎзРФАШИ. № 9042. — 226 варақ.
27. *Муҳаммад Юнус Тоиб*. Ҳадиқат ал-анвор. ЎзРФАШИ. № 596/II. — 187 варақ.

28. *Муҳаммад Юнус Тоиб*. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи: Ш. Воҳидов // Шарқ юлдузи. — Тошкент, 1996. — № 1. — Б. 214–223. — № 2. — Б. 208–223.
29. *Муҳаммад Юнусъ [Тоиб]*. [Перевод рукопись] // Султаны Кенисара и Садык. Биографические очерки Султана Ахмета Кенисарина. Обработано для печати и снабжено примечаниями Е.Т. Смирновым. — Т.: Типо-литография С.И. Ляхтина. 1889. — С. 66–85.
30. *Муҳаммад Юсуф мунший*. Тарихи Муқимхоний. ЎзРФАШИ. № 3784. — 147 varaқ.
31. *Муҳаммад Фозилбек Муҳаммад Отабек қози ўғли*. Мукамал тарихи Фарғона. ЎзРФАШИ. № 5971. — 89 varaқ.
32. *Муҳаммад Ҳакимхонтўра*. Мунтахаб ат-таворих. ЎзРФАШИ. № 592. — 669 varaқ.
33. *Ниёз Муҳаммад Хўқандий*. Тарихи Шохрухий. ЎзРФАШИ. № 1787. — 252 varaқ.
34. *Носиров А.* Тошкент олимлари ва шоирлари. ЎзРФАШИ. № 13408. — 641 varaқ.
35. *Носиров А.* Тошкент машойихлари. ЎзРФАШИ. № 13416. — 181 varaқ.
36. *Носиров А.* Жуғрофияга оид китоблар. ЎзРФАШИ. № 13435. — 17 varaқ.
37. *Носиров А.* Тошкент тарихи ва жуғрофиясига оид материалларнинг манбалари рўйхати. ЎзРФАШИ. № 13415. — 48 varaқ.
38. Сайрам бузурглари мазорлари. ЎзРФАШИ. № 12708/III. — 15 varaқ.
39. Сайрам бузурглари. ЎзРФАШИ. № 4188. — 24 varaқ.
40. *Фахриддин Али ас-Сафий*. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Таржимон Домла Худойберган Бекмуҳаммад (XIX аср) / Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умурзоқ. Тўлдирилган иккинчи нашр. — Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. — 536 б.
41. *Қиссаи Шох Аҳтам*. ЎзРФАШИ. № 1733/II. — 199 varaқ.
42. *Ҳофиз Таниш Бухорий*. Абдуллонома. Икки жилдлик. I жилд. — Т.: Шарқ, 1999. — 416 б.; II жилд. — Т.: Шарқ, 2000. — 288 б.

43. *Muhammad Yar ibn Arab Qataghan*. Musakhir al-Bilad (The History of Shaybanid). Edited by N.Jalali. — Tehran: Miras-i maktub, 2006. — 494 p.

#### ЎзР Марказий Давлат архиви фонди

44. ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 976-иш.
45. ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 132-иш.
46. ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449 иш.
47. ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 478 иш.
48. ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2898-иш.
49. ЎзР МДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш.

#### Тадқиқотлар

50. *Абаза К.К.* Завоевания Туркестана. — СПб., 1902. — 137 с.
51. *Альхамова З.А., Давидович Б.А., Литвинский Б.А., Массон М.Е.* Историко-археологическое изучение мавзолея Юнусхана // Труды САГУ. Вып. XLIX. Археология Средней Азии. — Т., 1953. — С. 171–199.
52. *Ахмедов Б.* История Балха (XVI — первая половина XVIII в.). — Т.: Фан, 1982. — 296 с.
53. *Ахмедов Б.* Ўзбекистон тарихи манбалари. — Т.: Ўқитувчи, 2001. — 244 б.
54. *Ахмедов Б.* Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. — Т.: Чўлпон, 2003. — 156 б.
55. *Бабаджанов Б.М., Муминов А.К., А. фон Кюгельген.* Диспуты мусулманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке. — Алматы: Дайк-Пресс, 2007. — 272 с.
56. *Бартольд В.В.* Туземец о русском завоевании. Собр. соч. Т. II. Ч. 2. — М.: Наука, 1964. — 658 с.
57. *Бартольд В.В.* К истории орошения Туркестана. Собр. соч. Т. III. — М.: Наука, 1965. — 711 с.
58. *Басилов В.Н.* Культ святых в исламе. — М.: Мысль, 1970. — 143 с.

59. *Бейсембиев Т.* Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по истории идеологии в Средней Азии (на материалах Кокандской историографии) // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI–XVIII вв. — Алма-Ата: Наука, 1983. — С. 96–97.
60. *Бейсембиев Т.* Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII–XIX вв.: (по некоторым сочинениям кокандской историографии) // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. — М.: Наука, 1985. — С. 37–47.
61. *Бейсембиев Т.* Тарихи Шахрухи — как исторический источник. — Алма-Ата: Наука, 1987. — 200 с.
62. *Бейсембиев Т.* Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809–1865 гг. / Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти Кипчака в XIII–XVIII вв. Материалы Международного круглого стола. — Алматы: Дайк-Пресс, 2004. — С. 291–313.
63. *Бендриков К.Е.* Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865–1924). — М.: Наука, 1960. — 509 с.
64. *Брежнева С.Н.* Подготовка Российской империи к наступлению на Туркестан в 50-е годы XIX в. // Вестник Московского университета. История. Серия 8. — Москва, 2004. — № 3. — С. 21–42.
65. *Булатова В., Маньковская Л.* Памятники зодчества Ташкента XIV–XIX в. — Т.: Г. Гулям, 1983. — 143 с.
66. *Бурцев А.* «Тарих-и джадидаи Ташканд» как источник по исторической топонимии Ташкента // Ономастика Узбекистана. Тезисы II республиканской научно-практической конференции (г. Карши 14–16 сентября 1989 г.). — Т., 1989. — С. 23–24.
67. *Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М.* Ташкент областининг археологик ёдгорликлари. — Т.: Фан, 1975. — 120 б.
68. *Буряков Ю.Ф.* Ташкент воҳасининг қадимги қарвон йўллари. — Т.: Фан, 1978. — 95 б.

69. *Бўриев О.* Зиё таратган хонадон // Имом ал-Бухорий сабоқлари. — Тошкент, 2004. — № 2. — Б. 101–103.
70. *Бўриев О., Султонов Ў.* Тошкентнинг XIX асрдаги маънавий-маърифий ҳаёти тарихидан (Мухаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари асосида) // Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти. Тошкент коллекцияларида ислом қўлёзмалари. 2007. — Б. 16–18, 41–42, 64–66 (ўзбек, рус ва инглиз тилларида).
71. *Валиханов Ч.Ч.* Собр. соч. Т. I. — Алма-Ата, 1984. — 431 с.
72. *Валиханов Ч.Ч.* Собр. соч. Т. IV. — Алма-Ата, 1985. — 461 с.
73. *Вахидов Ш.* О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммад Атгара Хуканди // Адабий мерос. — Ташкент, 1989. — № 1. — С. 37–42.
74. *Вахидов Ш.* Источники использованные Аваз Мухаммад Атгаром в сочинение «Тухфат ат-таварих-и хани (Тарихи джаханнумаи)» // Адабий мерос. — Ташкент, 1989. № 4. — С. 31–36.
75. *Вельяминов-Зернов В.* Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худоярхана. — СПб., 1856.
76. *Воҳидов Ш.* XIX аср Тошкент тарихчилари. — Т., 1996. — 34 б.
77. *Воҳидов Ш.* Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. — Тошкент, 1995. — № 3–4. — Б. 214–223.
78. *Вяткин В.Л.* К исторической географии Ташкентского района // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1902. — №101.
79. *Гейнс А.К.* Управление Ташкента при Кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. В III томах. — СПб., 1897–1899. Т. II. — 741 с.
80. *Граминский С.* Положение инородческого образования Сирдарьинской области. — Т., 1916.
81. *Гулям Я.* Новый источник по истории завоевания Туркестана русским царизмом // Изв. Узб. Фил. АН СССР. — Ташкент, 1941. — № 4. — С. 81–82.

82. Давидович Е.А., Егани А.А., Чехович О.Д. Новые материалы по метрологии Средней Азии // История и культура народов Средней Азии. — М.: Наука, 1976. — С. 162–164.
83. Диваев А.А. Народные предания о возникновении азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1900. — № 91.
84. Добросмыслов А.Н. Ташкент. Исторический очерк // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1909. — №№ 204, 207, 214, 219, 221, 229, 235.
85. Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. — Т., 1912. — 520 с.
86. Жалилов О. Мадрасалар таърифида // Фан ва турмуш. — Тошкент, 1983. — № 9. — Б. 12–13.
87. Жуманазар А. Насаф. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. — 204 б.
88. Зиёев Ҳ. Тошкентнинг Россияга қўшиб олинishi. — Т.: Фан, 1966.
89. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. — Т.: Шарқ, 1998.
90. Зияев А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. — Т.: Санъат, 2008. — 139 с.
91. Зияев Х. Ценные материалы по истории Ташкента // ОНУ. — Ташкент, 1971. — № 4. — С. 53–55.
92. Илькин Б. О поездке в местность древнего Ульджакента // ПТКЛА. Год 6-й. — Ташкент, 1901. — С. 45–52.
93. История Ташкента. — Т.: Фан, 1988. — 291 с.
94. История Узбекской ССР. — Т.: Фан, 1956. Т. I, Кн. 2. — 497 с.
95. История Узбекской ССР. — Т.: Фан, 1974. — 583 с.
96. История Узбекистана. Т. III (XVI — пер. пол. XIX вв.). — Т.: Фан, 1993. — 476 с.
97. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара). — Т.: Фан, 1965. — 75 с.

98. Кадырова М. Жития Ходжа Ахрара. Опыт системного анализа по реконструкции биографии Ходжа Ахрара и истории Ахраридов. Отв. ред. Б.Бабаджанов. Рабочие документы ИФЕАК (переизд. № 27). — Т., 2007. — 103 с.
99. Казбеков Ю. Праздник в Занги ата // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1915. — № 34.
100. Кашкин К.Н. Очерки ирригации Ташкента // Туркестанское хозяйство. — Ташкент, 1907, № 1. — С. 6–14; № 2. — С. 101–108.
101. Кереньский Ф.М. Медресе Туркестанского края. — СПб., 1892. — 37 с.
102. Левина-Булатова В.А. К истории мавзолея Зейн ад Дина // Архитектурное наследие Узбекистана. — Т.: Фан, 1960. — С. 75–84.
103. Ликошин Н. Тошкент эшонлари (Таржима). — Т.: Рухафзо, 1996. — 24 б.
104. Лунин Б. История изучения прошлого и настоящего Ташкента. 1. Дореволюционный период // ОНУ. 1981. № 12. — С. 51–63.
105. Лунин Б. История изучения прошлого и настоящего Ташкента. 2. Советский период // ОНУ. 1982. № 1. — С. 47–59.
106. Лунин Б. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых в XVI — первой половине XIX в. — Т.: Фан, 1988. — 256 с.
107. Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. — СПб., 1876. — 533 с.
108. Малицкий Н.Г. Несколько слов из истории Ташкента за последнее столетие // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1898. — № 88–91.
109. Малицкий Н.Г. Из истории Ташкента под Кокандским владычеством // ПТКЛА. Год 5-й. 1900. — С. 126–137.
110. Малицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. — Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. — 23 б.

111. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX — начало XX в.). — Т.: Фан, 1980. — 183 с.
112. Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. — Т.: Изд. АН УзССР, 1953. — 144 с.
113. Массон М.Е. Прошлое Ташкента // Известия АН УзССР. — Ташкент, 1954. № 3. — С. 105—131.
114. Михалева Г.А. История Узбекистана XVIII—XIX в. Ремесло, торговля и пошлина. — Т.: Фан, 1991.
115. Муқминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрестке истории. — Т.: Фан, 2001. — 113 с.
116. Муниров К., Ирисов А., Носиров А. Некоторые сведения об ученых и поэтах Ташкента X—XIX веков // ОНУ. — Ташкент, 1983. — № 9. — С. 21—26.
117. Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. — Т.: Фан, 1983. — 54 б.
118. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. — Т.: Фан, 1971. — 198 б.
119. Мухтаров А. Позднесредневековый Балх (материалы к исторической топографии города XVI—XVIII вв.). — Душанбе, 1980. — 125 с.
120. Муқминова Р. Тўрт аср олдинги Тошкент. — Т.: Фан, 1984. — 48 б.
121. Муҳаммаджонов А. Қадимий Тошкент. — Т.: Шарк, 2002. — 78 б.
122. Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. — Т.: Мовароуннахр, 2004. — 170 б.
123. Набиев Р. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. — Т.: Фан, 1966. — 79 с.
124. Набиев Р. Из истории Кокандское ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана). — Т.: Фан, 1973. — 388 с.
125. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. — М.: Наука, 1968. — 76 с.
126. Наливкин В.П. Сведения состояний туземных мадраса Сирдарьинской области в 1890—1891 учебном году. — Т., 1916.

127. Нурмухаммедов Н., Ҳабибуллаев Н. Тошкентнинг қадимий дарвозалари. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 23 б.
128. О школьном образовании у магометан Средней Азии (ч. 2) // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1876. — № 48.
129. Озагаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи). — Т.: Фан, 1960. — 268 б.
130. Остроумов Н. Последние по времени Шейх ул-ислам и Казы калян города Ташкента, братья Ай ходжа и Хаким ходжа // ПТКЛА. Год 20-й. — Ташкент, 1915. — С. 11—24.
131. Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. — СПб., 1910.
132. Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. — СПб., 1868. — 176 с.
133. Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. — Фрунзе: Илим, 1977. — 368 с.
134. Пугаченкова Г.А. Мавзолей Кальдыргачбия // Изв. АН КазССР. — № 80. Серия архитектура. — Алма Ата, 1950. — С. 90—94.
135. Раҳимхўжа эшон Алихўжа эшон ўғли. [Тошкент] // Туркистон вилояти газети. — Тошкент, 1890. — № 28.
136. Роҳила Довуд. Уйғур мозорлари (уйғур тилида). — Урумчи, 2001. — 264 б.
137. Сборник материалов по мусульманству. — СПб., 1899.
138. Семенов А.А. Ташкентский шайх Хаванд Тахур (Шайх Антаур) и приписываемый ему кулях // ПТКЛА. Год 20-й. — Ташкент, 1916. — С. 25—31.
139. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под.ред. А.А. Семенова, Д.Г. Вороновского. — Т.: Изд. АН УзССР, 1963. Т. VI. — 737 с.
140. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под.ред. А.А. Семенова, Д.Г. Вороновского. — Т.: Изд. АН УзССР, 1967. Т. VIII. — 798 с.
141. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Сост. Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. — Т.: Фан, 1998. — 533 с.

142. Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. — Т.: Узбекистан, 1965. — 189 с.
143. Соколов Ю. Установления Кокандского владычества в Ташкенте // Материалы по истории Средней Азии. — Т.: Наука, 1966. — С. 25—31.
144. Солихбек dogxoq / Тузувчилар: О. Бўриев, Нуриллабек Убайдуллабек ўгли. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. — Т.: Фан, 2006. — 103 б.
145. Стори Ч.А. Персидская литература / Пер. с англ. перераб. и дополн. Ю.Э. Брегель. Отв.ред. Ю.Э. Борщевский. — М.: Наука, 1972. В 3 томах.
146. Султонов Ў. Хожа Ахрорнинг Тошкентдаги мадраса ва масжидлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. — Тошкент, 2004. — № 3. — Б. 185—186.
147. Султонов Ў. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Яссавия тариқати намояндлари мазорлари зикри // Имом ал-Бухорий сабоқлари. — Тошкент, 2005. — № 1. — Б. 75—77.
148. Султонов Ў. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент дарвозалари ҳақида маълумотлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. — Тошкент, 2006. — № 3. — Б. 70—77.
149. Султонов Ў. Тошкент қадамжойлари ва мазорлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. — Тошкент, 2007. — № 2. — Б. 101—105.
150. Султонов Ў. XIX аср Тошкент мадрасалари ҳолати // O'zbekiston tarixi. — Тошкент, 2007. — № 3. Б. 64—72.
151. Султонов Ў. Тошкент Қўқон хонлиги таркибида («Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларидаги маълумотлар таҳлили) // O'zbekiston tarixi. — Тошкент, 2007. — № 3. — Б. 57—67.
152. Султонов Ў. XIX асрдаги Тошкент жомеъ масжидлари // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. — Тошкент, 2007. — Б. 265—267.
153. Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. Масъул муҳаррир: т.ф.д. А. Ўринбоев. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — 262 б.

154. Сухарева Д.А. Ислам в Узбекистане. — Т., 1960. — 86 с.
155. Ташкент. Энциклопедия. — Т., 1984. — 413 с.
156. Терентьев М.А. Карты и планы к истории завоевания Средней Азии. — СПб., 1906. В 3 томах.
157. Тошкент. Энциклопедия. — Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. — 994 б.
158. Улянов Н. Материалы по ирригации города Ташкента и Кураминского уезда // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1883. — № 44.
159. Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Изв. АН УзССР. Серия общ., наук. Отдельный оттиск. — Ташкент, 1957. — № 3. — С. 33—38.
160. Файзиев Т. О родоплеменном составе узбеков-кураминцев конца XIX — начало XX века // ОНУ. — Ташкент, 1963. — № 11. — С. 43—47.
161. Филлиманов В.М. Занги ота ансамбли. — Т.: Ўзбекистон, 1978. — 22 б.
162. Френкель Н.И. Мавзолей Абу Бакр Мухаммед Каффал-Шаши в Ташкенте // Материалы по истории и теории архитектуры Узбекистана. — М., 1950. Вып. 1. — С. 73—83.
163. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60—90 годы XIX в.). — М.: Наука, 1965. — 468 с.
164. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857—1868). — М.: Наука, 1965. — 272 с.
165. Хамза Камол. История мазаров Северного Таджикистана. — Душанбе, 2005. — 207 с.
166. Хорошхин А.П. Очерки Ташкента // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. — СПб., 1876. — 533 с.
167. Хорошхин А.П. Вакуфы Ташкента // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1884. — № 34.
168. Хуришут Э. Ши-Чач-Ташкент. — Т.: Узбекистан, 1992. — 56 с.
169. Чехович О.Д. Сказание о Ташкенте // Письменные памятники Востока. — М.: Наука, 1970. — С. 172—177.

170. Чехович О.Д. Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. // История и культура народов Средней Азии. — М.: Наука, 1976. — С. 149—160.
171. Шишкин В.А. О названиях Ташкентских махалы // Бюллетень Ташкентского новгородского исполкома. — Ташкент, 1925. № 4. — С. 12—30.
172. Шишкин В.А. Мазары в Занги Ата. — Т., 1927. — 8 с.
173. Шораҳимов Ш., Рўзиева М. Ташкент дарвозалари // Фан ва турмуш. — Ташкент, 1982. — № 9. — Б. 4—5.
174. Эварницкий Д.Н. К вопросу о начале города Ташкента // Туркестанские ведомости. — Ташкент, 1892. — № 29.
175. Юлгашев М. Ключи Ташкента // Звезда Востока. — Ташкент, 1959. — № 5. — С. 157—158.
176. Юнусхўжаева М., Мирисмошлова У. Ташкент тарихига доир ҳужжатлар. — Т.: Фан, 1983. — 19 б.
177. Ўзбек Совет энциклопедияси. Мрамор ониксиникелин. 7-жилд. — Т., 1976. — 656 б.
178. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Мирий-Пархиш. 6-жилд. — Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. — 704 б.
179. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I жилд. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000.
180. Ўринбоев А. Тошкандий Ташкент зилзиласи ҳақида // Фан ва турмуш. — Ташкент, 1966. — № 6. — Б. 5.
181. Ўринбоев А. Ташкент солномаси // Гулистон. — Ташкент, 1982. — № 3. — Б. 26.
182. Ўринбоев А., Бўриев О. Ташкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. — Т.: Фан, 1983. — 56 б.
183. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. — Т.: Шарқ, 1998. — 208 б.
184. Қамчинбек А. Туркистоннинг топширилиши // Ер юзи. — Ташкент, 1927. — № 25. — Б. 7—9.
185. Қомус ал-аълум. — Истанбул, 1894. 4-жилд. — 800 б.
186. Қораев С. Ташкент топонимлари. — Т.: Фан, 1991. — 62 б.
187. Ҳасаний М., Қиличева К. Шайх Хованд Тахур. — Т.: 2004. — 74 б.

188. Ҳожиев Э. Ташкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. — Т.: Фан, 1973. — 52 б.
189. Jeff Shaddo. Russian colonial society in Tashkent 1865—1923. — Indiana University Press. 2007. — 316 p.
190. Hellwald von F. *Russen in Centralasien*. — Augsburg, A.F. Butschis Verlag, 1873. — 234 s.
191. Holdsworth M. *Turkestan in the Nineteenth Century. A brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva*. — London, 1959. — 81 p.
192. Schuyler E. *Turkestan. Notes of a Journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. In two volumes. Vol.I*. — New York, 1876. — 411 p.

#### Диссертация ва авторефератлар

193. Абдулахатов Н. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганского вилоята): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — Т., 2008. — 30 с.
194. Азагаев Ф. Очерки по истории Ташкента второй половины XIX в: Дисс. ... канд. ист. наук. — Т., 1956. — 395 с.
195. Бейсембиев Т. Тарихи Шахрухи как исторический источник: Дис. ... канд. ист. наук. — Т., 1983. — 315 с.
196. Бўриева Х. Ташкент шахрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири — XX аср бошлари): Тарих фан. ном. ... дис. — Т., 2007. — 154 б.
197. Вахитов Ш. Аваз Мухаммад Аттар и его сочинение «Тарихи джаханнумаи» (Тухфат ут таварихи хани). Исследование, перевод и примечания: Дис. ... канд. ист. наук. — Т., 1990. — 154 с.
198. Воҳитов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. док. дис. — Т., 1998. — 305 б.
199. Илҳомов З. Алимқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни: Тарих фан. ном. ... дис. — Т., 2004. — 160 б.

200. Пулатов Х.Ш. Архитектурно-планировочная структура старого Ташкента (конец XIX — начало XX века): Автореф. Дис. ... канд. архитектуры. — Т., 1994. — 24 с.

201. Сангирова Д. Тарихи Азизий — Чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба: Тарих фан. ном. ... дис. — Т., 2000. — 153 б.

202. Соколов Ю.А. Посольские связи Ташкентского владения с Россией в конце XVIII века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. — Т., 1961. — 19 с.

203. Ҳожиёв Э. Ўрта Осиё — Россия иқтисодий-сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири — XIX аср боши): Тарих фан. ном. ... дис. — Т., 1962. — 259 б.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>МУҲАММАД СОЛИХҲУЖА ВА УНИНГ «ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИ</b> .....	13
Муҳаммад Солиххўжанинг ҳаёти ва ижоди .....	13
«Тарихи жадидаи Тошканд» асари ва унинг умумий мазмуни .....	27
«Тарихи жадидаи Тошканд» асари манбалари .....	41
<b>ТОШКЕНТНИНГ XIX АСРДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛИ</b> .....	51
Тошкент ҳудуди ва топографияси .....	51
Тошкент шаҳри атрофи ва вилоятининг географик тавсифи .....	76
Тошкент аҳолиси .....	82
Тошкент ўтмиши Муҳаммад Солиххўжа талқинида .....	87
Тошкент Қўқон хонлиги таркибида .....	93
Тошкент ҳокимлари ва уларнинг бошқарув тизими .....	106
Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши .....	116
<b>ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ</b> .....	142
Тошкент мадрасалари .....	142
Тошкент масжидлари .....	163
Зиёратгоҳ мазорлар .....	172
Маданий-маънавий ҳаёт намоянадалари .....	200
Иловалар .....	215
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	254

200. Луисов Х.Ш. Архитектурно-планировочная структура старого Ташкента (конец XIX — начало XX века). Автореферат дисс. канд. архитектуры. — Т., 1994. — 24 с.

201. Сангаров Д. Тарихи Азияда — Нор мустанлак ва илтифат даража илд мухлиманлиги. Тарихи фан ном. дисс. Т., 2000. — 153 б.

202. Солимов Ю.А. ПОСЛАНИЕ КЪ АСАРИМУНДАН ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНДА. Ташкент, 1962. — 253 б.

203. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

204. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

205. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

206. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

207. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

208. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

209. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

210. Халимов Ш. Тарихи Жадидайи Тошканд. Ташкент, 1962. — 253 б.

**ЎКТАМБЕК АБДУЛҒАНИЕВИЧ СУЛТОНОВ**

**МУҲАММАД СОЛИҲҲЎЖА ВА УНИНГ  
«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» АСАРИ**

Бадий муҳаррир **Ҳ. МЕҲМОНОВ**  
 Техник муҳаррир **Т. ХАРИТОНОВА**  
 Мусахҳиҳлар **Ш. ОРИПОВА, С. САЛОҲУТДИНОВА**  
 Компьютерда тайёрловчи **Ф. ТУГУШЕВА**

Босишга рухсат этилди 29.06.2009. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
 Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 14,28.  
 Нашр б.т. 11,5. Адади 1000 нусха.  
 Буюртма № 09-196.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
 «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
 100129, Тошкент, Навоий, 30.